

«ШАЙТОННИНГ ХЎРАГИ» НОМЛИ ОММАБОП КИТОБНИНГ МУАЛЛИФИ

ЖОН БИВЕР



**ҲУРМАТ ЭВАЗИГА
МУКОФОТ**

Ушбу унут бўлган фазилатнинг
кучини кашф этинг



Азиз дўстим!

Ҳурмат бизнинг кундалик ҳаётимизда қарийб йўқолиб бораётган фазилат бўлишига қарамай, унда ҳали ҳам бизнинг юракларимизга таъсир қиладиган ва бизни руҳлантирадиган куч бор. Ҳурмат тушунчаси энг машҳур замонавий фильмлар мавзусида ўз аксини топган ҳамда у ҳайрат ва мақтовга сазовор этилади. Бироқ бу муҳим калит бугун сизнинг ҳаётингиздаги Худонинг режасини тўлиқликда қабул қилиш учун қайдай жойни эгалламоқда?


Ҳурмат Худо сиз қўлга киритишингизни истайдиган улкан мукофотларни олиб келади. Аслида унут бўлиб ўлгурган, ушбу қоида ҳақидаги янги тасаввур, Худо сизнинг ҳаётингиз учун белгилаган ва мўлжаллаган барча нарсаларни қўлга киритишингизга ёрдам беради.

Сиз ҳурмат тушунчасини англаш, қабул қилиш ва қўллаш орқали, Худонинг қадрият тизимини билиб оласиз ва ҳурматнинг Муаллифи бўлган Шахснинг юрагига янада кўпроқ яқинлашасиз.

Уш мавзуга доир мультимедиа манбаларини [MessengerX.com](https://messengerx.com) саҳифасида ўрганишни ва уларни бошқалар билан бўлишишни тавсия этамиз.

Ҳаётингизни ҳаракат билан тўлдилинг, ичингиздаги улғворликни уйғотинг!

Сизлар билан,



MessengerX.com

Жон Бивер
JohnBevere@gmail.com



MESSENGER
INTERNATIONAL
[MessengerInternational.org](https://messengerinternational.org)

«Хурмат эвазига мукофот» китоби, Худо учун улкан аҳамиятга эга бўлган ва биз масиҳийларнинг юрагимиздан оқиб чиқиши зарур фазилатларга оид саволларга жавоб беради.

– Жойс Майер

«Хурмат эвазига мукофот»ни ўқиб чиқиб, муаллиф Жон Бивернинг ўзига, Муқаддас Китобнинг ўқитувчиси, тақдим этилган мавзудаги ажойиб тушунчага эга инсон ва қобилиятли ёзувчи сифатида, ўз эҳтиромимни билдирмоқчиман. Хурмат юрагимиздан чиқиши зарурлигини таъкидлаб, Жон ўқувчини, инсонлараро муносабатларнинг турли соҳаларида очиладиган саёҳатга етаклайди. Тўкин-сочин мукофотлар келтирадиган муҳим руҳий қоидаларни акс эттириш учун, ҳар биримизни шундай яшашга руҳлантиради.

– Брайан Хьюстон

«Хурмат эвазига мукофот» китобини илк бора ўқиганимда, қўлимда жамоатлар, никоҳлар, оилалар ва ташкилотларга аҳамиятли тарзда таъсир кўрсатадиган, дурдона асарни ушлаб турганимни тушундим. Бу олға бориш, рағбат, ҳамда манашу ва келажақдаги ҳаётда муваффақиятни очадиган калитдир. Жон Бивер, бу ҳозирги кундаги сизнинг энг яхши китобингиз деб ҳисоблайман!

– Жентэзин Франклин

ЖОН БИВЕР



**ҲУРМАТ ЭВАЗИГА
МУКОФОТ**

ЖОН БИВЕР



**ҲУРМАТ ЭВАЗИГА
МУКОФОТ**

Ушбу унут бўлган фазилатнинг
кучини кашф этинг

Honor's Reward, Uzbek, by John Bevere

© 2021 Messenger International

MessengerInternational.org

Originally published in English as Honor's Reward

Additional resources in Uzbek by John and Lisa Bevere are available for free download and video streaming at

MessengerX.com and on the **MessengerX** App

To contact the Author: JohnBevere@ymail.com

This book is a gift from Messenger International and is

NOT FOR SALE

«**Хурмат эвазига мукофот**», Жон Бивер, Ўзбек тилида

© 2021 Messenger International

MessengerInternational.org

Илк бора инглиз тилида, «Honor's Reward» номи остида чоп этилган

Жон ва Лиза Биверлар томонидан қўшимча манбаларни Ўзбек тилида

MessengerX.com ва **MessengerX** иловаси орқали бепул кўчириб олиш мумкин.

Муаллифнинг электрон манзили: JohnBevere@ymail.com

Бу китоб – “Мессенжер Интернэлл” нинг ҳадяси

ва СОТИШ МАН ЭТИЛАДИ.



App Store АҚШда ва бошқа мамлакатларда рўйхатга олинган Apple Inc.нинг товар белгисидир. Google Play ва Google LLC нинг товар белгиси ҳисобланади.

МУНДАРИЖА

- 1 Мукофотлар 9
- 2 Қисман мукофот ва мукофотсиз қолиш 19
 - 3 Тўлиқ мукофот 29
 - 4 Гап раҳбарда эмас 39
 - 5 Ҳокимият 49
 - 6 Қаҳри қаттиқ ҳукумат 65
- 7 Фуқаролик раҳбарларини ҳурмат қилиш 77
 - 8 Дунёвий етакчиларни ҳурмат қилиш 93
 - 9 Уйдаги етакчиларга ҳурмат 105
- 10 Жамоат етакчиларини ҳурмат қилиш 121
 - 11 Икки ҳисса ҳурмат 137
 - 12 Тенгдошларни ҳурмат қилиш 157
- 13 Бизга ишониб топширилганларни ҳурмат қилиш 171
 - 14 Уйдаги эҳтиром – болалар 185
 - 15 Уйдаги эҳтиром – хотин 197
 - 16 Ҳаммани ҳурмат қилинг 209
 - 17 Худоба ҳурмат 217
- Илова 231

1-БОБ

Мукофотлар

Хурмат. Йигирма биринчи асрда, бу қарийб йўқолиб улгурган фазилат ҳисобланади. Шунга қарамай, унда ҳали ҳам бизнинг юракларимизга таъсир этувчи ва руҳлантирувчи куч бор. Кинолардаги, ҳурмат кўрсата оладиган қаҳрамонлар, бизнинг кўзларимизга ёш келтиради, зеро биз бунда мардлик ва фидокорликни кўраемиз. Барча йирик блокбастерларда қарийб ҳар битта фильмнинг мазмуни ҳурмат, эҳтиром тушунчаси билан боғлиқ. Биз қаҳрамонлардаги ноёб фазилатларни завқ билан олқишлаймиз, аммо ҳаётимизда буларнинг бари қани? Одатий ҳаётнинг бир қисми бўлиши мумкин бўлган нарсалар, тўсатдан бизнинг авлодимизга бегона бўлиб қолди. Мен Худонинг ўғиллари ва қизларида ҳурмат тушунчаси тикланишини кўришни истайман. У Раббийдан эзгуликларни қўлга киритишда энг муҳим калит ҳисобланади. Айнан шу боис, жонларимизнинг душмани ҳамма нарсага эга-ю, бироқ эҳтиромнинг асл кучидан воз кечди. Эҳтиром ўз ордидан, ҳар биримиз учун Худованд тайёрлаб қўйган буюк мукофотларни келтиради. Улар бизнинг ҳаётимизда, ақл бовар қилмас кучга эга.

Сиз барча эҳтиромга лойиқ бўлган нарсаларнинг Муаллифи, Худонинг юрагига яқинлаштирадиган сафарнинг бўсағасида турибсиз. Мен ушбу самимий ҳақиқатлар сизнинг ҳаётингизга теран ва амалий таъсир этиши учун ибодат қилиб қоламан. Аксарият кишилар ушбу дарсларни жуда кеч англаб етдилар. Шу боис ҳаворий Юҳанно огоҳлантиради:

“Ўзларингизга эътибор беринглар, токи бизлар қилган меҳнатимизни йўқотмайлик, балки тўлиқ мукофотни олайлик”.

10 ҲУРМАТ ЭВАЗИГА МУКОФОТ

Юҳанно бу сўзларни ёзганида, ўзининг ярим асрлик ўтган ҳаётининг ортидан қараб турган мўсафид эди (“Кларк изоҳи” Abingdon Press; 1977; Accordance 6:6). У бизга яхши бўлиши учун бизни бугун огоҳлантирмоқда. Юҳаннода йиллар давомида синовлар орқали йиғилган сандиқ бор эди. У узоқ ва мазмунли ҳаёт кечирганлар қаторидан эди. Узоқ умр йўлини садоқат билан ўз даъватида, имонда ва кучда кечирган у каби қаҳрамонлар – ноёбдир. Мен буни “бува ёки бувининг мойланиши” деб атайман: улар сўзлаганда, донолар қулоқларини тутадилар.

Йигирма йил давомида мен Худонинг мана шундай эркак ва аёлларидан айримлари билан мулоқотда бўлишдан баҳра олганман. Бу элчилар, ҳаёти давомида аъло даражада хизмат қилиб, ишнинг кўзини билган ҳолда, ортига қарайдиган поғонага етдилар. Улар биз кўриб чиқадиган учта сифатга эга, тобланган нуронийлардир. Биринчи сифат – улар ўзларини беихтиёр энг муҳим ишларга бағишлайдилар. Улар беҳудаликларга вақт сарфлаб, юлдуз санамайдилар. Иккинчиси – улар муҳим нарсаларни бир-нечта сўз билан ифодаляйдилар. Учинчиси – улар айтадиган сўзларини танлаб, салмоқли тарзда гапирайдилар. Ортида бундай узоқ ва мазмунли ҳаёт кечирмаган кишилар доим айтиб юрадиган ибораларни, бу кишилар фақат кези келганида айтганида, буларнинг сўзлари анча аҳамиятли эшителиади. Мен вақти-вақти билан, бундай нуронийлардан эшитган битта ёки иккита жумла устида ойлаб фикр юритишимга тўғри келган.

Юқорида келтирилганларнинг барчасидан келиб чиқадиган бўлсак, ҳаворий Юҳанно ушбу битта гапда кўп нарсаларни айтган деган хулосага келишимиз мумкин. Умуман олганда, мен унинг руҳлантирувчи сўзлари устида кўп мулоҳаза юритдим ва ҳануз улардан ваҳийлар олишда давом этмоқдаман. Келинг, унинг ҳар битта огоҳлантириш жумлаларини алоҳида кўриб чиқамиз.

Мукофотингизни йўқотманг

У “Огоҳ бўлинглар” мисралари билан бошляпти. Юҳанно ҳар биримизни, ўз-ўзимизни текшириш ва кузатиш орқали эҳтиёткорликни сақлашга руҳлантиряпти. Унинг сўзлари қатъий тарзда эшителиади, аммо бир вақтнинг ўзида Юҳаннонинг бу жумласини юзаки қабул қилиб бўлмайди, унинг устида жиддий бош қотириш лозим.

Биз меҳнат билан топган нарсаларимизни йўқотиб қўймаслигимиз учун янада эътиборли бўлишимиз даркор; бу бироз кўзни очувчи тарзда

эшитилади. Демак, тиришқоқлик билан амалга оширилган меҳнат эвазига қўлга киритилган нарсаларни йўқотиб қўйишимиз мумкин экан. Қўли-қўлига тегмай заҳмат чекаётган фермерни тасаввур қилинг. У қуёшнинг кўзида ерни ҳосилга ҳалақит берадиган тошлардан ва турли хил чиқиндилардан тозалашга куч сарфлайди. Тозалаб бўлгач, ерни ҳайдайди ва экинга тайёрлаш учун, унга ишлов беради. Уруғни экиб бўлгач, ниҳолга қулай шароит яратиш учун кун бўйи меҳнат қилади: ерга ўғит беради, ўтларни юлади, уруғни суғоради. Ниҳол кўринганида эса, фермер ерни зараркунандалардан ҳимоя қилиб, тер тўқади. Лекин ҳосилни йиғим-теримига бир неча ҳафта қолганида, у шуқадар толиққани учун ҳамма нарсани ташлаб кетишини кўз олдингизга келтиринг. У беҳудага заҳмат чекди, модомики охириги лаҳзада бутун фойдани қўлдан бой беряпти. Ёки пўртана яқинлашаётгани ҳақидаги огоҳлантиришни эшитса ҳам, унга бепарволик қилади. Бу хатоси унинг барча меҳнатларини бир пулга чиқаради. Эссиз шунча вақт, пул ва куч. Фақатгина охириги лаҳзада масъулият олмаганлиги учун бефойда ҳаражатлар юзага келади.

Қайси тадбиркор охирида бир неча ёмон қарорлар натижасида ҳаммасини йўқотиш учун, ширкат кўтаришга кўплаб йилларини сарфлайди? Ахир, бу фожеа. Икки ҳолда ҳам нотўғри қарорлар туфайли оғир меҳнатларнинг ҳосили бир лаҳзада ғойиб бўлади.

Мана нима учун Ёзув бизни, қайта ва қайта тўғри яқунлашга чорламоқда: “охиригача чидаган” (Матто 10:22; 24:13; Марк 13:13). Ва яна: “Ахир, биз Масихга шерик бўлдик. Фақат бошида эга бўлган имонимизни охиригача маҳкам тутишимиз лозим” (Ибр. 3:14), шунингдек, “Ғолиб келганларга ва охиригача Менинг иродамни бажарганларга...” (Ваҳий 2:26) – дейилган. Ва бу рўйхат давом этади ва яна давом этади. Масихнинг ортидан бориш бу шунчаки қисқа масофага югуриш эмас, бу чидамлиликини синайдиган югуриш. Шундай экан, югуришни қандай бошлаганимиз эмас, уни қандай тугатишимиз муҳим. Биз қандай тугаллашимиз нимани танлашни қарор қилишимизга боғлиқ, қарорлар эса, қоидага кўра бутун йўл давомида шаклланади.

Ҳаётимизни белгилайдиган онлар

Менинг ўғилларимдан бири билан, шундай вазият юзага келди. У менга умуман ёқмайдиган ишни қилишни истади. У мен унинг ҳаракатини маъқулламаслигимни билар эди, шундай бўлса-да, ўзи қарор

12 ҲУРМАТ ЭВАЗИГА МУКОФОТ

қабул қилиши учун етарлича катта бўлган эди, шу боис ҳал қилувчи сўзни у айтиши керак эди. Вақт ўтиб, у менинг маслаҳатимга кўра иш тутмаганлигини билдим. Биз унинг қилган иши устида гаплашиб олиш учун биргаликда ўтирдик. Мен унга: “Қарор қабул қилиш сенинг қўлингда эди, лекин барибир, фурсатдан фойдаланиб, сенга таълим бермоқчиман” деб тушунтирдим.

Ёш шоҳ Реҳобоам шоҳликка тайинланганидан сўнг, тез орада ўз оқсоқолларидан ушбу сўзларни эшитди: “Отангиз бизга оғир бўйинтуруқ солиб, оғир меҳнат қилишга бизни мажбурлаган эди. Энди сиз меҳнатимизни енгиллатиб, бизни бўйинтуруқдан халос қилинг. Ўшанда биз сизга итоат этамиз”.

– 3-Шоҳ. 12:4

“Подшоҳ Реҳобоам отасининг ҳаётлигида унинг олдида турган ёши улўф одамлар билан маслаҳатлашиб: – Мен ушбу халққа қандай жавоб беришимни маслаҳат берасизлар? – деди. Улар унга сўзлаб: – Агар сен ушбу кунда бу халққа хизматкор бўлсанг, унга хизмат қилсанг, уларга диққат қилсанг ва уларга мулойим гапирсанг, унда улар барча кунларда сенга қўл бўладилар, – дедилар”.

– 3-Шоҳ. 12:6,7

“Лекин шоҳ оқсоқолларнинг маслаҳатларини рад қилди. Бирга ўсган ва ўзига хизмат қилаётган ёш йигитлар билан маслаҳатлашди. Сизлар қандай маслаҳат берасизлар? Реҳобоам билан бирга ўсиб– улғайган ёш йигитлар унга шундай маслаҳат беришди: — Арз қилган ўша халққа шундай деб айт: “Менинг жимжилоғим отамнинг белидан ҳам йўғон. Отам сизларга оғир бўйинтуруқ солган эди, энди мен ундан ҳам баттарроғини қиламан. Отам сизларни қамчи билан жазолаган экан, мен эса чаёнларга чақтириб, жазолайман”.

– 3-Шоҳ 12:8,10,11

Ёш шоҳ Реҳобоам ўзининг ёш дўстлари берган маслаҳатга кирди ва бу ачинарли оқибатларга олиб келди. Отаси Сулаймон томонидан қурилган шоҳлик, тарқоқ ҳолга келди, Исроилнинг ўн иккита қабиласидан ўнтаси доимо қириб ташланарди, зеро олтидан беш қисми темир муштан узилган эди. Битта нотўғри қарор бутун ҳаётига татиди.

Шундан сўнг ўғлимга дедим: “Кел, ортга қайтамиз. Эҳтимол, шахзода Реҳобоам ўз дўстлари билан кўп йиллар давомида отаси Сулаймон ва унинг оқсоқолларининг маслаҳатларидан нафрат билан юз ўгириб келгандир. Эҳтимол, шоҳ қасрининг яширин хоналарида шароб қадоқларини бирма-бир кўтариб, кайфу-сафо қилиб, улар аҳмоқона ва эски замонники деб ҳисоблаган маслаҳатларни масхара қилгандирлар. Эҳтимол, Реҳобоамни шухратпараст фикрлар йўқлагандир: “Ҳали шахзода эканман, жим юраман, аммо тахтга ўтирганидан сўнг эса бу телба қарияларнинг бирортасига ҳам қулоқ солмайман”. У шахзодалиги пайтида оқсоқолларнинг доно маслаҳатларини менсимасликдан, у кўп нарсани йўқотмаган эди. У ўйин аллақачон бошланганини, ўзини ақлли ҳисоблаб, бир куни буткул нодонга айланиб қолишини англамас эди. У ҳаёт-мамонтни ҳал қилувчи қарорни қабул қилиш фурсати келганида, унда доно маслаҳатларга қулоқ тутиш одати шаклланмаган эди”.

Шундан сўнг, ўғлимга дедим: “Ҳар биримизда ҳаётий муҳим бўлган танловлар олдида турадиган онлар юзага келади. Улар худди очик турган китобдаги имтиҳон саволларига ўхшайди, бироқ биз саволлар тугамагунича, биз имтиҳондан ўтдикми ёки йўқми, била олмаймиз. Ўғлим, бу гал сен менинг маслаҳатимга кирмадинг ва сен бу билан кўп нарсани йўқотмайсан. Аммо шундай кун келадикки, сен ҳаётий зарур бўлган қарорни қабул қилишинга тўғри келади. Агарда ўша вақтгача доноларнинг маслаҳатини оладиган одатни ўзингда шакллантирган бўлсанг, унда уларга амал қилишинг осон бўлади ва улкан мукофотга эришасан”.

Келинг, ўғлимдан эътиборимизни олиб, бошқа мисолни кўриб чиқамиз. Исроилнинг ўғиллари ўзларида Худонинг сўзига итоат этиш одатини шакллантирмадилар. Худо уларни қулликдан озод қилди, аммо улар доимий равишда нолир ва Унга қарши исён кўтарар эдилар. Шундай вақтлар бўлардики, уларнинг ҳатти-ҳаракатлари, худди кўздан қочирилгандек, қарийб жазосини олмагандек туюларди. Уларнинг исёнига буткул кўз юмилган пайтлар бўлган. Аммо бирин-кетин уларда, ўзларига хос хулқ-атвор шаклланди. Охир-оқибат, уларда ҳаётий муҳим қарорлар олида туриш онлари туғила бошлади. Ўн иккита айғоқчи, Худо улар учун тайин этган ерни кўздан кечириш учун Канъонга юборилдилар. Айғоқчилар салбий ҳисобот билан қайтдилар, улар чўчиган эдилар ва бутун жамоа одати бўйича олдингидек арз қилишни бошлади, бироқ бу гал уларнинг бундай ҳаракати уларга қимматга тушди. Улар энди

14 ҲУРМАТ ЭВАЗИГА МУКОФОТ

Ҳеч қачон ваъда қилинган ерга оёқ боса олмас эдилар ва умрининг охиригача чўлда сарсон-саргардон бўлиб кезиб юришга мажбур бўлдилар. Ҳал қилувчи фурсат келганида, улар узоқ вақт меҳнат қилган нарсаларнинг барини йўқотишди. Ҳеч нарса билан бу йўқотишни қоплаб бўлмас эди. Улар ўз мукофотини кўрган бўлсалар-да, унга эриша олмадилар. Реҳобоам ҳам, улар сингари умрининг охиригача ва кейинги авлодларнинг ҳаётида, ўнта қабилани қўлдан бой берди.

Қари учун ҳам, ёш учун ҳам шу жойда муҳим дарс бор: биз Худого шунчаки қулоқ солишимизгина эмас, қолаверса, Унинг юрагини забт этишимиз зарур. Шундагина биз Унинг йўл-йўриқларини оддий қонун деб қабул қилмасдан, улардаги доноликни кўра оламиз. Ёш шахзода Реҳобоам отасининг ва оқсоқолларнинг юрагини забт этишга ақли етмади. Исроилликларнинг катта ёшдаги авлодига Худонинг ишларини кўриш насиб этмади, Худонинг юраги уларга интилганини англай олмадилар, натижада улар ҳамма нарсадан қуруқ қолдилар.

Келинг, энди танганинг бошқа томонига назар ташлаймиз. Ёзувда алоҳида одамлар Худонинг юрагини кўра олганлиги ва муҳим қарорларни донолик билан қабул қилиш одатини шакллантирганининг намуналари бор. Ҳаётий зарур вақтлар келганида, улар тўғри қарор қилиб, буюк мукофотга эришганлар.

Заҳматларингизнинг ҳосилларини йўқотмасликнинг энг оддий йўли – бу Худони ҳурмат қилиш одатини ривожлантириш. Ҳар куни танлашимиз ва қарор қилишимиз зарур бўлган вазиятларга дуч келамиз. Шундай кун келадики, ортимизга назар солиб, ҳаётий муҳим лаҳзаларни кўраимиз. Борди-ю, ўзимизда художўй одатларни шакллантиришга муваффақ бўлган бўлсак, унда тўғри йўл тутамиз ва ўз мукофотимизни кўраимиз.

Мукофотлар

Юҳаннонинг навбатдаги фикрига ўтамиз ва уни тушуниш осон бўлиши учун оятни тўлиқ ўқиймиз: “Ўзларингизга эътибор беринглар, токи бизлар қилган меҳнатимизни йўқотмайлик, балки тўлиқ мукофотни олайлик” (2-Юҳанно 8). Эътибор беринг, Худо Уни изловчиларни тақдирлайди (Ибр. 11:6 га қаранг). Биз бу ҳақиқатни юрагимизга чуқур сингдиришимиз жоиз. Умуман олганда, У тақдирлашни ёқтиради. У Иброҳимга қай тарзда Ўзини таништирди? “Шундан кейин Эгамиз Ибромга шу сўзларни ваҳийда аён қилди: — Қўрқма, Ибром, Мен сенга қалқон бўламан, сенга берадиган мукофотим буюк бўлади” (Ибр. 15:1).

У деди: “Мен сенга... мукофотинг буюк бўлади”. Буни қаранг-а, бошланиши зўр-ку?! 18-Санода (9-12 га қаранг) юқорида айтилганининг садоси янграйди: “Эгамизнинг буйруқлари тўғридир, қалбларни шодликка тўлдиради... қоидаларингга итоат этганлар буюк мукофот олади”. 56-Сано учинчи оятда ўқиймиз: “Қудратли Худовандга ёлвораман, менга эзгулик берувчи ва мени тақдирловчи Худого” (Менинг ҳаётимда Ўз мақсадларини амалга оширувчига, У албатта, уни амалга оширади!)” (Кенгайтирилган таржима).

Худо Ўз фарзандларини тақдирлайди ва У тақдирлашни ёқтиради. Мен тўртта ўғилнинг отаси сифатида бу завқ-шавқни татиб кўрдим. Фарзандларимнинг кўзлари миннатдорчиликдан ёнишини кўришни ёқтираман, улар ўзларининг тўғри қарори эвазига мукофот олганида, нақадар шодланишига қараш жон-у дилим. Шу билан бирга, уларнинг нотўғри ишларини мукофотлаш – ақл билан тўтилган йўл эмаслигини тушундим. Мукофотга лойиқ бўлмаган, бунга сазовор бўлмаган кишини тақдирлаб, сиз рағбатлантиришнинг кучини йўқотасиз, рағбатлантириш эса – фойдали нарса. Болаларим мен уларни севишимни биладилар, аммо йилдан-йилга улар севиш ва мамнун бўлишнинг фарқини англашни ўргандилар. Худованд ҳар биримизни севади ва Унинг севгиси мукамал. Бу бизнинг айрим ҳатти-ҳаракатларимиз Уни бутунлай мамнун қилмайдиган вақтлар бўлмайди дегани эмас. Худованд унга маъқул бўлган ва Унинг ўғитларига қулоқ тутадиган кишиларни тақдирлайди. Эътибор беринг, Юҳанно демоқда: “Тўлиқ мукофотни олайлик”. Ушбу оят устида мулоҳаза юритар эканман, “тўлиқ” сўзи тўғридан-тўғри мен томон отилиб чиқди. Мен: “Борди-ю тўлиқ мукофот бўлса, демак, қисман мукофот ҳам бор эканда, ёки умуман ундан қуруқ қолиш ҳам мумкин эканда” - деб ўйлаб қолдим. (Ёдда тутинг, ҳозир гап нажот ҳақида эмас, балки мукофот ҳақида бормоқда). Фикр юритишда давом этиб, Юҳанно бош масала сифатида, икки ҳолат тўғрисида гапирмоқда, деган тўхтамга келдим. Биринчиси: Масихнинг ҳукм жойи. Повул шундай деган: “Ҳа, ишончимиз барқарор, шунинг учун бу таналаримизни ташлаб, Эгамиз билан бирга самода маскан қилишни афзал кўрамиз” (2-Кор 5:8).

Повул бу оятда бутун инсониятга мурожаат қилмаётганини биламиз, негаки имонсиз киши танасидан чиққанида, Раббийнинг олдида ҳозир бўлмайди, лекин дўзахга кетади. Эҳтимол, буни эшитиш оғирдир, аммо бу ҳақиқат. Исо дунёга бизни ҳукм қилиш учун эмас, балки бизни қутқариш учун келди. Дунё аллақачон, бизни абадий ҳалокатга дучор

16 ҲУРМАТ ЭВАЗИГА МУКОФОТ

қилган Одам Ато тўфайли маҳкум бўлган эди (Юҳ. 3:17, 18 га қаранг). Фақат Исо Масиҳни қабул қилиб, ҳаётини тўлиқ Унга бағишлаган кишиларгина, ердаги умри тугганида Раббийнинг олдида ҳозир бўладилар. Повул имонлиларга мурожаат қилишда давом этмоқда:

“Ҳоҳ мана шу фоний танада бўлайлик, хоҳ абадий масканда бўлайлик, бизнинг мақсадимиз Эгамизни мамнун қилишдир. Чунки ҳар биримиз Масиҳнинг ҳукми курсиси олдида ҳозир бўлишимиз керак. Шунда ҳар биримиз қилган яхши ёки ёмон ишларимизга яраша мукофот ёки жазо оламиз”

– 2-Кор. 5:9,10

Ҳар бир имонли Масиҳнинг курсиси олдида ҳозир бўлади. Ўша кунни ҳар биримиз ердаги қисқа муддатли ҳаётимизда бажаришга улгурган ишларимизга кўра тақдирланамиз. Замоनावий инглизча таржимада: “Ҳар биримиз, лойиқ бўлган мукофотимизни оламиз”, дейилган. Биз гуноҳларимиз учун ҳукми қилинмаймиз, негаки Исо Масиҳнинг қони гуноҳларимизни ювди ва гуноҳнинг жазосидан қутқарди. Биз ерда қандай умр кечирганимизга қараб, ёки мукофот оламиз, ёки аксинча, уни йўқотамиз. Бизнинг ишларимиз, сўзларимиз, фикрларимиз ва ҳатто, ниятларимиз Худонинг Сўзи бўйича текширувдан ўтади. Ҳаётимизнинг асоси қилиб олган фоний нарсалар, йўқолиб кетади, биз улар учун ҳеч қандай мукофот олмаймиз, абадий аҳамиятга эга бўлганлари эса чиримас мукофотга айланади (1-Кор. 3:14,15).

Ҳаммамиз ёки йўқотамиз, ёки тақдирланамиз. Аслида, бари қуйидагича тарзда кечади:

Ҳамма нарса ёниб кетади, ўзимиз худди оловдан қутулгандек қутулиб қоламиз, ёки Исо Масиҳ билан абадийга тахтга ўтирамыз (1-Кор. 3:15; Ваҳ. 3:21 га қаранг). Бу ерда улкан фарқ бор. Биринчи ҳолатда биз ҳеч қандай мукофотга эга бўлмаймиз; иккинчи ҳолатда эса – биз тўлиқ мукофотни қўлга киритамиз, қисман мукофот эса буларнинг ўртасида амалга ошади. Ҳукми қаршисида қабул қилинадиган қарорлар эса “абадий ҳукми” деб аталади (Ибр. 6:1,2 га қаранг), бу энди ҳеч қандай ўзгартириш ва ҳеч қандай тўзатилиш киритилмаслигини англатади. Шундан хулоса қилиш мумкинки, Масиҳнинг хочига нисбатан бўлган муносабатимиз абадийликни қаерда ўтказишимизни белгилайди. Имонли сифатида кечирган ҳаётимиз, абадиятимиз қандай бўлишини аниқлайди.

Модомики Ёзувдаги мангу суд ва мукофот борасида айтилганларини бекам-у кўст билишимиз зарур. Бу ҳақидаги билимлар Масиҳнинг оддий ёки бошланғич таълимоти сифатида ифодаланган. Мактабдаги бошланғич синфларда ўқиш, ёзиш, математика ва бошқа фанлар худди билим ғишлари сингари пойдевор солинади. Бошланғич таълим ҳисобланмиш, ёзиш, ўқиш, ҳисоблаш, кўпайтириш ва айиришларни билмай туриб, катта синфда ёки олийгоҳда ўқишни тасаввур эта оласизми? Бу имконсиз. Аммо нақадар кўп имонлилар Масиҳнинг бошланғич таълимотига ҳали эга бўлмасдан, ўз масиҳийлик ҳаётини қурмоқчи бўлмоқдалар. Бу савол шу қадар муҳимлиги, мени “Абадият томонидан бошқарилаётганлар” деб номланган китобни ёзишга ундади. Унда ушбу мавзу батафсил ёритилган. Сизга бу китобни ўқишни маслаҳат бераман.

Едаги ҳаёт

Худога маъқул бўлган одатлар, ҳукм пайтида мукофот келтириши ваъда қилинганини аниқлаб олдик, бироқ улардан келадиган баракалар ердаги ҳаётимизга ҳам етади. Биз шундай деб ўқиймиз: “Чунки жисмоний машқдан фойда оз, аммо художўйлик ҳозирги ва келажакдаги ҳаётнинг ваъдасига эга бўлиб, ҳамма нарса учун фойдалидир” (1-Тим. 4:8).

Бизнинг Отамиз, Унинг насиҳатларини амалга оширсак, бизни ҳозир ҳам, кейин ҳам тақдирлашни айтган. Ёзув шундай дейди: “Ҳақ киши ерда тақдирланади” (Ҳик. 11:32, замонавий таржима). Бу оятда нафақат самода, қолаверса, ерда ҳам дейилмоқда. Давом этиб, ўқиймиз: “Ҳақ кишилар яхшилик билан тақдирландилар” (Ҳик. 13:22, замонавий таржима). Ёқуб ўз мактубида бунга урғу бериб айтган: “Севики биродарларим, алданманглар! Ҳар бир эзгу эҳсон, ҳар бир мукамал ҳадя юқоридан, нурлар Отасидан тушади. Унда ўзгариш йўк, ўзгарувчан соя ҳам йўқдир” (Ёқуб 1:16,17).

Яхшилик Худодан келади. Бирорта ёмон ёки ҳалокатли нарсани Худодан кўрманглар, У фақат яхшилик қилади. Раббий сизни Ўз инъомлари билан шу ерда ва ҳозир тақдирламоқчи. Унинг мукофотлари, ўзининг ортидан салбий оқибатларни олиб келмайди. Муқаддас Китобда қуйидагича ўқиймиз: “Содиқ киши бой мукофотга эга бўлади” (Ҳик. 28:20, замонавий таржима). Бой мукофот, “тўлиқ мукофот”ни англатади.

Ҳаворий Юҳаннонинг сўзлари устида мулоҳаза юритиб, шундай

18 ҲУРМАТ ЭВАЗИГА МУКОФОТ

деб ўйладим: “Биз тўлиқ, ёки қисман мукофот олишимиз, ёки умуман мукофот олмаслигимиз мумкин экан, унда бу мукофотлар бизнинг ердаги ҳаётимизга ҳам тегишли деб ўйлаш ўринли бўлади”. Агарда Исо Масиҳнинг ҳаётига диққат билан қарасак, бу ҳақиқат ойдинлашади. У бу заминда одамлар билан учрашиб юрганида, кимдир қисман мукофот олган, кимдир эса умуман мукофотга эриша олмаган, кимдир эса тўлиқ мукофотни қўлга киритган.

Келинг, ҳар битта вазиятни алоҳида кўздан кечирамиз, у ёки бу вазият, қай тарзда юзага келишини кузатамиз ва Худо бизга нимани тайёрлаб қўйганлигининг гувоҳи бўламиз.

2-БОБ

Қисман мукофот ва мукофотсиз қолиш

Носира шаҳридаги одамлар, ваъда қилинган Мессия (Масих) келишини ҳис-ҳаяжон билан кутар эдилар; Исроил Унинг келишига тайёр эди, у ердагилар, содир бўлаётган воқеаларни диққат билан кузатардилар, зеро вақт келган, мавсум бошланган эди. Худонинг халқи замонавий масиҳийлардек эдилар, негаки кўпчилигимиз Унинг қайта келиши вақтида яшаётганимизни биламиз. Исо биз вақт ва муддатларни билишимиз, бироқ кун ва соатни билмаслигимиз тўғрисида айтган. Исроилликлар Мессия келишининг биринчи мавсумини билгани умуман ғалати эмас. Дониёр ўз китобида вақт доирасини етарли даражада аниқ ифодалаган (Дон. 9:24:26), ва қонун изоҳчилари, узоқдан келган донишмандларга Масихни қаердан излаш зарурлигини айтишди (Матто 2:4 га қаранг). Улар вақт яқинлигини билсалар ҳам, У келганида, одамларнинг Унга бўлган муносабати ғалати эди:

“Исо у ерда ҳеч қандай мўъжиза кўрсата олмади. Фақатгина бирмунча беморларга қўл теккизиб, уларни соғайтирди”.

– Марк 6:5

“У ерда ҳеч қандай мўъжиза кўрсата олмади”, деган иборага эътибор беринг. Бир неча йил илгари, Ёзувдаги бу матнни ўқиганимда, манашу жумлага тўхталиб қолдим. Мен ўйладим: “Бир дақида, бу ерда “Исо у ерда ҳеч қандай мўъжиза яратмади”, дейилмаган, балки “Исо у ерда ҳеч қандай мўъжиза ярата олмади”, дейилган. Борди-ю бу ерда “яратмади”

20 ҲУРМАТ ЭВАЗИГА МУКОФОТ

деб ёзилганида, мен бунга бутунлай эътибор бермаган бўлардим, чунки бу вазиятда Унинг шахсий иродаси тўғрисида гап бораётгани равшан бўлар эди. Бироқ бу ерда “ярата олмади” дейилган, бу Исони нимадир тўхтатиб турганини, Уни нимадир, тўғридан-тўғри чеклаб турганини билдиради. Бошқа таржималарда ҳам ушбу фактга урғу берилган ва у ажралиб кўрсатилган. Жумладан, кенгайтирилган таржимада: “Исо у ерда бирорта мўъжиза яратишга имконсиз эди”, дейилган.

Унда савол туғилади: Исо нега Носирада бирорта ҳам мўъжиза ярата олмади? Уни нима ушлаб турарди? Исо бошқа шаҳарларда ҳайратли мўъжизалар яратди: кўрлар кўрди, карлар эшитди, шоллар юрди, ўликлар тирилди. Бу ҳам фақат ёзилган айрим мисоллар, холос. Биз Хушxabарларда, У кўплаб касаллар ва заифларга шифо берганини тез-тез учратамиз. Фарқ нимада? Исо нега ўз она шаҳрида айрим кишиларнигина шифолай олди? Бунга жавобни юқоридаги оятларда, Носира аҳолисининг сўзларидан билиб оламиз:

“Бу Одам шунча нарсани қаердан ўрганди экан— а? — деб сўрардилар. — Унга бундай доноликни ким берди? У бундай мўъжизаларни қандай қиляпти? У Марямнинг дурадгор ўғли— ку! Ёқуб, Юсуф, Яҳудо ва Шимўннинг акаси эмасми бу?! Унинг сингиллари ҳам орамизда яшайди— ку! Одамлар Исодан қаттиқ хафа бўлдилар. Исо уларга шундай деди: — Пайғамбар она шаҳридан, ўз қариндош— уруғлари ва уйдан бошқа ҳамма ерда иззатланади”.

— Марк 6:2-4

Келинг, нима содир бўлганига қараймиз. Исо Ўзи ўсиб-ўлғайган шаҳарга қайтди ва шанба кунги Худо халқининг йиғинига келди. Ҳамма синагогада йиғилдилар. Қутилмаганда Исо туриб, қуйидаги сўзларни ўқиди: “Раббийнинг Руҳи устимда, зеро У мени мойлади” (Луқо 4:18).

Одамлар бу сўзларни билгани учун, гап нимадалигини тушундилар. Улар келажакда келадиган Мессия ҳақида сўзлайдиган, пайғамбарлар китоблари орасида энг муҳим китоб бўлмиш, Ишаъё китобидан олинган бу матнни кўп маротаба эшитган эдилар. Биз ҳам, худди шундай таниш бўлган Тоғдаги воизлик ёки “Осмондаги Отамиз” ибодатини эшитганимизда, бунинг давомини аниқ тушунишимизга ўхшайди.

Исо давом этди: “Эгамизнинг Руҳи мени қамради. Йўқсилларга Хушхабар етказмоқ учун Эгам мени танлади. Зиндондагиларга эркин бўласиз, деб айтмоқ учун, кўрларга, кўзингиз очилади, деб хабар бермоқ учун, асирларни озод қилмоқ учун, Эгамнинг марҳамат йилини маълум этмоқ учун Эгам мени юборди”.

– Луқо 4:18-20

Энди йиғилганларга биргина нарса тушунарсиз эди: нега Ёзувни тажрибали раввин эмас, балки манашу маълумотсиз ёш йигит ўқияпти? Тўсатдан гўёки бомба сингари портлаш эшитилди, Исо китобни ёпиб, эълон қилди: “Ҳозир шу Ёзув амалга ошди” (Луқо 4:21), сўнг У бошқа шаҳарларда амалга оширган буюк мўъжизалар тўғрисида сўзлаб берди ва Ўзининг қудратли пайғамбарчилик мактубини шу жойда яқунлади.

Нима? У жиддий гапирдимиз? Улар тўғри эшитдиларми? У чиндан ҳам, Ишаъё башорат қилганларнинг бириман, дедимиз? Беъманилик! Телбалик! Одамлар даҳшатли имонсизлик билан бир-бирига дейишни бошладилар: “Бу Исо-ку! У нима қилаяпти ўзи? Нега У бундай гапларни айтмоқда?”

Қандайдир аёл шундай деганини тасаввур этишим мумкин: “Бўлиши мумкин эмас! У менинг ўғлим билан бир синфда ўқиган”. Худди шунга ўхшаган ҳурматли хоним унинг гапига қўшилган: “Унинг оиласи бизнинг қўшимиз. У ўғлим Бенямин билан ўйнаган!”

Бошқалари ҳам эслаб қолишган: “У бизга ошхонамиз учун стол ясаб берган, биз ҳар куни ундан фойдаланамиз! У бизга стуллар ҳам ясаб берган! У дурадгорнинг ўғли! У: “Раббийнинг Руҳи ўстимда” деганида, нимани назарда тутди, У Ўзини Ким деб ўйлаяпти?”

Бугун биз шундай деган бўлардик: “У менинг ўғлим билан футбол ўйнаган! Ёки у менинг қизим билан математика синфида бирга ўқиган!”

Улар Эски Аҳд ҳақидаги шахсий тушунчаси асосида, Мессия қандай келиши кераклиги тўғрисида ўзларининг тасаввурига эга бўлганлар. Мана, Ишаъё пайғамбар китобидан яна бир машҳур матн:

“Зеро бизга Чақалоқ туғилди, бизга Ўғил берилди. Ҳукмронлик Унинг елкаларидадир ва Унга: Ажойиб, Маслаҳатчи, Қудратли Худо, мангу Ота, тинчлик Ҳокими, деб ном берилади. Довуднинг тахтида ва унинг шоҳлигида Унинг ҳукмронлиги ҳамда тинчлигининг чеки бўлмайди. У буни бугундан тоабад

22 ҲУРМАТ ЭВАЗИГА МУКОФОТ

адолат ва ҳақиқат билан ўрнатади ва мустаҳкамлайди.
Кўшинлар Худовандининг рашки буни амалга оширади”.

– Ишаъё 9:6,7

Худонинг халқи нотабиий донолик ва кучли ҳукмдор қиёфасидаги улуғвор Шоҳни кутишган. У уларни Рим зулмидан қутқаришини ва мустақил миллат тузишини кутишган. У келганида Довуднинг тахтини эгаллайди ва абадий ҳукм суради. Аммо Исо халқнинг ичидан чиққани, улар билан битта мактабда ўқигани, кўчадаги бошқа болалар билан бирга ўйнаб-кулгани, отаси билан мебел ясагани, шунингдек, қаллоблар (солиқ йиғувчилар) ва фоҳишалар орасида ўсгани, табиийки, У билан бирга ўсганларнинг кўзларини кўр қилган. Улар буни тушуна олмаганлар ва ақлига сиғдира олмаганлар. Ҳамма жойда: “Биз Мессиянинг келишини бундай тасаввур этмаган эдик!” деб, бақириб юришган.

Исонинг она шаҳридаги одамлар “Бизга Ўғил берилди”, дейилган башорат ва “Унинг ҳукмронлигининг кўпайиши ва тинчлигининг чеки бўлмаслиги” каби башоратнинг тўлиқ амалга ошишининг ўртасидаги фарқни, яъни Мессиянинг иккинчи маротаба танада келишигача, бир неча минг йил ўтишини тушунмаганлар.

Ёзувдаги бошқа матнларга қараганда, бу жойни тушуниш бироз мушкул: Худованд аксарият ҳолларда бизга керак бўлган нарсани бизга ёқмайдиган муқовага ўраб юборади. Нега? Чунки биз У Худо эканини ва Унинг ҳаракатларини олдиндан билолмаслигимизни тушунишимиз учун шундай қилади. Масалани онг билан ечиш имконсиз, биз Унинг Ўзини ва Унинг инъомларини юрагимиз билан излашимиз лозим. Ёзувни чекланган инсоний онгимиз билан таҳлил қилиш мумкин эмас. Муқаддас Руҳнинг нафаси бўлиши зарур. Ёлғиз У бизга доно маслаҳат беради ва буни тўғри қўллашни кўрсатади.

Кескин зиддият

Сизга яна бир мисол келтираман. Фарзийлар ҳам қудратли Мессияни – ҳукмдорни, Худонинг халқини Рим сиқувидан озод қиладиган қаҳрамонни излаган эдилар. Улар Унинг келишини сабрсизлик билан кутаётган етакчилар эдилар, Иерусалимда ўрнатиладиган янги шоҳликда, улар ҳам ҳукм сурагимиз деб ўйлардилар. Шундай қилиб, Исо маълумоти

бўлмаган одам сифатида Жалиладан келганида, улар Унинг устидан қилишди, негаки У уларнинг Мессия ҳақидаги тасаввурига мос эмас эди.

Исони доим саволлар билан кўмиб ташлардилар. Бир жойда шундай деб ўқиймиз: “Фарзийлар: “Худонинг Шоҳлиги қачон келади?” – деб Исодан сўраганларида, У уларга шундай жавоб берди: “Худонинг Шоҳлиги кўзга кўринадиган бўлиб келмайди. Шунингдек: “Қара, у бу ерда ёки у ерда”, – деб айтмайдилар. Чунки мана, Худонинг Шоҳлиги сизларнинг ичингиздадир”.

– Луқо 17:20, 21

Фарзийлар яна Мессиянинг ердаги шоҳлиги ҳақидаги Ишаёё башоратига мурожаат этдилар. Улар ҳам Мессияни излар эдилар, бироқ улар Худо Рўҳининг бошқарувига таянмасдан, Муқаддас Ёзувни ўзларининг шахсий таҳлилига асосланган ҳолда, чизган Унинг тимсолини излар эдилар. Улар Худони юраклари билан эмас, балки онги билан билар эдилар.

Келинг, таққослаш учун Мессия билан учрашувни излаган яна бир инсонга диққатимизни қаратамиз. Унинг исми Шимон. Луқо Хушхабариди, у тўғрисида шундай дейилган:

“Ўша вақтда Йерусалимда Шимон исмли бир одам бор эди. У ҳақ ва диёнатли киши бўлиб, Исроилнинг юпатилишини интизорлик билан кутар эди. Муқаддас Рўх унинг устида эди. Раббий Масихни кўрмагунича, у ўлим кўрмаслиги ҳақида Муқаддас Рўх томонидан унга ваҳий берилган эди. Шундай қилиб, у Муқаддас Рўх таъсирида маъбадга келди. Исонинг ота-онаси қонун маросимини бажариш учун Уни маъбадга олиб келганларида, Шимон чақалоқни ўз қўлига олиб, Худони мадҳ этди”.

– Луқо 2:25-28

Қисқача қилиб айтганда, Шимоннинг кейинги сўзларини, ҳали энди ўттиз кунлик бўлган чақалоқни, Мессия деб эълон қилиш деб тушунса бўлади. Бу жуда қизиқ. Мана, эндигина ўттиз кунга тўлган болани Мессия деб тан олган инсон. Шу билан бир қаторда, Носира Уни тан олмади. У ўттиз ёшга кириб, бутун инсоният тарихида бирор бир инсон яратмаган мўъжиза ва аломатларни яратишни бошлаганида, фарзийлар Унинг

24 ҲУРМАТ ЭВАЗИГА МУКОФОТ

устидан кўлишди! Нима учун? Негаки Худо бу Рух, шундай экан Уни ва Унинг йўлларини билишни истаганлар, Уни ҳақиқатни очиб берадиган, Унинг Рухи орқали таниб-билишлари зарур. Шимон ва бошқаларнинг ўртасида ақл бовар қилмас фарқ бор ва биз бу фарқни аниқ-тиниқ кўра олишимиз жоиз. Муқаддас Рухнинг очиқлиги, нега аксарият одамлар Худодан ўзларининг тўлиқ мукофотини ололмастлигини тушунишга бизга ёрдам беради.

Ҳурмат

Аввал, келинг, Исо уйдагиларининг Унинг хизматиغا бўлган муносабатини, қандай таҳлил қилганига қараймиз. У деди: “Исо эса уларга: “Пайғамбар ўз ватанидан, ўз қариндошлари ва хонадонидан бошқа ерда ҳурмат-иззатсиз бўлмайди”, – деди” (Марк 6:4).

Ҳурмат – бу ҳал қилувчи сўз. Улар Исони ҳурмат қилмадилар.

Ҳурмат сўзи юнон тилидан – *time* бўлиб (“ти-ми” деб талаффуз этилади), мен манашу сўз ва унга оид сўзларни ўрганишга кўп вақт сарфладим. Мен юнон тилидаги кўплаб луғатлар, таҳлиллар ва бошқа китобларни кўриб чиқдим ва юнон тилидаги тадқиқотларни топдим. Шунингдек, мен юнончада мукамал гапирадиган одамлар билан мулоқотда бўлдим. Улардан бири Грецияда яшайди, унинг оиласи тўртинчи авлоддаги имонлилардан ташкил топган. Буюк Британияда яшайдиган, яна бир хизматчи бор. Энди сизга менинг барча изланишларимни ўзига мужассамлаштирган таърифни келтираман.

Time (ҳурматнинг) энг оддий ва тўғридан-тўғри таржимаси – бу “қадр-қиммат” ҳисобланади. Агар сиз бирорта юнонга *time* сўзини айтсангиз, у “қиммат, қардли, аҳамиятли нарсани”, масалан олтинни кўз олдига келтиради. Ўйлаб кўринг – ахир сиз қутига олтинни ҳар хил кераксиз нарсалар билан бирга қўймайсиз-ку, ҳойнаҳой, сиз у учун фахрли жой топасиз. Ҳурматнинг бошқа таърифлари эса – “юқори баҳолаш, эҳтиром билдириш, қаршисида титраш, эъзозлаш” кабилардир. Баъзан сўзни яхшироқ тушуниш учун унинг қарама-қарши маъносини кўриб чиқиш лозим. Ҳурмат сўзининг антоними – ҳурматсизликдир. Юнон тилидан – бу “*atimia*” дейилади. Унинг айрим сифатлари: “ҳурмат ва эҳтиром кўрсатмаслик”, “оддий, ўрта-миёна одамга ёки қулга бўлгандек, муносабатда бўлиш” дейилган.

Борди-ю сиз юнон кишига “ҳурматсилик” сўзини айтсангиз, у оддий,

одатий, осонликча келиб, буғдек осонликча кетадиган нарса ҳақида ўйлайди. Ҳурматсизликнинг янада кучлироқ шакли, уятли ва ҳақоратли нарсаси қабул қилинади. Юнон луғатлари ва изоҳларини ўрганиб чиқиб, ҳурмат – ҳаракатлар, сўзлар ва ҳатто, фикрлар кўринишида намоён бўлишини кўрдим. Аммо ҳаққоний эҳтиром юракдан чиқади. Мана нима учун Худо дейди: “Бу халқ Менга оғзи билан яқинлашиб, тили билан ҳурмат қилгани, лекин унинг юраги Мендан узоқ бўлгани учун ва уларнинг Менинг олдимдаги эҳтироми инсоний амрларни ўрганиш бўлгани учун” (Ишаё 29:13).

Худонинг сўзларига эътибор беринг: “Менинг олдимдаги эҳтироми”. Ҳаққоний ҳурмат Худонинг қаршисидаги эҳтиромдан юзага келади. Бу ўта муҳим ва биз бунга яна қайтамыз. Исо Носирадаги одамлар Унга ҳурмат кўрсатмагани ҳақида айтди, яъни Унинг шаҳардошлари Уни қадрладилар ва Унга аҳамият бермадилар. Улар Исони Худонинг иродасини бажариш учун юборилган Шахс сифатида таниб-билмадилар. Ҳойнаҳой, улар Исога навбатдаги инсон, оддий қўшни йигит деб қараганлар. Айнан шунинг учун улар мукофотга қисман эришдилар. Исо у ерда ҳеч қандай мўъжиза ярата олмади. У ерда бирорта деярли ҳодиса юз бермади: эҳтимол, бир неча киши бош оғриғидан, яна бир неча артрит ва бир-иккитаси бел оғриғидан шифолангандир.

Бу ҳақида фикрлаб кўринг, Худонинг Ўғли, Инсон Ўғли, Муқаддас Рухга чексиз тўла Исо – касалларни ва барча жинга чалинганларни шифолаш учун юборилган. Бироқ У Ўз вазифасини бажара олмади. Бу Худо ўша шаҳардаги одамларни шифолашни истамагани учун эмас, балки ўша одамлар Исога зарур бўлган эҳтиромни кўрсатмай, Уни ўзлари чеклаб қўйганлари учун шундай бўлди. Улар Исога оддий маҳалладош йигит сифатида муносабатда бўлдилар. Шу боис, улар кичик, қисман мукофотни қўлга киритдилар (бор-йўғи бир неча касаллар шифоланди).

Мукофотдан бутунлай қуруқ қолган вазиятлардан бирини Хушxabарларда топамиз. Бу Исо бир дафъа уйда ўтириб, Ёзувни биладиган устозлар ва шинавандаларга таълим бераётган воқеадир. Бу одамлар Жалила ва Яҳудиянинг барча шаҳарларидан, Исони тинглаш учун ташриф буюрдилар. Биз шундай деб ўқиймиз: “Бир куни Исо таълим бераётганида, Галилия ва Яҳудиянинг ҳамма жойларидан ҳамда Йерусалимдан фарзийлар ва Қонун ўқитувчилари келиб, у ерда ўтирган эдилар. Раббийнинг куч-қудрати эса касалларни шифолашда намоён бўлаётган эди” (Луқо 5:17). Касаллар сўзига диққат қаратинг – гап

26 ҲУРМАТ ЭВАЗИГА МУКОФОТ

Ўша ерда ўтирган одамлар ҳақида бормоқда. Энди сизга ҳақиқатни айтишимга ижозат беринг: Худо ҳеч қачон бирор нарсани беҳудага сарфламайди. Исо аввал тўрт минг кишини, сўнгра беш минг кишини тўйдирганини эсга олинг. Икки ҳолатда ҳам, ҳеч нарса нобуд бўлмаслиги учун, У қолган нонларни йиғиб олишни жиддий буюрди. Кўпчилигимиз шунчаки қолдириб кетишимиз ёки ахлат қутисига ташлаб юборишимиз мумкин бўлган қолдиқларни, Исо териб олди. Буни биз Ёзувнинг ҳамма жойидаги, Худонинг ишларида кузатишимиз мумкин. У ҳеч қачон бирор нарсани беҳудага сарфламайди.

Шундай қилиб, Худонинг қудрати фарзийлар ва қонуншуносларнинг шифоланиши орқали намоён бўлган экан, демак, улардан ақалли биттаси ёки кўпчилиги шифога муҳтож бўлган. Энди ўз тажрибамдан келиб чиқиб, айтаман. Келинг, ҳозирги замондаги вазиятни тасаввур қилайлик. Катта залда бир неча юз кишини йиғинг, бундай улкан гуруҳнинг ичида турли касалликларга эга бўлган, ақалли ўнта, ёки бундан анча кўпроқ кишилар топилади. Худонинг шифоловчи кучи ўша ерда бўлади, аммо ҳеч ким соғаймайди.

Бироз ўтиб, бир неча кишилар, ўзининг шол дўстини, тўғридан-тўғри ётоғи билан олиб келдилар. Улар эшик орқали кирмоқчи бўлдилар, бироқ ҳамма ўтиш жойлари оломон билан лиқ тўла бўлганлиги туфайли кира олмадилар. Шунда улар бошқа йўл билан ёриб ўтишга уриндилар. Улар таслим бўлишнинг ўрнига, томга чиқиб, томнинг бир қисмини олиб ташладилар ва шолни тўғри Исонинг оёқлари олдига тушурдилар. Сўнг биз ўқиймиз: “Исо уларнинг имонини кўриб, шолга: “Эй, одам, сенинг гуноҳларинг кечирилди”, – деди. Уламолар ва фарзийлар эса: “Күфрлик қилаётган бу ким экан? Ёлғиз Худодан бошқа ким гуноҳларни кечира олади?” – деб мулоҳаза қила бошладилар” (Луқо 5:20-21).

Эътибор беринг, Луқо фарзийлар “мулоҳаза қила бошладилар” деб ёзган. Келинг, буни чуқурроқ ўрганамиз. Ушбу етакчилар бир-бирларининг қулоқларига шивирладиларми? Ёки улар гуруҳларга бўлиниб, Исонинг сўзларини муҳокама қилдиларми? Вазиятни янада ёритиш учун Матто Хушхабарига мурожаат этишимиз лозим. Матто ёзган: “Шунда баъзи уламолар ўз ичларида дедилар...” (Матто 9:3). Хуллас, уламолар Исога фақатгина ўз фикрларида эҳтиром кўрсатмадилар. Улар овоз чиқариб бирорта уятли, танқидий, номаъқул сўз айтмадилар, улар атиги фикрларида шундай деб ўйладилар. Марк ҳам қўйидагича ёзган: “У жойда баъзи уламолар ўтирган эдилар. Улар ўз юракларида...” (Марк 2:6).

Исо уларнинг ўйлаганларига нисбатан нима деб жавоб берганига қулоқ солинг: Исо шу лаҳзада Ўз руҳи билан уларнинг ўзларича шундай фикр юритаётганларини тушуниб, уларга деди: “Нима учун сизлар юракларингизда бундай фикрляяпсизлар? Нима осонроқ? Шол одамга: “Сенинг гуноҳларинг кечирилди”, – деб айтишми, ёки: “Ўрнингдан тур ва тўшагингни олиб юр”, – дейишми? Лекин Инсон Ўғлининг ер юзида гуноҳларни кечириш ҳоқимиятига эга эканлигини билиб олишингиз учун, – (Исо шол одамга деди), – Сенга айтаман, ўрнингдан тур, тўшагингни ол ва уйингга бор” (Марк 2:8-11). Шу заҳоти шол одам турди, ётоғини олди ва барча хизматчиларнинг кўз олдида уйига кетди. Муқаддас Китоб таъкидлашича, бу воизхонлар ва устозлар шундай деган: “Биз ҳеч қачон бунақасини кўрмаганмиз”, – деб Худони шарафладилар” (Марк 2:12). Улар ҳайратланишди, аммо уларнинг ҳеч бири шифо топмадилар! Улар ўз фикрларида Исога эҳтиром кўрсатмаганлари сабабли, ҳеч қандай мукофотга эришмадилар.

Ушбу вазиятда сўзлар ва ҳаракатлар эмас, балки овоз чиқариб айтилмаган фикрлар ўз ролини ўйнади. Ёдингиздами, ҳурмат ва ҳурматсизликни ишлар, сўзлар ёки фикрлар орқали намоён қилиш мумкин, лекин ҳақиқий эҳтиром доим юракдан чиқади, деб айтган эдик. Аксарият фарзийлар, қонун устозлари, уламолар, аллақачон Исога ҳурмат кўрсатмасликни одат тусига киритиб олишган эди. Улар Исонинг устидан мазах қилишган, Унга нафрат билан қарашган ва кўп марта халойиқ олдида шарманда қилишга уринишган.

“Уламолар билан фарзийлар эса Исога қарши айб топиш учун... Уни кузатар эдилар” (Луқо 6:7). Бошқа жойда ўқиймиз: “Шунинг учун улар Исони кузатиб, Унинг олдида ўзларини ҳудожўй қилиб кўрсатувчи маккор одамларни юбордилар, токи улар Исони ҳоқимнинг қўлига ва ҳукмига топшириш учун Унинг айтаётган бирон сўзиде Уни тузоққа илинтирсинлар” (Луқо 20:20). Бу ерда фақат бир нечта мисолларни келтириб ўтдим, аммо улар Исога нафақат эҳтиром кўрсатмаган, шунингдек, Уни бадном ва шарманда қилишни истагани ёзилган матнлар кўпчиликни ташкил этади.

Носирадаги одамлар Исога ҳурмат кўрсатмагани туфарили мукофотнинг кичик бир қисмига эришдилар. Фарзийлар эса ўз мулоҳазаларида Исони беҳурмат қилдилар ва мукофотдан бутунлай қуруқ қолдилар. Қуйида мукофотни тўлиқлигича қўлга киритган кишиларга қараймиз ва уларнинг мукофоти ҳурмат тушунчаси билан боғлиқми, йўқми кўриб чиқамиз.

3-БОБ

Тўлиқ мукофот

Исо Ўз хизматининг бошида Капернаҳумга келди ва шу заҳоти юзбоши, Рим зобитини учратди. У Масихдан, қаттиқ азоб тортаётган шол хизматкорини соғайтиришни сўради. Исо рози бўлди: “Мен бориб, уни шифолайман” (Матто 8:7). Юзбоши жавобан деди: “Ҳазрат! Сен менинг томим остига киришингга мен лойиқ эмасман” (Матто 8:8). Бир дақиқа, “лойиқ эмасман?” Бу ерда ғолиб, енгилган билан гаплашяпти, аслида! Рим Исроил халқини босиб олган эди. Нега Рим зобити яҳудий дурадгорга: “Сен менинг томим остига киришингга лойиқ эмасман” – деди? Бу худди, Америка флотининг қўмондони Ироқлик сувчига қараб: “Сен менинг томим остига киришингга лойиқ эмасман” – дейишига ўхшайди. Бу инсон Исога нақадар ҳурмат билдираётганини кўраяпсизми? Қаранг, Рим юзбошиси, бу дурадгор, аслида ким эканини билади. У Исодаги муҳим сифатга диққатини қаратди ва энг юқори даражада, Унинг ҳурматини жойига қўйди. Давом этиб, ҳарбий тушунтирди: “Зеро мен ҳам ҳокимият остидаги одамман, менинг қўл остимда ҳам аскарларим бор. Бирига: “Бор”, – десам боради, “кел”, – десам келади, бирор хизматкоримга: “Буни қилгин”, – десам бажаради” (Матто 8:9).

Аввалом бор, келинг, бу зобитнинг унвонига назар солайлик. Рим армиясида олти мингта солдат бўлиб, уларнинг устидан бир киши қўмондонлик қилган. Қўшиндаги олти мингта ҳарбийнинг олтмишта юзбошчиси, бош қўмондонга ҳисобот берар ва ҳар битта юз бошига юзта аскар бўйсунар эди. У Исога нима учун ва қай тарзда, у нимаики сўраса, амалга ошишини тушунтираяпти. Юзбошининг аскарлари уни ҳурмат қилар ва унга бўйсунарди, негаки унинг ўзи ҳам, ўз навбатида

30 ҲУРМАТ ЭВАЗИГА МУКОФОТ

Рим ҳукуматининг қарамоғидаги қўмондонининг ҳурматини жойига қўяр эди. Оддий тил билан, шундай дейиш мумкин: “Мен ўз давлатимга ва қўмондонимга нисбатан эҳтиромда эканим ва ҳукуматга ҳурмат кўрсатишим учун, менда ҳам ҳокимият бор. Хуллас, мен атиги сўз айтсам кифоя, шунда менинг қўл остимдаги одамлар шу заҳотиёқ, менинг фармонларимга бўйсундилар”.

Унинг бошида айтган сўзларига эътибор беринг: “Зеро мен ҳам”. У Исонинг устидаги Худонинг ҳокимиятини тан олмоқда, чунки у ҳарбийлар дунёсида, қандай ҳокимиятга эга бўлса, Исо ҳам кўринмас руҳий Шоҳликнинг ҳокимиятидан фойдаланаётганини англади. Айнан шу боис, касаллик бўйсунуши учун, фақат буйруқ беришгина кифоялигини у тушунди. Ахир, аскарлар унинг буйруғига, қанчалик тез итоат этиши шартлиги, уни мутлақо қизиқтирмайди.

Қаранг, Исо нима деб жавоб берди: “Исо буни эшитганида ажабланди ва ортидан эргашганларга қараб: “Мен сизларга ростини айтаман, бундай катта имонни ҳатто Исроилда топмадим, – деди” (Матто 8:10).

Тушунаяпсизми? Исо бу римлик ҳарбий, Яҳё Чўмдирувчидан кўра кўпроқ имонга эга деб эълон қилмоқда! Бу борада ўйлаб кўринг. Яҳё Чўмдирувчи ҳам Исроилдан эди-ку. Давом эттирадиган бўлсак, бу юзбошининг имони Исонинг онаси, Марямнинг имонидан кучли бўлган. Исо ўттиз йил давомида Исроилда, манашу юзбошининг имонидан кўпроқ имонга эга бўлган бирор кишини учратмадим деб айтмоқда. Исо эса ҳеч қачон бўрттириб гапирмайди. Шу онда Исроилни қарам қилганларнинг томонидаги, Рим фуқароси ва Рим қўшинининг жангчиси ҳаққоний мукофотни қўлга киритмоқда.

Шахсан мен имон билан яшайман, умид қиламанки, сиз ҳам имон билан яшайсиз, негаки имонсиз Худога маъқул бўлишнинг имкони йўқ (Ибр 11:6). Ёзув дейди: “Шундай экан, имон – эшитишдан, эшитиш эса – Масиҳнинг сўзи орқалидир” (Рим 10:17). Аминманки, Яҳё Чўмдирувчи бу римлик юзбошидан кўра, анча кўпроқ Ёзувни эшитган ва шунга қарамай, юзбошининг имони кўпроқ эди. Ўйлашимча, (ҳойнаҳой, мен ҳақман) Исонинг онаси Марям, ўн иккита шогирдлар ва Исо билган кўпчилик бошқа Исроилликлар бу жангчига қараганда, Худонинг Сўзини кўпроқ билган, аммо юзбошининг имони, санаб ўтилган кишиларнинг ҳаммасининг имонидан кўпроқ бўлиб чиқди. Унинг имонини, нима бундай буюк даражага кўтарди? Унинг Исога кўрсатган эҳтироми ва унинг ҳокимият ҳақидаги тушунчаси. Луқо Хушхабари 17-бобда, имон нафақат

Худонинг Сўзини тинглашдан иборатлигини, қолаверса, яна унга нисбатан эҳтиром ва унинг ҳокимиятини тан олиш ҳам, унга ҳамроҳ бўлиши зарурлигини кўрамиз.

Бу инсон ўзининг мукофотига тўлиқлигича эришди, чунки у ҳурмат кўрсатди ва ҳокимиятнинг аҳамиятини тушунди. Унинг ҳокимиятга бўлган муносабати, юрагидаги эҳтиромни ифодалади. Шундай қилиб, унинг ниятларининг илдизи, Исога ҳурмат кўрсатишдан иборат эди.

Рад этилмаган аёл

Марк Хушхабари еттинчи бобда, Суриянинг Финикия юртида туғилган юнон аёли, Исога ёрдам сўраб келганини ўқиймиз. Муқаддас Китобда у Исодан, тўхтовсиз равишда, жинга жалинган қизини шифолашини сўрагани ёзилган. Бу Исо унинг бир марта ўтинишига ҳам, иккинчи ўтинишига ҳам эътибор бермаганини билдиради. Ҳойнаҳой, у Исога кўп марта мурожаат қилган. Афтидан Исо у томонга ҳатто, қиё ҳам боқмаган. Шундай бўлса-да, у ўтинишда давом этди. У умидини йўқотмади ва охири жавобни эшитди: “Лекин Исо унга: – Аввал болалар тўйишсин, чунки нонни болалардан олиб, итларга ташлаш яхши эмас, – деди” (Марк 7:27).

Бу оятни турлича шарҳлаш мумкин, аммо маъноси барибир битта. Исо уни ит деб атади! Бу аёл америкалик бўлмаганидан бағоятда хурсандман. Аксинча бўлганида, Исо ундан жавобан, бир дунё ёқимсиз сўзларни эшитишига тўғри келарди. У мана шундай жанг отига миниб оларди: “Нима! Сен мени ҳали ит дедингми? Сен қанақа хизматчисан ўзи? Мени ҳақорат қилишга нима ҳаққинг бор. Мен ёрдам сўраб келдим ва эвазига, мана нима олдим? Бу ерда миллатчиликни ҳиди келаяпти! Мен юнон аёли бўлганим ва Сенинг яҳудийлигинг, Сенга мени ит деб аташга ҳуқуқ бермайди! Бу ҳақорат! Сен бу ерда ўз ёрдамчиларинг билан ўтириб олгансан ва ўз қизи учун Сенга фарёд қилаётган муҳтож аёлга бурилиб ҳам қарамайсан! Сен воизлик қилаётган севги қани? Тушунарли, бу ерда халойиқ йўқ, лол қолдириш учун одам йўқ, бу ерда фақат Сен ва ёрдамчиларинг, Сени кимлигингни энди кўраяпман. Сен иккиюзламачисан! Етар! Мен бу ердан кетаман!”

Борди-ю, бу аёл жанжаллашишни бошлаганда, унинг қизи ҳеч қачон шифо топмаган бўларди. У бутунлай мукофотсиз кетарди. Лекин бу аёл ўзини умуман бошқача тутди. У Исо билан рози бўлди ва мана шундай тарзда ўз мукофотига эришди: “Аёл эса Унга жавоб бериб: – Худди

32 ҲУРМАТ ЭВАЗИГА МУКОФОТ

шундай, Ҳазратим, бироқ итлар ҳам хонтахтанинг тагида болалардан тушган ушоқлардан ейишади, – деди. Шунда Исо унга: – Шу сўзинг учун бор, жин сенинг қизингдан чиқиб кетди, – деди” (Марк 7:28-29). Мен, Исо бу мажусий аёлга қараб, жилмайганини ва бошини чайқаб, унинг имонидан ҳайратланганини, қарийб кўраяпман. Наҳотки, Исо унга рад жавобини берса? Исо унга қизингдан жин чиқиб кетди деди ва аёл уйига борганида, қизини соғайган ҳолда топди! У сусткаш ва аразчи бўлганида, у мукофот олишга бор умидини йўқотган бўларди. У Исо Кимлигини биларди ва бир лаҳзага ҳам Унга бўлган эҳтиромли муносабатини йўқотмади. У ўзига нисбатан ҳақоратли туюлган муносабатга ҳам қарамай, ёрдам сўрашда ортга чекинмади, у кетиб қолмади ва жанжаллашишни бошламади. У ўз қатъийлиги туфайли тўлиқ мукофотга эга бўлди.

Қизиқ, икки ҳолатда ҳам, кишини ларзага соладиган имонни, Иброҳим билан аҳдда бўлмаган мажусийларда кўраяпмиз. Юзбоши ва юнон аёл, Исони ўзларининг имони билан ҳайратга солди. Улар шунчаки, бизнинг жамиятимизда, аксарият ҳолларда, менсимай ўтиладиган қондани ўзлаштирдилар, ноилож вазиятлар ўртасида, уларнинг иккиси ҳам Исога ҳурмат кўрсатишди ва тўлиқ мукофотга эга бўлишди.

Ҳурмат қонунияти

Агарда сиз Хушхабарларга диққат билан назар солсангиз, мукофотини қисман ёки тўлиқ олган, ёки умуман мукофот ололмаган кишиларнинг мисолларини кўп учратасиз. Ҳар битта мисол ўзига хос ва ўзгача тарзда кўрсатилган эҳтиромнинг даражасини акс эттиради. Айрим кишилар Исога етарли даражада ҳурмат ва эҳтиром билдирмадилар, бошқалари эса чин юрагидан Уни ҳурмат қилдилар, учинчилари Унга ошқора ҳурматсизлик ва менсимаслик кўрсатдилар. Матнда ҳурмат тўғрисида очиқчасига ёзилмаган бўлса-да, бу қоида барибир ишлайди. Бу руҳий қонун бўлиб, бу ҳақда Худо шундай деган: «Мени улуғлаётганларни Мен ҳам улуғлайман, Мени бадном қилаётганлар эса шарманда бўладилар» (1-Шоҳ 2:30).

Ҳурмат кўрсатиш самонинг муҳим калитидир. Менга юқоридаги оятда тасвирланган “ҳурмат қонуни” ёқади. Ким Худони ҳурмат қилса, Худо ҳам уни ҳурмат қилади. Бу қонун айнан шу тарзда ишлайди. Исони ҳурмат қилган ҳар бир киши, кўрсатган эҳтиромига яраша, самодан

муҳтожликларига жавоб олди. Бу борада ўйлаб кўринг: хизматкор шифо топди, қизча озодлик олди, шунингдек, бизни лол қолдирган, уларнинг танлови ва имони ҳақида ҳам унутманг!

Муқаддас Китобнинг инглизча таржимасида: “Менга ҳурмат кўрсатганга, Мен ҳам ҳурмат кўрсатаман” – дейилган (ўхшаш таржима). Бу қонун Песах байрамидан олдинги лавҳада ёрқин тасвирланган. Исо Бетаниядаги мохов Шимоннинг уйида бўлди. У бошқалар билан бирга дастурхон атрофида ёнбошлаб ўтирганида, бир аёл ганч идишда, қимматбаҳо ва тоза атир мой олиб келди. Ушбу қимматбаҳо атирнинг қиймати оддий ишчининг бир йиллик маошига тенг эди.

У Исонинг оёқларини кўз ёшлари билан ювиб, сочлари билан артди, сўнг идишни очди ва атирнинг ҳаммасини Исонинг бошига тўқди. У Исога мўл-кўл отир суртиб, Унга ўз ҳурматини намоён қилди, бироқ ўша ердагиларнинг ҳаммаси ҳам бундан шодланмадилар: “Баъзилар эса ғазабланиб, бир-бирларига дер эдилар: “Атир мойни бундай исроф қилишнинг нима кераги бор?”

Четдан қараганда, уларнинг фикрлари бутунлай бамаъни ва асосли туюлиши мумкин. Масиҳийлар камбағаллар ҳақида ғам чекдилар ва шу билан бирга, айна вақтда юз бераётган бошқа ҳодисани кўздан қочирдилар. Уларда ер-у кўкни Яратувчисининг Ўғли, Исо Масиҳни эъзозлаб, Худога ҳурмат билдириш имкони бор эди. Устоз уларга нақадар кескин танбеҳ бераётганига қулоқ тутинг: “Уни тинч қўйинглар, нега уни хижолат қиляпсизлар? У Мен учун эзгу иш қилди. Чунки камбағаллар доимо сизларнинг орангиздадир, истаган пайтда уларга эзгулик кўрсатишингиз мумкин. Бироқ Мен сизлар билан доимо бирга эмасман. Бу аёл қўлидан келганини қилди. У Менинг танамни олдиндан мойлаб, дафн қилишга тайёрлади. Сизларга ростини айтаман, бу хушxabар қаерда воизлик қилинмасин, бутун оламда бу аёлнинг хотирасига унинг қилган иши ҳақида ҳам айтилади” (Марк 14:6-9).

Буни қаранг-а! Исо аёлни нақадар мақтаганини эшитдингизми? Исонинг даврида кўплар улуғвор ишларни амалга оширган, лекин У ҳеч кимни шу аёлдек кўкларга кўтармаган. Исо бу аёлнинг кўрсатган яхши ва ажойиб эҳтиром белгиси, Хушxabар воизлик қилинадиган барча жойда, нафақат ўша вақтда, қолаверса, авлодлардан-авлодларга оша абадий ёдга олинишини башорат қилди. Аёл Устозни эъзозламоқчи эди, бироқ Исога мой суртиб, ўзи Устоздан ҳурмат олди.

Ҳурмат қонуни доим қўлланилади ва доим ишлайди. Худо шундай

34 ҲУРМАТ ЭВАЗИГА МУКОФОТ

дейди: «Мени улуғлаётганларни Мен ҳам улуғлайман, Мени бадном қилаётганлар эса шарманда бўладилар» (1-Шоҳ 2:30). Муқаддас Китобнинг янги таржимасида, “кимдир бошқа кишининг диққати ва ҳурматига нолайиқ” маъносини билдирадиган иснодга қўйиш сўздан фойдаланилган. Худо Уни ҳурмат қилмайдиган киши, Худонинг диққатига нолайиқ деб ҳисоблайди. Яна айтиш мумкинки, Худо уларнинг муҳтожлик ва ибодатларига эътиборини қаратмайди.

Исонинг сўзларига қулоқ солинг: “Мен юборган одамни қабул қилувчи Мени қабул қилган бўлади” (Юҳ 13:20). Исо қабул қилиш деганда, Уни ҳурмат қилишни назарда тутмоқда. Хуллас, Исо шундай демоқда: “Ким Мени ҳурмат қилса, бу одам Мени юборган Отамни ҳурмат қилган бўлади”. Мана нима учун У шу қадар равшан гапирмоқда: “Ким Ўғилни ҳурмат қилмаса, Уни юборган Отани ҳам ҳурмат қилмайди” (Юҳ 5:23).

Исони эъзозлаган кишилар, ўзлари англамаган ҳолда, Отани ҳам эъзозлайдилар. Исо: “Инсонлардан шарафни қабул қилмайман” – деган (Юҳ 5:41); У Ўз юрагида ва фикрларида бор шарафни Отага берган. Унинг Ўзи ҳали шарафланган эмас эди. Лекин У шарафланган заҳоти, Ота шу онда фармон берди: “Барча Худонинг фаришталари Унга сажда қилсинлар” (Ибр 1:6) ва яна: “Сенинг тахтинг, ё, Худойим, абадулабад! Подшоҳлигинг ҳассаси – ҳаққоният ҳассасидир” (Ибр 1:8; Филип 2:8-10). У шарафланган заҳоти, Унга Отага сажда қилгандек, сажда қилишни бошладилар. Бироқ Исо ердалигида, У Инсон Ўғли сифатида яшаб, хизмат қилар эди.

Муқаддас Китобдаги Филиппиликларга мактуб 2:6-7 нинг кенгайтирилган таржимасида дейилган: У Худо билан битта бўлишига ва Унинг тимсоли эканига қарамай... Ўзини (Унга тегишли барча имтиёз ва лойиқликлардан) маҳрум қилди, қулнинг тимсолига кирди, инсондек тўғилиб, инсонга ўхшаш бўлди”.

Инсон сифатида, Унга тақдим этилган барча эҳтиромни, юрагида Отасига берар эди. Мана нима учун У шифолаган одамларга қарата шундай деган: Қара, ҳеч кимга айтмагин, лекин бориб, ўзингни руҳонийга кўрсатгин. Уларга гувоҳлик бўлиши учун Мусо амр этган қурбонликни келтиргин, – деди” (Матто 8:4). Яна ўқиймиз: “Қаранглар, бунинг ҳеч ким билмасин, – деб қатъий буюрди (Матто 9:30), бундай сўзларни Хушхабарнинг барча матнларида учратамиз. Исо ерда Отаси билан алоқага эга бўлгани сабабли, ҳар қандай инсон учун Отани эъзозлашнинг энг яхши йўли – бу Унинг Ўғлига тўғри муносабатда бўлиш эди.

Мана нима учун Исо, Унинг оёқларига қимматбаҳо атирни тўккан

аёлга бир оғиз ҳам таъна қилмади. Исо Уни ҳурмат қилган кишиларни ҳеч қачон таъна қилмаган, аксинча Унинг Ота билан алоқасини, бундай эъзозлагани учун, уларни мақтар эди. Тўшунинг, У Ўзи учун ҳурмат изламаган, лекин ҳойнаҳой, У кимлар учун юборилган бўлса, уларда ҳурмат қонунини шакллантирган.

Ҳурмат оқими

Исо хочга михланишидан олдин, ҳеч муболағасиз, У кетганидан кейин, Унинг хизмати, қай тарзда давом этишини теран равишда ҳулоса қилди: “Сизларга ростини айтаманки, Раббий номидан Келаётган муборак, деб сизлар хитоб қиладиган вақт келмагунича Мени бошқа кўрмайсизлар” (Луқо 13:35). Бошқача сўзлар билан айтганда: “Мен сизларга юборганни “Раббийнинг номидан Келаётган муборак” деб эълон қилиб, уни тан олмагунингизча, Мени кўрмайсизлар”. Ёки яна ўзгача ифодалаш мумкин: “Мен Ўз номим билан юборганларни ҳурмат қилмагунингизча, Мени таниб-била олмайсиз”.

Тўхтаб, бу оят устида бош қотириб кўринг. Исонинг айтишича, биз У юборганни тан олиб, эъзозламагунимизча, У бизга Ўзини очмас экан. Нега? У бу саволга бошқа оятларда жавоб берган. Улардан бири шундай жаранглайди: “Ростини, сизларга ростини айтаман, Мен юборган одамни қабул қилувчи (ҳурмат қилувчи) Мени қабул қилган (ҳурмат қилган) бўлади. Мени қабул қилган (ҳурмат қилган) эса, Мени Юборганни қабул қилган (ҳурмат қилган) бўлади” (Юҳ 13:20, қавс ичидаги сўзлар муаллифга тегишли).

Юқорида айтилганларнинг баридан келиб чиқиб, Исо давомида, ҳурмат қонунини бизнинг ҳаётимизда, қайт тарзда қўллаш ҳақида гапираётганига эътибор беринг: “Ким сизларни қабул қилса, Мени қабул қилган бўлади, ким Мени қабул қилса, Мени Юборганни қабул қилган бўлади. Ким пайғамбарни пайғамбар номи ҳақи қабул қилса, пайғамбарнинг мукофотини олади. Ким ҳақ одамни ҳақ одам номи ҳақи қабул қилса, ҳақ одамнинг мукофотини олади. Кимки бу кичиклардан бирига бир пиёла совуқ сувни шогирд номи ҳақи берса, сизларга ростини айтаман, ўз мукофотини йўқотмайди” (Матто 10:40-42).

Бу оятлардаги қабул қилиш ва сув бериш сўзларининг ўрнига, маъносини ўзгартирмаган ҳолда, ҳурмат қилиш иборасини қўйиб чиқишга ижозат беринг. Ким сизни ҳурмат қилса, Мени ҳурмат қилган

36 ҲУРМАТ ЭВАЗИГА МУКОФОТ

бўлади, Мени ҳурмат қилган эса, Мени Юборганни ҳурмат қилади; пайғамбарни пайғамбар деб ҳурмат қиладиган, пайғамбарнинг мукофотиغا эга бўлади; ҳақ одамни ҳақ одам номи билан ҳурмат қиладиган, ҳақ одамнинг мукофотини олади. Кимки бу кичиклардан бирини шогирд ҳақи ҳурмат қилса, сизларга ростини айтаман, ўз мукофотини йўқотмайди”.

Ушбу оятлардаги ҳурмат кўрсатиш тизимини яхшироқ тушуниш учун, иккита асосий фикрга эътибор бериш жоиз. Биринчидан, Худонинг Шоҳлигида ҳоқимият тизими мавжуд. У Отадан бошланиб, У юборган ва бутун ҳоқимиятни топширган Исога ўтади. Исо тирилганидан сўнг шундай деди: “Менга осмонда ва ерда ҳар қандай ҳоқимият берилган” (Матто 28:18). У – жамоатнинг Бошлиғи ва кун келиб, барча душманларини ўз оёқларига ташлаганида, Шоҳликни Отага қайтариб беради (1-Кор 15:24-26).

Мансабнинг кейинги босқичида пайғамбар турибди. Исо бу сўзлар билан, Янги Аҳдга эга бўлмаган одамларга мурожаат этаётганини унутманг. Уни тинглаётган одамлар, биз бугун фойдаланадиган ибора ва сўзларни билмаган, шу боис Исо уларнинг тилида гапирган. Эски Аҳддаги пайғамбарлар Раббийнинг элчилари сифатида ҳаракат қилганлар (Чиқ 4:16; 7:1). Ибронийларга мактуб 1:1, 2 да бу тасдиқланган: “Қадимдан кўп маротаба ва турли тарзда пайғамбарлар орқали оталаримизга сўзлаган Худо шу охириги кунларда бизга Ўз Ўғли орқали сўзлади. Худо У орқали оламларни яратган бўлиб, Уни ҳамма нарсанинг меросхўри қилиб тайинлади”.

Янги Аҳдда бунини такроран ўқиймиз, Исо ўлимдан тирилиб, Самога ўтиргач: “Баъзиларни ҳаворийлар, баъзиларни пайғамбарлар, баъзиларни хушхабарчилар, баъзиларни чўпонлар ва муаллимлар қилиб тайинлади” (Эфес 4:11).

Исо бугун бизга юзланганда, шундай деган бўлар эди: “Ким ҳаворийни ҳаворий номи ҳақи ҳурмат қилса, ҳаворийнинг мукофотиغا эга бўлади; ким чўпонни чўпон номи ҳақи ҳурмат қилса, чўпоннинг мукофотиغا эга бўлади”. Пайғамбар, хушхабарчи ва ўқитувчи ҳақида ҳам, худди шундай дейиш мумкин.

Матто Хушхабари ўнинчи бобда пайғамбарни (ёки бошқача қилиб айтганда, етакчини) ҳурмат қилишдан сўнг, ҳақ кишига ўтилади, кейин “кичик” ларни ҳурмат қилиш билан якунланади. У имонлилар у ёки бу вазиятда юзлашадиган ҳоқимиятнинг ҳамма даражаларини санаб ўтди ва бизнинг тараддудимиздаги ёки ҳоқимиятимиздаги одамлар

билан тугаллади. Биз турли вазиятларда дуч келадиган ҳар битта инсон, юқорида санаб ўтилган у ёки бу гуруҳга мансуб ҳисобланади.

Демак, биз иккинчи асосий фикрга яқинлашдик. Борди-ю, биз ўзимиздан устун турган кишиларни ҳурмат қилсак, мукофот оламиз. Агарда, биз билан бир қаторда турганларга (ўзимизга тенг кишиларга) ҳурмат билан ёндошсак, яна мукофот оламиз. Ва ниҳоят, агарда бизнинг қарамоғимиздаги ва қўл остимиздаги кишиларни эъзозласак, бу ҳолатда ҳам мукофотга эга бўламиз. Ёдингиздами, биз қуйидаги оятни ўзгача тарзда ифодалаган эдик: “Мен Ўз номим билан юборганларни ҳурмат қилмагунингизча, Мени кўра олмайсиз”. Бу сўзларни Матто Хушхабаридagi оят билан боғлайдиган бўлсак, ҳокимиятнинг ушбу даражаларининг ҳар бири самодан, ақл бовар қилмас мукофотларни ўзига тартади. Бундан ташқари, бу мукофотлар доим, Исо Масиҳ Кимлиги ҳақида буюк ваҳийларни ўзида олиб юради. Айнан манашу нарса китобнинг қолган қисмидаги, бизнинг мўлжалимиз бўлади.

4-БОБ

Гап раҳбарда эмас

Биринчи учта бобда, биз Раббийдан бирор нарса олишни истаганимизда, ҳурмат нақадар муҳим аҳамиятга эга эканини аниқлаб олиш учун Ёзувдан кўп оятларни ўрганиб чиқдик. Уларни қисқача такрорлаймиз: ҳаворий Юҳанно, биз тўлиқ мукофот олиш учун жон-жаҳд билан курашиб ва интилиб яшашимиз зарурлигини уқтирган. Агарда у “тўлиқ мукофот”га интилишимиз кераклигини таъкидлаган экан, демак, қисман мукофот ҳам бор, шунингдек, мукофотдан бутунлай қуруқ қолиш эҳтимоли ҳам йўқ эмас.

Исонинг хизматида, одамларнинг Унга бўлган муносабатига қараб (яъни Унга қанчалик эҳтиром кўрсатганига қараб), тўлиқ мукофот ва қисман мукофот олган, ёки мукофотини бутунлай қўлдан бой берган кишиларнинг гувоҳи бўлдик. Исо кетишидан олдин шундай деган: “Мен кетаяпман, Мен Ўз номим билан юборганларни ҳурмат қилмагунингизча, Мени кўра олмайсиз” (Луқо 13:35, муаллифнинг ўзгача шарҳи). Шу тарзда, Исонинг айтишича, агарда биз раҳбарни ҳурмат қилсак, Худо раҳбар орқали беришни истайдиган мукофотга эга бўлмиз. Шунингдек, биз ўзимиз тенгли имонлиларга ва ниҳоят, бизнинг тасарруфимиздаги кишиларга ҳам, эҳтиромда бўлишимиз зарур. Аввал ўстимиздан қўйилган кишиларга юзланамиз, сўнг қуйидаги бобларда эса қолган иккита даражани кўздан кечирамиз.

Бизнинг кунларимиздан мисоллар

Мен кўп сафарларда бўладиган Хушхабарни воизлик қиладиган хизматчилар билан шахсан танишман. Авваламбор, Дэйзи ва Т.Л.

40 ҲУРМАТ ЭВАЗИГА МУКОФОТ

Осборнларнинг оилавий гуруҳини эслатиб ўтишни истардим. Биз рафиқам Лиза билан саксонинчи йилларнинг ўрталарида, кўп маротаба биргаликда хизмат қилиш шарафига эга бўлганмиз. Ўша вақтларда мен саккиз минг кишидан иборат аъзога эга жамоатда ишлар эдим. Менинг ишим, меҳмон бўлиб келган воизларни кутиб олиш эди.

Осборнлар бизникига турли хил маросимларга келиб турардилар, шу тариқа, улар билан тез-тез мулоқотда бўлиш имконияти туғилиб турарди. Биз улар билан дўстлашиб олдик, кейин бир-биримиз билан ёзишиб ва қўнғироқлашиб турардик. Т.Л. менга икки маротаба кийимлар тўла жўнатмани юборди, бизнинг ўлчамимиз у билан бир хил эди. У менинг имон қаҳрамонларимдан бири бўлган ва ҳозиргача шундай.

Ўша вақтгача Т.Л. ва Дэйзи миллионлаб одамларнинг жонини нажотга олиб келдилар. Ойнаижаҳон орқали эмас, балки улар дунё бўйлаб очиқ майдонларда ташкиллаштирган крусейдларда буни амалга оширишди. Улар крусейдларининг аксарият қисмини Африкада ўтказдилар. Уларнинг йиғинларига 50 000 дан то 250 000 тагача одам келар эди. Ҳар битта хизматда кўпларнинг кўзлари очилар эди. Йиғинга кўр бўлиб келган одамлар, кўзлари очилиб кетар эдилар! Аммо бу музтоғнинг фақат устки қисми, холос. Уларнинг хизматида юзлаб карлар шифо топар эдилар; кўп одамлар даъвоси йўқ касалликлардан тузалардилар; йиғинга замбилда келтирилган кўглаб чўлоқлар, ўз ётоғини қўлига олиб, соппа-соғ ҳолда кетар эдилар.

Осборн биродар, унинг йиғинларида, айниқса Африкада содир бўлган мўъжизаларни таърифлаб, анчагина китоблар битган. Унинг айтиб берган ларзага солувчи гувоҳликларидан эсимда қолганларидан бири, Африкадаги хизмати пайтида Дэйзининг олдига келган аёл ҳақида. У қўлларида ўлик боласини ушлаб турар эди. Бола калласи билан ўраб қўйилган эди. Аёл болани Дэйзига берди ва таржимон орқали, у тирилиши учун ибодат қилишини сўради. Дэйзи ўраб қўйилган кичик боланинг танасини олиб, оддий ибодат билан Худодан сўрашни бошлади. Бир сониядан сўнг, бола қимирлаганини сезди, сўнг у матонинг тагида аксирди ва йўталди. У матони очди ва унга қараб турган тирик ва соппа-соғ болачани кўрди. Дэйзи болани ёпиб қўйди-да, онасига берди. Онаси матони очганида, боласининг юзига қараб, ҳайрат билан қичқира бошлади. Дэйзи, нега аёл боласи аксириб, йўталган пайт бунчалик қичқирмади деб, таажжубланиб, ҳайрон бўлиб қолди. Нима учун аёл матони очиб, болага қараганидан сўнг бунчалик тўлқинланиб, хурсанд бўлди. Дэйзи таржимон орқали бу ҳақда ундан сўради. Шунда аёл деди:

“Менинг ўғлим битта кўз билан туғилган эди. Иккинчи кўзининг жойида бўш кўз косаси бор эди. Ҳозир эса унга қараганимда, у менга иккита ажойиб кўзлар билан қараб турганини кўрдим!”

Уларда бизнинг тирилган Нажоткоримиз, Исо Масих номи билан амалга оширган, кўплаб яна бошқа ақл бовар қилмас гувоҳликлар ҳам бор. Африкада, айниқса Эфиопия ва Суданда, бирталай крусейдлар ўтказган яна битта дўстим бор. Унинг йиғинларига 50.000 тадан 200.000 тагача одамлар келар, юзлаб одамлар шифо топар эди, кўрларнинг кўзлари ва карларнинг қулоқлари очилар эди. Бир неча йил илгари у менга барча содир бўлган мўъжизаларнинг ичида, энг таъсирлисини айтиб берди.

У Африкада йиғинлар олиб борган туманлардан бирида “маймун-одам” деб аталган киши яшар эди. У шуқадар кучли жинга чалинган эдики, ҳеч ким уни жиловлай олмасди. У дарахтларда яшар, доим ялонғоч ҳолда, тўртоёқда юрар эди. Унинг қўллари ҳам, худди оёқларига ўхшаб, дағал ва қоварган эди. Маҳаллий аҳолидан бир неча кишининг унга раҳми келиб, уни боғлаб, хизматга олиб борганлар. Дўстим менга деди: “Жон, мен бутун бошли оломонга воизлик қилаётган эдим ва тўсатдан бу одамнинг тахминан 2,5 метрлар баландликка ҳавода сакраганини ва шу заҳоти ерга қулаганини кўрдим. У қимирламас эди. Мен у ўлди деб ўйладим. Аммо кейинги кун у саҳнага, менинг олдимга кийим кийган ҳолда чиқиб келди ва уни Худо қандай озод қилгани ҳақида гувоҳлик берди. Бу киши ўша “маймун-одам” эди.

Шундан сўнг халойиқ бир неча ўн мингтадан, бир неча юз мингтага ошиб кетди, негаки атрофдаги ҳамма “маймун-одам”ни билан эдилар. Бу одамларнинг барчаси ёвуз руҳлар асрга олган одамни, озод қилган Худонинг Сўзини эшитишни истардилар.

Мен бутун дунё бўйлаб, хусусан Африкада, шунга ўхшаш мўъжизаларни кўрган эркак ва аёлларнинг гувоҳликларини тўхтовсиз сўзлаб беришим мумкин. Бироқ гап шундаки, манашу хизматчилар Америкага ёки ғарбий мамлакатларга қайтганларида; худди шу инсон, худди шу мактуб, ўша мойланиш, ўша хизмат услуби билан, уларнинг хизматида бир неча киши бош ва бел оғриғидан ва артритдан шифо топадилар. Нега? Ҳамма нарса ҳурмат тушунчасига келиб тақалади! Мен сизларга айтган дўстларим, айрим давлатларда юқори даражада ҳурматга эга. Уларга Раббийнинг элчилари деб қарайдилар ва уларга гўёки шоҳлардек муносабатда бўладилар.

Сен Худонинг одамисан, шундай эмасми?

Бир неча марта мен ҳам Африкада, Кения, Зимбабве, Ангола ва бошқа шунга ўхшаш давлатларда хизмат қилдим. Мени қай тарзда кутиб олганидан, кўпинча ўзимни ноқулай ҳис этардим (ўларни ерга урмаяпман, шунчаки мен хижолат бўлардим). Улар менга худди қаршисида шоҳ тургандек ёндошардилар. Мени энг кўркам меҳмонхоналарга жойлаштирардилар, бу улар учун улкан молиявий қурбонлик эканини яхши тушунаман. Улар менинг ҳамма нарсаларимни, ҳатто Муқаддас Китобимни ҳам олиб юрар эдилар. Улар мени энг тансиқ овқатлар билан меҳмон қиларди ва энг яхши одамлар менга хизмат қилар эдилар.

Бир воқеа эсимда, бир куни бир неча минг киши йиғилган залда воизлик қилишимдан олдин, мени кондиционерли хонага олиб боришди (бундай йиғинларда кондиционерли хона – камдан-кам учрайди). Хонага битта опамиз бошқа опа-сингиллар билан бирга келиб, менга хизмат қилишни бошладилар. У тиз чўқди ва бошини эгиб турган ҳолда, лаган ушлаб турди, бу пайтда бошқа опамиз менинг қўлларимга сув қуйиб турди. Қўлларимни ювганимдан сўнг, бошқа опамиз сочиқ келтириб, қўлимга тутди. Улар менга энг юқори даражада ҳурмат кўрсатиб, энг сара нарсаларни берар эдилар. Опамиз қаршимда тиз чўкканида, мен ўзимни ноқулай ҳис этдим ва ичимда: “Мен қўлларимни ўзим юва оламан; буни сизлар қилишингиз шарт эмас” – деб ўйладим. Бироқ Муқаддас Рух менга жиддий буюрди: “Бош тортишни хаёлинга ҳам келтирма. Улар сенга хизмат қилишларига рухсат бер”.

Эҳтиром ва сажда бир-биридан фарқ қилади. Биз абадул-абад ягона Худоимиз, Раббимиз ва Шоҳимизга сажда қиламиз. Аммо биз, абадул-абад ҳурматга лойиқ кишиларга эҳтиром кўрсатамиз. Худонинг Шоҳлигида шундай тартиб ўрнатилган.

Ёдимда бор, 1990-йилларда жуда машҳур ҳаворийнинг етакчиларига воизлик қилиш имтиёзи туғилди. Бу кишининг ваҳйи бўйича ҳаракат қилаётган барча жамоатлардаги одамларнинг сони беш миллион атрофида эди. Бу кишининг жамоатлари Африка қитъасининг ўн саккизта давлатларида жойлашган. У ҳар йили феврал ойида барча бош чўпонларни йиғар эди (чўпонлар олти минг кишини ташкил этади, бу йиғинларда чўпон ёрдамчилари иштирок этмайди). У бу йиғинда воизлик қилиш учун Америка ва бошқа қитъалардан етакчиларни таклиф

қилар эди. Ўша йиғинлар тўқсонинчи йилларда бўлиб ўтган энг кучли хизматлардан бири бўлганини унутмайман. Мен худди бошқа дунёдан келган одамдек воизлик қилдим. Худонинг ҳузурни эсанкиратиб қўяр даражада эди.

Воизликлар ўртасида бир киши менга худди юқорида таърифлаганимдек, хизмат қилди. Бу одам кетганидан сўнг, катта чўпон менга қараб, деди: “Ҳозиргина сенга хизмат қилган киши кимлигини биласанми? У бутун бошли давлатда, халқаро масиҳийлар уюшмасининг бошлиғи”. Мен донг қотиб қолдим. Бироз ҳушимга келиб, ишонқирамай бидирладим: “Бу одам мен учун шу ишларни қилдимми?” Мен шундай мансабдаги инсон, шундай оддий ишларни қилганига ишонгим келмасди. Мен у билан танишганимдан ва боз устига, менга хизмат қилганидан бошим осмонга етди. Шунда бу буюк ҳаворим менга қараб, бироз эсанкираб деди: “Сен Худонинг одамисан-ку, шундай эмасми?” Мен шунда ўйлаб қолдим: “Шунчаки биз, америкаликлар буни тушунишимиз қийин”.

Худодан юборилганни қандай кутиб оладилар

Мен йигирма йилдан зиёдроқ вақт давомида бутун дунё бўйлаб сафарларда Худонинг Сўзини воизлик қиламан. Доимо бир нарсани сезаман, энди ривожланаётган давлатларда, қамоқхона ва ҳарбий базаларда хизмат қилиш осонроқ, негаки бундай жойларда мўъжиза ва аломатлар кўпроқ содир бўлади; у ерда воизлик қилиш ҳам осонроқ ва мен бундай жойларда Худонинг ҳузурини кучлироқ ҳис этаман. Нега? Чунки бошқа жойлар билан таққослаганда, кўпинча ўша жойларда ҳурмат ва ҳокимиятга чуқур эҳтиром билдирилади.

Бир сафар, гап хизматчи сифатида, менда эмас, аксинча мени одамлар қандай қабул қилишида эканини гувоҳи бўлганим ёдимда. Мен Қўшма Штатларнинг жанубий-шарқ қисмидаги бир жамоатда сўз билан бўлишишим керак эди. Ўша шаҳарда тахминан бир ярим мингта маҳбусларга эга қаттиқ тартибдаги қамоқхона жойлашган эди. Жамоатнинг катта чўпони ҳам қамоқхонада хизмат қиладиган руҳонийнинг ёрдамчиси эди. У мендан маҳбуслар учун ҳам якшанба куни воизлик қилишни сўради. Қамоқхонадаги йиғин соат 8 да, жамоатдаги йиғин эса соат 11 да бошланар эди. Биз иккаласига ҳам бемалол улгурардик. Мен хурсандчилик билан рози бўлдим.

44 ҲУРМАТ ЭВАЗИГА МУКОФОТ

Якшанба куни эрталаб, юздан ортиқ маҳбуслар йиғинга келдилар. Сажда ажойиб тарзда ўтди: эркаклар чин юракдан куйладилар. Мен хизмат охирида, улўғловни олиб борган биродардан, у неча йилга ҳукм қилинганини сўрамагунимча, қаттиқ тартибдаги қамоқхонада эканимни бутунлай унутиб юборган эдим. Унинг нигоҳи шуқадар пок ва юзи қувончга тўлган эди-ки, мен жавобан – икки ёки уч йил деб айтади деб ўйладим. У ақл бовар қилмас хотиржамлик ва ҳоксорлик билан менга қаради ва деди: “Жаноб, мен учта умрбод муддатга маҳкум этилганман”.

Мен гангиб қолганимни айтмасам ҳам бўлади. У менга сўз билан таърифлаб бўлмайдиган даражада ҳурмат билан гапирарди. У ердаги ҳар бир кишининг муносабати айнан шундайлигини ҳис этдим. Маҳбуслар, хизматкор вақт топиб, бизга Исо Масиҳ ҳақида воизлик қилиш учун бошқа шаҳардан келганидан ниҳоятда қувонар эдилар. Уларнинг менга билдирган эҳтиромидан ҳайратда қолдим ва улар мени қандай қабул қилганлари, менга кучли таъсир қилди.

Менга микрофон беришганлари заҳоти, мен худди бошқа дунёдан келган киши сингари, таълим беришни ва воизлик қилишни бошладим. Мойланиш шуқадар кучли эдики, мен қувватга тўла эдим, худди футбол гуруҳининг мураббийси, жамоасини чемпион унвонини қўлга киритиш учун тайёрлаётгандек югурардим. Эркаклар беихтиёр ҳайқирардилар. Қойилмақом вақт бўлди! Мен бир соат воизлик қилдим, сўнг Муқаддас Рўх залга қуйилди ва кейинги бир ярим соат давомида ажойиб воқеалар содир бўла бошлади. Эркаклар нажот топдилар, Муқаддас Рўх билан тўлдилар, шифоландилар ва ўзлари учун тўлиқ вақт хизмат қилиш даъватини эшитдилар.

Менга сафарларимда ҳамроҳлик қиладиган ёрдамчим йиғиннинг охирида микрофонни олиб, кўз ёшлари ва овозидаги иштиёқ билан: “Агарда мен шу шаҳарда яшаганимда, мен манашу жамоатга қатнар эдим” – деди. Зал баланд овоздаги хурсандчилик овозлари билан тўлди, эркаклар ақл бовар қилмас даражада завқланар эдилар.

Биз қамоқхонадан соат 10.30 да чиқдик. Чўпон, менинг ёрдамчим ва мен, ажойиб тарзда тўлқинланган ҳолда эдик. Биз ҳаммамиз чўпоннинг жамоатидаги йиғиннинг бошланишини сабрсизлик билан кутардик. Мен дедим: “Биз бундай ҳайратли хизматни бошдан кечирганимиздан сўнг, кейинги хизмат бундан ҳам кучлироқ бўлиши керак”. Мен биз жамоатга киришимиз заҳоти, биздаги шараф ўша ердаги йиғинга ўтишига ишончим комил эди. Ўшанда нима содир бўлганини ҳеч қачон унутмайман.

Мен йиғинга кирдим ва оғзимдан баъзур сўзимни тортиб чиқардим. Муҳит оғир ва сиқадиган эди, воизлик қилиш ақл бовар қилмас даражада мушкул эди. Мен доим ўйлардим: “Бу нимаси ахир, мен воизлик қилиб, худди осмондан тушган одамдек хизмат ўтказганимга икки соат ҳам ўтмади. Нима содир бўлаяпти ўзи?” Мен ҳеч нарсани тушунмас, ҳеч нарсани ўзгартиролмас ва ҳечам ўзимни руҳлантира олмас эдим. Мен худди ўчиб қолганга ўхшардим. Менинг ҳаётимдаги мойланиш, бир зумда чекланиб қолди. Ўша пайтларда мен ҳурмат қонунини билмас эдим. Мен эндигина ўрганаётган эдим. Энди эса, ҳар бир киши бу ҳақда билишини истайман!

Қамоқхонадаги йиғин ҳақидаги ҳикоя бу билан тугамади. Мени ўн олти йилдан сўнг Небраска Штатининг Омахе шаҳридаги жамоатда воизлик қилиш учун таклиф қилишди. Мени ўша йиғинда нима кутаётганини билмасдим. Биринчи хизматда овоз оператори бўлиб хизмат қилаётган, тўлиқ вақт хизматчисини кўриб, танидим, у ўша якшанба куни эрталабки йиғиндаги улўғловни олиб борган биродар эди. Мен ич-ичимдан ҳаяжонланган ва ларзага келган эдим. Мен ундан: “Сен қандай қилиб у ердан чиқдинг? Сен учта умрбодлик муддатга маҳкум қилинган эдинг ва шафқат қилинишга ҳеч қандай ҳуқуқинг йўқ эди” – деб сўрадим. У менга мўъжизавий тарзда озодликка чиққанини, бунини тасаввур этиш қийинлигини сўзлаб берди. У менга ўн олти йил илгари хизматнинг ўртасида, унинг ҳаётига башорат қилганимни эслатди.

Қамоқхонадаги воизлик плёнкага ёзилар экан, шу аснода, у йиғинда шахсан унга қарата айтилган барча сўзларни қоғозга ёзиб олган. У манашу йиллар ичида кундалик юритиб келган. У менга кундалигини кўрсатди ва қамоқхонада айтган гапларимни ўқиб берди. Худо мен орқали унга гапириб, у Худонинг Шоҳлигида тўлиқ вақт хизматчи бўлишини, қамоқхонадаги хизмати бор-йўғи, кейинги қамоқхона ташқарисидаги хизматига шунчаки тайёргарлик эканини айтган. Мен унга бу сўзларни, у учта умрбод муддатга маҳкумлигини билишимдан олдин айтганман.

Мен унинг вазиятини воизликдан олдин билмаганимдан хурсанд бўлдим, аксинча бўлганида эса, у нақадар оғир жазога маҳкумлигини била туриб, бу сўзларни айтиш менга мушкул бўларди. Ўша қамоқхонадаги Худонинг ҳаракати нақадар қудратли бўлганини кўряписизми? Шунга қарамай, бир соатдан камроқ вақт ўтиб, жамоатдаги муҳит ақл бовар қилмас даражада оғир эди ва мен ўзимда умуман оловни ҳис этмадим. Мен бир амаллаб воизлик қилдим. Ўша куни, гап

бутунлай менда эмаслиги, балки гап тингловчилар мени, Худонинг элчиси деб қабул қилиш, қилмаслигида эканини тушундим. Маҳбуслар менга ҳурмат ва эҳтиром билан муносабатда бўлдилар. Жамоатдаги имонлилар эса бутун кўриниши билан: “Биз буларнинг ҳаммасини биламиз, бизни кига жуда кўп воиз меҳмонлар келишади, наҳотки сен бизга қандайдир янги нарсани айтсанг?” – деган фикрларни айтарди. Турли хил хизматларнинг ўртасида улкан фарқ бор, бироқ ҳамма нарса тўғридан-тўғри битта сўзга – ҳурматга боғлиқ.

Сизни хафа қилганда ҳам ҳурмат қилиш

Ёзувдан, гап хизматчи қандайлигида эмас, лекин гап уни қандай қабул қилишларида эканини аниқ кўрсатадиган оятларни эслатишга ижозат беринг.

Эски Аҳдда Элқанаҳ исмли одам бўлган. Унинг Ҳаннаҳ ва Пениннаҳ исмли иккита хотини бор эди. (Мен бизда қўшхотинлилик йўқлигидан хурсандман. Менинг хотиним битталигидан бошим осмонда). Пениннаҳнинг фарздлари бор эди, Ҳаннаҳ эса фарзандсиз эди, у бепушт эди. Ўша замонларда аёллар эрларига бўлган севгисини, фарзандлар дунёга келтириш, айниқса ўғил туғиш орқали кўрсатар эдилар. Нега? Чунки эркак наслини давом эттириш муҳим эди.

Ҳар йили бу оила Шиломга, Худого қурбонлик келтириш учун борар эдилар. Пениннаҳ бола туғишда давом этар, Ҳаннаҳ эса Раббийнинг қаршисига олиб келиш учун бирорта ҳам бола туғмас эди. Ҳаннаҳ бундан чуқур қайғуга тушарди ва боз устига, Пениннаҳ уни қийнар эди. Ёзувда шундай дейилган: “Раббий Ҳаннаҳнинг бачадонини ёпиб қўйгани учун нолишга ундаб кундоши Пениннаҳ Ҳаннаҳни хафа қилар эди” 1-Шоҳ 1:6).

Пениннаҳ унга етказган бундай азобли аламларни тасаввур эта оласизми: “Қани дугонажон, қайси биримиз эримизни кўпроқ севар эканмиз? Мен унга шунча фарзандлар совға қилдим, сенчи? Сенинг болаларинг қани? Сен аёл эмассан, сен ҳатто эллик фоизга ҳам аёл эмассан. Балки эринг сенинг ётоғинга умуман кирмас? У сендан жирканар? Албатта, чунки у мени севади”. У доим Ҳаннаҳни қийнар эди. Ниҳоят, буларнинг бари Ҳаннаҳнинг ҳиқилдоғига келди. У маъбадга бориб, ўзининг барча азобларидан йироқроқда, Раббийнинг ҳузурида юпанч топишга қарор қилди. У мушкул вазиятда эди ва Раббийга аччиқ фарёд билан илтижо қилди. У чин юракдан ибодат қилди, бироқ унинг

фақат лаблари қимирлар, овози эса эшитилмас эди. У Раббийга ваъда берди. Борди-ю, Худо унинг бачадонини очса ва унга фарзанд берса, у бу болани умрбод Худога хизмат қилиш учун бағишлайди. Шу вақт руҳоний Элий уни кўриб қолди. У аёлни шароб ичиб олган деб ўйлади ва деди: “Қачонгача маст бўлиб юрасан? Энди шаробдан воз кеч!” (1-Шоҳ 1:13,14).

Қайтараман, Ҳаннаҳ америкалик аёл эмасди. Шундай бўлганда эди, Элийнинг устига ёқимсиз бўлган иборалар ёғиларди. Ҳойнаҳой, у руҳонийнинг сўзларини эшитиб, қаҳрга тўлар ва шундай деб ўйларди: “Бу қанақа руҳоний ўзи? Мен Худонинг қаршисида юрагимни тўкиб солаяпман, рўза тутаяпман, у эса мени ичкиликбозликда айбласа-я. Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас, балки мен уни нотўғри эшитгандирман. Менга у шундай дегандек туюлди, менимча. Кошки эди, у менга айнан шундай деди. Нақадар бағритош ва бепарво одам. Қандай сурбет экан? У қандай қилиб маъбаднинг юзи бўла олади? Унга танбеҳ бериш, хизматдан бўшатиш ва Худонинг ўйидан қувиб чиқариш зарур”.

У осонликча ўзидан кетиб, Элийга бақариб кетиши мумкин эди: “Сен ҳали мени маст дедингми? Мен рўзадаман, ҳаётимдаги муҳтожлигимни Худонинг қаршисида, юрагимдан тўкиб-солаяпман, сен эса мени мастсан деб айблаяпсан! Сен ҳатто, одам Худони чинакамига самимий излаганини кўрадиган кўзга эга эмассан! Сен қанақа руҳонийсан?! Ва бу қанақа маъбад ўзи? Мен эримга ҳаммасини айтиб бераман ва бу жойга энди оёғимизни босмаймиз! Биз энди бошқа жамоатга борамиз!”

Агарда Ҳаннаҳ шундай йўл тутганда эди, у мукофотини йўқотган бўларди. У ҳеч қачон фарзанд кўрмасди ва Худога нисбатан юраги тош бўлиб қоларди. У Худо менинг ибодатларимни эшитмади, деган хаёл билан бу дунёдан кўз юмарди. “Мен рўза тутдим, жон-жаҳд билан ибодат қилдим, аммо Худо жавоб бермади” – деган бўлар эди.

Ҳаннаҳ бошқача йўл тутди. Мана у уни камситган хизматчига нима деб жавоб берди: “Йўқ, эгам менинг, мен – руҳан эзилган аёлман. Шароб ҳам, бошқа бир маст қилувчи ичимлик ҳам оғзимга олганим йўқ, лекин Раббийнинг қаршисида юрагимни очмоқдаман. Бу чўрингизни ярамас аёл деб ҳисобламанг” (1-Шоҳ 1:15, 16 кенгайтирилган таржима).

Кўраяписизми, у руҳонийга қандай эҳтиром билдирди. Ҳаннаҳ уни “эгам” деб, ўзини эса “чўри” деб атади. Аёл унга улкан ҳурмат билан, эъзозлаб жавоб қайтарди. Шунда Элий жавоб бериб: “Тинчликда боравер, Исроилнинг Худоси сен Ундан сўраган тилагингни бажо келтирсин, – деди” (1-Шоҳ 1:17).

48 ҲУРМАТ ЭВАЗИГА МУКОФОТ

Кейинги уч ой ичида Ҳаннаҳ ҳомиладор бўлди. У маъбадда илтижо қилганидан сўнг бир йил ўтмай, у ўғли Шомуилни туғди. Шомуил Исроилга руҳий уйғониш олиб келган инсон бўлиб улғайди. Ҳаннаҳ ўзи истаган ва ибодатда сўраганларига, унга қўпол муомалада бўлган руҳонийга эҳтиром кўрсатганидан сўнг эришди. Кейинроқ Худо бу руҳоний ҳақида шундай деди:

“Сенинг айбинг учун хонадонингни тоабад жазолайман”,
деб эълон қилдим, чунки у ўғиллари ўзларига лаънат
орттирганларини била туриб, уларни тиймади. Шунинг
учун, Мен Элийнинг хонадонининг устига қасам ичаманки,
Элий хонадонининг айбини қурбонликлар билан ҳам, нон
бағишловлари билан ҳам тоабад ювиб бўлмайди”.

– 1-Шоҳ 3:13,14

Во ажаб! Худодан ўзинг ва оиланг ҳақида, бундай сўзларни эшитишни ҳеч кимга раво кўрмайсан. Тоабад кечирим ололмайди! Шунга қарамай, Ҳаннаҳ бу одамни ҳурматини жойига қўйгани учун Раббидан мукофотини қўлга киритди. Гап Элий қандай бўлгани ва нималар қилиб қўйганида эмас, гап Ҳаннаҳ унинг устидан ҳокимиятга эга шахсга, қай тарзда муносабат билдирганида. Агарда биздан юқори мансабга қўйилган одамларни ҳурмат қилсак, Раббидан ўз мукофотимизни оламиз.

5-БОБ

ҲОКИМИЯТ

Пайғамбар ва етакчининг мукофоти ҳақида гапиришни давом эттиришдан аввал, ҳокимиятнинг муҳимлигини ва қийматини кўриб чиқишимиз зарур. Бу ҳақиқат юракларимизга ўрнасагина, юқорида турган кишини самимий ва кучли ҳурмат қила оламиз.

Келинг, ҳурмат сўзининг маъносини эсга оламиз: “Қадрлаш, муҳим, қимматли нарса деб қараш”. Агарда ҳурмат кўрсатишимиз жоиз бўлган одам ҳокимият тепасида турса, бундай ҳолатда ҳурмат қилиш, эъзозлаш, қадрлаш маъноларига эга. Қўйидаги бир неча бобда айнан шундай ҳолат тўғрисида мулоҳаза юритамиз. Уэбстер лўғатида (1828-йил босиб чиқарилган) ҳурмат “қадрлаш, эъзозлаш, эҳтиром кўрсатиш; ҳурмат ва итоаткорлик билан муносабатда бўлиш, тегишли мажбуриятларни бажариш” деган таъриф келтирилган. Шундан келиб чиқиб, ҳокимиятга бўйсунуш, ҳаққоний ҳурмат белгиси эканини кўриб чиқамиз.

Ҳокимиятни ҳурмат қиламиз деб, итоаткорлик ва бўйсунушдан чекиниш, ўз-ўзини алдашга киради. Ҳокимиятни ҳурмат қилиш – демак, ҳокимиятга бўйсунушни билдиради; ҳокимиятни ҳурмат қилмаслик – демак, ҳокимиятга итоат этмаслиқдир. Рим юзбошисини эсланг: у ҳокимиятни тан оладиган ва унга бўйсунадиган киши эди. Бу унинг юрагининг тубида жойлашган табиатининг бир қисми эди. Натижада, у Исога ҳурмат кўрсатди ва ўз мукофотини қўлга киритди.

ҲОКИМИЯТНИНГ ТҮРТТА ДАРАЖАСИ

Осмон Шоҳлигида, бизга топширилган ҳокимиятга тегишли бўлмай, ҳусусан бизнинг замонавий жамиятимизда, ҳокимиятнинг тузилиши ва

50 ҲУРМАТ ЭВАЗИГА МУКОФОТ

аҳамияти ҳақида чуқур англамай яшаш осон. Бироқ бизнинг юракларимиз бу ҳақиқатда ўрнашган бўлиши зарур. Бизга аниқ равишда айтилган:

“Ҳар бир жон юқори ҳокимиятларга бўйсунсин. Чунки Худодан бўлмаган ҳокимият йўқ, мавжуд бўлган ҳокимиятлар эса Худо томонидан ўрнатилган. Шунинг учун ҳокимиятга қаршилиқ қилаётган Худонинг қарорига қарши чиққан бўлади. Қаршилиқ қилувчилар эса ўз-ўзларини маҳкумлиққа дучор қиладилар”.

– Рим 13:1,2

Биринчидан, бу таклиф ёки маслаҳат эмас, бу буйруқ. Қолаверса, “ҳар бир жон” деган жумлага эътибор беринг. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, ҳеч қандай истисносиз, ҳамма. Исонинг номини чақирадиган ҳар бир киши, ушбу талабга бўйсунгани зарур.

“Юқори ҳокимият”дагилар кимларни билдиради? Бу матнда Повул фуқаролик ва ҳукумат ҳокимиятини назарда тутмоқда. Шундай бўлишига қарамай, бу огоҳлантиришдан нафақат ҳукумат раҳбарларига, шунингдек, бошқа ҳокимият эгаларига нисбатан ҳам қўлланилади.

Янги Аҳдда, одамга бериладиган ҳокимиятнинг тўртта босқичи тўғрисида ёзилган: фуқаролик ҳокимияти, жамоат, оила ва ижтимоий ҳокимият. Ижтимоий ҳокимият деганимда, мен барча бошлиқлар, ўқитувчилар, мураббийлар ва бошқаларни назарда тутаман. Янги аҳдда ҳокимиятнинг ҳар битта тури учун махсус ўғитлар берилган, аммо у ёки бу турига берилган айрим, аксарият ҳолларда эса барча маслаҳатлар, ҳокимиятнинг бошқа соҳаларига ҳам тегишли.

Келинг, пайғамбарни пайғамбар номи ҳақи қабул қилиш ҳақида гапирганда, Исо ҳақ киши ҳақида ҳам худди шу нарсаларни гапиргани ва охирида кичикларни ҳам ёдга олганини эслайлик. Юқорида айтиб ўтганимдек, бу ердаги ҳаётда, кези келганда дуч келадиган, ҳокимиятнинг учта даражасини кўрамиз: биздан юқорида турадиганлар, биз билан тенг даражадагилар ва бизнинг қарамоғимизга ишониб топширилганлар. Биздан юқорида турадиган даражага, жамоатдаги ҳокимиятнинг тимсоли “пайғамбарлар” киради, шунингдек, бу даражага тегишли бўлган барча қоида ва қонунлар ўз доирасидан чиқиб, ҳокимиятнинг бошқа барча даражаларига ҳам тарқалади. Бунинг тасдиғи сифатида Ёзувдан яна бир мисол келтирамиз:

“Улар ҳокимиятга эга бўлиб, ўз вазифаларини бажарганида, Раббий учун меҳнат қилаётгани сабабли, сиз уларга бож тўлайсизлар. Шундай қилиб, ҳар бир кишига ўз ҳаққини тўланг: ўзингиз ва мулкингиз учун тайинланган божларни тўланг; уларнинг барчасига ҳурмат ва эҳтиром билдиринг”.

– Рим 13:6,7, кенгайтирилган таржима

Фуқаролик ҳокимияти Худо томонидан тайинланади ва У учун ишлайди. Уларни эъозлаб, биз уларни тайинлаган Зотни эъозлаймиз; шунда Худо бизни эъозлайди. Ҳурмат қонунининг маъноси шундадир. Ижтимоий ҳокимиятга келсак, қўйидагиларни ўқиймиз: “Қўллик бўйинтуруғи остида бўлганлар ўз хўжайинларини ҳар қандай ҳурматга муносиб деб ҳисобласинлар” (1-Тим 6:1).

Бу оят биз учун қўйидагича жаранглайди: “Раҳбарларнинг қўл остидаги барча ишчилар, ўз иш берувчисини ёки бошлиғини ҳар қандай ҳурматга муносиб деб ҳисобласинлар”. Ёки бундай: “Барча таълим олаётган талабалар, ўз устозларини ҳар қандай ҳурматга муносиб деб ҳисобласинлар”. Спортчилар ва уларнинг мураббийлари ва ҳар қандай бошқа турдаги, бири-иккинчисига бўйсунини ўз ичига оладиган, ўзаро муносабатлар ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Оиладаги ҳокимият борасида эса қўйидагиларни ўқиймиз:

“Ўз ота-онангни ҳурмат қил”, – бу ваъда билан бўлган биринчи амрдир: “токи сенга эзгулик бўлсин ва ер юзида узоқ яшай олгин”.

– Эфес 6:2-3

Ота-онани ҳурмат қилиш эвазига бериладиган мукофот амр билан боғлиқ. Бунга биров ўтиб, муҳокама қиламиз. Ва ниҳоят, жамоатдаги ҳокимият тўғрисида ўқиймиз:

“Биродарлар, орангизда меҳнат қилаётган ва Раббий йўлида сизларга бошчилик қилиб, Масих йўлини ўқтираётганларни ҳурмат қилинглр, деб сизлардан ўтиниб сўраймиз. Шу тариқа, уларнинг қилаётган иши учун уларни севги билан юксак даражада ҳурмат қилинглр. Ўзаро тинч-тотув яшанглр”.

– Салоникаликларга 5:12-13

Ёзувда, юқорида келтирилган ҳар битта ҳокимият турига тегишли

52 ҲУРМАТ ЭВАЗИГА МУКОФОТ

бўлган оятлар бир талай ва кейинроқ улар ҳақида батафсил ва алоҳида гап боради. Худо бу ҳокимиятларнинг ҳар бир турини ҳурмат қилишни айтган, ҳурмат қонуни айнан шу тарзда қўлланилади. Биз ҳокимиятни қанчалик қадрлаганимиз ва эҳтиром кўрсатганимизга қараб, ўзимизнинг тўлиқ ёки қисман мукофотимизни оламыз.

Шоҳлик

Биз Худонинг Шоҳлиги, чиндан ҳам Шоҳлик эканини ёдимизда сақлашимиз жоиз. Унда даражалар, тартиб ва ваколатни топшириш қонунлари бор. Мен бу ҳақда бир неча йилдан буюн жар солаяпман, бироқ Хушxabарни, ҳар битта қитъада (Антарктидан ташқари), бутун дунё бўйлаб воизлик қилиб, Худонинг тартиби ҳақидаги ҳақиқатни етказиш энг қийин бўлган жой – бу ғарбий мамлакатлар эканини кўрдим. Нега? Жавоб жуда оддий:

Биз ўзимизнинг демократик дунё қарашимиз билан, Шоҳликнинг қонуниятларини тушунишга уринамыз.

Худонинг Шоҳлиги демократия эмас. Шу сабабли, борди-ю, биз Худони ўзимизнинг демократик дунё қарашимиз билан фаҳмлашга уринсак, ҳеч қачон Унинг яқинига ҳам йўламаймиз. Биз Унинг ҳокимиятининг муҳофазасисиз яшаймиз ва бу бизни заифлаштиради, натижада, осонликча тўғри йўлдан оғадиган бўлиб қоламыз. Исо шу боис, бизнинг авлодимиз кўп алданишини айтган. Биз бугун ҳар қачонгидан ҳам кўра кучли тарзда ҳокимиятни менсимаяпмиз; бироқ янада хавфлироғи – ҳокимиятни нафақат дунёвийлар, қолаверса, имонлилар ҳам менсимаяпти. Биз ҳар битта ҳокимият Худодан эканини ёдда сақлашимиз лозим ва у бизга муҳофаза, хавфсизлик ва хотиржам ҳаёт учун берилган.

Ғарбий тафаккур бир талай Америка жамоатларининг парчаланишига олиб келди, мана нима учун аксарият масиҳийлар уй жамоатларига қочадилар. Ушбу юзаки имонлилар, Исо Масиҳнинг Ўзи ўрнатган ҳокимиятга бўйсунини истамайдилар. Эҳтимол, сиз: “Жон, Хитойдаги барча жамоатлар, кўплаб уй жамоатлар кўринишида фаолият юритади” – дейшингиз мумкин. Ҳа, бу тўғри, уларда очиқ йиғилишнинг имкони йўқлиги туфайли, улар жамоатни шу тариқа қуришга мажбур. Бундан ташқари уларда Худонинг Сўзига тўлиқ мос келадиган ажойиб ташкиллаштириш тартиби мавжуд. Ҳеч муболағасиз, манашу йил мендан

Хитойнинг уй жамоатларининг бешта етакчилари билан учрашишни сўрадилар. Бу бешта етакчи ўн миллионга жон учун масъулият олган. Улар уй жамоатларини бошқарадиган оқсоқоллар ҳисобланади. Бизнинг хизматимиз уларнинг жамоатларига икки юз эллик мингга китоб юборди ва бир неча кундан сўнг, китобларнинг ҳар биттаси ўз эгасини топди. Уларнинг тизими Муқаддас Китоб билан бир оқимда ҳаракатланади.

Америкада пайдо бўлаётган уй жамоатларининг аксарияти умуман бунақа эмас. Уларда Эски Аҳддагидек ҳаққоний бошқарув ва ҳисоб бериш тартиби йўқ. Эътибор берган бўлсангиз, Повул ўз мактубларида ёзган, жумладан Тит ва Тимотийни, улар юборилган жамоатга одамларни тўғрилаш, таъна қилиш, панд-насихат бериш ва қуриш учун жамоатнинг оқсоқоли қилиб тайинлашни айтган. Шу аснода, Исо ўрнатган ҳокимият тизимида ҳисоб бериш тартиби мавжуд бўлсин. Америкадаги уй жамоатларида бундай тизимни тополмайсиз. Ҳойнаҳой, жамоатда бир талай аразлаган, ҳақоратланган ва охир-оқибатда, ҳафсаласи пир бўлган имонлиларни учратасиз. Улар ҳисоб беришдан қочиш учун уй жамоатларини тузадилар. Биз Жамоатни инсон эмас, балки Раббий Исо қурганини унутмаслигимиз керак. Муқаддас Ҳаворийлар Фаолияти китобида, ҳар битта уйда имонлилар йиғилиб турганини ўқиймиз. Уйларда йиғилиш яхши, аммо маҳаллий жамоатларда тайинланган оқсоқоллар томонидан идора қилинадиган етакчилик ва ҳисобот бериш тартиби бўлиши зарур.

Барча қонуний ҳокимият Худодан

Римликларга Мактубдан яққол кўриш мумкинки, ҳар биримиз юқори ҳокимиятга бўйсунушимиз зарур. Нима учун? Чунки “Худодан бўлмаган ҳокимият йўқ” (13:1). Бор жаҳондаги ҳар битта қонун доирасидаги ҳокимият Худонинг тахтидан келади. Чиндан ҳам Худодан туғилган инсон, ҳокимиятни тан олади ва унга итоат этади. Менга ҳокимиятни менсимайдиган кишини кўрсатсангиз, мен сизга Худодан туғилмаган инсонни кўрсатаман. У гуноҳкорнинг ибодатини қайтаргани ва ҳар ҳафта жамоатга қатнашининг аҳамияти йўқ. Борди-ю, киши юрагида ҳокимиятни эъзозламаса, у ҳали нажот топмаган. Сиз: “Жон, сен бунга қандай журъат билан айтяпсан?” – дейишингиз мумкин. Исо ҳаққоний имонли, гуноҳкорни ибодатини қайтарганига қараб эмас, балки

54 ҲУРМАТ ЭВАЗИГА МУКОФОТ

ҳосилларига қараб билинади деб айтган. Худони чиндан ҳам севадиган ва Уни биладиган одам – Унинг ҳокимиятини эътироф этадиган инсондир, шу боис, Худони билиш – ҳокимият тушунчасини билишдир. Раббий ва Унинг ҳокимияти ажралмасдир.

Римликларга Мактубда Повул давом этиб, дейди: “Мавжуд бўлган ҳокимиятлар эса Худо томонидан ўрнатилган” (13:1). Бу оятда ҳокимиятни одамлар танлайди, дейилмаганини пайқадингизми? Уни Худонинг ўзи тайинлайди. Бу матндаги инглизча сўз “appointed” юнон тилида “tasso” деган синоним сўзга эга ва у “топириш, бағишлаш, ўрнатиш” маъноларига эга. Бу сўзда бирорта ҳам “тасодифий” ҳаракатнинг туси йўқ. Бу ерда ўзи аниқ истаб, тайинлаш ҳақида гап бормоқда. Модомики, барча ҳокимиятни Худо тайин этган экан, агарда биз уни менсимасак, унга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатмасак ва унга итоат этишдан бош тортсак, ҳокимиятнинг ортида турган Ҳокимни рад этган бўламиз. Биз буни биламизми, йўқми, Худонинг қоидаларига ва тартибига қарши чиққан бўламиз.

Биз Худо тайинлаган ҳокимиятга қарши чиққанимизда, Худонинг Ўзига қарши чиққан бўламиз. Шу боис, ҳаворий: “Ҳокимиятга қаршилиқ қилаётган Худонинг қарорига қарши чиққан бўлади” – дейди (Рим 13:2).

Мен ҳам бу ҳақиқатни илк бор тушунганимни эслайман. 1992-йили Билл Клинтон Америка Қўшма Штатларининг президенти бўлиб сайланди. Мен уч кун давомида тушкунликда юрар ва асабийлашар эдим. Сўнг Муқаддас Руҳ менга, ҳеч ким Унинг ижозатисиз бирор мансабни эгалламаслигини айтди. Юрагимда очиқлик олиб, мен Клинтон президентни танқид қилишни тўхтатдим ва унга эҳтиромда бўлишни, ибодат қилишни ва у учун Худога миннатдорчилик билдиришни бошладим. Раббий ҳаворий Повул орқали деган: “Шундай қилиб, энг аввало шуни илтимос қиламан: барча инсонлар, подшоҳлар ҳамма ҳокимлар ва бошлиқлар учун ибодатлар, илтижолар, шафоатлар қилинлар ҳамда миннатдорчилик билдиринлар, токи биз ҳар қандай диёнат ва покликда тинч ҳамда осойишта ҳаёт кечирилик” (1-Тим 2:1,2).

Эътибор беринг, осойишта ҳаёт кечиришнинг шарти, ҳокимиятни ҳурмат қилишдир. Бу ҳокимиятни эъзозлайдиганларга Худо берадиган мукофотлардан бири ҳисобланади. Биз имонлилар сифатида ҳукуматдаги одамларни ҳурмат қилмасак, ўзимизга муаммо чақирамиз.

Икки турдаги қувғинлар бор. Бири, ўзимиз-ўзимизга қувғинни орттирамиз; иккинчиси – ҳақ киши эканимиз учун қувғин бўламиз. Ҳаворий Петъор икки турдаги қувғинни ҳам тилга олган. Биринчиси ҳақида шундай деган: “Агар сизлар қилган ножўя ишингиз учун таёқ еб, бардош берсангиз, бу сизларга қандай мақтов келтиради?” (1-Пет 2:20).

Бошқа сўзлар билан айтганда, борди-ю биз ножўя иш қиладиган бўлсак, бу учун жазоланамиз. Янада оддийроқ қилиб айтамыз, агарда сиз “тўхташ” белгисига тўхтамаган бўлсангиз-у, орқани кўрсатадиган ойнангиздан кўк ва қизил чироқ ёқилган машина сизни қуваётганини кўрсангиз, бунда шайтонни айблаб ўтирманг. Нега? Бу Худо ҳокимиятни қай мақсадда тайин этган сабаблардан айнан биттаси. “Чунки бошлиқлар яхши ишлар учун эмас, балки ёмон ишлар учун даҳшатлидирлар. Ҳокимиятдан қўрқмасликни хоҳлайсанми? Яхшилик қил ва ундан мақтовлар оласан” (Рим 13:3). Шубҳасиз, ўзига орттириш мумкин бўлган қувғиндан осонликча қочиб қолиш мумкин, шунчаки ҳокимиятга бўйсунинг, шунда ҳеч қандай муаммо бўлмайди.

Қувғиннинг бошқа тури – ҳақ кишига келадиган қувғинлар. Яхши ишларимиз учун ҳокимият бизни жазолаши бу турдаги қувғинга киради. Петъор дейди: “Аммо яхшилик қилиб, азобга бардош берсангиз, бу Худога маъқулдир. Сизлар ана шунга даъват этилгансизлар. Чунки Масиҳ ҳам биз учун азоб чекиб, бизга намуна қолдирди, токи биз Унинг изидан юрайлик” (1-Пет 2:20, 21).

Бизга ёмон муносабатда бўлганларида ҳам, биз яхши ишчи, талаба, фуқаро, жамоат аъзоси бўлишда давом этсак, бу ҳурматнинг энг юқори даражаси ҳисобланади. Бизга салбий муносабатдагиларга ҳам чуқур эҳтиром кўрсатишда давом этиш учун, биз юракларимизда Худонинг қўрқувига эга бўлишимиз зарур.

Бу сўзларни қунт билан бажаришни ўрнига, кўплар бугун шундай дейдилар: “Мен эркин инсонман, мен масиҳийман, мен эркин давлатда яшаяпман, мен ҳар қанақа сафсатарни бўйнимга олишга мажбур эмасман!” Ҳа, сиз эркинсиз, бироқ унутманг, Худонинг Сўзида ёзилган: “Биродарлар, сизлар озодликка даъват қилингансизлар. Фақатгина бу озодлик тана ҳирсларига имкон бермасин, аммо бир-бирингизга севги билан хизмат қилинлар” (Гал 5:13). Биз ноҳақ муносабатларга тўғри юрак билан чидашга чақирилганмиз. Петъорнинг сўзларига қулоқ тутинг:

56 ҲУРМАТ ЭВАЗИГА МУКОФОТ

“Сизлар ана шунга даъват этилгансизлар. Чунки Масих ҳам биз учун азоб чекиб, бизга намуна қолдирди, токи биз Унинг изидан юрайлик”.

– 1-Пет 2:21

Исо бизга қандай намуна қолдирди? У фақат яхши ишлар қилган бўлишига қарамай, ҳокимият уни ёмон ишлар қилганликда айблаб, жазолади. Якуни йўқ савол шундан иборат: ҳукуматга, ҳатто ёмонларига ҳам, айниқса, бизга нисбатан ноҳақ муносабатда бўлаётганларига ҳам бўйсунуш керакми?

Ёмон ҳукумат?

Кўпчилик мен билан баҳслашади ва дейди: “Жон, мен ёмон ва ҳатто, қонхўр ҳукуматларни биламан, сен уларни ҳам Худо тайинлаган деяпсан? Боз устига, биз уларга бўйсунушимиз керакми? Бу ерда ҳеч қандай мустаснолик йўқми?”

Бу ҳақиқат. Қаттиққўл ва адолатсиз – золим ҳукуматлар бор; ҳатто Ёзувда ҳам бундай ҳукуматлар ҳақида кўп мисоллар келтирилган. Биз Худонинг Сўзида ёзилганларини унутмаслигимиз жоиз. У бизга дейди: “Ҳамма бошлиқлар Худодан, бироқ уларнинг ҳаммаси ҳам Худога бўйсунмайди”.

Худо Янги Аҳд муаллифларини, фарзандларини ҳокимиятга бўйсунуш тўғрисида таълим беришга ундаганида, У кўплаб золим ҳукуматлар бўлишини билар эди. Юқорида айтиб ўтганимиздек, Ёзувда ҳам кўплаб ёвуз ҳокимларни учратамиз. Фиръавнга қаранг. У тирик Худонинг халқи саналган, Иброҳимнинг авлодларига золимларча муносабатда бўлди. У уларни хўрлар, калтаклатар ва ҳатто, уларнинг фарзандларини ўлдирар эди.

Бу фиръавнга ҳокимият ким томонидан берилди? Ёзувда Худо фиръавнга: “Мен сени қўйдим” – дегани айтилган (Чиқ 9:16). Повул ўзининг мактубларининг бирида буни тасдиқлаган (Рим 9:17 га қаранг), икки кишининг гувоҳлиги ҳақиқатни тасдиқлайди. Ҳеч шубҳасиз, фиръавнни ҳокимият тепасига инсон ёки шайтон эмас, балки Худо кўтарди ва тайинлади. Хуллас, “мавжуд бўлган ҳокимиятлар эса Худо томонидан ўрнатилган” (Рим 13:1) деган фикр билан ҳеч бир тафовут йўқ.

Бобил шоҳи, Набукаднешарга қаранг. У Яҳудияни яксон қилди, маъбадни ва Худо халқининг қарийб ҳамма уйларини талон-тарож этди. Оқибатда у ўша замонлардаги барча машҳур жойларни қамал қилиб, ўз империясини қурди. У ўз йўлларида Худого шу қадар итоатсизлигидан, ҳукмронлик қилаётган йилларида ақлдан озди “Шу заҳотиёқ Набукаднешарнинг устидан айтилган бу сўзлар бажо бўлди. У одамлардан ажратиб қўйилди, ҳўкиз каби ўт ер эди, бадани эса осмон шудринги билан суғорилар эди. Шундай қилиб, унинг сочлари ўсиб, шернинг сочларидек ва тирноқлари қушларникидек бўлиб қолди” (Дан 4:30).

Бироқ Худо бу одам ҳақида яққол айтган: “Исроилнинг Худоси Қўшинлар Худованди шундай дейди: Мана, Мен қулим бўлмиш Бобилнинг подшоҳи Набукаднешарга одам юбориб, уни олиб келаман ва унинг тахтини Мен яширган мана шу тошлар устига қўяман. У уларнинг устида ўзининг ажойиб чодирини ёяди” Иер 43:10).

Худо уни “Менинг қулим” деб атаяпти, негаки “мавжуд бўлган ҳокимиятлар Худо томонидан ўрнатилган”.

Шоҳ Шоулга қаранг. Бир талай воизлар: “Шоулни одамлар танлади, Довудни эса Худо танлади” – деганларини эшитганман. Бу нотўғри мулоҳаза ва бу Худонинг Сўзига зид. Мана шунга ўхшаш нодон фикрлар Худонинг халқига зиён келтириши мумкин, чунки бу қонуний бўлса ҳам, айрим ҳукмдорларни Худо эмас, балки инсон қўйган деган хаёлга олиб боради. Шу тарзда, одамлар айрим ҳукмдорларга жоиз ҳурматни кўрсатмайдилар, бу билан улар ўзларига зиён етказдилар. Худонинг Ўзи манашу бевафо, ёввойи ва бетавфиқ одам ҳақида нима деганини эшитинг: “Шоулни подшоҳ қилиб тайинлаганимдан ачинаман, чунки у Мендан юз ўгирди ва Менинг сўзимни бажо келтирмади” (1-Шоҳ 15:11).

Эътибор беринг, Худо: “Шоулни Мен подшоҳ қилиб тайинладим” – деган. Уни одамлар эмас, балки Худо қўйган. Бу жойда ҳам “мавжуд бўлган ҳокимиятлар эса Худо томонидан ўрнатилган” деган фикрнинг тасдиғини кўраимиз.

Довуд Муқаддас Китобдаги “Худонинг юрагидаги инсон”, дейилган ягона киши, Шоулнинг ҳокимияти остига қўйилган эди. Бу Худо “Шоулни подшоҳ қилиб тайинлаганимдан ачинаман”, дегандан кейин содир бўлди. Бу тасодифий воқеа эмас, бу Худо режасининг бир қисмини ташкил этади.

Шоул бошида, Довуд унга хизмат қилиб юрган пайтларда, унга

58 ҲУРМАТ ЭВАЗИГА МУКОФОТ

бор эзгулик ва илтифот билан муносабатда бўлди. Довуд Шоулнинг хавфсизлигига таҳлика солишни бошлаганда, шу заҳоти унга нисбатан зулм кўрсатишни бошлади, у Довудни ўлдириш учун қулай фурсатни жон куйдириб изларди. Шу боис, Довуд ҳаёти чиндан ҳам хавф остида эканини билиб, қочиб кетишга мажбур бўлди.

Кейинги ўн тўрт йил давомида, Довуд ғорларда, чўлларда ва инсон оёғи етмас олис жойларда, ҳатто бегона давлатда ҳам яшади. Ўйлаб кўринг, у ўн олти ёшидан, то ўттиз ёшигача, бирор марта уйига, бироз вақтга бўлса ҳам бора олмади. У ўз оиласидан узоқда, ўз уйдан ва ёшлигидаги барча дўстларидан йироқда бўлди. У энди ўзининг энг яхши дўсти Йонатан билан кўриша олмас эди, чунки у шундай қилса, Шоул уни осонликча ўлдириши мумкин эди. У ёш йигит сифатида қулайликни, хавфсизликни ва ёшлигида қувонтирган барча нарсаларни қолдириб, Худо унинг устидан тайинлаган раҳбар дастидан, ўн тўрт йил қочиб юришига тўғри келди. Худо Ўз юрагидаги одам билан, нима сабабдан бундай йўл тутди?

Худованд “Шоулни подшоҳ қилиб қўйганидан ачинаман” дегандан кейин ҳам, Довуд барибир ўз шоҳига бўйсунишда ва уни ҳурмат қилишда давом этди. У Шоулнинг олдида айбдор эмаслигини кўп марта исботлаб берди, аммо Шоул барибир уни ўлдириш имконини излар эди. Қочоқликда юришнинг бир неча йили ўтиб, Довудда унинг раҳбари келтираётган барча кулфатларга чек қўйиш имкони туғилди.

Эн-Гадди чўлида Довудда Шоулни ўлдириш имкони пайдо бўлди. Шоҳ ўз қўшини билан Эн-Гадди ғорида тўхтаб ўтишга қарор қилди, улар барча қурол-аслаҳаларини ечдилар. Улар Довуд ҳам ўз одамлари билан шу ғорнинг тубида, тишигача қуролланиб, яшириниб ўтирганини ҳеч хаёлига келтирмади. Довуднинг одамлари уни Шоулни ўлдиришга гиж-гижлади, улар бу ёвузликни амалга оширишга кўндиришга уринганларида, ҳатто Худонинг Сўзини ҳам ўз фойдасига шарҳладилар: “Довудга одамлари: “Раббий сенга: «Мана, Мен сенинг душманингни қўлингга топшираман, унга хоҳлаганингни қиласан», деган кун келди!” – дедилар” (1-Шоҳ 24:5).

Улар Довудга ёлворишди: “Довуд, шоҳ Шоул вос-вос бўлган, у халқимизни ўлдирмоқда, у беайб оилаларни ва руҳонийларни ўлдирди. Буюк пайғамбар Шомуил, сени Исроилнинг навбатдаги ҳукмдори сифатида мойлаган, чунки у буни Раббидан эшитган. Агарда сен уни ҳозир ўлдирмасанг, у сени ўлдиради. Бу ўз-ўзини ҳимоя қилишга киради,

хар қандай суд буни тасдиқлайди ва сени айбсиз деб тан олади!” Ажойиб далиллар, кўзи ожизга ҳам равшан туюлган омилларни айтмасам ҳам бўлади: Шоулнинг айбловларини ҳечам тасдиқлаб бўлмайдим ва унинг Довудга қилаётган ҳужумлари, Довуднинг ва унинг одамларининг ҳаётини чидаб бўлмас даражага олиб келди.

Бироқ уларнинг асослари Довудни яхши бир фикрга итарган бўлса ҳам, уни кўндиролмади. У Шоулнинг кийимини бир четини кесиб олиб, бир умрга ҳамманинг олдида айбсизлигимни исботлайман деб ўйлади. Агарда Шоул, Довуд уни ўлдирши мумкинлиги, лекин Довуд ўзи ва у билан бирга бўлганларни тўхтатиб қолганининг исботини кўрса, Шоул Довуд унинг тахтини олиб қўйишидан қўрқишни бас қилади, шунда Довудни ва унинг ҳаётини таъқиб этишдан тўхтайдим.

У ўз подшоҳининг кийимининг бир четини кесиб олгани заҳоти, Ёзув айтадики, унинг юрагига оғриқ кирди ва виждони уни фош қилди. У ўз шоҳини беҳурмат қилди. У нимага бу ишни қилди? У ўша пайтнинг ўзида ҳушига келиб, одамларига жиддий фармон берди: “Раббийнинг мойланганига, менинг эгамга қарши бундай қилишдан – унга қўл кўтаришдан Худо мени сақласин, чунки у Раббийнинг мойланганидир”, – деди” (1-Шоҳ 6-7).

Бироқ шоҳнинг кийимидан бир парчани кесиб олгани учун, ўз айбсизлигини кўрсатишга қарор қилди. У ҳукмдорининг ортидан қичқирди: Довуд Шоулга шундай деди: – “Довуд сизга ёмонлик қилмоқчи”, деяётган одамларнинг гапларига нима учун қулоқ солаясиз? Мана, бугун кўзларингиз кўриб турибди, Раббий ҳозир ёрда сизни қўлимга топширган эди. Менга: “Уни ўлдир”, дейишди, лекин мен сизни аядим ва дедим: “Эгамга қарши қўл кўтармайман, чунки у Раббийнинг мойланганидир”. Эй, отам менинг! Қўлимдаги ридонгизнинг парчасига қаранг! Мен ридонгизнинг этагидан бир парча кесиб олдим, бироқ сизни ўлдирмадим. Менинг қўлимда ёмонлик ёки маккорлик йўқлигини ва мен сизга қарши гуноҳ қилмаганимни билиб олинг ва бунга ишонч ҳосил қилинг. Сиз эса менинг жонимни олиш учун мени излаясиз. Раббий бизнинг орамизда ҳукм чиқарсин ва мен учун У сиздан қасд олсин. Аммо менинг қўлим сизга қарши кўтарилмайди” (1-Шоҳ 24:10-13).

Қасд олишга сабаб бўлса-да, албатта, сабаб бор эди, Довуд барибир ҳаммасини Раббийга топширди. Унинг қилган ишига келсак, у одамнинг

хаёлига келмаган ишни қилди, у Шоулга эҳтиром кўрсатди. Довуд уни янчиб ташламоқчи бўлган кишини “менинг отам” деб атади.

Шоул Довуднинг бағри кенглигидан гангиб қолди, жавобан унга ҳайқирди: “Сен мендан кўра ҳақроқсан, чунки мен сенга ёмонлик қилганимда, сен менга яхшилик билан қайтардинг” (1-Шоҳ 24:18). Сўнг Шоул ўз одамлари билан орқасига қайтиб кетди.

Довуддаги эҳтиромнинг буюк синови

Энди Довуд ўз айбсизлигини исботлагандан сўнг, балки сиз, Шоул уни тинч қўйган деб ўйларсиз. Бу золим раҳбар бундай одам эмас эди. Кейинроқ Шоул, Довуд Гахила қирларида яшириниб юрганини эшитди. У яна Исроилнинг уч мингта энг сара жангчиларини олиб, Довудни ўлдириш учун ва уни таъқиб қилиш учун йўлга тушди.

Довуднинг юрак ҳолатини тасаввур эта оласизми? У яқиндагина Шоулга ўзининг айбсизлигини исботлади, Шоул эса уни қувғин қилишда ва унинг ҳаётига хавф солишда давом этмоқда. Бу Довуд унинг раҳбари тошбағр қотил эканини ва Довуд беҳуда умид қилганининг тўғридан-тўғри далили. Шоулнинг бундай ҳаракатини кўриб, Довуд осонликча жаҳл отига миниши мумкин эди: “Мен ўз шоҳимнинг ҳаётини сақлаб қолиб, унга ўз ҳурматимни кўрсатдим, гарчи ўзимни ҳимоя қилиш мақсадида, осонликча уни ўлдиришим мумкин эди; у мен унга билдирган ҳурматга, шу тарзда жавоб қайтараяптими?” Кўпчилик унинг ўрнида заҳарханда тиржайиб: “Энди, қилмишинга ярашасини оласан!” – деган бўларди.

Тез ўтмай, Довуд Шоулнинг бутун қўшинига Раббий чуқур уйқу берганини эшитди (1-Шоҳ 26:12). У ўз одамларидан, ким у билан Шоулнинг қароргоҳига боришини сўради. Энг сара кўнгилли аскар Абишай олдинга чиқди, у Йўабнинг кичик ўкаси эди (уларнинг иккиси ҳам етарли даражада довурак одамлар сифатида донг таратган эдилар).

Хуллас, Довуд ва Абишай кечаси Шоул қўшинининг қароргоҳига келдилар. Шоул ўз чодиринида ўхлар эди; ёнида Авенир ётарди. Шунда Абишай Довудга деди: “Бугун Худо сенинг душманингни сенинг қўлингга топширди. Энди ижозат бер, уни найза билан бир ўриб ерга михлаб қўяйин; бир ўриб, зарбани такрорламайман” (1-Шоҳ 26:8).

Довуд қай даражада шубҳаланганини кўз олдингизга келтиринг. У: “Мен ҳозирнинг ўзида менинг ҳаётимдаги, менинг

атрофимдагиларнинг ва жонажон давлатимиздаги бутун халқнинг барча кулфатларидан қутилишимиз мумкин. Мана, менга доим содиқ бўлган ёрдамчиларимдан бири ҳам, нафақат мен учун, балки менинг ортимдан бораётган ҳамма учун, мен мантиқан ҳаракат қилишимни сўраяпти. Бу садоқатли одамлар уйларига, ўз оилаларига қайтишни орзу қиладилар. Нега энди мен уларга эмас, Шоулга садоқат кўрсатишимиз керак? Шоул мени алдади. У бутун халққа, мени сотқин деб, менинг обрўимни ўғирлади. У менинг отамнинг уйидаги ўғиллик имтиёзимдан ва Исроилдаги фуқаролик имтиёзимдан маҳрум қилди. У менинг хотинимни тортиб олиб, бошқага бериб юборди (1-Шоҳ 25:44 га қаранг). У мени ҳамма нарсадан маҳрум қилди”.

Унинг фикрларини Абишайнинг овози бўлиб қўйди. Абишай бутун умрини Довуднинг фароғатига бағишлаган, энг содиқ кишилардан бири эди. У Довудга: “Довуд нима қиляяпсан? Нимани кутаяпсан, менга бу монстрни ўлдириш учун буйруқ берсанг-чи?”

Абишай давом этиб, нималар деганини тасаввур этса бўлади: “Сен бундай қилишни истамаслигингни айтиб ўтирма. Сен кўп марта айбсизлигингни исботладинг. Ёдингдами, Эн-Гадди ғорида – Худо уни сенинг қўлингга топширган эди, сен эса унинг ҳаётини сақлаб қолдинг. Ҳеч шубҳасиз, унга ўз садоқатингни исботладинг, бироқ у барибир сени таъқиб қилишда давом этмоқда. Бу ўз-ўзини ҳимоялаш, буни ҳамма суд тасдиқлайди”. Довуд жавоб бермади. Абишай сабр-тоқатини йўқота бошлаганини тасаввур этиш мумкин: “Довуд, сени буюк пайғамбар Шомуил шоҳликка мойлаган, сен Исроилнинг кейинги подшоҳи бўлишинг зарур. Фақат сен халқни бу золим шоҳнинг қўлидан озод қила оласан. Ахир, у Номведа сенга нон берганлари учун, саксонта руҳонийни, уларнинг хотинлари ва кичик болалари билан бирга, қонхўрларча ўлдирганини унутдингми (1-Шоҳ 22 га қаранг)? У қабиҳ қотил!”

Ва, ниҳоят, Абишай ўқдек гапиришни бошлади: “Довуд, Худо нега бутун бошли қўшинни қаттиқ уйқуга солиб қўйди, деб ўйлайсан? У буни давлатни разил шоҳдан озод қилиш учун қилди!”

Довуд содиқ дўстининг маслаҳатини тарозига тортиб кўра бошлади. Унинг сўзлари мантиққа тўғри келар эди, бироқ бу Худонинг маслаҳатига мос эмасди. Довуд Абишайнинг сўзларини ва ўзидаги ўз-ўзини ҳимоялаш фикрларини бир четга сүриб қўйди ва жиддий буйруқ берди: “Уни ўлдирма.

62 ҲУРМАТ ЭВАЗИГА МУКОФОТ

Ахир ким Раббийнинг мойланганига қўл қўтариб жазосиз қолади? – деди. Довуд яна деди: – Раббий тирик! Раббий уни уради ёки унинг қуни келиб ўзи ўлади, ёки жангга бориб, ҳалок бўлади” (1-Шоҳ 26:9-10).

Довуд ўз қулини тўхтатиб қолди ва улар қароргоҳдан чиқиб кетдилар.

Худо нима учун қўшинни қаттиқ ухлатиб қўйди? Довудни юрагини синаш учун. У Худонинг юрагидаги инсон бўлиб қоладими ёки Шоулга ўхшаб, ҳамма нарсани ўз қўлига оладими, шунга кўрмоқчи эди. У Худонинг мойланганини беҳурмат қилиб, Худони беҳурмат қилишга борадими? Бу Довуд учун ҳаётий муҳим лаҳза эди. Шоҳ унинг обрўсини тўкиш учун, ҳамма нарса қилган бўлишига қарамай, у шоҳнинг обрўсини тўкишни истамади. Мукофот Довуд тасаввур этгандан кўра ошиб тушди. Раббий зolim раҳбарини ҳурмат қилган ва уни қадрлаган инсон тўғрисида нима деганини ўқиймиз:

“Мен қулим Довудни топдим, уни муқаддас мойим билан мойладим. Энди Менинг қўлим у билан бўлади ва менинг билагим уни мустаҳкамлайди. Душман уни енга олмайди ва қонунбузарликнинг ўғли уни эза олмайди. Унинг душманларини унинг юзи олдида тор-мор қиламан ва ундан нафратланадиганларни шикастлайман. Менинг садоқатим ҳамда шафқатим у биландир. Менинг номим билан унинг шохи юксалади. Муқаддаслигим ҳақи бир бора қасам ичдим – Довудни алдамайман: Унинг зурриёти абадий яшайди, унинг тахти Менинг қаршимда қуёшдек туради. У самодаги содиқ гувоҳ бўлмиш ой каби абадий мустаҳкам бўлади”

– Сано 88:21-25, 36:38

Довуд Шоулнинг зулмидан кўра узоқроқни кўра олди, у унинг устидаги ҳокимиятни кўрди. У ҳурмат қонунияти бўйича яшар эди: у Худо унинг устидан қўйган инсонни эъзозласа, бу билан у Худони эъзозлашини билар эди. Агарда у Худони эъзозласа, Раббий уни эъзозлайди. Юқоридаги Ёзувдан келтирилган оят, Худо Довудни беҳад ҳурмат билан тақдирлаганини кўришимиз мумкин. Шунга яраша унинг мукофоти ҳам буюк эди!

Бўлиб ўтган вазиятдан кўп ўтмай, Раббий Шоулни ҳукм қилди: пелиштликлар уни жангда ўлдирдилар. Довуд унинг ўлимини эшитган заҳоти, у Шоул ва Йонатанга атаб севги қўшиғини битди, сўнг Яҳудиянинг

бор аҳолисини ушбу қўшиқни куйлашга мажбур қилди. Раҳбари маҳқум бўлгандан кейин ҳам, у унга эҳтиром кўрсатди.

Биз одамларни етакчилик мансабига, инсонлар ёки ёвуз руҳлар эмас, балки Раббий қўйишининг, бир нечта намунасини кўрдик. Бутун тарих давомида, инсон яхши ёки ёмон ахлоққа эга бўлишидан қатъий назар, ҳар битта раҳбарни Раббий тайин этиб келган. Ҳеч бир раҳбар тасодифан қўйилмаган, балки аниқ мақсад билан қўйилган. Мен Худонинг ҳақиқий ва абадий Сўзини яна такрорлайман: “Мавжуд бўлган ҳокимиятлар эса Худо томонидан ўрнатилган”.

Қаттиққўл ва шафқатсиз раҳбарларга келадиган бўлсак, уларни ҳам Раббий тайинлаган, аммо уларнинг бераҳмлиги Худодан эмас. Ҳар битта раҳбар Худонинг қаршисида ҳамма қилмишлари учун ҳисобот беради, шундай бўлишига қарамай, унинг ҳокимияти остидаги одамлар, Довуд сингари синовдан ўтадилар. Борди-ю, улар ҳокимиятни ҳурмат қилсалар, уларнинг мукофоти буюк бўлади.

Хуллас, ҳукуматни айнан Раббий ўрнатишини билиб олдик. Кейинги бобда, ҳокимият ёвуз ва қаҳри қаттиқ бўлганида ҳам, биз унга бўйсунушимиз шартми деган саволни ўрганиб чиқамиз.

6-БОБ

Қаҳри қаттиқ ҳукумат

Биз ўтган бобда, қонун доирасидаги ҳар қандай ҳоқимият, ҳатто у қаттиққўл ва бераҳм бўлишига қарамай, Худо томонидан тайинланиши ҳақида гапирдик. Қандай қилиб эзгу Худо, қаҳри қаттиқ одамларни ҳоқимиятга қўйиши мумкин? Жавоб оддий. Худо ҳоқимиятнинг муаллифи, бироқ У разилликнинг муаллифи эмас. Худо эмас, балки инсон ўз разилликлари учун жавоб беради. Ҳар битта ҳоқимият Раббийдан, бироқ ҳар битта ҳоқимият ҳам илоҳий эмас.

Энди яна битта, ҳеч жавоби топилмайдиган саволни кўриб чиқамиз. Бизга нисбатан адолатсизларча муносабатда бўладиган, қаҳри қаттиқ ҳукуматга бўйсунганимиз керакми? Бу саволга жавобни, Довуднинг ҳаётидаги мисолга қараб топамиз. У бизга, ҳоқимият Худонинг талабларига жавоб бермаган тақдирда ҳам, биз унга бўйсунганимиз – Худонинг иродаси эканини кўрсатади. Келинг, манашу мавзуда сўз юритишда давом этамиз. Ҳаворий Петъорнинг сўзларига мурожаат этамиз:

Қуллар (ишчилар, талабалар, фуқаролар, жамоат аъзолари ва бошқалар), сизлар фақатгина яхши ва мулоим хўжайинларга эмас, балки қаттиққўл хўжайинларга (иш берувчиларга, раҳбарларга, ўқитувчиларга, фуқаролик бошлиқларига) ҳам ҳар қандай қўрқув билан бўйсунинглар.

– 1-Пет 2:18

Меҳрибон ва камтарин раҳбарга эга бўлиш ажойиб, улар бизнинг ўсишимиз ва ривожланишимиз учун зарур. Шунга қарамай, Петъор биз фақатгина яхши ва мулоим хўжайинларга эмас, балки қаттиққўл

хўжайинларга ҳам бўйсунимиз кераклигини таъкидлаб ўтмоқда ва бизнинг диққатимизни шунга қаратмоқда.

Этибор беринг, Петъорнинг буйруғининг асл маъноси: “Ҳар қандай қўрқув билан” жумласида жойлашган. Ёдингиздами, самимий эҳтиром юракда туғилиши ва у Раббийнинг қўрқувидан келиб чиқиши ҳақида гапирган эдик. Биз америкаликлар раҳбарларга: “Аввал менинг ҳурматимни қозонинг, сўнг мен сизга бўйсунаман” – дейиш одатига эгамиз. Бироқ Ишаъё пайғамбар бизга, Раббий кўзлар кўргани бўйича ва қулоқлар эшитганига биноан ҳукм қилмайди, балки ҳақиқатга кўра ҳукм қилишини айтган (Ишаъё 11:3 га қаранг).

Мана нима учун, юрагида Раббийнинг қўрқувига эга бўлган инсон шундай дейди: “Мен сенинг устингдаги, Раббийдан берилган ҳокимиятни кўряпман. Шунинг учун мен сени ҳурмат қиламан ва қадрлайман. Сен менинг ҳурматимни қозонишинг шарт эмас”.

Петъорнинг охириги сўзларига этибор беринг: “Фақатгина яхши ва мулоим хўжайинларга эмас, балки қаттиққўлларига ҳам”. Бир сафар бу оят устида фикр юритиб, мен ўйладим: “Бир дақиқа. Қаттиққўл? Эҳтимол, бу сўз Муқаддас Китобнинг Қирол Ёқуб таржимасидагина, шуқадар қатъий ёзилган бўлса-чи? Юнончада қайси сўз турган экан?”

Мен биринчи бўлиб, Тайер луғатини очдим, у ерда юнонча сўз “сколиос турганини кўрдим, бу сўз “қаттиққўл” деб таржима қилинади. Тайер “сколиос” сўзини “қийшайган, бузилган, ахлоқсиз, батавфик, ҳужумчи” деб таърифлайди. Сесканиб кетиб, ўйладим: “Бу таърифлар олдингисидан ошиб тушди-ку! Балки, бу ерда ҳам қандайдир адашиш бўлса-чи, бошқа луғатни ҳам кўриш керак”. Мен бундан енгилроқ сўз топишга умид қилдим. Сўнг мен Янги Аҳднинг юнончадаги мутахассиси У.Е. Винснинг луғатини очдим. У бу сўзга “золим ва адолатсиз ҳукумат (раҳбар)” деган таърифни берган.

Мен изланишда давом этдим ва бу сўз бошқа таржималарда “Қирол Ёқуб таржимаси”дан кўра, янада кескинроқ эканининг гувоҳи бўлдим. “Янги Юз йил таржимаси”да: “Фақатгина тақводор ва эзгуларига эмас, қолаверса, бетавфиқларига ҳам” – дейилганини ўқидим. “Замонавий англизча таржима”да эса: “Сизларга яхши ва этиборли бўлганларигагина эмас, балки бағритошларига ҳам” – деб айтилган. “Янги Америка Стандарт” таржимасида “Номаъқул хўжайинларга ҳам” – деб ёзилган.

Энди бошқа саволни бериш вақти келди: “Худованд Ўз фарзандларини

хафа қилдириб қўймоқдами?” Йўқ, минг марта йўқ! У бутун борлиқдаги энг яхши Ота! У нафақат севгига эга, Унинг Ўзи севги! Унда, келинг, қуйидагича мулоҳаза юришиб кўрамиз: “Демак, менинг севувчи Самовий Отам, менга, Унинг фарзандига, қаттиққўл, бераҳм, бузуқ, золим, нопок ва номаъқул раҳбарларга бўйсун деб айтаяпти”. Нега У буни сўраш оҳангида эмас, буйруқ сифатида айтаяпти? Кўп сабабларни бирга жамлаб, бу фақатгина менинг фойдам учун деган фикрни айта оламан.

Қаттиққўл ҳокимларни ҳурмат қилиш биз учун учта имтиёзга эга. Авваламбор, сиз билан адолатсизларча муносабатда бўлганларида, сиз ўз итоатингиз ва бўйсунингиз билан, ишни Худонинг қўлларига топширасиз, У эса ҳаққоний ҳукм чиқаради (1-Пет 2:21-23 га қаранг). Борди-ю биз вазиятни ўз қўлимизга олсак, Худо бир қадам ортга чекинади ва биз Унинг ёрдамисиз қоламиз, бундан яхшилиқ чиқмайди. Гап ҳокимият тўғрисида борар экан, афтидан биз мағлубиятга учраймиз. Кам ҳолларда биз ютиб чиқишимиз мумкин, аммо юрагимизда қолган яралар ва руҳимиздаги аччиқ томирлар, оқибатда қийинчиликлар ва ҳатто, булғанишга олиб келади, бу эса келажақда ўзининг ёмон ҳосилларини келтиради.

Иккинчидан, Петъорнинг айтишича, бизга нисбатан ёмон муносабатга, ҳурмат билан жавоб қайтарсак ёки ўша одамларни дуо қилсак, қуйидагилар содир бўлади: “Ёвузликка ёвузлик, ҳақоратга ҳақорат билан жавоб қайтарманглар. Аксинча, сизлар дуойи-баракатнинг меросини олишга даъват этилганлигингизни билиб, бошқаларни дуо қилинглар” (1-Пет 3:9).

Биз ўзимизга нисбатан бетавфиқ муомалага чидашга чақирилганмиз. Қай тарзда? Бизга ёмон ниятда бўлган одамларни ҳурмат қилиш, қадрлаш, уларга бўйсунуш ва уларни дуо қилиш орқали. Нега биз бунга чақирилганмиз? Ўзимизни баракага (мукофотга) олиб келиш учун. Хуллас, раҳбариятдан бирор киши сизга нотўғри муносабатда бўлса, хурсанд бўлинг, чунки шу тарзда сиз мукофот йўлидасиз!

Тараққиётли мукофот

Мен аввалги китобимда бўлишган ҳикояни айтиб бермоқчиман. Бу бизга нотўғри муносабатда бўладиган одамларни ҳурмат қилганимизда, Худо қай тарзда бизни марҳаматлашининг одатий намунасини очиб беради. Менинг Эл Брайс исмли яқин чўпон дўстим бор. У бир неча йил илгари Далласдаги жамоатнинг чўпони бўлган. Бир якшанба куни

68 ҲУРМАТ ЭВАЗИГА МУКОФОТ

эрталаб, Петъорнинг Мактубидан воизлик қилган. Эл ўз воизлигини якунлаганида, жамоатнинг бир аъзоси (унинг исмини Брайн дея қолайлик) унга савол билан келган. У шундай деб сўраган: “Пастор Брайс, мен бир йирик суғурта ширкатида бошлиқнинг кичик иш бажарувчиси бўлиб ишлайман. Мен кўп йил меҳнат қилдим ва вице-президентлик ўрнига навбатдаги номзод эдим. Барча ҳамкасбларим, мен юқори мартабага сазовор бўлганимни билар эдилар. Мен чиндан ҳам бу ўринни қозондим. Бироқ бу ўрин бўшагач, уни бошқа кишига бериб юбордилар”.

- Нега бундай бўлди? – деб сўради чўпон Эл.

- Негаки бу одам оқ танли, мен эса қора танлиман. Чўпон, бу ирқий камситиш, ахир. Мен бу фактни исботлай олишимга ишончим комил ва шу ҳафта судга топшириш учун ҳужжатларни тайёрлаб қўйдим. Бироқ эрталабки воизлигингиз мени ўйлантириб қўйди!

Чўпон Брайс биродари Брайнга қараб, жавоб берди:

- Сен бу муаммони Худонинг услублари билан ечишни истайсанми, ёки ўзингнинг?

У ҳеч шубҳаланмай, жавоб берди:

- Чўпон, мен Худони чин юрагимдан севаман. Мен ўз муаммоимни Худонинг йўллари билан ҳал қилишни истайман, мана нима учун мен бу ҳақда сиз билан муҳокама қиляпман. Сиз мен учун ибодат қила оласизми?

- Ҳа, албатта – деди Эл.

Улар бошларини эгиб, биргалиқда ибодат қилдилар ва ушбу масалани ҳақ Ҳукмдор бўлмиш, Худого топширдилар.

Кейинги куни эрталаб, Брайн ишга жўнади ва биринчи навбатда, яқинда тараққиётга эришган ҳамкасбига эҳтиром кўрсатди. У ҳамкасбининг офисига кирди ва самимий жилмайди ва қўлларини унга чўзиб, деди:

- Сизни иш босқичингизда юқорига кўтарилганингиз билан табриқлайман ва мен сизнинг энг яхши ишчингиз бўлишга бел боғлаганимни билишингизни истайман.

Ўша бировнинг ўрнини эгаллашга тўғри келган кишига, қанчалик ноқулай бўлганини кўз олдингизга келтира оласизми? Агар шу воқеалар бўлмаганида, Брайн бошлиқ бўлиб, бу ўриндикда ўтирган бўлар эди.

Бир неча ҳафта ўтди, бироқ ҳеч нарса содир бўлмади. Аксарият ҳолларда, айнан мана шундай бўлишини тушуниш керак. Худонинг ҳукми

ва озодлик келади, аммо кўп ҳолларда биз кутгандан кўра, кечроқ содир бўлади! Хуллас, Брайан унга нисбатан, қай тарзда ёмон йўл тутганларига диққатини қаратиб ўтирмади. У ҳурмат кўрсатиш йўлини танлади. У ўз вазифаларини юқори даражада бажаришда давом этади.

Бир ажойиб кунда, Брайанга ҳаддан ташқари катта, халқаро суғурта ташкилотидан кўнғироқ бўлиб қолди. Бу рақобатчи ташкилотнинг Далласда ҳам филиали бор эди. Телефоннинг бошқа томонидан гапираётган киши деди:

- Биз сизлар ва бизларнинг умумий мижозларимиз билан биргаликда, сизнинг фаолиятингизни кузатдик. Сиз бизга жуда ёқиб қолдингиз. Бизда ишлашни хоҳламайсизми?

Брайан кўп ўйлаб ўтирмай, жавоб берди:

- Йўқ, хоҳламайман. Мен ўз ишимни алмаштиришни истамайман. Мен бу ташкилотда кўп йиллардан бери ишлайман. Менинг тушумим яхши ва мижозларимнинг сони ҳам анчагина. Менинг ҳамкасбларим ва мижозларим, менинг қандайлигимни ва кимлигимни биладилар. Менинг ҳаёт кечиршим яхши ва бунга ўзгартиришни истамайман. Таклифингиз учун катта раҳмат, лекин мен бунга муҳтож эмасман.

Бошқа ташкилотдан бўлган киши уни мажбурлар эди.

- Илтимос, биз билан, ақалли бир марта учрашинг. Келинг, биргаликда тушлик қиламиз ва бу ҳақда гаплашиб оламиз. Бу қийин эмас-ку?

Брайан янада қатъийлик билан жавоб қайтарди:

- Сизга айтаяпман-ку, беҳудага вақтингизни сарфляяпсиз. Сизнинг таклифингиз мени қизиқтирмайди.

Телефон гўшагининг бошқа томонидаги киши, худдики Брайанни эшитмаётгандек эди:

- Қўйсангиз-чи! Бир марта тушлик қилайлик!

Брайан баҳсдан чарчаб, унга:

- Яхши, сиз билан учрашаман – деди.

Белгиланган тушлик пайти келди. Брайан бошқа ташкилот ходимларининг илтифотига жавоб қайтарди ва ҳамма ўзига тушлик буюрди. Ўша йирик ташкилотнинг раҳбарларидан бири деди: - Брайан, биз сизни кузатдик ва сизнинг иш юритишингиздан ҳайратдамиз. Бизнинг ташкилотимиздаги одамлар, сиздек ишчига эга бўлишни истагини айтадилар.

Брайан бошини чайқади:

- Мен сиз билан кўнғироқлашганда айтган эдим. Сиз беҳудага

70 ҲУРМАТ ЭВАЗИГА МУКОФОТ

вақтингизни йўқотаяпсиз. Мен ўз иш жойимни ўзгартиришни истамайман. Мен турғунликни ёқтираман. Менинг маошим яхши. Ўз ташкилотимга кўп меҳнатим синган. Мен сизлар билан ишламайман.

- Яхши, Брайн, биз сизни эшитдик. Лекин, сиздан бир нарсани илтимос қиламиз. Уйга бориб, рафиқангиз билан бу ҳақда гаплашинг. Иккалангиз, биз сизга қанча тўлашимиз кераклигини келишиб олинг. Сўнг бир ҳафтадан кейин учрашамиз ва бу ҳақда муҳокама қиламиз.

Брайн ўз мулоҳазаларига зид равишда, хўрсинди ва деди:

- Яхши, майли.

У уйига кетди. У ҳақиқатдан ҳам буни жиддий қабул қилмади. У олдидаги учрашувдан олдин, кечки пайт рафиқасига уларнинг таклифи ҳақида айтди. Брайн уйда хотиржам ўтирганида рафиқасига деди:

- Тўғриси айтсам, иш жойимни алмаштиргим йўқ. Бу одамлар биз ўзимизга маош белгилашимизни айтди. Мен уларнинг таклифидан чарчадим, шунинг учун шундай қилишга рози бўлдим. Мен улар билан маош ҳақида гап очилгунича гаплашаман, кейин осмондан олиб, қандайдир сўммани айтаман. Уларга, ҳозиргидан уч баробар маош олишни истайман, дейман! Улар менинг устимдан куладилар ва бизнинг сўхбатимиз тезда ўз ниҳоясига етади.

У қоғозга қисқа қилиб, ҳозирги маошидан уч баробар сўммани ёзиб қўйди. У ўз ташкилотда етарли даражада катта лавозимда ишлаётганини унутманг. Шу боис униқидан уч марта каттароқ маошни ақлга сиғдириб бўлмайди.

Кейинги кун Брайн тушликка кетди. Таомлар буюртирилгач, ташкилот раҳбари Брайдан, маош ҳақида таклифингиз борми деб сўради.

- Ҳа, айтганча – деди Брайн ва костюмининг ҳамёнидан қоғозчасини чиқаришга чоғланди, бироқ бу одам уни тўхтатди ва деди:

- Аввал, биз сизга қанча маош тўлашни исташимизни кўрсатмоқчиман.

У тушлик қиладиган столнинг Брайн ўтирган томонига кичик қоғозчани узатди. Брайн уни олди ва бир неча сатрларни ўқиб, ҳушидан кетишига бир баҳя қолди. Улар Браянга ҳозирги маошидан тўрт баробар катта суммани таклиф қиладиган эдилар! Брайн шуқадар ларзага келган эдики, нима дейишни билмай қолди. У хатга қараб, қотиб қолди. Бошқа ташкилотдан келиб ўтирганлар, унинг сукунатини тушунмадилар, уларнинг таклифи кам бўлдимикан деб ўйладилар. Шунинг учун маошга мукофот пули ҳам қўшдилар!

Ва ниҳоят, Брайан совуққонлик тусини олиб, деди:

- Жаноблар, мен масиҳийман, мен сизнинг таклифингизни уйга олиб бориб, рафиқам билан биргаликда бу ҳақда ибодат қиламан.

- Албатта, албатта, сиз ўйлаб кўришга вақт олишингиз мумкин – деди улар.

Брайан уйига борди ва ҳамма бўлган воқеани рафиқасига сўзлаб берди. Улар ибодат қилдилар ва Муқаддас Рух уларнинг иккаласига ҳам қўйидагиларни айтди: “Ўғлим, сен ўз масалангни Менинг қўлларимга топширган эдинг. Мен бунни ҳал қилдим. Бу Мен бераётган тараққиёт. Бунни ол!”

Йиллар ўтди, Брайан аллақачон Далласда яшамайди. У ҳозирда, ушбу Виржиниядаги халқаро суғурта ташкилотининг бош президенти. Бу ташкилот, Брайан аввал ишлаган, унга ёмон муносабатда бўлган ва унинг сазовор бўлган тараққиётини бермаган суғурта ташкилотининг ривожланишига тўсиқ бўлди.

Биз қандай хулосага келишимиз мумкин? Албатта, Брайан ўзини ҳимоя қилиши ва ўзи учун қасд олиши ҳам мумкин эди. У судга бериши мумкин эди. У бунни қилиши учун қонуний ҳуқуқга эга эди. Уни камситдилар, унга ёмон муносабат кўрсатдилар, ҳойнаҳой, у суд ишида ютиб чиқарди. Бироқ, у судда ютиб чиққан тақдирда ҳам, ҳозир ишлаётган жойга эришмас эди. У Худо унга ҳозирлаб қўйган марҳаматдан қуруқ қолар эди! Аммо у ўзига нисбатан нотўғри муносабатга қарамай, ҳокимиятга ҳурмат билдирди ва ўзи учун қасд олмади, аксинча муаммони Худонинг қўлига топширди. Худо эса унга мукофот тайёрлаб қўйган эди!

Итоат ва бўйсуниш

Биз қаттиқ раҳбарларга ҳам бўйсунимиз кераклигининг учинчи сабабига етиб келдик. Биз ўзимизни ҳимоя қилишнинг ўрнига, Худого суянганимизда, шу йўсинда, ўзимизда илоҳий табиатни тарбиялаймиз. Петъор давом этиб, айтган:

Шундай қилиб, Масиҳ биз учун Ўз танаси билан азоб чекканидек, сизлар ҳам худди шу фикр билан қуролланинглар. Чунки танаси билан азоб чекаётган одам гуноҳ қилишдан тўхтайди”.

72 ҲУРМАТ ЭВАЗИГА МУКОФОТ

Бу матннинг мазмуни – бошлиқларнинг бизга нисбатан нотўғри муносабатидан келадиган азоблардир. Бинобарин, биз ҳам худди шу фикр билан қуролланишимиз зарур. Нега? Чунки биз раҳбарлар бизга қандай ёндошишдан қатъий назар, уларни ҳурмат қилишга даъват этилганмиз.

Петъор, биз шундай йўл тутсак, гуноҳ қилишдан тўхташимизни таъкидлаган. Бошқача қилиб айтганда, биз шу аснода руҳий етукликка эришамиз. Повул ҳам бу фикрни тасдиқлаган: “Фақат булар билангина эмас, балки қайғулар билан ҳам мақтанмоқдамиз, чунки қайғу сабр-тоқатни келтириб чиқаришини биламиз. Сабр-тоқат эса тажрибани, тажриба эса умидни келтириб чиқаради” (Рим 5:3-4).

Бизнинг табиатимиз ривожланиши жараёнида, биз ҳурматга лойиқ бўлмаган кишиларга ҳам эҳтиром кўрсатишимиз осон бўлиб боради. Бу ҳаётимизга янада каттароқ мукофот олиб келадиган, Худонинг қўрқуви кўпайганидан дарак беради.

Энди, келинг, барча айтганларимизни бирлаштирамиз. Хуллас, Муқаддас Китоб бизни раҳбарларга сўзсиз ҳурмат кўрсатишни ўргатмоқда, бироқ у бизни сўзсиз қулоқ солишга ўргатаётган эмас.

Ҳурмат қилиш ва қулоқ солишнинг ўртасида белгиланган фарқ бор. Ҳурмат қилиш бизнинг муносабатимиз билан боғлиқ, қулоқ солиш эса ўз ўрнида, бизнинг ҳаракатларимиз билан боғлиқ. Бинобарин, бизга шундай дейилган: “Агар хоҳласангизлар ва итоат қилсангизлар, ернинг эзгуликларидан ейсизлар” (Ишаъё 1:19).

Бир гал мени Муқаддас Рух тўғрилади. Мен ишларим ўзим хоҳлагандек кетмаётганидан ранжидим. Мен ўз жамоатимда, олти ой давомида, Худодан ҳеч қандай сўз олмадим. Чўпоннинг воизликларидан озуқа олмас эдим. Ибодатда эса, мен ҳеч нарса ололмаётганимнинг сабаби деб, Худо менга манашу оятни кўрсатди.

Мен қаршилиқ қилдим: “Мен қулоқ солаяпман! Мен ва менинг қўл остидагилар, ҳамма нарсани чўпон айтганидек қилаяпмиз”.

Муқаддас Рух тезликда жавоб берди: “Мен, агарда итоат этсангиз, ернинг эзгуликларини таътиб кўрасизлар, демаганман. Мен, агар хоҳласангизлар ва итоат қилсангизлар, ернинг эзгуликларидан ейсизлар, дедим. Итоат этиш сенинг ҳаракатларингни билдиради, хоҳиш эса сенинг муносабатингни билдиради. Сенинг муносабатинг эса бадбўй ҳид таратмоқда!”

Тўсатдан, мен юракдан чиқаётган муносабатнинг аҳамиятини тушуниб етдим. Айнан ўша ерда, биз айтиб ўтганимиздек, Раббийнинг қўрқуви ҳукм суради, ҳурмат эса Раббийнинг қўрқувидан келади.

Биз бунинг тасдиғини Янги Аҳдда тақроран кўраемиз. Повул дейди: “Ўз бошлиқларингизга бўйсунинглар (қулоқ солинглар) ва уларга итоатли бўлинглар (бош эгинглар) чунки улар ҳисобот берувчилар сифатида жонларингизнинг устидан назорат қилмоқдалар, токи улар буни оҳ-нола билан эмас, балки қувонч билан бажарсинлар. Акс ҳолда, бу сизларга фойдали бўлмайди” (Ибр 13:17, қавс ичидаги сўзлар муаллифга тегишли). Эътибор беринг, у бизнинг устимиздан қўйилган ҳокимиятга бўйсунимиз ва итоат этишимизни таъкидлаган. Бўйсуниб ҳокимият олдидаги ишларимиз, итоат этишимиз эса уларга бўлган муносабатимизга бўлинади. Яна бир нарсага диққатингизни қаратаман, юқори раҳбарларни ҳурмат қилмаслик, раҳбарларга эмас, балки бизга зиён келтиради. Биз шу аснода, ўз мукофотимизни қўлдан бой берамиз.

Мен юқорида айтиб ўтганимиздек, Муқаддас Китоб бизни ҳокимиятга сўзсиз итоатда бўлишга чақиради, лекин бу уларга сўзсиз қулоқ солишни англатмайди. Муқаддас Китобда, бир ҳолатда, қайтараман, фақат бир ҳолатда ҳокимиятга бўйсунмаслик ҳақида таълимот берилган. Бу ҳокимият бизни гуноҳ қилишга ундаганда (Худонинг Сўзига зид нарсаларни қилишни айтганда).

Ёзувда бу ҳақиқатга доир кўп мисоллар келтирилган. Улардан бирини ўрганиб чиқамиз.

Бобилнинг шоҳи Набукаднезар, мусиқа асбобларининг овози эшитилганда, ҳамма тиз чўкиб, олтиндан бўлган бутга сажда қилиш ҳақида фармон чиқарди. Фармонга бўйсунмаганлар қиздирилган ўчоққа ташланиши керак эди.

Ўша пайтда унинг шоҳлигида учта яҳудий йигитлар ҳам бор эди: Шедрах, Месах ва Обид-Негони. Шоҳ уларни хуш кўрарди, чунки бу йигитлар қобилиятли ва доно эдилар. Шунга қарамай, бу уч ёш йигит Худодан қўрқар эдилар, шоҳнинг фармони эса Мусо берган ва Тавротга ёзиб қўйилган иккинчи амрга зид эди.

Улар шоҳнинг буйруғига бўйсунмадилар. Шоҳ Набукаднезар эртами, кечми, уларнинг итоатсизлигидан хабар топиши керак эди. Йигитларнинг бу иши шоҳни ҳақоратлади ва шоҳ уларни сўроққа чақиртирди. Улар шоҳга нима деб жавоб берганини эшитинг:

74 ҲУРМАТ ЭВАЗИГА МУКОФОТ

“О, Набукаднезар, сизнинг бу сўзларингизга жавоб қайтаришимизнинг ҳожати йўқ. Биз хизмат қилаётган Худойимиз оловда қиздирилган ўчоқдан бизни халос қилишга ва сизнинг қўлингиздан қутқаришга ҳам қодирдир. Агарда шундай бўлмаса ҳам, сизга, подшоҳимиз, маълум бўлсинки, биз сизнинг худоларингизга хизмат қилмаймиз ва сиз ўрнатган олтин бутга сажда қилмаймиз”.

– Дон 3:16-18

Улар Худонинг амрларида қатъий турар эдилар, бироқ шоҳга ҳурмат билан гапирардилар. Улар шоҳга “Ҳазрати олийлари” деб мурожаат қилдилар, улар: “Ҳой, золим ит, биз сен сўраган нарсани, ҳаётда ҳам бажо келтирмаймиз” демадилар. Агар шоҳ билан шундай йўсинда гапирганларида эди, бу ҳукмдорлик учун Худо қўйган одамга ҳурматсизлик ва менсимасликни кўрсатган бўлар эдилар. Биз раҳбарларнинг буйруқларини бажара олмаган тақдиримизда ҳам, уларга эҳтиромда бўлишимиз жоиз.

Шедрах, Месах ва Обид-Негони Худони ва шоҳни ҳурмат қилдилар. Биринчи навбатда, улар гуноҳ қилишдан бош тортиб, Худога ҳурмат кўрсатдилар, иккинчидан, шоҳ уларга нафрат билан гапирган чоғда ҳам, улар шоҳнинг ҳоқимиятига бош эгиб, унга ҳурмат оҳангида гапирдилар. Улар шоҳга жавобан, уни ҳақоратламадилар, уни мазах қилмадилар ва бирор нарса деб, унга дўқ-пўписа қилмадилар. Улар ҳурмат қонунияти бўйича яшар эдилар. Уларни буюк ва имконсиздек туюлган мукофот кутарди.

Шоҳ уларни шу заҳоти ўчоққа ташлашни буюрди. У шу қадар ғазаб отига минган эдики, у ўчоқни одатда қиздирилишидан кўра, етти марта кучлироқ қиздиришни буюрди. У қўшинидаги энг кучли жангчиларига Шедрах, Месах ва Обид-Негонини боғлашни ва уларни ёниб турган ўчоққа ташлашни буюрди. Ўчоқ шуқадар кучли қиздирилган эдики, йигитларни ўчоққа ташлаганларнинг ўзи ҳалок бўлдилар. Давом этиб ўқиймиз:

“Бу учала киши эса – Шедрах, Месах ва Обид-Негони боғланган ҳолда қиздирилган ўчоққа тушиб кетдилар. Шу пайт подшоҳ Набукаднезар ҳайратланиб, ўрнидан шошилиб туриб, ўзининг амалдорларига: – Учта боғланган кишини оловга ташлаган эмасмидик? – деди. Улар подшоҳга: – Худди шундай, ҳазрат!

– дедилар. У бунга жавобан деди: – Мана, мен тўрт кишини боғланмаган ҳолда оловнинг ичида юрганини кўраяпман. Олов уларга зарар етказмаяпти. Тўртинчисининг қиёфаси эса Худонинг Ўғлига ўхшаяпти. Ўшанда Набукаднезар оловда қиздирилган ўчоқнинг оғзига яқинлашиб: “Эй, Шедрах, Месах ва Обид-Него, Худойи Таолонинг қуллари, оловдан чиқиб олдимга келинглар”, – деди. Шунда Шедрах, Месах ва Обид-Него оловнинг ичидан чиқиб келдилар. Ҳамма вазирлар, ҳокимлар, ҳарбий бошлиқлар ва подшоҳ маслаҳатчилари йиғилишиб, бу кишиларнинг таналари устидан олов кучсиз бўлганини, уларнинг бошидаги сочлари ҳам куймаганини ва кийимлари ўзгармаганини кўрдилар, ҳатто уларда оловнинг хиди ҳам йўқ эди”.

– Дониэл 3:23-27

Учта яҳудий йигит нафақат ёниб турган оловда, даҳшатли ўлишдан қутилиб қолдилар, қолаверса, улар ўчоқнинг ичида буюк самовий Фаришта билан учрашдилар. Олов улар боғланган арқонни ютиб юборди, бироқ уларнинг кийимларига тегмади. Уларда, ҳаттоки куйиндининг хиди ҳам йўқ эди. Улар оловнинг ичидан чиққач, ўз мукофотларига эга бўлдилар. Биз шундай деб ўқиймиз:

“Бундан кейин подшоҳ Шедрах, Месах ва Обид-Негони Бобил мамлакатада юксалтирди”.

– Дон 3:30

Улар тараққиётга учрадилар! Ҳокимиятнинг тепасида ўтирганлардан бирортаси бизга нотўғри муносабатда бўлганида, уларни эъзозласак, биз суғурта ташкилотида ишлаган киши ва ҳозиргина ўқиган учта йигит сингари тақдирланамиз. Бу руҳий қонун: Раббий биздан юқорига қўйган инсонларни ҳурмат қилиб, биз Уни шахсан ҳурмат қилишимизни айтган. Жавобан, Худо бизни эъзозлайди. Агарда биз вазиятларимизга юқоридан қарасак ва руҳий қонунларга диққатимизни қаратсак, ҳафсаламиз пир бўлмайди. Петъор давом этиб ёзган: “Агарда сизлар яхшилик қилишга серғайрат бўлсангиз, унда ким сизларга зарар етказа олади?” (1-Пет 3:13).

Бошқа сўзлар билан айтганда, борди-ю, сиз ҳурмат қонуниятини юрагингизга қабул қилсангиз, бошқа киши сизга нима қила олади?

76 ҲУРМАТ ЭВАЗИГА МУКОФОТ

Сизга қарата бўлган барча нотўғри муносабатлар, айниқса улар сизнинг устингиздан қўйилган одамлар томонидан келса, бу сизни фақат мукофотга ёки тараққиётга олиб боради, агарда сиз бунга тўғри ёндошсангиз, албатта. Хуллас, ҳурмат қонуниятидан фойдаланмаганингиз учун, қанча мукофот ва тараққиётларни қўлдан бой бердим деб, ўзингиздан сўранг.

7-БОБ

Фуқаролик раҳбарларини ҳурмат қилиш

“Чунки бошлиқлар яхши ишлар учун эмас, балки ёмон ишлар учун даҳшатлидирлар. Ҳокимиятдан қўрқмасликни хоҳлайсанми? Яхшилик қил ва ундан мақтовлар оласан, чунки у сенга яхшилик учун Худонинг хизматкоридир. Лекин агар ёмон иш қилсанг, қўрққин, чунки ҳокимият беҳудага қилич кўтариб юрмайди: у Худонинг ёмонлик қилганга қаҳрини сочувчи хизматкоридир. Шунинг учун фақат қаҳрдан қўрққанликдангина эмас, балки виждон юзасидан ҳам бўйсунуш керак. Шу сабабли ҳам сизлар солиқ тўлайсизлар; чунки улар Худонинг хизматкорлари бўлиб, доимо бу иш билан банддирлар. Шундай қилиб, ҳар кимга ўз ҳақини беринглар; кимга солиқ бўлса – солиқ, кимга бож бўлса – бож, кимга қўрқув бўлса – қўрқув, кимга ҳурмат бўлса – ҳурмат”.

– Рим 13:3-7

Бу матнда фуқаролик бошлиқлари, икки мартаба “Худонинг хизматкорлари” дейилган, биз эса уларга эҳтиром ва ҳурмат кўрсатишимиз лозим. Эътибор беринг, Повул улардан бири эмас, балки уларнинг ҳаммаси Худонинг хизматчилари эканини таъкидлапти. Ҳар сафар, мен ўт ўчирувчи, полициячи, шаҳар маслаҳатчиси, ҳоким, давлат қонун чиқарувчиси, судья, депутат, сенат аъзоси ёки ҳокимиятнинг бошқа соҳасидан бўлган одамларга дуч келганимда, уларга нисбатан ҳурматни ҳис этаман. Мен шаҳарга ишларим билан, давлат ёки ҳукумат офисларига

78 ҲУРМАТ ЭВАЗИГА МУКОФОТ

ташриф буюрганимда ҳам, шундай ҳисга тўламан. Бу менинг юрагимда яшаётган Худонинг қўрқуви эканини биламан.

Яқинда мен, бир офисда бўлиб ўтадиган муҳим йиғинга улғуриш учун шошилар эдим. Бу ўқув йилининг бошланиши эди. Ўтган икки ярим ой ёзги таътил кунлари, мен машинамда уйимиз атрофида соатига ўттиз беш миль тезликда юрардим. Бироқ ўқув йили бошланиши билан, уйимиздан бир неча соат давомидаги айрим жойларда соатига йигирма миль тезликда юриш рухсат этилган. Шошилганимдан, тезликни камайтириш ҳақидаги огоҳлантирувчи белгини сезмай қолибман ва машинани соатига 31 миль тезликда ҳайдаб кетаверибман.

Мен буталар орасида турган полициячи ва унинг мотоциклига кўзим тушди. У мен тўхташим учун фараларини милтиллатди. Мен шу заҳоти четга ўтиб, тўхтадим. Полициячи ҳайдовчилик гувоҳномаси ва суғурта қоғозини текширадиган бошқа кўплаб зобитлар сингари, жиддий ва қатъий эди. Мен у мени нега тўхтатганини билишимни ва бундан афсусда эканимни кўрсатиб, унга ҳурмат билан муносабатда бўлдим. У мен бузган йўл ҳаракат қоидаси ҳақида гапирди. Кейин у, аксарият одамлар, уларни тўхтатганларида, ўзларини оқлашни ва жаврашни бошлашларини айтди.

Мен унга: “Жаноб, мен айбдорман” – дедим.

У менга тезликни оширганлик учун жарима 220 долларни ташкил этишини айтди. Бироқ мени ҳайратда қолдириб, ҳайдовчилик гувоҳномамни ва суғурта қоғозимни қўлимга тутди ва “Оқ йўл, сизга!” деди. Сўнг ортига бурилиб, мотоциклининг олдига кетди. Мен ўзимни йўқотиб қўйдим ва ортидан унга дедим: “Ахир, менга жарима чиқармайсизми?” У кулиб қўйди ва йўлида давом этди.

Мен унинг олдидан ақл бовар қилмас шафқат ҳиссига тўлиб кетдим. Мен ундан миннатдор эдим.

Бироқ ҳар доим ҳам шундай бўлавермаган. Ўтган йиллар ичида, мен офицерларга худди шундай муносабатда бўлганимга қарамай, улар менга бир нечта жарима патталарини ёзиб берган.

Ёдимда бор, бир марта мен бир янги ишчимиз билан аэропортга бораётган эдим. Мен спидометрнинг ойнасини кўздан қочирдим ва оқибатда ўзимизнинг шаҳардаги офицер мени тўхтатди. Менинг ёрдамчим полициячи ҳақида қўпол ҳазил қилди ва заҳарли тарзда уни шарҳлади, у мени унинг ҳазилини маъқуллайди деб ўйлади. У атиги бир неча миль тезликни оширганим учун, бизни полициячи тўхтатганига

ранжиган эди. Бошқа ходим бўлганида, бу ҳолатга кўз юмган бўлар эди.

Мен эса ходимга нисбатан яхши муносабатда ва эҳтиромда эдим, бироқ у олдинги ходимга ўхшаб, ёқимли ва мурувватли эмас эди. У қаттиққўллик билан менга жарима паттасини ёзишга киришди. Мен тушунган ҳолда, у ёзиб бўлгунича кутиб турдим ва сўнг унга дедим: “Жаноб, мен қилган ишимдан афсусдаман. Мен айбимни тан оламан. Сизнинг жамият учун қилаётган меҳнатингиз ва хизматингиз учун катта раҳмат”. (У ўз компьютерида жарима чиқаргандан сўнг, буни бекор қила олмаслигини билар эдим).

Унинг ўзини тутиши бутунлай ўзгариб кетди ва гапириш оҳангига ҳам жон кирди. У мен унинг ҳоқимиятини ҳурмат қилаётганимни кўриб, мулойимлашди. Энди у ўзини жарима паттасини қайтариб олишга уринаётгандек тутди, бироқ бу имконсиз эканини иккимиз ҳам билар эдик. Мен бу инсонни, Римликларга Мактубга биноан, Худонинг хизматчиси сифатида дуо қилишни истадим. Биз учрашувни дўстона суҳбат билан яқунладик.

Ходим бизга рухсат бергани заҳоти, мен ёрдамчимга қарадим ва дедим: “Агар мен сенинг сўзларингни маъқуллайди деб ўйлаган бўлсанг, адашасан”. Сўнг унга таълим беришда давом этдим.

У айтган сўзлар полициячига нисбатан ҳурматда бўлиш тушунчасига зид эди. У нормал деб ўйлаган ҳатти-ҳаракат, Худонинг Сўзига буткул зид эди. Худонинг Сўзи эса бизни фуқаролик ходимларига эҳтиромда бўлишга ўргатади. У бу ҳолатдан сўнг ҳурмат қилиш қонуниятини ўрганиб олди.

Давлат раҳбарларидан келадиган мукофот

Фуқаролик ходимларини ҳурмат қилганимизда келадиган мукофотни яққол кўрсатадиган гувоҳлигим билан бўлишишга ижозат беринг. Мен 80-йилларнинг охирларида сафарларда бўлишни бошладим. Биринчи йиллари мен Мидвест шаҳрида жойлашган жамоатда бир неча маротаба воизлик қилдим. Жамоат бир ярим мингга аъзодан ташкил топган бўлиб, касодга учраш арафасида турган эди. Мен ҳар йили уларникига борардим, бироқ улар доим бир жойда турар эдилар. Сўнг уларникига бормай қўйдим. Бир неча йил ўтиб, уларнинг ҳар йиллик анжуманида иштирок этишга таклифнома олдим (гарчи олдин улар ҳеч қандай анжуман ўтказмас эдилар). Мен машҳур воизлар қаторида таклиф қилинганимни ва анжуманда саккиз минг киши йиғилишини ўқиб, ҳайрат билан қувондим.

80 ҲУРМАТ ЭВАЗИГА МУКОФОТ

Мендаги қизиқиш жўш урди. Ибодат қилиб, ёрдамчимга менинг розилигимни етказишни айтдим. Мен уларнинг шаҳрига бордим. Уларнинг қайта қурилган биносининг машиналар тўхтайдиган жойига яқинлашганимда, у жой янги машиналар билан гавжумлининг гувоҳи бўлдим. Мен залга кирган заҳотим, бино одамга лиқ тўлалигини кўриб, қотиб қолдим. У ерда саккиз мингдан тўққиз мингтагача одам бор эди. Худонинг ҳузури, мен олдин бу жойда ҳис қилганимдан-да кучлироқ тарзда эди. Ажойиб хизматлар бўлиб ўтди.

Йиғиндан сўнг мен чўпон билан ёлғиз қолдим ва ундан сўрадим:

- Нима бўлди? Шунча йиллар давомида сенинг жамоатинг ўсмаётган эди. Қандай қилиб, тўсатдан бунча тез ўсиб кетди. Мен сизникига охириги марта уч йил олдин келган эдим.

У чўзмасдан гап нимадалигини айтиб берди:

- Жон, мен одамлардан, улар бож тўлаши кераклиги ва бизнинг давлат раҳбарларимиз нақадар ноҳақ эканлиги ҳақидаги нолишларни эшитишдан чарчадим. Мен қандайдир чора кўришга мажбур эдим. Шунда мен ибодат қилишни бошладим ва Худо менга ғоя берди.

Сўнг у шаҳар ҳокимиятига бориб, уларнинг энг катта муҳтожлиги нимада эканини сўрагани тўғрисида айтиб берди. Улар ўт ўчириш бўлимида муҳтожлик борлигини айтишган. Уларга ўт ўчирувчилар, тутун орқали кўриш мумкин бўлган махсус ниқоблар керак эди. Ёнғин пайтида аксарият ўлим ҳолатлари куйиш натижаси эмас, балки тутундан заҳарланиш оқибатида юзага келади. Ўт ўчирувчиларнинг муаммоси шундаки, улар тутун шу қадар қалинлигидан, бир қадам олдинни ҳам кўра олмайдилар. Бундай ниқоблар эса, ўт ўчирувчиларга жабрланувчини кўра олишга ва унга тез ёрдам кўрсатишга ёрдам беради. Бу шаҳар учун катта муҳтожлик бўлса ҳам, шаҳар ғазнасида бу учун маблағ етишмас эди. Мана шундай ниқобнинг биттасининг нархи йигирма минг долларни ташкил этарди.

Кейинги якшанба саҳнага чиқиб, чўпон Римликларга Мактуб 13-бобдан воизлик қилди. У давлат раҳбарларига нисбатан нолишлар ҳақида севги билан насиҳат берди. У жамоат аъзоларига, бу ходимлар Худонинг хизматчилари эканини ва ўз божларини тўламайдиган ва фуқаролик ходимларига ҳурматда бўлмайдиган имонли, Худодан марҳамат топмаслигини айтди.

У Худонинг Сўзидан мустаҳкам пойдевор қўйгандан сўнг, шаҳар ўт ўчирувчилар учун махсус ниқобларга муҳтожлиги тўғрисида эълон

қилди. Ва шаҳарга ниқобларни сотиб олишда кўмаклашиш учун, махсус қурбонлик йиғишларини айтди. У жамоатига, бу шаҳар миқёсида хизмат қилганларга эҳтиром кўрсатишнинг яхши йўли эканини таъкидлади.

Жамоат ўзининг нотўғри муносабати учун тавба қилди ва йигирма беш минг доллар қурбонлик йиғди. Шундан сўнг чўпон ҳокимга қўнғироқ қилиб, ундан шаҳар раҳбарларини йиғишни сўради, чунки улар ниқоб сотиб олишлари учун жамоат уларга пул бермоқчилигини билдирди. Чўпон ва унинг етакчилари шаҳар маъмурияти биносига келганларида, бундай эҳтиромни кўришни истаган мансабдорларнинг сонини кўриб, ҳайратда қолишган.

Чўпон пулни беришдан аввал, Римликларга Мактуб 13-бобдан ўқиб, унинг жамоати шаҳар ҳокимиятини қадрлашини ва барча ишчиларга Худонинг хизматчилари деб қарашларини айтди. У уларга жамиятни ҳимоя қилаётгани ва халққа ғамхўрлик кўрсатаётгани учун миннатдорчилик билдирди. Раҳбарлар жамоатнинг саҳийлиги ва ҳурмат-эътиборини кўриб, ҳайратда қолишди. (Аксарият ҳолларда эҳтиромга молиявий бағишлошлар ҳамроҳ бўлади, негаки эҳтиром – бу нарх тўлаш. Биз ўз пулларимизни, чиндан ҳам қадрлайдиган нарсаларга сарфлаймиз).

Чўпон давом этиб: “Шундан сўнг, бир неча ой ўтиб, бизнинг янги қурилган биномизнинг очилиш ва муқаддаслаш маъросими бўлиб ўтди. Шаҳар раҳбарлари ва мансабдор шахсларнинг кўплари бу маросимга келишди. Уларнинг аксарияти нажот топдилар ва бизнинг жамоатимизнинг аъзоси бўлишга қарор қилдилар. Жон, айнан манашу ҳақиқат бизнинг жамоатимизни ўстирди” – деди.

Биз Исонинг қуйидаги сўзларини унутмаслигимиз лозим: “Пайғамбарни пайғамбарнинг номи ҳақи ҳурмат қиладиган ҳар битта киши, пайғамбарнинг мукофотини олади”. У бу оятда жамоатдаги раҳбарлар ҳақида гапираяпти, бироқ ёдингизда бўлсин, руҳий қонунлар ҳокимиятнинг бошқа барча тармоқларига ҳам тегишлидир.

Бинобарин, биз шундай дейишимиз мумкин: “Фуқаролик раҳбарларини фуқаролик раҳбари номи ҳақи ҳурмат қиладиган ҳар бир киши – фуқаролик раҳбарининг мукофотини олади”. Уларнинг мукофоти нимадан иборат? Жавоб – жамиятга, одамларга кириб бориш калитидир. Улар бизнинг қишлоқ, шаҳар, музофот ва давлатимизнинг табиий соқчиларидир. Бу уларга Худо тоmidан берилган. Жамоат етакчилари ҳукуматни танқид қилиш ва солиқларни тўлашдан бош тортишнинг ўрнига, уни ҳурмат қилиш учун бирлашсалар, қанчадан-қанча жамият ва миллатлар Хушхабар учун очилар эди?

Таъмирлаш

Менинг бир ажойиб дўстим бор. Унинг исми Денни. У Австралиянинг Аделаида шаҳридаги бир катта жамоатнинг чўпони. Ўтган йили, унинг анжуманида воизлик қилганимда, у ўзининг ҳайратли гувоҳлиги билан бўлишди. У жамоати қаршисида туриб, шаҳаридаги хизмат ва ҳимоя қилаётган одамларга ҳурмат кўрсатиш хоҳишига эга эканини изҳор қилди. Бир мунча вақт мулоҳаза юритиб, ибодатда бўлгач, ўша пайтда давлат мактаблари тизимини ривожлантиришга катта эҳтиёж борлигини сезди. Хуллас, у шаҳардаги биноти ва майдони бутунлай тартибсизликка юз тутган, энг хароба мактабни топди. У шаҳар ҳокимиятига мурожаат этиб, жамоат бирорта шанба куни келиб, у ерни таъмирлашига рухсат сўради. Улар бажонидил рози бўлдилар.

Чўпон жамоатга, шаҳарга қай тарзда эҳтиром кўрсатиш борасидаги, ўз ниятини очди. У дурадгор ва тадбиркорлардан, ўз қобилият ва имкониятлари билан бир кун хизмат қилишни сўради. Ва бутун жамоатни қўл меҳнати билан ёрдам беришга чақирди. Жамоат етакчилари бир неча ҳафта ичида кенг кўламдаги ободонлаштириш ишини ташкиллаштирдилар. Улар мактабнинг қиёфасини ўзгартириш учун зарур бўлган анжомлар ва ускуналарни харид қилишди. Сўнг у менга ўша куни туширилган видеони кўрсатди. Дурадгорлар эски пардозларни ва бошқа чириб кетган, синиқ қурилиш жиҳозларини олиб ташлаганлар. Мактабдан эски жавонларни чиқариб ташлаб, ўрнига бутунлай янгиларини ўрнатишган. Одамларнинг аксарияти: қум тўкишган, ёпиштиришган ва бўяшган.

Улар мактабдаги эски тахталарни, янгиларига алмаштирганини, бинонинг тепасидан бошлаб, пойдеворигача янги ускуналар ўрнатганини, мактаб атрофига янги чим қўйиб, мактаб ҳовлисига дарахтлар, буталар ва гуллар экканини кўрдим. У менга мактабнинг эски ҳолатини ва таъмирлашдан кейинги ҳолатини видео тасмада кўрсатди. Бу ҳақиқатдан ҳам ҳайратли эди: мактаб бутунлай янги бўлиб қолган эди.

Жамоат шаҳарга хизмат қилганидан хурсанд эди. Ҳақиқат ўзгармайди – сиздан кутмаган одамларга эҳтиром кўрсатганингизда, қалбингизни шодлик тўлдиради. Улар меҳнатларининг эвазига – ўз шаҳрига Раббий Исо Масиҳнинг номи билан хизмати натижасида юзага келган шодлик кўринишидаги мукофотга эришдилар. Шунингдек, уларни яна бошқа бир мукофот кутаётган эди.

Австралиянинг бош вазири Жон Ховард, жамоат шаҳар учун қилган хизматини эшитиб, унинг ўзи шахсан миннатдорчилик билдириш учун жамоатга ташриф буюришини айтди. Улар чуқур миннатдорчилик изҳор этиш учун, жамоатнинг саҳнаси томон кўтарилаётган давлат вазири олинган видеони менга кўрсатишди. Натижада, бу жамоат шаҳардаги энг мартабали жамоатлардан бирига айланди. Уларнинг обрўси нафақат шаҳар миқёсида, қолаверса, давлат миқёсидашиб кетди.

Ва бу ҳали ҳаммаси эмас! Чўпон Денни ўзининг таъмирлаш ишлари воқеасини бошқа жамоатлар билан бўлишганида, давлатга кўпайиш келди. Натижада, бу жамоатлар ҳам ўзларининг шахсий лойиҳаларини тузишга тушишди. Ҳозирги кунда Австралия, Англия, Швеция, Сингапур ва Малайзияда 200 дан ортиқ мактаблар шу йўсинда таъмирланди.

Чўпон Деннининг жамоати бошлаган ишларини эса давом эттиришди ва туманидаги аёллар қамоқхонасини таъмирлашга тушишди. Бу лойиҳа жараёнида жамоат “Ахлоқни тузатиш департаменти” билан иш доирасидаги алоқаларни ўрнатдилар, натижада, маҳбусларга “йиғинга бориш” куни ҳадя этилди ва уларга бу кунда жамоатга боришга рўхсат берилди. Бир талай аёллар нажотга келишди, энди улар учун қамоқхонада жамоат йиғинлари ўтказилади.

ЯХШИ НОМ

Сиз нега шаҳарда яхши ном чиқариш муҳим деб ўйлашингиз мумкин. Сабаби оддий. Авваламбор, бу Ёзув бўйича ҳаракат қилиш ҳисобланади. Ҳаворий Повул бу фикрни тасдиқлаган: “Жамоат етакчилари ёмон гап-сўзга ва иблиснинг тузоғига тушмаслиги учун Жамоатдан ташқаридагилар томонидан ҳам яхши гувоҳликка эга бўлиши керак” (1-Тим 3:7). Биз жамоатдан ташқарида яхши номга эга бўлмасак, Хушхабарга ҳақорат олиб келамиз ва ўз навбатида, Худонинг Шоҳлиги ёйилишига тўсиқ бўлган, иблиснинг тузоғига илинамиз.

Римлик бир имонсиз киши биринчи асрдаги масиҳийлар ҳақида шундай деб ёзган: “Улар ўз ҳаётларини ерда яшаб ўтадилар, бироқ улар само фуқароларидир. Улар ёзилган қонунларга бўйсундилар, шу билан бир қаторда, улар ўз ҳаётлари билан қонун ёзадилар” (Диогнетусуга хат, 5-боб).

Ҳаворийлар Фаолияти китоби Иерусалим жамоати ҳақида гапириб, ушбу ҳақиқатни яна тасдиқлаган: “Бегоналардан (жамоатдан ташқаридагилардан) ҳеч ким уларга қўшилишга журъат эта олмас эди,

84 ҲУРМАТ ЭВАЗИГА МУКОФОТ

лекин халқ уларни улўлар эди” (Ҳав 5:13). Шаҳар аҳолиси нега уларга бундай эҳтиром билан муносабатда бўлардилар? Чунки Иерусалимдаги жамоат юқори даражадаги ҳаёт тарзига эришди. Дунё қараш ва ҳаёт тарзини Худо Шоҳлигининг даражасига кўтариш қобиляти – ҳаққоний муқаддасликнинг қирраларидан биридир.

Кимдир қуйидагича сўраши мумкин:

- Жон, биз фуқаролик раҳбарларини ҳурмат қилиш ва уларга эришиш йўлида, ҳақиқатга қарши боришимиз мумкинми?

Албатта, йўқ! Яхё Чўмдирувчи Ҳиродни, унинг қонунсизлиги учун огоҳлантирди, Ҳирод ўз акасининг хотини билан зинода эди. Аслида бу нарса унинг боши танасидан жудо бўлишига олиб келса, ҳам.

Мен президент Клинтон билан учрашиб, агар у ва унинг қўл остидаги раҳбарлар, бегуноҳ болаларнинг ўлимини (абортни) қонунийлаштиришда давом этсалар, келажакда унинг устига ва халққа келётган Худонинг ҳукми ҳақида огоҳлантирган бир хизматкорни биламан. Хизматчи буни шу аснода амалга оширдик, президентда уни огоҳлантиргани учун хизматчига нисбатан катта ҳурмат пайдо бўлди. Худди шундай, Яхё ҳам Ҳиродни огоҳлантирганда, Ҳирод уни кучли ҳурмат қилишни бошлади.

Ҳирод Яхёдан пайғамбар сифатида кўрқарди. Кўплар ҳокимият тепасига устунлик, танқид ва ҳукм қилиш – яъни ҳурматдан жуда узоқ муносабатлар билан келади. Шеррах, Месах ва Обид-Него шоҳнинг бутпарастлигига қарши чиққан бўлсалар ҳам, унга эҳтиром билан гапирдилар.

Зиддият

Менинг рафиқам бир туш кўрди ва буни ҳеч қачон унутмайман. Бу Клинтон президент бўлган пайт эди. Рафиқам бир тунда, титраган ҳолда мени уйғотди. У деди: “Жон, мен бир туш кўрдим, буни сенга айтиб беришим зарур”. (Худо Лизага кўпинча тушлар орқали гапиради).

У менга сўзлаб беришни бошлади: “Биз сиз билан катта йиғинда воизлик эшитаётган эканмиз. Бу хизматчининг кимлигини билмайман, бироқ у масиҳийлик дунёсида жуда машҳур киши эди. У президент Клинтонга қарши гапирди. У бу президент нақадар ёмон бўлганлиги ҳақида гапиришда давом этарди. Тинглаётганларнинг кўпчилиги иштиёқ билан “Омин” деб бақириб, унинг сўзини қўллаб-қувватлардилар. Биз сиз билан ўзимизни ўта даражада ноқулай ҳис қилар эдик”.

У давом этди: “Сўнг мен, соядан бир одам кўтарилганини ва катта залнинг охиридаги чиқиш эшиги томон йўналганини кўрдим. Мен унинг ортидан боришим кераклигини ҳис қилдим. Мен бинонинг ўтириб, дам оладиган жойига чиқдим, у одам қайрилиб, мен томонга қаради. У президент Клинтон эди. Унинг юраги эзилган, қайғу ва аламга тўлган эди. Кейин у кўздан ғойиб бўлди”.

Давом этиб, у деди: “Жон, мен тушимда, у далда ва ёрдам кутиб, жамоатга келганини тушундим. Бироқ жамоат уни менсимади, уни ҳаққоний севги ва ҳамдardликдан маҳрум қилди. Худо менга кўрсатдики, биз президентни кўнглини қолдираяпмиз, бу уни ўзини ва халққа керак бўлган нарсадан юз ўгиришга мажбур қилапти”.

Келинг, унинг тушини, менинг бир дўстим – ғарбий Америкадаги йирик жамоат чўпонининг фикри билан солиштирамиз. Устига-устак у давлатимизнинг пойтахтида жойлашган Миллий ибодат марказининг раҳбари ҳисобланади. Худо унинг юрагига Сенат, Ҳукумат уйи ва Вашингтондаги бошқа ташкилотларга хизмат қилишни солган. У йилида камида 22 ҳафтасини Вашингтондаги Колумбия маъмуриятида ўтказди, бунга қарамай, унинг бир неча мингтадан иборат жамоати ўсишда давом этмоқда. У бир сафар мен билан қуйидагиларни бўлишди: “Жон, мен бу раҳбарлар билан битта, ёлғиз битта сабабга кўра кўришаман: уларнинг давлатимиз учун қилаётган хизматлари учун миннатдорчилик билдириш ва улар учун ибодат қилишим мумкинми, йўқлигини сўраш учун”.

У кўплаб чўпон ва жамоат етакчиларини, уларнинг жамоатларига келадиган ҳукумат аъзолари билан қандай муносабатда бўлишни ўргатади. У улар билан учрашишдан олдин, уларнинг юракларидаги ҳукуматга бўлган ҳукм қилувчи муносабатни, ибодатда зарарсизлантиради, чунки чўпонлар давлат раҳбарларини либерал деб ҳисоблайдилар ва Худонинг ҳокимларини ҳурмат қилиш ва улар учун ибодатда бўлиш даъватини кўрмайдилар.

Сўнг у, жамоатдагилар раҳбарларнинг юмшоқлиги ва очиқлигидан ҳайрон қолишини ҳам айтди. Бунинг сабаби, жамоат вакиллари уларнинг ҳузурига кўпинча нимадир сўраш ёки уларнинг дунё қарашига таъсир этиш учун эмас, шунчаки ҳурмат кўрсатиш учун келишади. У менга сўзлаб берган иккита гувоҳлик билан бўлишмоқчиман. Бунинг ўқиганингизда, гап борадиган бу икки раҳбар ўта либерал ҳисобланишини, илтимос, билиб қўйинг.

Бу сўхбатимизгача, мен бу конгресс аъзоси билан икки мартаба

учрашганман. Бу гал мен билан олийгоҳ ёшидаги мусиқачилар гуруҳи ҳам бирга эди. Конгрессчи бизни у билан ва унинг ишчилари билан учрашиш учун ўз офисига таклиф қилди. Бизнинг сўхбатимиз одатдагидек бошланди. Биз конгрессчига маъмуриятимизда ва давлатимизда амалга ошираётган содиқ хизматлари учун миннатдорчилик билдирдик.

У ўзининг бир неча фикрлари билан бўлишди ва айрим саволлар берди, шундан сўнг мен ундан, қўшиқ кўйлаш ва у учун ибодат қилиш учун рухсат сўрадим. У бажонидил қарши эмаслигини айтди.

Ҳамду-сано бошланиши билан, биз хонани тўлдираётган Худонинг ҳузурини ҳис этдик ва тез орада ўтирганларнинг кўзларига ёш келди. Биз ватанпарварлик ва хушxabар руҳидаги қўшиқларни айтиб, охирида ибодат билан якунладик. Бу ибодат шуқадар кучли эдики, биз тугатгач, ўтирганларнинг бирортаси, ҳатто конгрессчи ҳам лом-мим демай ўтирардилар.

Ниҳоят, у менга қараб, нимани ҳис қилганини бир амаллаб тушунтиришга уринди. Бироқ у бунинг уддасидан чиқа олмади. Сўнг у деди: “Биласизми чўпон, менинг иккита кичик фарзандларим бор. Мен уларни жамоатга олиб боришим керак, шундай эмасми?”

У бу билан бизнинг ташрифимизга нисбатан чуқур миннатдорчилигини изҳор қилди.

Мана энди, у сўзлаб берган иккинчи воқеа.

Бошқа конгресс аъзоси билан биринчи марта учрашаётган эдим. Биз унинг офисига ўн беш кишидан иборат шафоатчилар ва чўпонлар гуруҳи билан кирдик. Унинг ҳатти-ҳаракатларидан ўзини ноқулай ҳис этаётганини тушундим, негаки у биз ундан нимани ишташимизни тушунмаётган эди. Бу Миллий ибодат марказининг вакилларида иборат жамоат аъзолари эди.

Шунга қарамай, у ўта олийжаноблик кўрсатди ва ундан бизга қандай ёрдам кераклигини сўради. Мен унга жавоб бериб, бу ерга ундан бирор нарса сўраш учун эмас, балки унинг давлатимиз учун амалга ошираётган хизматлари учун миннатдорчилик билдиргани ва у учун ибодат қилгани келганимизни айтдим. У ўз ўриндиғида ўзини енгил тортди ва менга қараб: “Бу мен учун инъом” – деди. У давом этиб, офисига одамлар келиб, ундан пул сўраганларида, ичида нималар ўтишини сўзлаб берди. У офисининг йўлагига, шу кунда сўралган пулларни қўшиб борадиган рақамли дисплей ўрнатганини айтди. Кейин у бизга қаради ва деди:

“Бироқ сизлар бугун менинг олдимга, менга нимадир бериш учун келдингиз. Бунақаси ҳеч қачон бўлмаган”.

Шундан сўнг биз у учун ибодат қилдик. У биз тугатганимиздан сўнг: “Менинг ишчиларим учун ҳам ибодат қила оласизми?” – деб сўради. У ишчиларини чақирди ва биз улар учун ҳам ибодат қилдик.

Кейин у қўл соатига қаради ва деди: “Ҳозиргина менинг навбатдаги учрашувим бекор қилинди. Мен билан Капитолийга ўтишга (Конгресс аъзолари йиғиладиган бино) ва мен сизларга уни кўрсатишимга қарши эмасмисиз?” (Одатда бу конгресс аъзосининг вазифасига кирмайди, бу билан талабалар ва оддий ишчилар шуғулланадилар).

Бу Капитолий бўйлаб, бир ярим соат давомида, энг қизиқ экскурсия бўлди. Якунида биз телефон рақамларимиз билан алмашдик ва ҳукумат вакили кетди.

Тахминан икки ҳафталардан сўнг, ўша жамоатнинг чўпони қўнғироқ қилиб, ақл бовар қилмас ва ҳайратга соладиган нарсаларни айтди. Ўша конгресс аъзоси унга қўнғироқ қилиб, келаётган якшанба куни сизнинг жамоатингизга боришимизга қаршимасмисиз деб сўрабди. Биз у ўзини қандай тутиши кераклиги ҳақида гаплашиб олдик. Якшанба куни конгресс аъзоси ўзининг рафиқаси ва офисининг бошқарувчиси билан жамоатга келди.

Ҳамду-санодан кейин, чўпон конгресс аъзоси ва унинг рафиқасини таништириб, уларни сўзга таклиф қилди. Сўнг улар, у ва унинг рафиқаси учун ибодат қилдилар, унинг рафиқасининг кўнгли бундан тоғдек кўтарилди. Буларнинг бари бу раҳбарнинг офисдаги унга кўрсатилган эҳтиром ва ибодат эвазига содир бўлди. Менинг бу чўпон дўстимда бундай воқеалар бир талай.

Энди сиз мендан: “Биз раҳбарларга ҳақиқатни етказишимиз керак эмасми?” – деб сўрашингиз мумкин. Ҳа, худди Яҳё Чўмдирувчи ва Клинтон президентни огоҳлантирган хизматкорга ва шунга ўхшаган бизгача ва биздан кейин ҳам келадиган хизматчиларга ўхшаб. Бироқ бизнинг раҳбарларимиз жамоатни Исо Масихнинг севгисида ва ҳамдардлигида яшовчи ва ҳукуматга нисбатан чинакам эҳтиром юракли эканини кўрмаса, бизнинг сўзларимизга қулоқ солишмайди. Биз ҳақиқатни гапиришимиз зарур, аммо у севги ва Раббийнинг қўрқувида чиқиши зарур. Шундай кунлар келадик, Худо Эски Аҳддаги шоҳларга гапирган пайғамбарларга ўхшаб, ўз қулларини кучли сўз билан фуқаролик раҳбарларига юборади.

Биз ҳукумат аъзоларини уйимизда, ошхонамизда, уй гуруҳларимиз ва жамоат йиғинларимизда танқид қилиш ва шундай йўл тутадиганларни маъқуллашимизнинг нимаси яхши? Бу уларни лаънатлашдан бошқаси эмас. Биз яширинча айтган сўзларимизни, севгидан ёнаётган юрак ва раҳбарларимиз қаршисидаги эҳтиромга тўла юрак билан айтишга тайёр бўлишимиз зарур. Борди-ю ундай бўлмаса, бу бизнинг руҳимизни заҳарлайди ва барибир раҳбарларнинг ҳузурда бу юзага чиқади.

Шоҳни ҳурмат қилиш

Ҳаворий Петъорнинг сўзларига қулоқ тутинг? “Худодан қўрқинлар, шоҳни ҳурмат қилинлар” (1-Пет 2:17).

Петъор: “Агар сиз Худо томонидан ҳокимият берилган ва сиз кўриб турган раҳбарингизни ҳурмат қилмасангиз, қандай қилиб кўрмаётган Худодан қўрқамиз дея оласизлар?” Борди-ю биз Худодан қўрқсак, биз фуқаролик раҳбарларини, жамият ходимларини, оиладаги ва жамоатдаги ҳокимият эгаларини ҳурмат қила оламиз.

Ўтган бобда айтиб ўтганимдек, биз Америкада раҳбарларга: “Аввал менинг ҳурматимни қозонинг, кейин сизга бўйсунаман” – деймиз. Лекин Худонинг қўрқуви бошқача гапиради: “Мен сизнинг устингиздаги Худодан берилган ҳокимиятни кўраяпман. Шунинг учун менинг ҳурматим ва иззатимни қозинишингиз шарт эмас”.

Мен Петъор бу оятда қайси шоҳ ҳақида гапираётгани борасида бир мунча ўрганишлар олиб бордим. Қисқа қилиб айтадиган бўлсак, Ёзувдаги сўзлар бир кишига қарата айтилмаган, у вақтлар чегарасидан ўтиб, барча имонлиларга мурожаат қилади ва бугун ҳам бизни, давлатимизнинг раҳбарини ҳурмат қилишга чақиради. Шунга қарамай, Петъор пайтида Ҳирод Агриппа I шоҳлик қилган, у ҳаддан ташқари порахўр ва худбин раҳбар бўлган.

Бу одам Милоднинг, яъни Исо Масих туғилишидан сўнг, 37-йили ҳокимият тепасига келди. У бунга махсус ҳунар ва айёрлик билан эришди. Узоқни кўра олиш қобилияти билан, у ҳар қандай нарсадан шахсий юксалишида фойдаланди. Император Калегула вафотидан кейинги, унинг энг муҳим услуби, Клавдийга Рим тахтига ўтиришга ёрдам бериш эди ва Ҳирод шундай қилди. Клавдий император бўлганидан сўнг, олдиндан ўйлаб қўйилган сиёсий ўйин билан Агриппани тақдирлади ва уни юқори мансабга тайинлади, унинг қўл остидаги ҳудудлар қаторига Яҳудия ва

Самария ҳам кирарди. У худди, ўзининг бобоси Ҳирод улугга ўхшаб, улкан мамлакатнинг ҳукмдорига айланди.

Ҳирод Агриппа I ўзининг ҳукмдорлик даврида яҳудийлар ва яқинда юзага келган, масиҳийлар тўдасининг ўртасидаги жангда, бир томонга тарафкашлик қилишга мажбур эди. У вақтни ўтказмай, ўзига масиҳийларнинг қонхўр таъқибчиси ролини қабул қилди. Биз Янги Аҳдда шундай деб ўқиймиз: “Ўша пайтда подшоҳ Ҳирод жамоатдаги баъзиларга ёвузлик қилиш учун қўл кўтарди ва Юҳаннонинг акаси Ёқубни қиличдан ўтказди. Бу яҳудийларга ёққанини кўриб, унинг кетидан Петьорни ҳам қўлга олди. Ўшанда ачитқисиз нон ейиш кунлари эди” (Ҳав 12:1-3).

Ушбу ҳукмдор имонлиларга нисбатан зулмкор эди, гарчи бу унинг сиёсатдаги мақсадларига ўнг келар ва шу йўл билан яҳудийлар томонидан фойда топарди. Исонинг энг яқин шогирдларидан бўлмиш, Ёқубни ўлдириб, у Петьорни ҳам ўлдиришни ният қилди.

Петьорни ўлдириш режаси жамоатнинг итоаткорлиги ва ибодатлари билан чиппака чиқди (Ҳав 12:5-12). Петьорнинг озодлиги имонлиларни мустаҳкамлади. Уларнинг итоати эвазига берилган мукофотни Ёзувда ўқиймиз: “Худонинг сўзи эса ўсар ва тарқалар эди” (24-оят).

Муқаддасларнинг доимий ибодати ва ҳукуматга бўлган эҳтироми воқеалар жараёнига аҳамиятли даражада таъсир кўрсатди. Ўқишда давом этиб, Ҳирод Агриппа I бир кунни тайин этиб, ўша кунни шоҳона кийимда одамларнинг олдига чиқиб ўтирганини ва халққа мурожаат қилганини кўрамиз. Шунда кутилмаган нарса содир бўлди: “Халқ эса: “Бу одамнинг овози эмас, Худонинг овозидир!” – деб хитоб қила бошлади. Лекин тўсатдан Раббийнинг фариштаси Ҳиродни урди, чунки у шарафни Худога бермади. Шундай қилиб, уни қуртлар еб, у жон берди” (Ҳав 12:22,23).

Унга жазо келди, бироқ бу Худонинг одамлари томонидан эмас, балки Худонинг қиличидан келди. Раббий – ҳукмдорларнинг устидан ҳукм чиқаради. Биз бу раҳбарлар учун ибодат қилишга ва уларга нисбатан ҳурматда бўлишга даъват этилганмиз. Ҳукмга эҳтиёж бўлса, Худо бизга бунинг учун жой тайёрлашимизни айтган. Раҳбарлар учун ибодат ва ҳурмат қилишдан бош тортиб, биз Унинг ҳақ ҳукми ҳақидаги ваъда амалга ошишига тўсиқ бўламиз. Шу аснода, биз аслида, давлатимиз ва жамиятимизни, у муҳтож бўлган нарсадан – Худонинг иштирокидан узоқлаштирамиз.

Бугунги кунлардан мисол

Худди шундай ҳодиса Нигерияда, бугунги кунларда содир бўлди. 1993-йил Сари Абачи деган бетавфиқ раҳбар, умумий сайловларни бекор қилиш ва халқнинг мўлжалидаги ғолиб бўладиган, Масхуда Абиолани қамаш орқали ҳокимият тепасига келди. Шундан сўнг, у кўпчилик демократия тарафдорлари бўлган раҳбарларни ўлимга ҳукм қилди ва ўзининг якка ҳукмдорлигини қон тўкиш билан бошлади. Унинг бошчилигида кўпгина бегуноҳ одамлар ўлдирилди. Шу вақтнинг ўзида уч миллион доллар пул, унинг Европадаги ҳисобига ўтказилди.

Менинг Марк исмли яқин дўстим Нигерияга тез-тез бориб туради. У Нигериядаги юқори лавозимдаги чўпонлар билан дўстлашган, улар: И.А. Адебойи ва чиндан ҳам баҳайбат бўлган масихийча ҳаракатнинг масъул ходими, епископ Давид Ойедеполардир. Одатда уларнинг ҳар ойлик ибодат хизматига бир миллионта имонли йиғилади. Улар ҳар йили, июн ва декабр ойларида, 2 миллион киши йиғиладиган махсус ибодат хизматлари ўтказадилар.

Менинг дўстим ва бу давлатга келиб турадиган бошқа хизматчилар, Нигериядаги имонлилар ўзларининг фуқаролик раҳбарларини ҳурмат қилиши ва чуқур эъозлаши ҳақида гапирадилар. Бошқа томондан, улар ўз раҳбарлари учун ибодат қиладилар, токи уларнинг давлатида ҳақлик ҳукмронлик сурсин.

Чўпон Марк менга, 1998-йилнинг бошида, Нигериянинг шимолий қисмидаги кенг оммага машҳур Эммануэл Куре деган чўпон, ҳар ойлик ибодатда, бир парча булут ва баҳайбат қилич тутган фаришталарни кўргани ҳақида айтиб берди. Худо унга Абачанинг кунлари санокли эканини кўрсатган. Аслида, у бу нарса уч ойнинг ичида содир бўлишини башорат қилган. Агарда у тавба қилмаса, ҳеч қандай кечирим ололмаслигини айтган. Чўпон Эммануэл Куренинг сўзлари президентгача бориб етган. Шу сабабли, Абача катта миқдордаги пул билан, башоратни орқага қайтариш умидида, “тинчлик таклифи”ни юборди. Пастор Куре Раббий сўзларини Марк билан бўлишган. Худо унга: “Абачанинг мохови сенга ҳам юқмаслиги учун, унинг пулларига тегма” – деган. Сўнг чўпон Куре президентга, у тавба қилиши ва Раббийга юзланиши зарурлигини айтиб юборган.

Худо ибодат хизматини олиб борадиган чўпон И.А. Адебойига , президент Абача билан гаплашиш учун эшикларни очди. Чўпон

президентни, у агар тавба қилмаса, ўлими туфайли ўз ўрнидан маҳрум бўлиши ҳақида огоҳлантирди.

Чўпон Куре фаришталарни кўрган хизматдан кейин уч ой ўтиб, 1998-йили июн ойидаги катта ибодат йиғинида, чўпон Адебойи йиғилганларга, бир-бирларига қараб “Янги йилингиз муборак” деб тилашни айтди. Одамлар бироз анграйиб қолишди. Сўнг у: “Зулм юки қулади ва одамлар кўчаларда рақсга тушадилар” – деди.

Йигирма тўрт соатнинг ичида президент юрак ҳуружи туфайли ногаҳон жон берди. Мен (Интернетдаги) хабарлардан: “Би-Би-Си давлат радиосининг, маҳаллий янгиликлардан олган хабарларига кўра, Нигерия халқи, президенти оламдан кўз юмгани муносабати билан кўчаларда байрамлар уюштироқда” – дейилганини ўқиб қолдим. Ибодат хизматидаги одамлар, Адебойи Абачанинг ҳукмронлик юки ҳақида айтганини тушундилар.

Бу китобни ёзар эканман, президент девонида, давлатнинг энг катта иккита чўпонини, ўзининг руҳий етакчиси деб ҳисоблайдиган масиҳий ишлайди. Бу давлат ҳозирда Худонинг буюк ҳаракатини бошдан кечирмоқда. Абачанинг ҳукмронлигида, хушxabарчи Рейхард Бонке давлатга киришига рухсат берилмас эди. Унинг ўлиmidан сўнг, янги президент Олсегун Обасаньо, Рейхардни ўзининг тахтга ўтириш маросимига таклиф қилди. Шундай сўнг президент унга, халқига кириб бориши учун эшикларни очди.

Рейхард Бонкенинг биринчи крусейди 1999-йил октябр ойида юз берди. 2006-йил октябр ойида эса Нигерияда Исо Масиҳга ўз ҳаётини Раббим ва Нажоткорим деб топширган одамларнинг рўйхати 42 миллионни ташкил қилди. Бу тўлдирилган сўровнома варақалари билан тасдиқланади. Қолаверса, менга бу ҳақда Рейхард Бонкенинг хизматида иш бажарувчи директор мансабида ўтирган дўстим айтиб берди.

2000-йили Нигериянинг аҳолиси 123.337.822 кишини ташкил этган. Қирқ икки миллион киши – бу моҳиятан, бутун давлат аҳолисининг учдан бир қисми дегани! Бу давлатдаги чўпонларнинг, қолаверса, 1999-йилдан бошлаб, Нигерияда заҳмат чекаётган бошқа хушxabарчиларнинг ва имонлиларнинг ҳосилларидир (Қизиғи шундаги, Африка қитъасидаги бутун аҳолининг тўртдан бир қисми Нигерияда яшайди).

Мен буни нажот топган жонларнинг, ақл бовар қилмас даражадаги маҳсули деб айтган бўлардим. Ёзувда Ҳироднинг ўлиmidан кейин содир

92 ҲУРМАТ ЭВАЗИГА МУКОФОТ

бўлган воқелар ҳақида Ёзувда нима дейилганини эсланг: “Худонинг сўзи эса ўсар ва тарқалар эди” (Ҳав 12:24). Нега у ўлди? Биринчидан, Раббийнинг қўрқувида юрадиган муқаддаслар сабабли (бу раҳбарга итоатда бўлишни ўз ичига олади), иккинчидан, жамоатда ибодат қилувчилар туфайли.

Худонинг халқи ҳокимият тепасидаги шахсни ҳурмат қилса, улар учун ибодатда бўлса ва Раббийнинг Сўзига бўйсунса, бизнинг қишлоқларимиз, шаҳарларимиз ва халқимизга, Муқаддас Рухнинг буюк қуйилишини кўрамиз.

Хўш, биз нимани кутиб ўтирибмиз?

8-БОБ

Дунёвий етакчиларни ҳурмат қилиш

Қуллик бўйинтуруғи остида бўлганлар ўз хўжайинларини ҳар қандай ҳурматга муносиб деб ҳисобласинлар, токи Худонинг номи ва таълимоти ҳақорат қилинмасин.

– Биричи Тимотийга 6:1
(Ўзувнинг сўзма-сўз таржимаси).

Ўзувнинг мазкур жойида Повул дунёвий ҳокимиятлар ҳақида сўзламоқда. Уларга бизларнинг иш билан таъминловчиларимиз, бошлиқларимиз, ўқитувчиларимиз, тренерларимиз ва бошқалар киради. Мен юқорида айтиб ўтганимдек, бу ҳозир қуйидагича жаранглаган бўлар эди: Барча ишчилар ўз бошлиқларини ва иш билан таъминловчиларни ҳар қандай ҳурматга лойиқ деб ҳисобласинлар”. Ёки бундай: Таълимот олаётган барча талабалар ўз устозларини ҳар қандай ҳурматга лойиқ ҳисобласинлар”. Бу спортчилар ва тренерлар орасидаги ёки дунёвий жамиятда бир кишининг бошқа кишига бўйсунини назарда тутадиган ҳар қандай бошқа муносабатларга ҳам тааллуқлидир.

Эътибор беринг, Повул, Раббийнинг номи ва Хушхабар таълимоти “ҳақорат қилинмаслиги” учун дунёвий ҳокимиятларни ҳурмат қилишимиз лозимлигини айтмоқда. Муқаддас Ўзувнинг инглиз тилидаги кенгайтирилган таржимасида шундай дейилади: “токи Худонинг номи

94 ҲУРМАТ ЭВАЗИГА МУКОФОТ

ва (У ҳақида) таълимот ёмон ном ва ҳақорат келтирмасин”. Ёмон ном – “жамиятда ёмон муносабатни, ҳурматнинг буткул йўқлиги”ни билдиради. Ҳақорат – “Худога ва муқаддас нарсаларга ҳурматсиз ва қўпол муносабат”ни билдиради.

Барча сўзларни бирлаштириб, биз аниқ англашимиз мумкинки, агар бизлар, имонлилар сифатида, иш билан таъминловчиларимизга, устозларимизга ва бошқа дунёвий етакчиларга ҳурмат ва эҳтиром билан муносабатда бўлмасак, жамиятда ҳеч ким Худонинг Шоҳлигини ҳурмат қилмаслигини кўрамиз, бу билан Худойимизга ва биз учун муқаддас бўлган нарсаларга беҳурмат муносабатга сабаб бўлишимиз мумкин.

Қай тарзда жамият Худога ва муқаддас нарсаларга ҳурматсизлик билан муносабатда бўлади? Мактабларда ибодатларни тақиқлашди, ўн амр битилган плакатлар суд биноларидан чиқариб ташланди; замонавий кўнгилочар тадбирларнинг катта қисми жирканч ва даҳрий; мусиқанинг катта қисми Худони қўпол ҳақорат қилади; бизнинг таълим тизимимиз яратилишга ишонадиганларни тор доирада фикр юритувчилар қилиб тасвирлайди, ҳатто илм-фан ривожига таҳдид деб кўрсатади; бу рўйхатни чексиз давом эттириш мумкин. Шундай бўлган бўлиши мумкинми: биз имонлилар дунёвий ҳокимиятларга ҳурмат кўрсатмаганимиз ва уларни эҳтиром қилмаганимиз билан жамиятимизнинг худосиз хулқ-атворига сабаб бўлмадикми? Юқорида айтиб ўтилган Повулнинг сўзларига кўра, бу айнан, биз ҳаққоний ҳурмат кўрсатишни бас қилганимизда содир бўладиган нарсадир.

Кимдир Хушхабарни бефойда нурда кўрсатмоқда

Мен бу мавзуда кўплаб мисоллар келтиришим мумкин, лекин бир неча йил олдин содир бўлган ва Повулнинг сўзларини яққол тасвирлайдиган бир воқеани айтиб бераман. Мен бир катта шаҳардан самолётда учиб кетаётган эдим. Ўша вақтларда менинг кун жадвалим жуда банд бўлгани учун 1-тоифали салонда кетаётган эдим. Менинг олдимда ичимлик ичиб, яхши кийинган тадбиркор кетаётган эди. Мен бу одам билан танишиш ва Хушхабар билан бўлишиш истагини ҳис қилдим, шу учун бирдан сўхбатни бошладим. Биз турли хил фикр ва маълумотлар билан бўлишиб, тезда сўхбатлашиб кетдик. Айтиш мумкинки, бизларда кўп умумий нарсалар мавжуд экан ва биз тезгина дўстлашиб қолдик.

Унинг овозида жуда кўп махсус оҳанглар бор эди, мана шу нарсадан унинг раҳбар эканини тезда пайқадим. Мен нима билан шуғулланиши билан қизиқдим ва у шаҳар миқёсида ҳажмига кўра иккинчи бўлмиш таксомотор корхонаси бошлиғи эканини айтиб берди. Сўнгра мен суҳбатни у корхонасини қандай бошқариши мавзуйига йўналтирдим. Унинг иши ҳақида суҳбатлашиб бўлгач, у мендан нима иш билан шуғулланишимни сўради. Мен “Хушxabар хизматчиси сифатида Раббийга ишлашимни” айтдим.

Унинг дўстона юз қиёфаси бир лаҳзада мулозаматсиз ва бегонага айланди. У нимадир деб пўнғиллади ва юзини бурди. Мен шок ҳолатига тушдим. Ҳозиргина дўстона ёқимли суҳбат қуриб турган одам, бирдангина мени билишни ҳам истамайдигандек тус олмоқда. Аммо шу лаҳзагача бизнинг суҳбатимиз яхши кетаётган эди, шу учун суҳбатни давом эттиришимиз мумкинлигини аниқ билар эдим. Шунинг учун дўстона оҳанг билан сўрадим: “Сизга менинг жавобим ёмон ботди. Нима бўлди?”

У жиддий юз ифодаси билан мен томон ўгирилди ва деди: “Биласизми, нима учундир сиз менга ёқдингиз, шу туфайли нега хизматчилар билан ва умуман масиҳийлар билан муносабатда бўлишни истамаслигимни айтаман”. Мен жуда қизиқиб қолдим.

У айтиб берди: “Менинг бир ходимам бор эди. У айтишларича “юқоридан туғилган” эди. Кун давомида у менинг бошқа ходимларимга воизлик қилар эди ва улар “нажот” топишлари муҳимлигини айтар эди. Бу камдек, у ўз ишини ёмон бажарар эди, яна бошқаларга ҳам ишлашларига халал берар эди.

Ахийри, у ишдан бўшаб кетди ва ишхонадан бир неча нарсаларни олиб кетди. Яна Германияга ўғлига халқаро тизим орқали қўнғироқ қилгани туфайли саккиз минг доллар тўланмаган қарзларни ташлаб кетди. (Бу воқеа тўқсонинчи йиллар ўрталарида, хорижга қўнғироқ қилиш қиммат бўлган вақтларда содир бўлган эди).

Менинг қалбим ларзага келди. Энди ўша корхонадаги ҳар бир одамга Худонинг Сўзини қабул қилиш қийин бўлади, чунки бу аёл ўз хулқ-атвори билан Худо номига ҳақорат келтирган эди. Ўз ишини бажариш ўрнига воизлик қилиб, яна шундай даҳшатли ўғирлик содир этиб, у ўз бошлиғига ҳам, корхона ходимларига ҳам ҳурмат кўрсатмади. Айнан шунинг учун Повул барча ишчиларга айтмоқда:

“Хизматкорларга айтгин, улар хўжайинларига бўйсунсинлар, уларга ҳар нарсада маъқул бўлишга ҳаракат қилсинлар. Уларни огоҳлантиргин: гап қайтармасинлар, қаршилик қилмасинлар, ҳатто аҳамиятсиз нарсаларни ўғирламасинлар, аксинча, ҳамма нарсада содиқ эканликларини кўрсатсинлар, уларга ишониш ва таяниш мумкинлигини намоён қилсинлар, ҳамма нарсада безак бўлсинлар. Нажоткоримиз Худо ва У ҳақида бўлмиш таълимотнинг яхши обрўйи бўлсинлар”.

– Титусга 2:9-10, кенгайтирилган таржима

У аёл ўзи воизлик қилган нарсани обрўсиз қилди ва шубҳага қўйди. (бизларнинг ишларимиз, сўзларимиздан кўра баландроқ қичқиради). Бу аёл Хушxabарга соя ташлади. Агар у Худонинг Сўзига биноан ҳаракат қилганида эди, ўз бошлиғини ҳурмат қилганида эди, ишига ҳам умуман бошқача ёндошган бўлар эди. Ҳурмат қилиш – қадрлаш, бўйсунуш, қимматбаҳо нарсага бўлгандек муносабатда бўлишдир. Агар у ҳурматга тўла қалбга эга бўлганида эди, унинг муносабати ва ҳатти-ҳаракати умуман бошқача бўлган бўлар эди. Унда ўз ишини ўз-ўзидан энг зўр бажарган бўлар эди, бунга ҳалоллиги қўшилиб, Хушxabарга янада кучлироқ эътибор ва қизиқишни тортган бўлар эди. Корхона эгаси билан суҳбатимизнинг қолган қисмини бу аёл учун кечирим сўрашга бағишладим. У менга қулоқ солар эди, лекин шу билан бирга, менинг сўзларим унга унча енгиллик келтирмаётгани кўриниб турар эди. У катта зарар кўрган ва унга ёрдам бериш мушкул эди. Бизнинг кейинги суҳбатимиз жуда ўзгарди.

Бир неча йил ўтгач, мен бу воқеани жамоатдаги воизликларимдан бирида ҳикоя қилиб бердим. Бизнинг моддий ҳамкорларимиздан бири кейинроқ воизликни дискда эшитган ва бизнинг хизматимизга сўровнома юборди. У мана шу одамнинг корхонаси ҳақида маълумот ва унинг манзилгоҳини сўради. Унда кечирим хати ёзиш ва Худонинг севгиси гувоҳлиги аломати тарзида саккиз минг долларга чек юбориш истаги бор эди.

Мен ҳамкоримизнинг илтимосидан шу қадар қувондимки, шахсан ўзим зарар кўрган корхона бошлиғини топиш ва унинг зарарини қоплаш билан шуғулландим. Излашлар жараёнида бизнесмен ярим йил олдин

юрак хуружидан вафот этганини билиб қолдим. Бу мен учун навбатдаги зарба эди. У менинг сўзларимни ўшанда самолётда эшитган бўлсам, шу ҳақида ўйлар эдим. Тўғриси айтганда, у билан Хушхабарни бўлишиш учун мен унинг қалбига йўл топа олмаган эдим, унинг руҳи шу қадар ёпиқ эди. Мен фақатгина бошқа бир ишчи унинг йўлида учраб, унинг қалбига йўл топишига умид қилган эдим. У Исо Масиҳ орқали Худо билан тинчликка эришдим, бу ҳақида анча вақт ўйлаб юрдим. Унинг собиқ ходимаси қилган ишдан кейин бу ҳақиқий мўъжиза бўлишини тушунар эдим.

Агар ўша аёл бу одамга ва унинг корхонасига ҳурмат кўрсатганида эди, у билан Хушхабарни ўртоқлашиш нақадар осон бўлар эди. Бу эркак Хушхабарни қабул қилиши осон бўлар эди. Қай тарзда? У шундай деган бўлар эди: “Жон, сен нима ҳақида айтаётганингни мен тушунаман. Менинг энг зўр ходимларим масиҳийлар эдилар. Ҳозир ҳаётимда мутлақ тартибсизлик. Менга абадий ҳаёт берадиган Исо Масиҳ керак. Ҳа, мен сен билан бирга ибодат қилишни истайман”.

Бошқа томондан, мен имонсиз бошлиқларнинг ўз ходимларида ҳақиқий масиҳийликни воизликларида эмас, балки улар турли вазиятларга тушиб қолганларида, Масиҳнинг хулқ-атвори уларда қандай акс этишида, уларнинг ишдаги хулқ атворида кўраётганини айтганини эшитганман. Улар бундай ходимларнинг бошқаларга нисбатан яхшироқ ишлашлари, улар ҳамма ходимлардан кўра энг ҳалол ҳамда ишончли эканликлари, улар ҳеч қачон баҳслашмасликлари, шикоят қилмасликлари ва гап қайтармасликларини айтар эдилар.

Бу ходимлар ўша аёлдек эмас, бошқача ишлашларига нима қобилият беради? Жавоб оддий: Худо яхши кўрадиган ва Худо ғамхўрлик қиладиган одамларга нисбатан юрагимизда ҳаққоний ҳурмат ва эҳтиромни келтириб чиқарадиган Раббийнинг қўрқуви.

Синфда

Узоқ йиллар давомида, мен масиҳийлар ўз хулқ-атворлари билан ҳурмат ёки ҳурматсизлик кўрсатиб, Хушхабар ҳақида яхши таассурот ёки ёмон ном қолдирганлари ҳақида кўплаб ҳикояларни эшитганман. Илк бора ҳам у, ҳам бу ҳолатга ҳали мактабда ўқиб юрган чоғларимда гувоҳ бўлганман.

98 ҲУРМАТ ЭВАЗИГА МУКОФОТ

Мен Пурду Университети талабаси бўлган вақтимда Исо Масиҳни Раббий деб тан олганман. Мен католик оилада улғайганман ва мунтазам равишда жамоатга қатнаганман, аммо бунга қарамасдан мен нажотга жуда муҳтож эдим.

Талабалардан бири эътиборимни тортгани ёдимда. Биринчидан, унинг хулқ-атвори севувчи, шу билан бирга кучли эканини пайқадим. У ажойиб спортчи эди ва жуда интизомли йигит эди. Талабалар ўтиришларига у энг бошида келиши ва ҳамма ичиб, ўзини бошқариш қобилиятини йўқота бошлаганидан кетиб қолишини пайқадим. Ўтиришларда у фақат содали ичимлик ичиб йигитлар билан ҳам, қизлар билан ҳам эркин суҳбат қура олар эди.

Менинг диндор, лекин шу билан бирга Худодан йироқ йигит эканимни у кўрган эди. Шундай қилиб, олдин у мен билан дўстлашди, бироз вақт ўтганидан сўнг менинг эшигимни тақиллатди. У мен билан Худонинг Сўзини ўртоқлашди ва бирдан кутилмаганда сўраб қолди: “Жон, сен менга Қўшма Штатлар президенти ҳақида сўзлаб бера оласанми?”

Мен жавоб бердим: “Албатта, унинг исми Жимми Картер, унинг рафиқасининг исми Розлин. У қачонлардир Жоржия штати губернатори бўлган, унга эса ўз фермасида ерёнғоқ етиштирган”.

У деди: “Яхши. Энди сен менга Исо Масиҳ ҳақида айтиб бера оласанми?”

Мен дедим: “Албатта. У бокира қиздан дунёга келган, Унинг ерлик отаси Юсуф бўлган. Унинг ўн икки нафар шогирди бўлган ва У Хочда жон берган”.

У деди: “Ажойиб. Энди менга айтчи, сен президент Картерни туққан онанг каби биласанми?”

Мен ўйлаб ўтирмай жавоб бердим: “Йўқ”.

У мендан сўради: “Фарқи нимада?”

Мен дедим: “Онам – бу менинг онам. Мен уни шахсан биламан. Қўшма Штатлар президенти билан эса ҳатто таниш эмасман”.

Сўнгра у деди: “Шундай қилиб, сенинг онанг билан шахсий муносабатларинг бор, президентни эса билмайсан. Президент ҳақида кўп нарса билишингдан қатъий назар, унинг ўзи билан шахсий муносабатларинг йўқ”.

Мен жавоб бердим: “Тўғри”.

Сўнгра у деди: “Сен Исо Масиҳни онангни билгандек биласанми?”.

Мен хижолат бўлиб қолдим. Мен нима деб жавоб беришимни билмай ўтирар эдим. Сўнгра у менга, Худонинг Исо Масиҳни ерга юборишидан мақсади – бизларни жамоатга қатновчи қилиш эмас, балки У бизларни яхши кўриши ҳамда ҳар биримиз У учун қадрли бўлганимиз учун ҳар биримиз билан шахсий муносабатларга эга бўлиш эканини кўрсатди. Худо мени нима учун яратганини билганимда мен хайратда қолдим.

Кейинги йил тўлиқ мен соатлаб Муқаддас Китобни ўқидим. Мен унга тўймас эдим. Мен Худонинг Сўзини билишни истар эдим. Ҳаётимни Масиҳга берганимга қадар, Муқаддас Китоб мен учун ҳикоялар ва қоидалар рўйхати бўлмиш китобча эди. Энди эса шахсан менга йўналган, Худонинг Сўзига айланди ва менинг қалбимда жонланди. Муҳандислик факультети талабаси сифатида баъзи фанларни мен танлашим мумкин эди. Бошқа фанлар каби рўйхатда Нотр-Дамдан ҳам фанлар бор эди. Уларни доимо университет шаҳарчасида яшайдиган бир профессор ўтар эдилар. Мен “Эски Аҳдни кўздан кечириш” номли, 101 курсига ёзилишга қарор қилдим. Мен ҳали ўшанда ёш талаба эдим ва Эски Аҳд таълимотини қийин тушунар эдим, шунинг учун умумий манзарани кўриш учун бу курсни ўтиш яхши бўлар эди деб ўйладим.

Бизнинг гуруҳимизда дарслар душанба кунлари ўтар ва уч соат давом этар эди. Биринчи дарсда профессорни кўриб, даҳшатга тушдим. У деди: *“Муқаддас Китобда олти юзта қарама-қаршилиқлар бор ва Исо Масиҳ ўликдан тирилганини тарихий исботлаб бўлмайди. Мусо Исроил ўғиллари билан Қизил денгизни ўтаётганларида, бу бор-йўғи ботқоқ эди. Муқаддас Китобда ҳамма нарса бўрттириб кўрсатилганининг сабаби – тарихни авлоддан авлодга айтиб беришган, ҳар дафъа фактлар тобора бўрттирилган, ахийри ботқоқ улкан денгизга айланган”.*

Ўша семестр менинг ҳаётимдаги ўнчалик хотиржам давр бўлмаганини айтишга ҳожат йўқ. Мен доимий равишда профессор билан ва бошқа талабалар билан баҳслашганим ёдимда. Бир марта шундай дарс бўлган эдики, биз профессор билан икки соат давомида баҳслашган эдик. Бутун бу вақт мобайнида мен ўз нуқтаи-назаримни

қатъий ҳимоя қилдим, шу билан бирга, унинг ўқитувчи сифатидаги нуқтаи-назарига ҳурмат билан муносабатда бўлдим.

Семестр бошида бизларга катта изланиш ишини ёзишни ва дарс охирида топширишни вазифа беришди. Бажарилган ишнинг натижаси якуний баҳонинг учдан бир қисмини ташкил қилар эди. Мен ўз изланиш ишим устида қунт билан ишладим. Сўнги дарсда профессор бизларга текширилган ишларимизни тарқатди. Ўз изланиш ишимни қўлимга олиб, мен баҳо ўрнига катта “1” ҳарфини кўрдим. Мен ўта ҳайратландим. Дарсдан сўнг мен профессорнинг олдига бордим, у эса менга деди: “Жон, менинг хонамга кир ва бу баҳо нимани билдиришини мен сенга тушунтираман”.

Бир неча кундан сўнг мен унинг кабинетига кирдим. У мени қўйидаги сўзлар билан кутиб олди: “Жон, сен билан мен турли дунёларда яшаймиз. Шу учун сенинг изланиш ишингни баҳолай олмайман, деб ўйладим. Мен сенинг изланиш ишинга “1” белгисини қўйдим, бу шуни билдирадиги, сенинг якуний баҳонга алоқаси йўқ, балки бу семестрда иккита имтиҳон топширилган ҳисобланади.”

Сўнгра у деди: “Жон, менинг гуруҳимда кўп “фундаменталистлар” бўлган, улар менга бир дунё муаммолар келтирар эдилар. Улардан қарийб ҳаммалари ёки гуруҳда тартибсизлик қилдилар, ёки гуруҳдан чиқиб кетдилар ёки ҳатто ўз эътиқодларидан воз кечдилар”.

Сўнгра оҳангини юмшатиб деди: “Жон, сен умуман бошқача одамсан. Сен ўз эътиқодингдан воз кечмадинг. Сен ўз эътиқодингда мустаҳкам турдинг, аммо шу билан бирга менга ҳурмат билан муносабатда бўлдинг. Сен шунингдек гуруҳдошларингнинг ҳурматини қозондинг. Менга кўрсатган ҳурматинг ва жасоратинг учун сендан жуда миннатдорман”.

Бу суҳбатда Худо менга бир нарсани кўрсатди. Агар биз Худо Сўзининг ваҳийида турсак, лекин шу билан бирга етакчиларимизни ҳурмат қилсак, Худо ҳақиқат ҳақи қандай ҳаракат қилишини кўраемиз. Профессорнинг гуруҳидаги барча “фундаменталистлар” юқоридан туғилган бўлган бўлса керак. Аммо уларнинг гувоҳликлари уларнинг ишларига зид эди, чунки улар устозларига ва гуруҳдошларига Исо Масих ҳақида фақатгина айтиб берар эдилар. Улар ҳурматсизлик бўлган баҳсга тўла хулқ-атворлари билан устозлари ва гуруҳдошлари назарида

ҳақиқий Хушxabарнинг обрўйини тўккан бўлсалар керак, бу эса синфда тартибсизликларга олиб келган. Улар ҳурмат қилиш қондасини билмаганлари учун яхши имконият қўлдан бой берилди.

Биз ҳеч қачон Худонинг Сўзидан йироқлашмаслигимиз керак. Биз мустаҳкам туришимиз керак. Аммо бундан ташқари бизга қарши бўлганларни тўғирлашимиз керак ва бунини мулоимлик ҳамда камтарликда қилишимиз керак. Бу одам бошлиғимиз бўладими ёки мураббийимизми, устозимизми, биз Масиҳга ўхшашлигимизни кўрсатишимиз лозим. Имконият пайдо бўлганида эса оғзимизни очиб, ҳақиқатни етакчиларимизга севги ва ҳурмат билан сўзлашимиз керак.

Дунёвий ҳоқимиятларни ҳурмат қилиш

Дунёвий ҳоқимиятларни қандай ҳурмат қилишимиз мумкин? Келинг, ҳурмат сўзи маъносига яна бир бора назар ташлаймиз. Қадрлаш, нимадир қимматбаҳо ва аҳамиятли нарсага қарагандек ҳурмат билан муносабатда бўлиш, бўйсунуш ва Ёзув билан келишмовчилик юзага келгунича итоатли бўлиш.

Агар бу таъриф устида фикр юритсак ва ибодат қилсак, бизнинг ишда, мактабда ёки олийгоҳда, спортзалда ёки қаерда бўлишидан қатъий назар яхши томонга ўзгаради. Агар Худодан юрагимизни дунёвий ҳоқимиятларга ҳурмат билан тўлдиришини сўрасак, унда бизнинг уларга бўлган муносабатимиз умуман бошқача бўлади. Ўз ҳуқуқимизни талаб қилиш ўрнига уларнинг истакларини ўзимизникидан устун кўраимиз. Бизни тан олишадими, ёки йўқми, меҳнатимизга муносиб ҳақ тўлашадими, ёки йўқми, булардан қатъий назар уларга ёрдам беришнинг турли имкониятини излай бошлаймиз. Қандай қилиб бунга эришимиз мумкин? Ёзув бизларга дейди:

Қуллар(ишчилар) ерлик хўжайинларингизга(иш билан таъминлайдиганларга ва бошлиқларга) қўрқув ва чуқур ҳурмат билан бўйсунинглар. Масиҳга хизмат қилгандек уларга хизмат қилинглар. Ғайрат билан меҳнат қилинглар, бошлиқларингизга фақат улар сизга қараб тургандагина ёқишга ҳаракат қилманглар. Балки Масиҳнинг қуллари сифатида, Худонинг иродасини чин кўнгилдан бажаринглар. Одамлар учун эмас,

102 ҲУРМАТ ЭВАЗИГА МУКОФОТ

балки Раббий учун меҳнат қилгандек ғайрат билан меҳнат қилинглари. Ҳар бир киши қилган эзгу иши учун Раббидан мукофот олишини ёдда тутинг.

– Эфесликларга 6:5-8
(замонавий таржима, қавс ичида муаллифнинг сўзлари).

“Раббий учун меҳнат қилгандек ғайрат билан меҳнат қилинглари”, – иборасига эътибор беринг. Агар бу қалбларимизда тирик бўлса, шундагина биз қўллардан хизматкорларга айланамиз. Сиз: “Мен эса қўл эмасман”, – дейишингиз мумкин. Бу таърифга тез жавоб беришдан олдин қўл ва хизматчи орасида фарқни тушунтиришга ёрдам беринг. Қўлдан энг минимал нарсалар талаб қилинади, хизматчида эса максимал имконият(потенциал) мавжуд. Қўл ўғирлаб олади, хизматчи эса ўзи беради; қўл ишлашга мажбур, хизматчи эса ўзи ишга киришади. Хизматчи буйруқларни кутмайди, ўзи имкониятлар излайди. У хизмат қилаётган шахсининг эҳтиёжларини кўра олади ва ундан сўрашларидан олдин уларни бажаради.

Агар бошлиқингиз сизга адолатсиз ва қўпол муносабатда бўлаётгандек туюлса, сиз ёмон таъсирга жавоб беришингиз керак эмас, балки бунга жавобан ҳаракат қилишингиз лозим. Таъсирга жавоб берадиган одам унга ёмон муносабатда бўлишларидан шикоят қила бошлайди, у тунд бўлиб қолади, ҳамма нарсага бефарқ бўлиб қолади ва ёмон ишлайди. Ёвузликни яхшилик билан енгил(Римликларга 12:21ни қаранг) йўлида ҳаракат қиладиган одам эса ўзининг мулозаматсиз бошлиқининг олдига келиб, масалан, мана бундай гапларни айтади: “Ҳали кўп ишларни қилиш кераклигини кўряпман, шу учун келаси ҳафта икки соат олдинроқ келишимни ва ҳамма ишни қилишимни билишингизни истар эдим, сиз бу учун қўшимча ҳақ тўлашингиз ҳам керак бўлмайди”. Агар сиз бахсларни шу йўл билан ҳал қилишни бошласангиз, тез вақт ичида Худонинг, ахийри бошлиқингизнинг ҳам шафқатини қозонасиз.

Мен бунга қарангиз биламан? Ҳикматлар китоби 3:3-4 да айтилганки, шафқат ва ҳақиқатни юракнинг лавҳасига ёзиб қўйиш лозим, “шунда Худонинг ҳамда одамларнинг нигоҳида илтифот ва шафқат топасан”. Бошлиқингизни ҳурмат қилишингиз ва эҳтиром билан муносабатда бўлишингизга қарамасдан, бошлиқингиз назарида илтифот топмасангиз, Худо сиз учун сиз иноят ва шафқат топадиган

бошқа жойга эшик очади. Биз ҳикоясини олдинги бобда кўриб чиққан суғурта корхонаси директори бунга мисол бўла олади. Унга ҳеч нимага арзимайдигандек муносабатда бўлганларида ҳам, у ўзининг иш билан таъминловчисини ҳурмат қилди. Кейинчалик Худо у учун каттароқ корхонанинг эшигини очди ва ҳозир катта директорлардан бирига айланиб, тўлиқ мукофотни олмоқда.

Бу қонун. Агар сиз ҳаётингизда жамиятдаги ҳокимиятларни ҳурмат қилсангиз, Худо сизни ҳурмат қилади ва сиз тўлиқ мукофотни қўлга киритасиз. Балки у бошлиқ, ўқитувчи ёки тренер орқали келмас, лекин албатта, келади. Худо Унинг Сўзи амалга ошишини кузатиб туради!

9-БОБ

Уйдаги етакчиларга ҳурмат

Келинг, диққатимизни оилага қаратамиз. Болалардан бошлаймиз. Ёзув бизларга дейди: “Ўз ота-онангни ҳурмат қил”, – бу ваъда билан бўлган биринчи амрдир: “токи сенга эзгулик бўлсин ва ер юзида узоқ яшай олгин”(Эф.6:2-3).

Ота-онани ҳурмат қилиш – бу таклиф эмас, тавсия эмас, балки амрдир. Ёки балки кимдир биз ҳам, Янги Аҳднинг имончилари сифатида амрларни бажаришимиз лозимлигини унутдимиз? Бу Худонинг севгиси ҳақиқатан бизларда яшаётганининг исботидир. Исо Масих дейди: “Ким Менинг амрларимга эга бўлиб уларга риоя қилса, ўша одам Мени севади”(Юҳанно 14:21). Ҳаворий Юҳанно яна бир бора тасдиқлайди: “Севги шундан иборатки, бизлар Унинг амрлари бўйича ҳаракат қилайлик”(2-Юҳанно 6).

Бизлар Исо Масихни Раббий деб қабул қилган лаҳзада ўзгардик: олдин яшаган одам энди бошқа йўқ. Биз том маънода янги ижодга айландик. Бизларнинг юракларимиз янгиланди, унда Худодан қўрқув ва Унинг севгиси яшай бошлади. Энди бизнинг барча истакларимиз Раббийда, биз Унга маъқул бўлишга ташнаемиз, чунки бизнинг асл табиатимиз шунақа. Биз шундай яшаймизки, гўё “ҳамма нарса – Худонинг амрларига риоя қилишдадир” (1-Кор.7:19).

Бошқача қилиб айтганда, одатларига кўра Худонинг амрларини менсимасликни давом эттираётганлар ҳеч қачон Муқаддас Рух орқали Исо Масих билан ҳақиқий учрашувни бошларидан кечирган эмаслар. Балки улар ўзларини масихий ҳисоблашар, лекин Исо Масих айтганидек,

бизларни ишларимизга қараб танишади (Матто 7:20 га қаранг). Агар улар Худонинг амрларини менсимасалар ёки уларга юзаки қарасалар, демак, уларда Унинг юраги йўқ. Юҳанно ёзмоқда: “Кимки мен Уни (Исо Масиҳни) таниб-билдим деб айтса-ю, лекин Унинг амрларига риоя қилмаса, у одам ёлғончи (адашган) ва унда ҳақиқат йўқдир”(1-Юҳ.2:4). Юҳанно аниқ айтмоқда: бундай одам Худонинг фарзанди эмас, у адашган. Балки у ўзини нажот топган деб ўйлар, аслида бундай эмас.

Келинг, яна бир бора ҳурмат сўзининг маъносини ёдга оламиз: “қадрлаш, эҳтиром қилиш, иззат қилиш, жуда эътиборли, илтифотли муносабатда бўлиш”. Агар ота-оналаримизга ҳурмат қилиш назари орқали боқсак, бу шуни билдирадики, биз улар билан ҳурмат ва севги билан суҳбатлашимиз керак. Ёдга олайлик: ҳурмат – ишлар орқали, сўзлар, ҳатто фикр орқали намоён қилиниши мумкин, лекин ҳақиқий ҳурмат юракдан чиқади. Шундай қилиб, агар ёш йигит ва қизлар доимо ота-оналари билан енгилтақларча, менсимасдан, ҳурматсизлик билан муносабатда бўлсалар, улар ота-оналарини умуман ҳурмат қилмасликларини кўрсатадилар. “Юракнинг тўлалигидан тил гапиради”(Матто 12:34). Уларнинг ҳурматсизларча муносабатлари уларнинг ҳатти-ҳаракатлари, овоз оҳанглари, кўзларини тепага қаратишлари, нафратли назарлари, илтимос ёки шикоятни бажаришда секин юришларида намоён бўлиши мумкин.

Ота-оналарга ҳурматсиз муносабат Америкада ҳаёт нормасига айланди. Бизнинг маданиятимизда одоб чегаралари тобора ўчириб ташланмоқда. Мен ҳеч қачон фарзандларим кўришига рухсат бермайдиган кўплаб машҳур “оилавий кинолар” бор. Уларнинг баъзилари ишончли кинокорхоналар томонидан суратга олингани белгиси сифатида ҳатто “G” ҳарфи билан белгиланган. Яъни улар хавфсиз ҳисобланади. Кўпинча уларнинг сюжетидаги воқеалар жуда таъсирчан. Аммо болаларнинг ота-оналари билан суҳбатлашиш тарзи – умуман бошқа масала. Улар ота-оналарига, улар билан бирор иш қилиб бўлмайдигандек, қандайдир аҳмоқларга бўлгандек муносабатда бўлишади. Улар ота-оналари билан қўпол гаплашадилар, уларга қулоқ солмайдилар ва фарзандлар бутун фильм давомида ота-оналарига менсимаслик муносабатида бўлганларига қарамасдан фильм болаларнинг қаҳрамон бўлиши ёки уларнинг истаклари амалга ошиши билан яқунланади. Сиз мени жуда кескин сўзлаяпти, деб ўйлайсизми? Лекин Худо нима деганига қулоқ солинг: “Ўз отасини ёки онасини беҳурмат қилган лаънатидир! Бутун халқ: “Омин”, – десин” (Қонунлар 27:16).

Лаънат сўзи қандай кучга эга эканини биласизми? Худо томонидан лаънатланган бўлиш – жиддий нарса. Бизлар қўйидагини эшитишни умид қиламиз: “Қотилликка, ўғирликка, жинсий бузуқликлар билан ёки жодугарлик билан шуғулланишга бораётган лаънатидир”. Аммо Худо ота ва онасини беҳурмат қилувчи лаънатидир демоқда. Келинг, беҳурмат қилиш сўзининг маъносига қараймиз: “нимагадир оддий, қуллар каби арзимасдек муносабатда бўлиш”. Ҳиссийроқ қилиб айтганда бу қўйидагича жаранглайди: шарманда қилиш, паст уриш.

Авлодлар оша давом этган лаънат

Одамлар ўз ота-оналарини беҳурмат қилганлари учун ҳаётларига лаънат орттирганларининг кўплаб мисоллари Муқаддас Китобда мавжуд. Ёрқин мисоллардан бири – Нухнинг энг кичик ўғли, Хомдир.

Тошқиндан сўнг Нух фермерлик билан шуғуллана бошлади. Бир куни кечқурун у маст бўлганича ичди. Нима учун у бундай қилди? Балки у тушкунлик ҳисси билан курашгандир, чунки ер юзида ягона ота бўлиб қолган эди ёки балки унинг бошига тушган босимдан енгиллик қидиргандир, чунки тошқиндан сўнг у кўп нарсани қайта қуриши лозим эди. Ҳар қандай ҳолатда ҳам, кўриниб турибдики, у енгиллик излаган эди ёки жуда сиқилган эди. Аммо у нотўғри усулни қўллади. Ичиб олиб, у ўз чодирига кирди, ҳамма кийимларини ечиб ташлади ва ухлаб қолди.

Хом отаси ётган чодирга кирди, уни яланғоч ҳолда кўрди, бориб ҳаммага айтиб берди(ўша вақтда атрофда кўп одамлар йўқ эди, фақат Шем ва Йафет бор эди). У нақадар қиқирлаб, ўз акаларига: “Эй, йигитлар, ишонмайсизлар, бизнинг дадажонимиз чўчқадек ичиб олиб, дандидек яланғоч ётибди! Боринглар, томоша қилинглар” – деганини тасаввур этиш мумкин.

Шем ва Йафет укаларининг масхара қилишини эшитганларида, улар умуман бошқача жавоб бердилар. Улар кийим олдилар, уни елкаларига осдилар, оталарининг чодирига орқалари билан кирдилар ва Нухнинг яланғочлигини қопладилар. Улар оталарининг шармандалигини кўришни истамадилар.

Эртаси куни эрталаб, Нух уйғониб Хом нима қилганини билди. Ёзилганидек: “Канъон лаънати бўлсин, акаларига қулларнинг қули бўлсин”, – деди. Кейин яна деди: “Шемни Раббий Худо дуо қилсин. Канъон эса Шемга қул бўлсин. Худо Йафетнинг майдонини кенгайтирсин,

у Шемнинг чодирларида қувонсин. Канъон эса унга қул бўлсин” – деган сўзларни айтди (Ибтидо китоби 9:25-27, замонавий таржима).

Нухнинг оғзидан чиққан башорат сўзи кўплаб авлодларга таъсир қилди. Хомнинг авлодлари бўлмиш канъонликлар лаънати бўлдилар, Худонинг сўзига биноан Исроил ўғиллари уларни кўп мартаба қул қил олганлар.

Хом ўз отасини ҳурмат қилмади ва ўз ҳаётига ҳамда авлодларининг ҳаётига лаънат келтирди. Қизиғи шундаки, Хомнинг ҳатти-ҳаракати жиддий оқибатларга олиб келган бўлса-да, Нух маст бўлиб қолган бўлса ҳам, Ёзув унга нисбатан бирор жазо ҳақида ҳеч нима демайди. Боз устига, Ибронийларга мактубнинг 11-бобида Худо оталар билан мақтанади. Улардан бири Нух, ичадиган одам. Эҳтимол у ўз гуноҳига тавба қилиб, кечирилгандир. Аммо Хом ҳақида у бобда ҳеч нима ёзилмаган ва умуман олганда, бутун Муқаддас Китобда Хом ҳақида бирор ижобий нарсаси кўрмайсиз.

Нухнинг маънавий қулаши унинг уч ўғлининг ор-номуси учун синов бўлди, уларнинг юраклари ўша лаҳзада очилди. Бири ҳурмат кўрсатмади, фақат исён қилди, бошқа икки нафари ҳурмат кўрсатдилар, ўзларини ҳар қандай айбашдан тийдилар, чунки отасини ҳукм қилиш, уларнинг масъулиятида эмас эди. Нухнинг ҳатти-ҳаракати диёнатли эмас эди, аммо у билан ўғиллари эмас, Худо шуғулланиши лозим эди. Унинг икки нафар ўғли бунга тушунди ва унга нисбатан ҳурматларини сақлаб қолдилар; учинчи ўғли эса отасининг ҳатти-ҳаракатларини ҳукм қилишга журъат этди, бу билан уни шарманда қилди ва лаънати бўлди.

Яна бир қизиқ томони шундаки, Хом ўз танқидида аниқ эди. Мантиқий равишда унинг ҳаракатларини оқлаш мумкин эди. У кўрган нарсасини такрорлади, у “ҳақиқат”ни гапирди. Аммо Шоҳликда ҳурмат ва ҳокимият қонунияти умуман бошқача ўрнатилган.

Вақт ўтиши билан ҳурматсизлик кучаяди

Муқаддас Ёзувда отасини ҳурмат қилмаган яна бир одам бор. Бу Ёқубнинг тўнғич фарзанди Рубен. Унинг онаси Леаҳ эди. Қандай қилиб Рубен отасини ҳурмат қилмаган? У отасининг никоҳсиз хотини, Билхас билан ётди.

Аммо менинг ишончим комилки, отасига тегишли бўлган чўри билан жинсий муносабатдан ташқари кўпроқ нарсаси бўлган. Ёқубнинг икки хотини бор эди: опа-сингил Леаҳ ва Роҳила. Билхас Роҳиланинг чўриси

эди. Роҳила ва Леаҳ бир-бирлари билан рақобатлашар эдилар. Уларнинг рақобатлари тобора кучаяр эди, чунки Ёқуб Роҳилани кўпроқ яхши кўрар эди. Оилавий ҳаётларининг бошидан охиригача у Роҳилани севар эди.

Худо Леаҳни эри яхши кўрмаслигини кўрганида, унинг қорнини очди ва у ҳомиладор бўлиб, Рубенни дунёга келтирди. Рубен туғилганида, мана у нима деди: “Леаҳ ҳомиладор бўлиб ўғил туғди, унинг исмини Рубен қўйди: “Чунки, – деди у, – Раббий менинг сиқилишимни кўрди, энди эрим мени сева бошлайди”(Ибтидо 29:32).

Маълум вақт ўтгач, у иккинчи ўғлини дунёга келтирди. У туғилганидан сўнг у: “Раббий менинг севимли эмаслигимни эшитиб, буни ҳам берди”, – деди. Унга Шимон (“эшитилган” демақдир) деб исм қўйди (Ибт.29:33).

Сўнгра учинчи бора ўғил туғди. Учинчи ўғли туғилганидан сўнг унинг сўзларида умидсизлик янграйди: “Мана, энди эрим менга ёпишиб қолади, чунки мен унга учта ўғил туғиб бердим”, – деди. Шунинг учун у Леви (“боғланган” демақдир) деб аталди»(Ибтидо 29:34).

Роҳила опасининг муваффақиятини кўриб, ўзи ҳомиладор бўла олмаганида, Леаҳнинг пайдеворини барбод қилиш учун режа тузди. У Ёқубга ўз чўрисини беришга қарор қилиб, унга деди: “Мана, менинг чўрим Билхах. Унинг олдига кириб, у менинг тиззаларимда туғсин, токи мен у орқали болага эга бўлайин, – деди (Ибт 30:3). Бола туғилганида Роҳила деди: “Опам билан улуг жангда жанг қилиб, уни енгдим”(Ибт 30:8).

Рубен тўнғич ўғил бўлган ҳолда, ўз онаси ва Роҳила орасида жанг ва рақобатни кўрган эди. Отаси томонидан менсимасликка учраган онасининг дардини ҳис қилиш учун у етарлича улғайган киши эди. Шундай бўлдики, Рубен далага чиқиб онаси учун мандрагорлар топиб келди. Леаҳ ўғлидан меҳригиёҳларни олаётганида, Роҳила унга ҳасад қилди, Роҳила ҳам меҳригиёҳларни истади ва бир кечани опасига бериб, опаси билан шартнома тузди.

«Ёқуб оқшомда даладан келди ва Леаҳ унга пешвоз чиқиб деди: “Менинг олдимга кириб, зеро мен сизни ўғлимнинг меҳригиёҳларига сотиб олдим” (Ибт.30:16). Бу жойдан кўриниб турибдики, Ёқуб кўп тўнларни Роҳила билан ўтказар эди. Леаҳ фақат нарх тўлаб у билан бўлиши мумкин эди.

Рубен оиласида содир бўлаётган ишларни оғриқ билан кузатар эди. Менинг ишончим комилки, отасининг онасига менсимаслик муносабатидан хафалик ҳисси ва норизолик унда кундан кунга ошиб борган.

Бу биргина тўшак саҳнаси билан тўхтаган эмас. Унинг хафалиги ҳамма нарсада сезилади. Вақт ўтар эди, Ёқубнинг ўн ўғли туғилгач, ахийри Роҳила ҳам унга ўғли Юсуфни туғиб берди. Отаси Роҳиланинг ягона ўғлига илтифотли эканини кўрганида, Рубеннинг нафрати янада ошди. Юсуфга энг яхши нарсаларни беришар эди, уни ҳамма акаларидан кўпроқ яхши кўрар эдилар, отасининг илтифоти тимсоли бўлмиш чиройли кийимни унга тўхфа қилишди.

Ёқубнинг оиласи Леаҳнинг ва Роҳиланинг отаси Лабанни тарк этганида, уларни қарши олгани Эсав ва у билан бирга тўрт юз нафар одам келаётгани хабари уларга келди. Ёқубни даҳшат қоплади, чунки у тўнғичлик баракасидан ўғирлагани учун акаси уни ўлдиришни ваъда бергани яхшигина ёдида эди.

Ёқуб ўз ҳаётини ва авлодини сақлаб қолиш мақсадида оиласини бўлди. Биринчи қисмини ўзидан олдин Эсовнинг қаршисига юборди, иккинчи қисми эса орқароқдан бориши керак эди. Унинг режаси шундан иборат эдики, агар Эсов олдинда бораётганларни ўлдирса, Ёқуб қолганлари билан қочиб кетади, ўзини ва унга яқин бўлган одамларнинг ҳаётини сақлаб қолади. Келинг, у оиласини қандай бўлганига назар ташлаймиз: “Чўриларни ва уларнинг болаларини олдинга, Леаҳни ва унинг болаларини уларнинг ортидан, Роҳила ва Юсуфни эса энг орқага қўйди”(Ибт.33:2). Рубеннинг ғазаби ва норизолигини тасаввур қила оласизми? Уни онаси билан бирга олдинга, ўлиш учун қўйишди, отаси эса Роҳила ва Юсуфга яхшилик қилиб улар билан бирга орқада туради.

Вақт ўтмоқда, норизолик ўсмоқда. Роҳила иккинчи ўғлини дунёга келтирди ва туғруқ вақтида жон берди. Ёқуб унинг ўлимидан қаттиқ мотам тутди, унинг қабри устига ёдгорлик қўйди, бу ёдгорлик авлодлар оша туриши лозим эди. Шуниси қизиқки, сиз Леаҳга аталган ёдгорлик ҳақида ҳеч қаерда ўқимайсиз, у фақат Роҳилага ёдгорлик қўйди. Аниқки, ёдгорлик жуда катта ва чиройли бўлган. Бу дафъа Рубеннинг сабр косаси тўлиб-тошган бўлса керак, хафалик ва умидсизлик уни қамраб олгандир.

Муқаддас Ёзув айтадики, Роҳиланинг ўлимидан сўнг тезда “Рубен бориб Билхах билан ётди”(Ибт.35:22). Рубен рақиби улғаяётганини кўриб, қийналиб ва азобланиб яшар эди. Отаси Роҳилани севиб, онасини севмаслигига у кўника олмас эди. Балки у Билхах билан шунчаки жинсий лаззат учун эмас, балки Роҳиланинг чодирини шарманда қилиш ва обрўсиз қилиш учун, отаси унга етказган оғриқ ва азоблар учун, қандай қилиб бўлса-да қасд олиш учун ётгандир.

Энди Худо Рубен ҳақида кейинроқ, унинг барча биродарлари ўлганидан кейин нима деганини кўрамиз:

“Исроилнинг тўнғичи Рубен эди; лекин ўз отасининг тўшагини ҳаром қилганида, унинг тўнғичлиги Исроилнинг ўғли Юсуфнинг ўғилларига берилди. Шунинг учун бу авлод насабномада тўнғичлик ҳуқуқига эга сифатида ёзилмайди”.

– 1-Йилнома 5:1

Қизиғи шундаки, Ёқубнинг ўзи нотўғри иш қилар эди, чунки Роҳилани севиб, Леаҳни менсимас эди. Худонинг назарида бу яхши эмас эди, бу ҳақида шундай ўқиймиз: “Раббий Леаҳнинг сеvimли эмаслигини кўриб, унинг қорнини очди. Роҳила эса бепушт эди”(Ибт.29:31). Муқаддас Китобнинг кенгайтирилган таржимасида шундай дейилган: “Раббий Леаҳдан нафратланаётганларини кўрганида”, ўшанда Раббий Леаҳни эри учун бахтсиз бўлган соҳасида дуо қилди.

Рубен вазиятни аниқ тушунди. У отасига йўқ нарсада баҳо бермади, ҳаммаси равшан эди. Аммо юрагига киришига имкон берган нарсаи кейинчилик уни ҳалок қилди. Худо ҳар бир гўдакнинг қалбига соладиган ҳурматни у тарк этди ва бегоналик, хафалик ҳисси уни бошқаришига йўл қўйди, беҳурматликка ўрин берди. Хафалик унда шу қадар ўсдики, у энди отасига нисбатан ҳурматсизлик муносабатини оқлай бошлади. Аммо бундай муносабат унга қимматга тушди. У ўзининг тўнғичлигини йўқотди.

Китобнинг бошидаги Ҳаннаҳ ҳақидаги ҳикояни ёдга олинг, уни руҳоний Элий ҳақорат қилди, лекин барибир ҳурматсизларча муносабат унинг устидан ҳукмронлик қилишига ва ҳокимиятларни ҳурмат қилишни буюрган Худога итоатсизлик қилишга Ҳаннаҳ руҳсат бермади. У тўлиқ мукофот олди. Рубен аксинча мукофотини йўқотди, ўзининг меросини йўқотди. У ўз баҳолашида бир қатра ҳам адашмади, лекин жавоб реакциясида мутлақ хато қилди.

Ҳеч ким сизга нотўғри ҳатти-ҳаракати билан таъсир қилишига йўл қўйманг

Кейинги бир неча йил давомида, мен бошқа одамларнинг ёмон ҳатти-ҳаракатлари бизларнинг тўғри ҳаракат қилиш ҳақидаги билимимиз ва тушунчамизга таъсир қилишига йўл қўймаслигимиз кераклини тобора тушуниб борапман. Бу ҳақиқат Мусонинг ҳаётида ёрқин кўриниб туради.

Исроилнинг болалари Ёқуб каби доимо Худога номаъқул ҳаракат қилар эдилар. Ёқуб хотинидан нафратланар эди, улар эса доимо нолир эдилар. Рубен каби Мусо ҳам уларнинг нотўғри ҳатти-ҳаракатларидан қийналар эди. Мусо халқ учун саҳрода қолиб, қирқ йил давомида ваъда қилинган ерга киролмаган эди. Энди улар яна нолир эдилар, чунки уларнинг сувлари йўқ эди. Ўшанда Худо Мусога қояга буюришини ва қоядан сув чиқишини айтди. Лекин ўша вақтда Мусо уларнинг ҳатти-ҳаракатларидан шу қадар чарчаган эдики, ҳамма исроилликларни чақирди ва қичқирди: “Исёнкорлар, қулоқ солинлар, биз сизлар учун мана шу қоядан сув чиқариб беришимиз керакми?” – деди. Мусо қўлини кўтариб, таёғи билан қояга икки марта урди ва жуда ҳам кўп сув оқиб чиқди. Жамоа ва унинг чорваси сувдан ичдилар (Сонлар 20:10,11).

Мусо ўзининг ҳатти-ҳаракати туфайли халқни ваъда қилинган ерга олиб бориш имтиёзидан маҳрум бўлди. Анча йиллар ўтгач Забур куйловчи шундай ёзади: “Сўнгра, халқ Мерибах суви бўйида Худони ғазаблантирди, Мусо эса улар учун жазоланди. Чунки улар унинг руҳини аччиқлантирганларида, у оғзи билан гуноҳ қилди” (Забур 105:32,33).

Мусо уларнинг ёмон ҳатти-ҳаракатларидан чарчади. У Худонинг Сўзига қарши ҳаракат қилишига тўғри келди. У бунинг учун катта нарх тўлашига тўғри келди! Мен ўзимнинг Муқаддас Китобимда шу оят ёнида шундай изоҳ ёзиб қўйдим: “Биз ўзимизнинг ёмон ҳатти-ҳаракатимизни бошқа одамларнинг ёмон ҳатти-ҳаракатлари билан оқлай олмаймиз”. Бу бизнинг ҳаммамиз учун жуда мураккаб дарс. Рубеннинг отасининг онасига нисбатан ҳатти-ҳаракати ҳурматли эмас эди, лекин бунга қарамасдан бу Рубеннинг отасига нисбатан ҳурматсизларча ҳатти-ҳаракатини умуман оқламайди.

Ота-оналаримиз бизнинг назаримизда яхшими ёки ёмонми, уларнинг ҳатти-ҳаракатлари ҳурматга лойиқми ёки лойиқ эмасми, Худо бизларга уларни ҳурмат қилишни айтмоқда. Олдинги бобдан жуда муҳим бир қоидани эслатиб ўтишимга изн беринг. Биз доимо ҳокимиятни ҳурмат қилишимиз ва унга бўйсунимиз лозим. Шунингдек, Худонинг Сўзига қарши бўлган ишларни қилишни буюришларидан ташқари ҳолатларда ҳокимиятга бўйсунимиз лозим. Масалан, агар ота-она ўз фарзандларидан ўқитувчисини алдашини сўраса, ҳурмат сақлаган ҳолда дейиши мумкин: “Ойи, дада, мен сизларни ҳурмат ва эҳтиром қиламан, лекин алдай олмайман, чунки бу Худога қарши гуноҳдир”. Ёки даҳшатлироқ мисол: ота боласига жинсий тажовуз қилганида, унда ўғли

ёки қизи бошқа ҳокимиятлардан ёрдам излаши лозим. Агар улар отаси учун ва ўзлари учун четдан ёрдам изласалар, бу ҳурматсизлик бўлмайди.

Икки карра мукофот

Келинг, биз бу мавзунини бошлаган Ёзувдаги оятга яна бир бор назар ташлаймиз: “Ўз ота-онангни ҳурмат қил”, – бу ваъда билан бўлган биринчи амрдир: токи сенга эзгулик бўлсин ва ер юзида узоқ яшай олгин” (Эф. 6:2-3).

Бу оятдан кўриниб турганидек, ҳурмат қилишнинг мукофоти икки каррадир. Биринчидан, у сизга кўп нарсаларда ёрдам беради. Сиз ҳаётингизда муваффақият, шунингдек, тинчлик, қувонч, севги ва мустаҳкам соғлиқ кўрасиз. Сиз мукофотга муносиб ҳаётдан лаззатланасиз. Иккинчидан, сиз ерда узоқ яшайсиз. Қандайдир ҳалокатли касаллик туфайли вақтидан олдин, автоҳалокатда ёки бахтсиз ҳодисадан ўлмаслигингиз ҳақида сизда ваъда бор.

Балки сиз: “Мен ота-оналарини ҳурмат қилган, барибир ёшликлариди вафот этган одамларни биламан”, – деб ўйларсиз. Балки бу ҳақиқатдир. Унда сиз: “Нима учун бу ваъда уларнинг ҳаётларида амал қилмади?” – деб сўрашингиз мумкин. Энг оддий жавоб шундан иборатки, Худонинг ваъдалари ўз-ўзидан амал қилмайди, уларни имон билан фаоллаштириш лозим. Балки бундай ҳулоса сизни эсанкиратиб қўйиши мумкин, лекин мен сизга Муқаддас Ёзувдан мисоллар кўрсатаман. Худо Иброҳимга ўғли Исҳоқ орқали ваъда қилинган уруғ берилиши ваъдасини берди. Худо аниқ сўз айтди: “Мен у билан ва ундан кейинги авлоди билан абадий аҳд тузаман” (Ибт. 17:19).

Юқорида айтилганининг тасдиғини Римликларга мактубда ўқиймиз: “Сенинг уруғинг Исҳоқда номланади” (Рим. 9:7). Демак, турли ҳолатда ҳам Исҳоқнинг болалари бўлиши керак эди, шундай эмасми? Исҳоққа хотинни ким танлади? Худонинг Ўзи. Исҳоққа хотинни Иброҳимнинг қариндошлари орасидан излаш учун борган Иброҳимнинг хизматкорини эсланг. У йўлга тушаётганида ибодат қилди: Сўнг у деди: “Ё, Раббий, менинг хўжайиним Иброҳимнинг Худоси! Бугун менга омад бер ва хўжайиним Иброҳимга шафқатингни кўрсат. Мана, мен сув бўлоғи бошида турибман ва шаҳар аҳлининг қизлари сув тортиш учун чиқиб келмоқдалар. Истагим шуки, мен: “Кўзангни тушир, мен сув ичай”, – деганимда, “Ичинг, мен туяларингизни ҳам суғораман”,

– деб жавоб берадиган қиз қулинг Исҳоққа тайинланган келин бўлсин” (Ибт 24:12-14). Ҳақиқатан, жуда аниқ ибодат. Тасодифий ўхшашликка ўрин бўлиши даргумон. Туялар жуда кўп сув ичишади, агар Худо бошқараётган бўлмаса, бегона одамлардан камдан-ками бу миқдордаги сувни тортишни истаган бўлар эди. Иброҳимнинг хизматкори юз фоиз ишонч ҳосил қилмоқчи бўлди, шу учун ўзининг ўтинчини шу қадар аниқ ва мураккаб қилди. Яна эътибор беринг, бу ишни қилишни истаган қиз тайинланган қиз бўлсин, деди. Бошқача қилиб айтганда, у Худо томонидан Исҳоқ учун танланган хотин бўлади.

У ўзининг муҳтожлик ибодатини тугатишидан олдин Иброҳимнинг қариндошларининг қизи Ривқо елкасига кўзасини қўйиб чиқди. Иброҳимнинг хизматкори унинг олдига шошиб чиқиб, ундан ўтинчи сўради: “Кўзангдан озроқ ичишимга рухсат бер” (Ибт. 24:17).

Эътибор беринг, у туялар ҳақида ҳеч нима демади. У билан учрашувидан олдин қандай ибодат қилган бўлса ундан худди шундай сўради. У қувонч билан рози бўлиб унга сув берди. Энди кейин нима бўлишига қаранг: “Унга сув ичиргач: – Туяларингизни ҳам улар сувдан тўйгунича сув тортиб суғораман,” – деди (19-оят). Иброҳимнинг хизматкори қандай ибодат қилган бўлса ҳаммаси аниқ шундай содир бўлди. У ҳайратда қолди ва қувончга тўлди. Ҳали вазифа охиригача бажарилмаган бўлса-да, унинг ибодати нақадар тез эшитилганидан у завқланар эди. Энди Худонинг Исҳоқ учун тасдиқланган танлови орасида сўнгги кўприкни солиш керак эди. Унинг оиласи олдин ҳеч қачон кўрмаган одам билан кетишга ва уни абадий бегона юртга беришга рози бўлишадими?

Иброҳимнинг хизматкори бор тарихни Ривқонинг оиласига айтиб берганида, уйдаги ҳамма эраклар шундай жавоб бердилар: “Бу иш Раббидан келди. Биз сенга бирор яхши ёки ёмон сўз айта олмаймиз”(50-оят). Эртаси куни унинг оиласи уни йўлга қўйиб юборди ва Иброҳимнинг хизматкори уни Исҳоқнинг олдига олиб келди, у ерда улар турмуш қуришди.

Энди ҳикоянинг қизиқ қисми келади. Худо мўъжизавий тарзда Исҳоққа хотинни танлади. Аммо оила қурганларидан кейин, Ривқо бепушт экани, у бола туға олмаслиги маълум бўлди. Нима? Уруғ Исҳоқдан келиб чиқади деб ваъда бериб, нима учун Худо Исҳоқ учун бепушт аёлни танлади? Жавоб шундаки, Худонинг ваъдалари ўз-ўзидан амалга ошмайди, уларни имон билан олиш керак. Биз шундай деб ўқиймиз:

“Исҳоқ Раббийга хотини учун ибодат қилди, чунки у бепушт эди. Раббий уни эшитди ва унинг хотини Ривқо ҳомиладор бўлди”(Ибт. 25:21).

Муқаддас Китобнинг кенгайтирилган таржимаси шундай дейди: Исҳоқ бола туға олмайдиган хотини учун Раббийга кучли ибодат қилди ва Раббий унинг ибодатини эшитди ҳамда Ривқо унинг хотини ҳомиладор бўлди”. У қандай ибодат қилди? У фарёд қилди: “Художон! Мендан халқлар ва подшоҳлар келиб чиқишини ва менинг авлодимдан уруф келиб чиқишини Сен ваъда бергансан. Агар менинг хотиним бола кўра олмаса, бу қандай содир бўлади? Раббий, ибодат қиламан, Ривқонинг қорнини очгин, токи Сен ваъда берганингдек, ваъда қилинган уруф чиқсин”.

Рухий қонун Биз билишимиз ва тушунишимиз керак бўлган руҳий қонун бор. Ёзув таъкидлайди: “Ё, Раббий, Сенинг сўзинг осмонларда абадий ўрнатилган”(Забур 118:89).

Эътибор беринг, у ерда: “Ё, Раббий, Сенинг сўзинг осмонларда ва ерда абадий ўрнатилган”, – деган эмас. Йўқ, у ерда аниқ қилиб Унинг Сўзи осмонларда абадий ўрнатилган экани айтилмоқда, ер ҳақида эса ҳеч нарса дейилмаган. Унда Унинг Сўзи ерда қандай ўрнатилади? Ёзувни кейинги таҳлил қилишда биз кўраимиз: “Ҳар қандай сўз икки ёки уч гувоҳнинг оғзидан чиқса, қатъий бўлади” (2 Кор. 13:1). Эътибор беринг, уч ёки ҳатто икки гувоҳнинг сўзи билан ҳар қандай сўз тасдиқланади. Энди эса Худо нима деганига эътибор берамиз: “...худди шундай, Менинг оғзимдан чиққан сўзим Менинг олдимга беҳуда қайтиб келмайди. Лекин Менга нима маъқул бўлса, шуни бажо келтиради ва Мен уни нима учун юборган бўлсам, ўшани муваффақиятли амалга оширади” (Иш. 55:11). Худонинг Сўзи Унга қандай қайтиб боради? Жавоби оддий – бизнинг оғзимиз орқали! Олдин Худо сўзлайди, кейин биз сўзлаймиз. Шундай қилиб, Унинг оғзидан чиққан сўзларини, биз ўз оғзимиз билан сўзлаганимизда, буни ерда тасдиқлаймиз! Сиз бу ҳайратли ҳақиқатни тушунасизми? Худо Исҳоққа уруф беришни ваъда қилган эди, лекин бу амалга ошиши учун Исҳоқ буни оғзи билан айтиши ва Сўзни ерда, ўз ҳаётида ва ўз оиласида тасдиқлаши лозим эди.

Агар биз ота-онамизни ҳурмат қилсак, Худо бизга узоқ умр ваъда қилмоқда. Агар биз имон билан Унинг ваъдаларини эълон қилсак, бу билан У аллақачон ҳаётимизга нисбатан айтган сўзларини тасдиқлаймиз. Бизлар сўзни ерда тасдиқловчи иккинчи оғизлармиз! Мен бу ваҳийдан тил билан ифодалаб бўлмайдиган даражада завқланаман! Бу шуни

билдирадидики, бизлар касалликнинг юзига тик қараб Худонинг аҳддаги ваъдасини, ерда узоқ умр кўриш ваъдасини эълон қилишимиз мумкин ва у бўйсунушига мажбур бўлади!

Бизлар йўлларимизда, уйимизда, қаерда бўлишимиздан қатъий назар, қандай хавфли жойларда бўлишимиздан қатъий назар ўша жойларда хавфсизликда бўлишимизни дадил эълон қилишимиз мумкин. Бизлар комил ишонч билан эълон қилишимиз мумкин: “Мени ҳар томонимдан ўраб олган ўн минглаб одамлардан қўрқмайман” (Забур 3:7), чунки “У мени узоқ умр билан қондиради ва менга Ўз нажотини намоён қилади” (Забур 90:16га қаранг).

Бизда ҳаммаси яхши бўлади, деб, биз ҳам ваъда ҳақида сўзлашимиз мумкин. Қийинчиликларга, умидсиз ва боши берк кўчадек туйиладиган вазиятларга тўқнаш келганимизда, биз дадил айтишимиз мумкин: “Мен доимо ота-онамга ҳурмат билан муносабатда бўламан, Худонинг ваъдаси мен учун ва менинг ҳамма ишларим яхши бўлади! Исо Масих номи билан мен кураш, муҳтожлик, тушкунлик ва барча қийин вазиятларга қулашини ва йўлимдан қочишини буюраман!”

Биз Худонинг аҳдидаги барча ваъдалар билан шундай муносабатда бўлишимиз мумкин. Фаровонликда яшаётганларнинг ва қандайдир етишмовчиликда бўлганларнинг ягона фарқи ўз оғзимиз билан нимани эълон қилишимизда! Худо демоқда: “Мен бугун қаршингизда самони ва ерни гувоҳликка чақираман: мен сенга ҳаёт ва ўлимни, дуо-баракат ва лаънатни таклиф қилаяпман. Ҳаётни танлагин, токи сен ва сенинг авлодинг ҳаёт бўлсин” (Қонунлар 30:19).

Этибор беринг, биз ҳаётни танлашимиз керак. Нима учун? Биз ҳаётни танлашимиз керак (аҳд бўйича баракаларни), чунки ўлим аллақачон ерда ҳаракат қилмоқда. Қандай қилиб ҳаётни танлашимиз мумкин? Биз яна ўқиймиз: “Ўлим ва ҳаёт тилнинг ҳоқимиятидадир ва унга эрк берганлар унинг ҳосилидан татийдилар” (Ҳикматлар 18:21, кенгайтирилган таржима).

Биз ёки Худонинг аҳди бўйича ваъдаларига, ёки шайтоннинг етишмовчилик, касалликлар ва ўлим ҳақидаги лаънатларига кўнишимиз мумкин. Бу ҳақиқатга қоқиниш осон. Айнан шунинг учун ҳаворий Ёқуб ёзган эди:

Бизларнинг ҳаммамиз кўп хатолар қиламиз, лекин тилини назорат қиладиган одам ўзини бошқа нарсаларда ҳам назорат қила олади. Биз катта отни оғзига соладиган кичкина сувлуқ билан бурилиб, бизга керакли йўналишга юришга мажбур қила

оламиз... худди шунингдек, кичкина учқун бутун ўрмонни ёқа олгани каби, тил – кичкина аъзо бўлса-да, нақадар кўп зарар келтириши мумкин!

– Ҳаворий Ёқубнинг мактуби 3:2-5, замонавий таржима

Кичкина учқун бир бутун ўрмонни ёндириши мумкин. Худди шунингдек, қўрқув аро айтилган сўзларингиз ҳаётингизни барбод қилиши мумкин. Хушxabар шундан иборатки, бизларда Худонинг аҳдидаги ваъдалар бор. Улар юрагимизга сингган заҳоти бизнинг тилимиз керакли сўзларни айта бошлайди. Сўнгра ҳаворий Ёқуб тилни сув фавворасига ўхшашлигини айтмоқда: ундан бир вақтда ҳам чучук, ҳам ачиқ сув чиқа олмайди. Гап фавворада эмас, балки сувнинг манбаи бўлмиш ердадир. Худди шунингдек, гап тилда эмас, балки бизнинг юрагимизда бўлган манбададир. Исо Масих айтмоқда: “Юрак нимага тўлиб тошса, ўшани гапиради”(Луқа 6:45). Агар сиз ота-онангизни ҳурмат қилсангиз, Худо узоқ ва яхши ҳаётни ваъда бермоқда. Ҳозир, бу сатрларни ўқиётганингизда, Муқаддас Руҳ ҳақиқатни юрагингизга эсмоқда ва сиз айтишингиз лозим бўлган сўзларни айтасиз. Худога имонингизни бегоналарнинг кечинмалари устида қурманг, балки Худонинг Сўзи ҳақиқатига қуринг. Мен биламан, мен муддатидан олдин ўлмайман. Бу ваъда менинг юрагимда чуқур ўрнашган ва Худо Сўзи амалга ошиши учун Ўз Сўзини кузатмоқда.

Хотин эрини ҳурмат қилишга даъват этилган

Хотиннинг вазифасига келганда, биз қуйидагини ўқиймиз: “Хотин ўз эрини ҳурмат қилсин ва эҳтиром қилсин, унга қулоқ солсин, унинг фикри билан ҳисоблашсин, уни эъозласин, унга устунликни берсин, унинг қаршисида эҳтиромли титроқда бўлсин, уни қадрласин; унга ўрин берсин, уни мақтасин, ўлчовсиз севсин ва ундан завқлансин” (Эф.5:33, кенгайтирилган таржима).

Мана бу рўйхат! Кўряпсизми, Повул хотин билиши керак бўлган ҳамма нарсани ва у ўз эрини нақадар ҳурмат қилиши кераклигини қанчалик батафсил айтиб ўтмоқда. (Кейинчалик китобда мен эрлар хотинларига нақадар ҳурмат билан муносабатда бўлишлари ҳақида кўпроқ сўзлайман, аммо мазкур бобда биз, устимиздан муайян ҳокимиятга эга бўлган одамлар ҳақида сўзламоқдамиз).

Эр – уйда бошлиқдир. Буни шовинистлар ўйлаб топганмаган, Худо шундай яратган. Хотини ҳамма нарсани бошқарадиган ёки хотиннинг фикри муҳим бўлиб, эр бош сифатида қабул қилинмайдиган уйда ҳақиқий тинчлик ва дуо-баракага эга бўлишнинг иложи йўқ. Аксинча, Худодан бўлган хотин эрини ҳурмат қилса, унга оиланинг бошлиғи сифатида қараса, ўшанда у ҳурмат мукофотини тўғридан -тўғри эридан ёки қандайдир бошқа йўллардан олади, аммо мукофот унга келади.

Яқинда мен Европада бир катта жамоатда хизмат қилдим. Бир хотин менга деди: “Жон, мен фақат сен учун жамоатдаман”.

Мен биров ўнғайсизландим. Сўнгра у менга ўз ҳикоясини айтиб берди. Бир неча йил олдин унинг жамоатида етакчилар таркибида маълум бир ўзгаришлар содир бўлган экан. У ва эрига жуда узоққа хизмат йиғинларига боришларига тўғри келибди, шу учун уларига яқинроқ жамоатни топсак яхши бўлар эди, деб ўйлашибди. Бир неча турли жамоатлар йиғинларида бўлиб, аёл уларидан узоқда бўлмаган бир кичикроқ жамоатни танлабди. Аммо эри бу жамоатга қатнашлари керак эмаслигини тушунибди, улар олдинги жамоатларида қолишлари кераклигини ҳис қилибди. Хотини у билан бирга қатнай бошлабди, лекин истамай борар экан. Шу билан бирга, яқинда кунлари оқшомлари кичик жамоатга қатнашни давом эттирибди.

У тобора унга боғлиқ бўлиб қолибди, хизматларда иштирок эта бошлабди. Ахийри, кичик жамоатнинг етакчилари унга дебдилар: “Қачон сиз эрингиз билан суҳбатлашасиз ва у Худонинг бошқарувига бўйсунуши ва бизнинг жамоатимизга қатнаши лозимлигини унга айтасиз?” (Бундай турдаги етакчилик мени даҳшатга солади).

Уларнинг сўзлари аёлга кучли таъсир қилибди. У эрига бошқа жамоатга бутунлай ўтиш қарори ҳақида айтибди, сўнгра, эри шу жамоатда қолаётганига қарамасдан, ўзи жамоатдан кетаётганини айтиш учун биринчи жамоат чўпони билан учрашув тайинлабди. Учрашувдан олдин оқшом чоғи менинг “Парвардигори олам паноҳи остида” деган китобимни олибди, унда мен ҳокимиятга бўйсунуш муҳимлиги ҳақида сўзлаганман.

У менга деди: “Жон, мен туни билан сизнинг китобингизни ўқиб чиқдим. Мен уни ўқишим жараёнида тўхтамасдан йиғлар эдим, мен Худога ва эримга қарши қандай исён қилганимни тушундим. Эртаси кунни мен чўпоним ва эрим қаршисида тавба қилдим”.

У кетмоқчи бўлган жамоатига қувонч билан қайтибди. Бир неча ойдан сўнг чўпоннинг хотини уни жамоатдаги бошқа аёл билан таништирибди. Улар иккалалари ҳам бир хил бизнес билан шуғулланмоқчи эканлар, улар шундай қилишибди. Ҳозирги вақтда улар катта муваффақиятга эришибдилар ва ўз долларларидан Худонинг Шоҳлигига катта маблағлар ўтказар эканлар.

У деди: “Жон, агар мен бу жамоатдан кетганимда эди, охирида мен турмуш ўртоғимни йўқотар эдим ва менинг ҳаётимда бўлган бизнес билан шуғулланиш даъватимга ҳеч қачон кира олмас эдим”. Сўнгра у эрига қулоқ солмаслик ва ҳурматсизлик қилишга кўндирмоқчи бўлган кичик жамоат ҳозир йўқлигини айтди. У эрини ҳурмат қилди ва ҳимоя ҳамда мукофотга сазовор бўлди.

Нажотга келмаган эрларнинг хотинлари

Ҳаворий Петр Повул каби ёзмоқда:

Шунингдек, хотинлар, сизлар ўз эрларингизга итоат қилинглари (уларга бўйсунинглари, ёрдамчи бўлинглари, уларга тобе бўлинглари) токи улардан (Худонинг) Сўзига итоат қилмаётган баъзилари мулоҳазалар орқали эмас, сизнинг тоза ва камтарона ҳатти-ҳаракатингизни, шунингдек, сизнинг эҳтиромингиз ва ҳурматингизни кўриб, хотинларининг (художўй) ҳаётларини кўриб сўзсиз имонга келсинлар (сиз эрларга нисбатан, уларнинг олдида эҳтиромда бўлишингиз керак, бу эса қўйидагиларни билдиради: ҳурмат қилиш, ҳамма нарсада йўл бериш, баланд баҳолаш, тушуниш, тан олиш, оддий сўз билан айтганда, уларни сўйиш, улардан завқланиш, мақташ, уларга содиқ ва бағишланган бўлиш, кучли севиш ва улардан лаззатланиш).

– 1-Петр 3:1-2, кенгайтирилган таржима

Петр кўрсатмоқдаки, ҳатто хотиннинг эри нажотга келмаган бўлса ҳам, воизлик эмас, таълимот эмас, балки хотинининг художўй ҳатти-ҳаракати уни нажотга келтириши мумкин. Мен хотинларининг айнан шундай ҳатти-ҳаракатлари туфайли Раббий учун қўлга киритилган эркакларни биламан. Ажойиб мисол Смит Виглсвортдир. У Худонинг буюк кишиларидан бўлиб, йигирманчи аср бошларида Европада яшаган.

Виглсворт сўв ўтказувчи бўлган ва вақт ўтиши билан унинг Худого совуқ муносабати кучайган. У масиҳийлик ҳақида ҳатто эшитишни истамаган. Унинг хотини Поли, аксинча, жуда бағишланган хотин бўлган. Унинг Худо учун иштиёқи фақат кучаяверган. Унинг Худого бағишланганлиги эрига ёқмаган ва ҳатто хотинининг ҳузури ҳам тобора ва тобора унинг жаҳлини чиқара бошлаган.

У хотинига имони тўфайли золимона муносабатда бўлган ва кейинчалик ҳатто жамоатга боришни тақиқлаган. Хотини унинг буйруғига бўйсунмаган, чунки бу буйруқ Худонинг иродасига қарши эди (яна бир бора такрорлайман, биз Худонинг Сўзида ёзилган Худонинг иродасини бўзишни талаб қилмагунларича уларга бўйсунимиз лозим).

Эрига кечлик овқатни тайёрлаб қўйиб, хотини якшанба кунлари кечки хизматга югурар эди. Бир куни у хизматдан уйига одатдагидан кечроқ келди. У уйга кирганида, Смит таҳдид билан унга деди: “Мен уйда хўжайинман ва қачон истасам уйга келаман деб ўйласанг, сен менга керак эмассан!”

Поли секин жавоб берди: “Мен биламан, сен менинг эримсан, аммо Масиҳ менинг Раббим”.

Ўта дарғазаб бўлиб, Виглсворт эшикни очди ва уни уйдан ҳайдаб чиқариб, ортидан эшикни қулфлаб қўйди.

Аммо Поли тиришқоқлик билан Худого итоаткор бўлишда ва эрини ҳурмат қилишда давом этди, бу эрида нотабиий таъсир қилди. Кейинчалик у Раббийга шу қадар жиддий ўғирилди ва ўзини Масиҳ хизматига буткул бўйсундирдики, унинг хизмати ҳақида ҳануз жуда ҳурмат билан сўзлашади. Унинг хизмати орқали кўплар нажот ва шифо топишди, баъзилар ҳатто ўликдан тирилишди.

Масиҳнинг ҳукм курсиси ёнида Полининг мукофоти улкан эди, чунки эрининг хизмати натижасида юз минглаб одамларнинг ҳаётлари ўзгарди. У нафақат ўзининг тубдан ўзгарган эри кўринишида, балки келажак ҳаётда улкан ҳосил кўринишида мукофот олди.

Энди тушунапсизми? Биз ҳурмат қилишимиз керак бўлган одамлар учун эмас, балки ўзимиз учун ҳам ҳурмат қилишимиз айтилган. Агар ҳурматга лойиқ одамларни ҳурмат қилмасак, ўзимиз кўп нарсани йўқотамиз.



MessengerX


Кундалик шогирдчилик учун илова

Умуман бепул!

Мобил мосламангизга юкланг ва
ундан фойдаланишни бошланг!
Ёки сайтдаги веб-версиядан
фойдаланинг:



MessengerX.com



115+тилда ва бу ҳали ҳаммаси эмас



115 дан ортиқ тиллардаги материалларни
кўринг ва юклаб олинг.




Материалларни дўстларингиз билан улашинг
ёки ўқув гуруҳини бошланг.



Янги материаллар доимий равишда
қўшиб борилади.

Кўринг. Ўқинг. Тингланг.

Электрон китоблар, аудио китоблар, қисқа метражли фильмлар ва бошқаларни кўриш, ўқиш ва тинглашингиз мумкин бўлган манбаларни ўз ичига олган кенг кўламдор кутубхонани ўрганинг.



Энг муҳим соҳаларда ўсиш

Оила, ўзаро соғлом муносабатлар, ҳаётингиздаги мақсад, порнографиядан озодлик, имонни мустаҳкамлаш, Худонинг овозини эшитиш, тадбиркорлик, етакчилик каби мавзуларни ўрганинг!

Ўсишнинг йўли


MessengerX нинг мақсади сизга ҳаётингизда кейинги қадамни қўйишга ёрдам бериш ҳисобланади. Биз шогирдчилик йўлини ҳамда бу йўлда қолиш учун кўмак бўладиган кучли омилларни ишлаб чиқдик.



Янада кўпроқ сизга ёқадиган имкониятлар!

- Оддий ва осон асбоблар, ушбу материаллар билан бўлишишда ва ҳатто, ўқув гуруҳини бошлашда ёрдам беради.
- Севимли смарт телевизорларингизда томоша қилиш учун Chromecast ва AirPlay.
- Тараққиётни ўз мосламаларингизда сақлаб қўйинг. Сизга ёққан манбаларни ўзингизнинг тезда очиладиган кутубхонангизга сақлаб қўйинг.
- Офлайнда кўриш учун манбаларни ўз мосламангизга юклаб олинг.
- Сиз излаётган нарсани топиш учун ақлли қидириш ва филът.
- Ўз она тилингиздаги аудио китоблар, Муқаддас Китобнинг аудио форматини ва ҳатто, ҳамду-сано қўшиқларини кетма-кетликда автоматик равишда тингланг

MessengerX - 1-2-3 дек осон!



- 1** MessengerXни Apple Store ва Google Play дастурларидан юклаб олинг.
- 2** Рўйхатдан ўтинг ва иловадан ўз она тилингизда фойдаланинг.
- 3** Сизга ёққан манбаларни кўздан кечиринг, ўқинг, кўринг, тингланг ва юклаб олинг ҳамда уларни бошқалар билан бўлишинг.



Шогирд бўлинг, шогирдларни кўтаринг

MessengerX нинг бир қисми бўлиб, таржима қилинган манбаларни бутун дунё бўйлаб тақдим этишимизда бизга ёрдам берасиз.

Чунки ҳар бир киши билишга лойиқ!



MessengerX.com



10-БОБ

Жамоат етакчиларини ҳурмат қилиш

Мен илгари айтиб ўтганимдек, Худонинг Шоҳлиги – бу Шоҳликдир. Шунинг учун жамоатда доим ҳокимият ва аниқ тартиб бўлади. Биз жамоат етакчисига ҳурмат билан муносабатда бўлиш орқали Исога ҳурмат бажо келтирган бўламиз, Исога ҳурмат бажо келтириш орқали эса биз Худо Отага ҳурмат кўрсатган бўламиз (Матто 10:40,41-оятларига қаранг). Биз йўлбошчига нисбатан қандай муносабат қилаётганимиз, қандай у билан гаплашаётганимиз, ҳатто у ҳақида қандай ўйлаётганимиз ҳам бу етакчини қўйган Зотга нисбатан бевосита муносабатимизни акс эттиради.

Худо шундай дейди: «Мени иззат қилганни Мен ҳам иззат қиламан, Мени хор қилган эса шарманда бўлади» (1-Шоҳлар 2:30). Бизнинг Худога бўлган муносабатимиз бизнинг жамоатдаги етакчиларга бўлган муносабатимизда акс этади. Ҳеч ким жамоат ҳокимиятини ҳурмат қилмасдан туриб, Худодан қўрқаман деб айта олмайди.

«Мен инсондан эмас, Худодан қўрқаман»

Юқоридаги айтилган фикрнинг ҳақиқийлигини аниқ кўрсатадиган хизматлардан биридаги, ўзгача бир учрашувни ҳеч қачон унута олмайман. Хафачилиқдан халос бўлиш ҳақидаги ваъздан сўнг кўпчилик одам менинг сўзимни қабул қилдилар ва ибодат учун олдинга чиқдилар. Уларнинг орасида бир ёш йигит бор эди ва мен унинг ҳаётда кўп азоб-уқубат чекканини дарҳол ҳис қилдим. У учун ибодат қилиш мақсадида, унга саҳнага кўтарилишини таклиф қилдим. У кўтарилганда, одамлар

122 ҲУРМАТ ЭВАЗИГА МУКОФОТ

орасидан яна бир киши чиқди ва саҳнада бизнинг ёнимизга келиб турди. Унинг турмак қилиб боғланган узун сочи бор эди, у жинси шим, футболка ва қора чарм куртка кийган, унинг қўлининг ҳамма жойида татуировка бор эди. Унинг қараши ёввойи бўлиб, ғазабланиб кетишга тайёр турарди. Мен ёш йигитнинг бу вазиятдан ғайритабиий равишда асабийлашганини сездим, лекин у энди ҳеч нима қила олмасдан қотиб турарди.

Мен иккинчи келган кишига қараб бурилдим ва унинг саҳнадан тушишини мулойимлик билан сўрадим.

У менга қаради ва ғазаб билан: «Йўқ!», деди.

Мен ўз илтимосимга унинг даҳшатли жавобидан олган бир лаҳзали руҳий зарбадан сўнг фикримни жамлаб олдим ва яна бир марта ундан мулойимлик билан сўрадим: «Кечирасиз, сиз саҳнадан пастга тушмагунингизга қадар мен хизматни давом эттирмайман».

У яна: «Йўқ!», деди.

Мен жамоат ташкилотчилари менга ёрдам бериш ва бу одамни саҳнадан чиқариб ташлаш учун ҳеч нима қилмаётгани ҳақида ўйлаб, озроқ ташвишлана бошладим. Сўнг уларнинг ўзлари қўрқиб қолганини тушундим. Шунда мен бирорта ҳокимиятни тан олмайдиган одам қаршимда турганини, шунга қарамасдан ўзимни осойишта тутишим кераклигини, бошқарувни сақлаб туришим ва Худога ишонишим кераклигини англай бошладим. Мен вазият ўзгармагунга қадар ёш йигитга ёрдам бера олмаслигимни тушуниб, барибир қатъият билан дедим: «Сизга саҳнадан тушишингизни буюраман».

У яна менга қаради ва: «Йўқ!», деди. Бироздан сўнг тўсатдан шундай деб айтди: «Мен одамдан эмас, Худодан қўрқаман!»

Лекин у Худодан умуман қўрқмас эди. У фақат ўзи учун ўйлаб топган ва қалбида олиб юрадиган худо сиймосидан қўрқар эди. Аслида бу сиймонинг осмон ва ернинг ҳақиқий Худоси билан ҳеч қандай алоқаси йўқ эди. Агар у Худодан ҳақиқатдан ҳам қўрққанда, у менга Худонинг хизматкори сифатида ҳурмат билдирган ва менинг илтимосимга бўйсунган бўларди.

Лекин мен таслим бўлмадим, фикримда Муқаддас Рухга ёрдам сўраб мурожаат қилдим. Тўсатдан кимдир менга гапиргандек бўлди ва мен бу одам ибодат қилишим керак бўлган ёш йигитнинг отаси эканини тушундим. Мен: «Агар сиз ўғлингиз Худодан ҳозир ёрдам олишини истасангиз, сиз саҳнадан пастга тушишингиз керак бўлади. Агар сиз шундай қилмасангиз, у ҳолда сиз Худонинг шифо берувчи кучининг ўғлингизга тегишига рухсат бермаганликда жавобгар бўласиз», дедим.

Менинг сўзларим унинг қалбига етиб боргандек туюлди. У истаристамас саҳнадан тушди, лекин менга кўзини узмасдан қараб турарди. Унинг ўғли енгил тортди ва мен хизмат қила олишим учун ўз қалбини очди ва Худо унга кучли таъсир кўрсатди. Худо қандай қилиб унга тегинганини кўриш ажойиб кечинма эди. У тўлиқ умидсизликка тушган ҳолда турарди ва ҳўнграб йиғларди.

Хизматдан сўнг мен унинг отаси билан чўпонлар учун ажратилган хонада учрашдим. У шаҳардаги байкерлар тўдасининг аъзоси эди. У шунчалик бағритош бўлиб кўринардик, гўёки ҳеч қандай нарса унинг қалбига йўл топа олмайдигандек туюларди, лекин мен орқага чекинишни истамасдим. Мен у билан мулойим гапиришимга қарамасдан, бизнинг зиддиятимиз тобора кучайиб борарди. Ҳатто орада у мени уришга тайёр деган фикр ҳам хаёлимга келди. Мен унга Худонинг хизматкорларини рад эта туриб, Худодан кўрқиб имконсиз эканини айтдим. Худодан кўрқиб – бу У ўрнатган ҳокимиятни ҳурмат қилишни англатади. Мен унинг саҳнадан тушишни рад қилган пайтда у нимада ноҳақ эканини айтиб бердим.

Ниҳоят у бироз юмшади. Лекин мен барибир орқага чекинмадим ва Худонинг Каломига астойдил эътибор қаратиб унга гапиришда давом этдим. Пировардида у тушкунликка тушди ва йиғлай бошлади. Унинг отаси унинг болалигида қаттиқ хафа қилгани маълум бўлди. Бундай қўпол муносабат натижасида унда ҳаётга, ҳокимиятга ва Худога маълум бир қараш шаклланган экан. У ўз отасини кечирмагани сабабли у ҳам худди шу тарзда ўз ўғлини хафа қилиб, унга нисбатан худди шу хатоларни такрорлаётган экан. Мен суҳбатимизни тугатишимдан аввал у аллақачон бола каби йиғлаётган эди.

У ўзининг хатоси нимадан иборат эканини тушуниши биланоқ, у чўпонни ва мени етакчилар сифатида очиқ тан олди ва биздан кечирим сўради. Шундан сўнг у Худонинг баракасини мўл-кўл қилиб олишга муваффақ бўлди. Шуниси қизиқки, шу учрашувимиздан сўнг у менга қаҳрамон сифатида муносабат қила бошлади. Дастлаб менга ёмонлик қилмоқчи бўлган бу одам, кейинчалик мени ёқтириб, менга нисбатан кучли ҳурмат кўрсатадиган бўлди.

Яширин ҳурматсизлик

Юқорида келтирилган мисол — бу жуда мураккаб вазиятдир, бироқ имонлилар орасидаги бундай ҳатти-ҳаракат биз ўйлагандан кўра кўпроқ учрайди. Бу одамнинг ҳурматсизлик билан қилган муносабати жуда очиқ кўзга ташланади. У ҳеч нимани яширган эмас, айнан шунинг

учун унинг қалбига гапириш жуда осон кечди. У ўз муносабатини очиқ кўрсатди. Лекин шундай одамлар борки, улар тамомила бошқача ҳаракат қиладилар. Улар ўзларининг ҳурматсиз муносабатини ниқоб остига яширадилар. Улар ўзларининг фош бўлишлари билинмаслиги ва одобсиз ҳамда итоатсиз кишилар сифатида қабул қилинмасликлари учун ниқоб киядилар ва шунга яраша ўзларини худди ҳеч нима содир бўлмагандек тутадилар. Лекин улар ўз ичида ҳурматсизликни йиғиб борадилар. Улар ўз ташқи кўринишини шундай нозик тарзда яширадилар.

Мен ҳозир ўз етакчиларига ўз оғизлари билан ҳурмат кўрсатадиган, лекин қалбилари Худо томонидан қўйилган хизматкорларни ҳурмат қилишдан йироқ бўлган одамлар ҳақида гапираяпман. Уларнинг бутун муносабати қурбонликларга даъват қилишга, ҳаётдаги ўзгаришларга ёки етакчиларнинг турли илтимосларига бўлган жавобларида ошкор бўлади. Чўпон ибодат учун алоҳида йиғилишга келишларини жамоат аъзоларидан сўрайди ва жамоат аъзоларининг фақат ўндан бир қисми келади. Ёки у жамоат аъзоларининг хушхабар ёйиш хизматига бир ойда бир марта келишларини илтимос қилади ва жамоатнинг озчилик қисми келади.

Мен кўплаб жамоатларга бораман, йиғилишларга бир неча минг киши келади. Деярли ҳар доим икки ёки тўрт якшанба кунги йиғилишларни ўтказамиз. Ҳар йиғилишда зал тўлиб туради. Лекин чўпон душанба куни кечқурун умумий ибодатга чақирган пайтда, кўпинча бир неча юз киши келади, холос. Нима учун шундай? Чунки ҳеч ким чўпонни ҳурмат қилмайди.

Сиз: «Жон, сен жуда ошириб юбординг», дейишингиз мумкин. Мен сизга яна бир мисол келтираман ва сўнг сиз менинг фикримга қўшиласиз. Тасаввур қилинг, чўпон ҳамма жамоат аъзоларига якшанба куни эълон қилади: «Шу ойда душанба кунлари кечки ибодат йиғилишларини ўтказишни бошлаймиз. Кейинги тўрт ҳафта давомида душанба куни кечқурун ибодатхонада еттидан саккизгача йиғиламиз». Қарийб жамоатдаги 80 фоиз одам бу эълонни жавобсиз қолдирадилар. Айниқса, агар йиғилиш вақти футбол ўйинлари билан тўғри келса, улар бу эълонга бепарво бўладилар.

Чўпон ўз эълонига қуйидагини қўшимча қилишини тасаввур қилайди: «Охирги ибодат йиғилишида барча тўртта йиғилишга келган ҳар бир кишига беш юз минг долларлик чек қоғозини бераман». Нима деб ўйлайсиз, ҳамма келадими? Ишончим комилки, залда бўш ўрин қолмайди. Одамлар ибодатхонага кира олмасликдан хавотирланиб, ўз ўрнини эгаллаш учун вақтидан илгари келиб оладилар.

Энди сизнинг жавобингиз қандай бўлади? Фақат ўзингизни

алдаманг, Худонинг қалбингизда нима борлигини кўрсатишига ижозат беринг. Ўзингизга иккита оддий савол беринг. Биринчиси: агар чўпон тўлов қоғози ҳақида айтмаганда, ибодат йиғилишига борган бўлар эдингизми? Иккинчиси: агар сизга ярим миллион таклиф қилишганда, бу йиғилишларда қатнашган бўлар эдингизми? Бу ҳақида ўйлаб кўринг, чунки сиз ниҳоят уй ва машина харид қила олган бўлардингиз ва яна бошқа муҳтожликларингиз учун ҳам бироз пул ортиб қолган бўларди.

Агар сиз биринчи саволга “йўқ” ва иккинчисига “ҳа” деб жавоб берган бўлсангиз, у ҳолда ўз чўпонингизни сўзини нақадар кам ҳурмат қилишингизни билиб олган бўласиз. Ҳурмат қилиш – бу қадрлаш эканини ёдингизда тутинг.

Худо шундай дейди: «Жамоатдаги бошлиқларингизга қулоқ солинглар, айтганларини қилинглар. Ахир, улар имон йўлида сизларга посбонлик қиладилар» (Иброн. 13:17). Бу Худонинг Ўз халқига қилган насиҳатидир; биз жамоатимиз бошлиқларига итоат қилишимиз керак. Шундай қилиб, наҳотки сиз пул учун уларга итоат қиласиз? Агар сизнинг чўпонингиз Исо Масихнинг вакили сифатида сиздан шунчаки бирор нарса қилишни сўраса, сиз кўнмайсизми? У ҳолда мен сизнинг хўжайинингиз ким эканини сўрашим керак бўлади? Исо фақат битта хўжайинга: Худого ёки бойликка хизмат қилиш мумкинлигини айтади (Матто 6:24).

Келинг, ўзимизга мураккаб саволлар берайлик: сиз йиғилишларга ўз вақтида келасизми? Чўпон бирорта алоҳида қурбонлик беришни сиздан сўраганда, ўз ичингизда қаршиликни ҳис қиласизми? Сиз етакчининг болалар хизматига ёрдам бериш, тартиб сақлаш, машиналарни жойлаштириш ёки хўшxabар ёйиш учун ёрдам сўраб қилган даъватига доим эътиборсиз бўласизми? Сиз алоҳида йиғилишларга келмаслик учун бирорта баҳоналар топишга ҳаракат қиласизми?

Энди ўзингизга шу саволни беринг. Агар сизга беш юз минг доллар пул таклиф қилишса, сизнинг қарорингиз қандай бўлар эди? Нима учун? Жавоб оддийдир: чунки сизнинг ҳаётингизда тайинланган Худонинг вакилига қараганда, пул сиз учун кўпроқ қадрли ҳисобланади. Исонинг сўзларини эсланг: «Сизни қабул қилган одам Мени қабул қилган бўлади. Мени қабул қилган эса Мени Юборганни қабул қилган бўлади» (Матто 10:40). Ва яна шундай дейиш мумкин: «Ким сизни ҳурмат қилса, Мени ҳурмат қилган бўлади, Мени ҳурмат қилган эса Мени юборганни ҳурмат қилади».

Агар сиз чўпоннинг сўзини ҳурмат қилсангиз, Худонинг сўзини ҳурмат қилган бўласиз, чунки Худо уни сизга юборгандир.

Нима учун кўп одамлар ўз ҳаётларида ютуққа эришмаётгани энди тушунарли бўляпти. «Улар Эгамизнинг уйига ўтқазилган ва Худойимизнинг ҳовлисида яшнайди» (Забур 91:14). Агар маҳаллий жамоатда ўтқазилган бўлсак, у ҳолда ҳозирги ҳаётимизда ва Масихнинг ҳукм вақтида яшнаймиз. Забур ижрочиси “Эгамизнинг уйига ташриф буюрувчи”, деб айтмаётганига эътибор беринг. Чунки киши жамоатга ташриф буюрган, лекин унга ўтқазилмаган бўлиши ҳам мумкин. Ўтқазилган бўлиш – бу Худога хизмат учун ҳаётингизни ишониб топширадиган жойда бўлиш демақдир. У ерда ушр бериш, хизмат қилиш ва етакчиларга қулоқ солиш керак бўлади. Биз ўтқазилган пайтдагина ўз маҳаллий жамоатимизни қадрлай оламиз. Буни ҳаёт учун барча зарур озуқаларни берадиган ерни қадрлайдиган дарахтга ўхшатиш мумкин.

Эҳтимол, маҳаллий жамоатда ўтқазилмаган кишиларда яшнашнинг, муваффақиятнинг ва бахтнинг қандайдир учқунлари кўриниши мумкиндир, лекин уларнинг бундан завқланиши кўп вақт давом этмайди. Биз тасодифий баракаларни изламаслигимиз керак, лекин узоқ йилларга, айниқса Масих кутиб оладиган жойида узоқ давом этадиган роҳатланиш ва лаззатланишни қидиришимиз керак, чунки у ерда барча яширин ва очиқ нарсалар ошкор қилинади.

Агар сиз жамоатга ўтқазилган бўлсангиз, у ҳолда сиз жамоат бошлиқларининг сўзларини қадрлайсиз. Сиз уларнинг сўзларини юзаки қабул қилмайсиз. Сиз Худодан қўрқа бошлайсиз ва шу қўрқув билан Унинг тайинланган етакчиларининг сўзларини ҳурмат қила бошлайсиз. Сиз Худонинг тайинланган етакчиларини ҳурмат қилиш орқали Худо сиз учун тайёрлаб қўйган бутун мукофотини оласиз.

Уларни эъзозланг

Бизларга шундай деб тайинланган: «Биродарлар, сизларга илтижо қиламиз. Орангизда ишлаб, Раббимиз Исонинг йўлида сизларга етакчилик қилаётган, йўл-йўриқ кўрсатаётганларни ҳурмат қилинг. Қилаётган ишлари учун муҳаббат билан уларни эъзозланг» (1-Салоника. 5:12-13, замон. тарж.).

Йигирма беш йиллик хизматимдан етти йилини маҳаллий жамоатларда, қолган йилларини сафарларда ўтказганман. Шу давр мобайнида мен тинчлик, бахт, фаровонлик ва муваффақиятга эга, Муқаддас Руҳ билан тўлган имонлилар – булар ўз жамоат етакчиларини эъзозлайдиган ва уларга ўзининг бутун севгиси ва бағишловини

берадиган имонлилар эканини пайқадим. Худо бизни шундай муносабатга ўргатади, шунинг учун уларнинг гувоҳлигида бирор ғалати нарса бўлиши мумкинми?

Кўп йиллик хизматим давомида, мен бағишланган ва бағишланмаган одамларни кўп марта учратганман. Мен ўзларини ўз чўпонлари билан тенг даражада деб ҳисоблаган имонлиларни учратганман. Улар бошқа етакчиларга менсимасдан муносабатда бўлардилар. Бу одамлар жамоатда ўзларини муҳим иш қиляапман ва бу хизматга тайинланган хизматкорларга қараганда жамоат ва хизматни яхшироқ олиб боришлари мумкин деб ўйлардилар. Кўпинча улар хизмат давомида Худо ўзларининг “мартабасини оширмагунга” қадар қулай вазиятни шунчаки кутардилар. Улар чўпонга уни осон силжитиш, алмаштириш мумкин бўлган одамга қарагандек қарайдилар ва унга оддий одам сифатида муносабат қиладилар.

Шундай одамлар учрайдикки, улар хизматдан ҳеч қандай хурсандчилик олмайдилар, улар ўз корхоналарида ишлайдилар ва жамоатга келиб турадилар. Чунки улар жамоатга келиб туриш керак экан, деб ўйлаганлари учун шундай қиладилар. Улар юқоридаги одамлар туридан фарқли равишда ҳар қандай бошқа одамни, шу билан бир қаторда ўзларини ҳам чўпоннинг ўрнига келиши мумкин бўлган одам каби қабул қиладилар. Улар шунчаки дунёвийлар орасида ишлашни танлаганлари сабабли чўпонлик хизматини қилмаяпмиз, деб ўйлайдилар. Улар ақлий даража бўйича чўпон ўзларига қараганда қўйироқда туради ва айнан шунинг учун у бу хизматда қолиб кетган деб ўйлайдилар.

Қандай бўлмасин, бу одамларни муваффақиятли ва тўлиқ салоҳиятга эриша олган ҳолда кўрмайсиз. Эҳтимол, улар тадбиркорлик ёки хизмат билан яхши шуғулланадилар, лекин улар маҳаллий жамоатда томир отмаганлар ва ўз чўпонида Худодан берилган инъомнинг кадр-қимматини кўрмайдилар. Кўпинча улар никоҳда, болаларни тарбиялашда қийинчиликка учрайдилар, улар кўпинча соғлиқ, молия ва ҳаётнинг бошқа соҳаларида муаммоларга дуч келадилар.

Таъсирли воқеа

Мен ўз етакчиларини қадрламайдиган ва ҳатто улардан нафратланадиган одамларга доир кўплаб мисоллар келтиришим мумкин эди (биз у масаланинг ижобий жиҳати ҳақида қисқача гаплашиб оламиз), лекин мен фожианинг манзарасини аниқ тасвирловчи бир-иккита воқеаларни гапириб бераман, холос.

Менинг катта жамоат чўпони бўлган бир дўстим бор. Мен қарийб ўн йил давомида унинг жамоатида хизмат қилганман ва мен уни аллақачон қарийб йигирма йилдан буён танийман. Уни жамоатда ҳурмат қилишади ва кўплаб миллий ва хорижий етакчилар уни танийдилар ва ҳурмат қиладилар.

Бир неча йил олдин у бир йигитга Худонинг ҳаётдаги йўл-йўриқларини тушунишига ёрдам берган. Бу йигит, келинг, уни Билл деб атайдик, Худо Каломидаги кўп ҳақиқатларни тан олмайдиган диний гуруҳда руҳан ўсган. Менинг дўстим, келинг, уни Рэнди деб атайдик, унга Муқаддас Рух билан тўлишига йўл кўрсатди. Йигит Рэнди орқали кўп самаралар келтирган кучли хизматга кирди.

Тез орада Билл Муқаддас Рух ва Унинг инъомларини қабул қилгани учун уни жамоатдан қувиб юборишди, унинг жамоат биносидаги ҳамма нарсасини кўчага улоқтиришди. Чўпон Рэнди ўз гуруҳи билан Биллнинг олдига етиб келишди ва унга тегишли нарсаларни олди ва унинг учун ижарага уй топиб берди.

Пировардида, Бил бошқа шаҳарда тез ўсиб келаётган жамоат чўпонига айланди. Ҳаммаси озгинадан бошланди, лекин унинг ҳаётида Худо берган бой инъом тўфайли жамоат тез ўсар эди. Икки йилдан сўнг у кинотеатрни сотиб олди ва ижарадаги уйдан таъмирланган бинога кўчиб ўтди. У чўпон Рэндини келишини ва бинони хизматга бағишланишига ёрдам бериш учун таклиф қилди, чунки Рэнди унинг ҳаётига катта таъсир кўрсатган эди. Тадбир жуда ажойиб ўтди.

Жамоат ўсишда давом этар эди, лекин Билл спиртли ичимликка ружу кўйишни бошлади ва бу хизматга жуда кучли тўсқинлик қилар эди. Унинг спиртли ичимликка тобелиги тобора кучайиб борарди ва охирида жамоат оқсоқоллари бу ҳақида билиб қолишди.

Билл вақти-вақти билан Рэндига қўнғироқ қилар эди ва унга хизматни қолдириш ҳақида ўйлаётганини айтарди, лекин бунинг сабабини тушунтирмасди. Жамоат оқсоқолларидан бири чўпон Рэндига қўнғироқ қилиб, Биллнинг спиртли ичимликка тобе бўлиб қолганини айтмагунга қадар, чўпон Рэнди Биллни руҳлантириб турарди. Рэнди бориб, унга ёрдам бериш учун зудлик билан самолётга чипта олди. Афсуски, оқсоқоллар Биллнинг муаммосини била туриб, барибир унинг минбарда туриб хизмат қилишни давом эттиришини истардилар.

Рэнди оқсоқолларнинг сўзларини эшитганда, у шундай деди: “Агар сиз Биллнинг ваъз қилишига рухсат берсангиз, мен якшанба кунги хизматда қоламан ва жамоатга барча содир бўлаётган воқеаларни айтиб бераман. Сиз унинг оиласи ҳақида умуман ўйламаяпсиз. Сиз фақат

Ўзингиз ва жамоат ҳақида ўйлаяпсиз. Агар сиз унинг хизматдан кетишига рози бўлсангиз, мен жамоатни бундай зарбадан ўзини тиклаб олишига ёрдам бера оламан».

Ўша куни чўпон Рэнди Биллни ва унинг оиласини қутқариб қолди, уларнинг жамоатга яқинроқ уйга кўчиб ўта олишлари учун турар жой пулини тўлади. У Билл учун яхши тўланадиган ишни топиб берди. Бироз вақт ўтди ва Билл чўпон Рэнди хизматида тикланди.

Кейинчалик Рэнди Биллни ўз ёрдамчиси даражасигача кўтарди. У чўпоннинг ёрдамчиси бўлгандан кейин яна Худого астойдил эргашди. Шу орада масиҳийларнинг нашриётларида Биллнинг озод бўлгани ҳақидаги воқеа чоп этилди ва бу гувоҳлик эвазига ҳар куни у тобора машҳур бўлиб борди. Бироз вақтдан сўнг унга бошқа жойда хизмат қилишни таклиф қилишди. У ўша ерда ўқиши ва кейинчалик ўзининг сафар қилувчи ваъзхон хизматини бошлаши мумкин эди. Чўпон Рэнди Биллнинг бундай ўзгаришларга тайёр эмаслигини ҳис қилар эди ва унга бу таклифга рози бўлмасликни айтди. Билл унинг бу таклифини назорат ва ўз тақдирига тўсиқ сифатида қабул қилди, шунинг учун у Рэндининг маслаҳатини рад қилди ва юқоридаги таклифга рози бўлиб, жўнаб кетди.

Бир куни биз Билл ва яна иккита етакчи билан кечки овқат устида учрашдик. Сўхбатнинг кўп қисмини Билл чўпон Рэнди устидан шикоят қилиш билан ўтказди. У уни жамоат чўпони сифатида танқид қилар эди, унинг офис ходимларига бўлган муносабати ҳақида нолир эди ва Рэнди ўзининг хизматга жўнаб кетишига қаршилиқ кўрсатгани ҳақида гапирар эди. Мен қалбимда ҳис қилган маёқни аниқ эслайман. Мен унинг хафа бўлганини тушундим ва айнан шунинг учун у ўзи учун жуда кўп иш қилган киши ҳақида ёмон гапира бошлади.

Сўхбатимиз давомида мен имкон қадар Рэндини ҳимоя қилдим, лекин бунинг бефойда эканини тушундим. Рэнди орамизда йўқ вақтида, унинг фикрини эшитмасдан туриб, уни муҳокама қилиш яхши эмаслигини тушунар эдим. Шунинг учун мен Рэнди унинг имондаги отаси эканини ва агар Рэнди бирор масалада ноҳақ бўлса (мен аслида бундай эмаслигини унга тушунтиришга ҳаракат қилдим), Билл томондан уни танқид қилиш ва обрўсизлантириш нотўғри эканини эслатиб муҳокамани тугатдим. Мен унга аллақачон шу китобнинг бош саҳифаларида гапириб ўтган бир нечта Ёзувдан ҳикояларни унга эслатдим, лекин Билл ўз чўпонини астойдил танқид қилишда давом этди.

Бир неча ойлاردан сўнг менга чўпон Рэнди қўнғироқ қилди. Мен ҳали ҳам унинг ўша пайтдаги ғамгин овозини эслайман. У худди бирор киши

вафот қилгандек гапирар эди. Билл жамоатда етакчиларнинг назоратига қандай жавоб бериш мавзусида бутун бир бобга эга китобни чоп эттирибди. Рэнди: «Жон, мен сенга Биллнинг янги китобидан тўрт бетни ўқиб бермоқчиман», деди. У Биллнинг чўпон Рэнди, унинг етакчилари ва унинг жамоати ҳақида гапирган ҳақоратли сўзларини ўқишни бошлади. У китобда исмларни айтмаган бўлса-да, у ким ҳақида ёзаётгани тушунарли эди, чунки ҳамма Биллнинг Рэнди жамоатида чўпон ёрдамчиси эканини билардилар. Биллнинг китобига кўра кишида чўпон Рэнди ҳақида жамоатнинг ҳар бир аъзосини назорат қиладиган даҳшатли махлуқ сифатидаги таассурот пайдо бўлар эди (Мен ўн йил давомида Рэндининг жамоатига хизмат қилишга борган бўлсам, унинг етакчилардан иборат катта таркиби қарийб ўзгармаган эди, чунки унинг ҳамма ёрдамчилари уни жуда яхши кўрардилар ва ҳурмат қилардилар).

Тўртта бетни ўқиб бўлган Рэнди шундай деди: «Жон, шахсан мен бундай зарбага бардош беришим мумкин, лекин мен бу китобни ўқийдиган жамоат аъзолари (уларнинг сони бир неча минг) учун ачинаман. Уларнинг кўпчилиги унинг бу ерда чўпонлик қилгани учунгина бу китобни ўқийдилар. Бу китоб улар учун заҳарли бўлади, улар бундан буён жамоатимизда Худонинг Каломини енгил тановул қила олмайди».

Мен ниҳоятда ҳайрон қолган эдим. Мен қулоқларимга ишонгим келмас эди. Рэнди бошқа одам ёрдам бериши қийин бўлган вазиятдан Биллни олиб чиқди. У Билл ҳақида ғамхўрлик қилди, уни кўтарди, тикланиб олишига ёрдам берди. Билл қандай қилиб шундай йўл тутиши мумкин эди? Мен унинг шармандалик уруғини экканини ва бу ҳавас қиладиган ҳосил бўлмаслигини билардим. Аниқроғи, агар у тавба қилмаса, унинг ҳаёти вайрон бўлади.

Бир неча йилдан сўнг Билл яна жамоатда чўпон бўлди. Худонинг унинг ҳаётидаги инъоми эвазига жамоат яна ўсди (Бизнинг қалбимиз Худодан узоқлашсада, Худонинг инъоми ишлайди ва муваффақият келтиради). Бироқ ҳали олдинда ҳосил уни кутар эди. У яна эски гуноҳига йўлиқди. Бу сафар вазият анча даҳшатлироқ эди, чунки бошқа оила жабр кўрди. Бунинг оқибати жамоатга ва у яшаётган ҳудудга тарқалди. Жамоат жабр кўрди, кўплаб одамлар хафа бўлди ва ҳафсаласи пир бўлди. Ҳозир Билл хизмат қилмайди.

Агар у ўзининг руҳий етакчисини ҳурмат қилганда эди, у ўз хизматини бошлаган ва яна бир марта гуноҳга ботмаган бўлар эди, Худо бизни қандай озод қилиши, гуноҳдан халос қилиши ва тиклаши мумкинлиги учун Худони улуғлаган бўлар эди деб ишонаман. Бироқ у ўз руҳий

йўлбошчиси номини булғгани учун қутулиб кетиш мумкин бўлган фожиа, унинг ўзига ва унинг атрофидаги кўп одамларнинг ҳаётига таъсир қилди. Сизларнинг кўпчилигингиз бу воқеани эшитиб ўз ҳаётида бундай фожиани четлаб ўта олишига умид қиламан.

Билнинг Худо Каломи ҳақида таълим беришнинг ажойиб инъоми бор эди. Мен у олган ваҳийларга қойил қолар эдим. Унинг хизматида бўлган бошқа одамлардан кўпинча унинг таълим беришининг кучи ҳақида эшитардим. Қандай ғамгин воқеа. Агар Билл ўз руҳий отасини ҳурмат қилганда эди, унинг ҳаётида барчаси тамомила бошқача бўлар эди ва у одамлар ҳаётига тамомила бошқача таъсир кўрсатган бўларди. Ҳаворий Повул шундай деб ёзади: «Масиҳнинг йўлида минглаб одамлар сизларга устозлик қилса ҳам, сизларнинг фақатгина бир руҳий отангиз бор» (1-Кор. 4:15). Агар ўз отамизни ҳурмат қилмасак, биз лаънатга учрашимизни Худо айтгани ҳақида ёдда тутишимиз керак. Албатта, бу фақат ердаги оталаримизга эмас, балки руҳий оталаримизга ҳам тегишлидир. Агар қалбимизда ҳақиқий ҳурмат ва иззатни шакллантира олганимизда, ўзимизни хафачиликлардан, айниқса, ўз руҳий ота ва оналаримизга нисбатан хафачилиқдан асрай олганимизда эди, кўплаб фожиали воқеаларни четлаб ўтиш мумкин бўларди, деб шахсан ишонаман.

Мени хизматга қўйган кишининг ўзи саккиз мингта аъзоларига эга катта жамоатни йўқотган. Ҳозирги пайтда чўпон ёш қизга уйланиш учун ўз хотини билан ажрашгани сабабли бу жамоат мавжуд эмас. У жамоатга ўзининг ажралмоқчи эканини айтган ва хоҳламаганлар учун жамоатдан кетишни ёки бошқа жамоатга боришни маслаҳат берган. Бу кучли зарба эди. Афсуски, кўпчилик эркаклар унинг мисолига эргашдилар ва ажрашдилар.

Ўша жамоатда биз бирга ишлаган кўплаб хизматкорлар уни танқид қила бошладилар. Мен ҳам бошида уларнинг изидан бордим, чунки менинг ҳафсалам пир бўлган эди ва ундан хафа эдим. Қалбимда унга нисбатан бўлган ҳурматим тез йўқолиб бора бошлади. Мен бу воқеа содир бўлишидан беш йил аввал ўша жамоатдан кетган эдим. У бизнинг Лиза билан бошқа штатда хизмат қилишимиз учун дуо қилиб қўйиб юборди, лекин мен бошқа жамоатда бўлсамда, барибир унга нисбатан ғазабим ва жаҳлим тобора ортиб бораётганини ҳис қилардим.

Сўнг тахминан икки ҳафта давомида тўрт марта собиқ чўпоним ҳақидаги тушни кўрдим. Мен тушларни камдан кам эслаб қоламан. Лекин икки ҳафта давомида тўрт марта туш кўриш менга хос ҳолат эмас эди, мен учун ҳатто бу ҳақида ёзиш бироз ноқулай. Лекин тўртинчи марта туш кўрганимдан сўнг Худо менга нимадир демоқчи эканини тушундим.

132 ҲУРМАТ ЭВАЗИГА МУКОФОТ

Мен ибодат қилишни бошладим ва “Ота, бу тушлар орқали Сен менга нимани кўрсатаясан?”, деб сўрадим.

Ўша пайтда ичимда шундай жиддий овозни эшитдим: «У Менинг хизматкорим, Менинг хизматкоримни айблашни бас қил!»

Мен ўзим учун ота бўлган собиқ чўпонимни танқид қилиш ва ҳукм қилишга умуман ҳуқуқим йўқ эди. Менинг хатом нимадан иборат эканини тушунганимда, мен дарҳол тавба қилдим ва унга кечирим сўраган мактубимни ёздим.

У ўз хотини билан ажрашгандан сўнг икки ой ўтгач у сарғиш сочли ёш қизга уйланди ва тез орада жамоат тўрт юзта аъзога қисқарди. У жамоатни қутқаришга ҳаракат қиларди, лекин вақт ўтиб бўлган ва вазиятни тўғирлашнинг имкони йўқ эди. Агар чўпон очиқ гуноҳ қилса ва ўз гуноҳида тавба қилмаса, бу жамоатдан кетиш керакми? Жавоб: “Ҳа”. Повул шундай деб ёзади:

«Мен олдинги мактубимда сизларга жинсий томондан ахлоқсиз бўлган одамлар билан муносабатда бўлмаслик ҳақида ёзган эдим. Шубҳасизки, бу дунёнинг зинокорларини, тамагирларини, товламачиларини, бутпарастларини назарда тутмаган эдим, акс ҳолда, сизлар бу дунё билан бутунлай алоқани узишингизга тўғри келар эди. Мен сизларга ўзини биродар [Масиҳда] деб атаб, туриб, зинокор, тамагир, бутпараст [Худонинг ўрнига бирорта нарсани кўпроқ афзал кўрган кўнгил], ғийбатчи [сўкадиган, ҳақорат қиладиган ва тухмат қилаётган киши], майхўр ёки товламачи одам билан алоқа қилманглар, у билан ҳатто овқат ҳам еманглар, деб айтган эдим».

– 1 Кор 5:9-11, кенгай. таржима

Повул гуноҳда яшаётган “масиҳийлар” билан бизнинг алоқа қилмаслигимизни аниқ айтаяпти. Мазкур ҳолатда етакчининг ёш қизга уйланиш учун ўз хотини билан ажрашиши – бу ахлоқсизлик ва гуноҳдир. Исо ҳам бу масалада жуда аниқ гапиради: «Мен сизларга шуни айтайин: ким бевафоликдан бошқа сабаб туфайли ўз хотини билан ажрашиб, бошқасига уйланса, зино қилган бўлади» (Матто 19:9).

Демак, агар сизга гуноҳда яшашни истаётган “масиҳийлар” билан бирга овқат ейиш мумкин бўлмаса, у ҳолда уларнинг руҳидан олмаслигимиз кераклиги тўғри ҳисобланади. Гуноҳ билан яшаётган етакчининг хизматида бўла олмаймиз. Агар у тавба қилса, у ҳолда биз яна

ундан руҳий озуқа олишимиз мумкин.

Сиз мендан шундай деб сўрашингиз мумкин: «Лекин, Жон, ахир биз уни шу йўл билан ҳукм қилмаяпмизми?» Мен сизга: «Биз аниқроғи унинг хизматининг мевасини ҳукм қилаяпмиз», деб жавоб бераман. Биз инсон қалби ниятини эмас, балки инсон ҳатти-ҳаракатларининг ҳосилини ҳукм қилишимиз керак. Повул шундай дейди: «Қолаверса, имонлилар жамоатидан ташқаридагиларни ҳукм этишга бизнинг нима ҳақимиз бор?» (1-Кор. 5:12, замонавий таржима).

Текширмасдан туриб, мен ўз чўпонимиз қалбидаги ниятини ҳукм қилдим ва айнан шунинг учун Худо тушлар орқали мени огоҳлантирди. Фақат Худо қалбнинг ниятларини ҳукм қила олади. Повул шундай дейди:

“Шу боис сизлар ҳам вақтидан олдин, Раббимиз келмагунча, асло ҳукм қилманглар. У келиб зулматда яширилган нарсаларни равшан қилади, инсон юракларининг мақсадларини (ниятларини) ошкор этади”.

– 1 Кор 4:5, қавс ичида муаллифнинг сўзлари

Айнан шунинг учун мен собиқ чўпонимнинг ҳаётида ўзгаришларга умид қилишдан тўхтамайман.

Ҳеч бир муболағасиз, куни-кеча анжуманда бир хизматкорнинг ваъзи ёқмаган киши билан сўхбатлашган эдим. Менинг дўстим телефон орқали ваъзнинг мазмунини гапириб берди ва бу ваъзнинг хатосини кўрсатиш учун Битикларга мурожаат қилди. Мен унинг ваъз масаласидаги барча далилларини тасдиқладим (бу ваъздаги фикрга қўшилмаган бошқа хизматкорлар ҳам бўлган). Лекин дўстим телефонда шундай деб гапира бошлади: «Бу хизматкор ўзи учун бошқа кўплаб йирик жамоатлар ва анжуманларга йўл очиш мақсадида атайлаб ваъзнинг шу мавзусини танлаган, деб ўйлайман». Мен ўша лаҳзада уни тўхтатдим ва «ҳозир сен унинг ниятларини ҳукм қилаяпсан, бунга қилиш эса мумкин эмас», дедим.

Мен мазкур вазиятда ниятларни эмас, балки ҳосилни – айтилган ва қилинган нарсаларни ҳукм қилиш мумкинлигини айтдим. Фақат Худо ниятларни ҳукм қилиши мумкин. Мен чўпоннинг айнан ниятларини ҳукм қилган эдим ва шунинг учун Худо менга шундай жиддий огоҳлантириш берди. Собиқ чўпонимнинг етакчилиги остида қолган тўрт юз киши унинг ёш қизга уйланганидан сўнг қийин вазиятда қолдилар. Улар энди Муқаддас Каломга содиқликни намоён қилмаётгандилар. Улар Муқаддас Руҳнинг эмас, балки қандайдир нотўғри руҳнинг муҳитида қолдилар.

Ҳозирги пайтга қадар мен ўз чўпонимиз аллақачон учинчи марта ўйланган бўлишига қарамасдан уни ҳурмат қиламан. Агар ҳозир унинг жамоати бўлганида эди, мен унинг етакчилиги остига ўтмаган бўлар эдим. Лекин қалбимда умримнинг охирига қадар унга нисбатан ҳурмат ва иззатни сақлаб қоламан. Худо Шоулни ҳукм қилгандан сўнг ҳам Довуд севги қўшиғи билан уни ҳурмат қилган ва Яҳудода ҳамма одамларни худди шундай қилишга мажбурлаган. Агар менинг собиқ чўпоним бугун менга қўнғироқ қилганида ва ёрдам сўраганида, мен ўйлаб ўтирмасдан, бор имкониятим билан унга ёрдам кўрсатган бўлардим. У менга Худо Каломидаги шунчалик кўп ҳақиқатларни гапириб берганки, ҳатто ҳозирги кунга қадар ҳам улардан қимматли очиқликлар олмоқдаман. У менга ишонди ва у менга имконият берган ягона кишидир. Мен ҳали ёш йигит бўлганимда, кўп хато қилар эдим, лекин у мени кечирарди ва руҳлантирарди. Мен доим уни ҳурмат қиламан. Ҳатто ҳозир ҳам шундай вазиятларга тушиб қолган одамларга ёрдам бериш учун шу сатрларни ёзаётганимда, мен унинг ўз ҳаётини ва бошқалар ҳаётини бузишига сабаб ишни қилгани учун қалбимда оғриқни ҳис қиляпман. Мен унинг тавба қилишига ва яна бир пайтлар бўлганидек, буюк етакчи бўлишига кучли умид қиламан. Калом Худонинг умиди ҳар қандай шароитда сақланишини ва ҳар нарсага тоқат қилишини айтади (1-Кор. 13:7 га қаранг).

Бошқа томондан, минглаб имонлилар чўпоннинг гуноҳ қилаётгани ҳақида миш-мишларни эшитиши биланоқ жамоатдан қочишга тайёрдирлар. Йўқ, йўқ ва йўқ! Бундай бўлмаслиги керак! Биз миш-мишларга қулоқ солмаслигимиз лозим! Ахир шундай ёзилган: «Икки ёки уч гувоҳ бўлмаса, ҳеч бир оқсоқолга қўйилган айбни қабул қилма» (1-Тим. 5:19).

Гувоҳ – бу судда тасдиқлаши мумкин бўлган инкор қилиб бўлмайдиган далилларга эга одамдир. Гап ўзаро тил бириктириб олган иккита киши ёки миш-миш тарқатаётган одамлар гуруҳи ҳақида эмас, балки ўз гувоҳлигига эга бир-биридан алоҳида бўлган икки ёки уч киши ҳақида бормоқда. Нима учун Повул бу ҳақида ёзаяпти? У бизни ҳимоя қилишни истайди.

Бу ҳақида ўйлаб кўринг. Агар биз етакчилар ҳақида барча миш-мишларга ишонадиган бўлсак, шу орқали шубҳалар, ёлғон ва ифлосликларга йўл очган бўламиз. Бадномлик қалбимизга осонлик билан киради. Агар биз етакчимизни ҳурмат қилмасак, у ҳолда Худо етакчи орқали беришни истаётган мукофотни олмаймиз. Мана шунинг учун Ғарбда кўплаб имонлилар учун Худони қабул қилиш қийин. Бизнинг авлодимиз даврида хизматларда жанжаллар шу қадар кўп пайдо бўладики, одамларнинг қалбида шубҳа пайдо бўлади. Кўплаб

имонлилар имонда сустлаша бошлайдилар, умидсизланадилар, сурбет бўлиб қоладилар. Бундай муносабат умуман ҳурмат ва иззатни шаклантирмайди. Бу душманнинг режасидир — биз етакчилардан ҳеч нима олмаслигимиз учун само йўлларини бизга беркитишдир.

Рухоний Элийнинг ебтўймас, очкўз табиати кейинчалик тўлиқ ошкор бўлган ва унинг хонадонига ҳукм келган бўлса-да, Ҳаннаҳ рухоний Элийнинг дуосини олган. Элий Ҳаннаҳни маст деб айтганда, аёл рухонийнинг гапида салбий муносабатни сезган бўлса-да, у қалбини беадаб муносабат кўрсатишдан асрайди. У рухонийнинг гапига таъсирланмасдан ҳаракат қилади. Кўплаб имонлилар хизматкорларнинг муваффақиятсизликларига ва йиқилишларига таъсирланадилар, ғарб жамоатларининг баъзи етакчилари ҳақиқатдан ҳам жиддий ҳужумларга дучор бўладилар.

Кўп йиллик хизмат давомида етакчилар ҳақидаги кўп сонли ёқимсиз воқеаларни эшитганман, лекин ўзим учун юқорида биринчи Тимўтий китобидан келтирилган калом мени бошқаришига аниқ қарор қилиб олганман. Агар фақат битта одамдан ва агар камида иккита одамдан жиддий далиллар бўлмаса, мен салбий маълумотни қабул қилишни рад қиламан. Мен ишонишим учун ҳеч бўлмаганда икки кишини эшитишим керак. Агар мен бир дақиқага шу гапларга ишонсам, мен самодан келадиган баракалар йўлини дарҳол ёпган бўламан. Барча етакчилар ўзларида самодан келадиган мукофотларни олиб юрадилар. Мен Худода мен учун аталган мукофотдан маҳрум бўлишни истамайман, сиз ҳам истамасангиз керак, деб ўйлайман.

Бошқа томондан

Бошқа томондан мен ўз етакчиларини ҳурмат қилган ва уларга севги берган, бутун қалби билан бағишланган кишиларни жамоатда билдим ва яхши кўриб қолдим. Уларнинг баъзилари жамоат офисларида ишлайдилар, баъзилари етакчиларнинг ёрдамчилари бўлишган, кўпчилиги шунчаки жамоат аъзолари ёки бирорта хизмат ҳамкорларидир.

Худо бу одамларни тобора юқори даражага кўтараётганини кўриш қандай ёқимли. Баъзан улар юқори мавқега кўтариладилар ва кўпроқ масъулиятни оладилар, баъзан бу умуман сезилмаган ҳолда содир бўлади, лекин уларни ўн, йигирма, ҳатто йигирма беш йил давомида кузатиб, мен уларнинг ҳаётида барча нарсада доимий ўсишни кўраман.

Юқорида мен сизга ҳаётидаги воқеани гапириб берган чўпонимдан жамоатдаги кўпчилик ҳафа бўлишди. Улар ор-номус ҳақида ҳеч қандай тушунчага эга бўлмаган муносабатни пайдо қилдилар. Улар

танқидчи бўлиб қолишди ва уларнинг кўпчилиги ҳаётларида жиддий фожиаларни, баъзилари ажралишларни бошдан кечирдилар, баъзилари ўз фарзандлари орқали азоб чеқдилар, кимдир оғир молиявий вазиятга тушиб қолди. Ўзларининг янги жамоатларини очганлар ҳам бўлди, лекин жамоатнинг кўп йиллик қаттиқ меҳнатидан сўнг жамоат аъзолари сони юз ёки икки юз кишидан ошмади. Мен билан ойнаижаҳонда бирга ишлаган (бутун жамоатдан айрилган) ва чўпонга қарши гапирган бир аёл билан содир бўлган даҳшатли воқеани эслайман. Унинг соғлиғи мустаҳкам эди, лекин орадан икки ой ўтгач у тўсатдан мия қон томирлари кенгайишидан ўлди. Бу тасодифми? Тасодиф деб ўйламайман. Повул кўп имонлилар Раббийнинг танаси ҳақида фикр юритмайдилар, шунинг учун «кўпларингиз заиф ва хастасизлар, ҳатто баъзилар ўлиб кетган (вақтидан илгари)», дейди (1-Кор. 11:30, қавс ичида муаллифнинг сўзлари). Повул бу сўзларни Исони хотирлаб нон ейиш маросими доирасида ёзган. Бироқ бу ҳақиқат масиҳийлик ҳаётининг барча соҳаларига қўлланилиши мумкин. Раббий танаси ҳақида фикр юритиш — бу узум шаробини ичиш ва нонни ейишдан ҳам кўпроқ маънони англатади.

Бошқа томондан, менинг собиқ чўпоним туфайли жабр кўрган, лекин шунга қарамасдан, Довуд каби ўз қалбларида унга нисбатан севги ва ҳурматни сақлаб қолган кўп эркак ва аёлларни кўрганман ва бугун уларнинг ҳаётида ҳаммаси жуда соз! Мен хизматда, ишда ва ҳаётда уларнинг муваффақиятини кўрдим. Уларнинг никоҳлари мустаҳкамлигича қолган, уларнинг фарзандлари Худога эргашишади ва Уни севишда давом этмоқда. Улар бутун ва мазмунли ҳаёт кечирмоқдалар, чунки уларнинг қалбида чуқур ҳурмат ва самимийлик бор. Улар қалбларини асраганлар ва ўз сўзларига эҳтиёт бўлишган. Улар Худонинг қалбига ёққанлар.

Нима учун ҳар биримиз Худо бизга беришни истаган ажойиб ҳаётга эга бўлишни истамаймиз? Ёки танқидчи ва беадаб бўлишимиз керакми? Биз қандай ҳосил келтирмоқдамиз? Узоқ келажакка боқиб, ўз етакчимнинг менга қандай муносабатда бўлишига қарамасдан, унинг шаънига озгина ҳам танқид бўлишини истамайман. Шунчаки бундай қилмаслик керак. Қалбимга озгина бўлса ҳам танқид киришига йўл қўймаслигимнинг энг муҳим сабаби — бу Муқаддас китобда ўз етакчиларини ҳурмат қилган барча кишилар Худонинг қалбига яқин бўлишган. Худонинг қалбини билиш ва У билан яқин муносабатларга эга бўлиш мен учун улкан мукофот ҳисобланади. Ҳаётда бундан яхшироқ нарса мавжуд эмас.

11-БОБ

Икки ҳисса ҳурмат

Бошқарувчи оқсоқолларга, айниқса, сўзда ва таълимотда меҳнат қилаётганларга алоҳида (инглизча таржимада – икки ҳисса) ҳурмат кўрсатиш ўринлидир. Чунки Калом шундай дейди: «ғалла янчаётган ҳўкизининг оғзини тўсманг» ва: «Меҳнаткаш иш ҳақини олишга муносибдир».

– 1 Тимотий 5:17, 18

Бу Муқаддас китобда икки ҳисса ҳурмат ҳақида гапирилган ягона оятдир. Бу оятлар Хушxabар хизматчиларини бошқаларга қараганда икки ҳисса кўпроқ ҳурмат қилишимиз кераклиги ҳақида бизга таълим беради.

Амалда бу нимани англатади? Биз ўз масиҳий етакчиларимизни ҳурмат қилишимиз ва уларга «чўпон», «жаноб», «мистер», ёки «миссис», деб мурожаат қилишимиз керак. Агар улар фақат ўзлари сўрасалар, бошқача сўзлар билан уларга мурожаат қилиш мумкин бўлади. Сўхбат вақтида биз уларнинг кўзларига қараб туришимиз ва сўхбат яқунланмагунга қадар улардан узоқлашмаслигимиз керак.

Етакчи бизга Худо Каломи ҳақида таълим бераётган пайтда, биз уни диққат билан қулоқ солишимиз керак. Дайди фикрлар, булутлар орасида сузиб юрган ақлимиз – булар ҳурматсизлик кўрсатгичидир. Ҳурмат фақат ҳатти-ҳаракатлар ва сўзларда эмас, балки фикрларда ҳам намоён бўлишини ёдингизда тутинг. Повул бизга насиҳат қилади: «Мен олдингга боргунимча жамоатда Муқаддас Битикларни овоз чиқариб ўқишга, насиҳат ва таълим беришга вақтингни бағишла» (1-Тим. 4:13).

Йиғилиш пайтида ёнма-ён ўтирган киши билан ёқимли сўхбат нафақат

ваъз қилувчига, балки Муқаддас Руҳнинг Ўзига ҳам ҳурматсизликдир. Ҳар қандай ўзаро муносабатлар йиғилиш охирига қадар кутиб туриши мумкин. Шу билан бирга дўстларимизнинг смс хабарлари, қўл телефонидан фойдаланиш ёки йиғилишнинг расмий тугашига қадар хонадан чиқиб кетишларнинг бари кутиб туриши мумкин. Йиғилишларга кечикиб келиш ҳам яхши эмас. Агар биз ҳар куни эрталаб ишга ўн беш дақиқа кечикиб келганимизда, бизнинг иш берувчиларимиз бунга қандай муносабатда бўлардилар? Ишхонада биз бундай қилмаймиз. У ҳолда нима учун биз етакчиларимиз томонидан тайинланган вақтдаги йиғилишларга вақтида етиб келмаймиз?

Етакчиларингиз ҳатто ўзлари сиздан сўрамасалар ҳам уларга хизмат қилиш имкониятларини қидиринг. Вазиятларни олдиндан пайқаб олиб ва топшириқларни ва режаларни энг юқори даражада бажаришга интилиб, буни олдиндан режалаштиринг. Улар учун ҳамма нарсани аъло даражада бажаринг.

Агар сизга топшириқ юклатилган бўлса, уни тез ва энг яхши тарзда бажаринг. Фақат буни вазиятга мос келадиган кийимда ёки тоза машинада бажаринг, чунки биз ўз етакчимизни яхши жиҳатдан кўрсатишимиз керак. Мени аэропортда ичида тўпланиб қолган ахлатлар ва овқат қолдиқлари бор машиналар билан кутиб олишганда мен: «Агар хизмат етакчиси ўз ходимининг меҳмонни шундай машина билан ташиётганини билганда, у нима деб ўйлаган бўлар эди? Бу билан у нафақат мени, балки ўз чўпонини ҳам уялтириб қўймоқда», деб ўйлар эдим.

Бизнинг Лиза билан хизмат қилаётган жамоатда ходимларнинг ажойиб гуруҳи бор. Улар тахминан эллик кишидан иборат. Мен уларнинг бизга бўлган муносабатига ҳайрон қоламан. Офисга келганимда, мен доим столим устида бир стакан тоза сув турганини кўраман. Кўп марта мен кўрмаган пайтда улар машиналарнинг калитини оладилар ва машиналарда етарли миқдорда ёқилғи бўлса-да, улар уни бензин билан тўлдириб қўядилар. Улар менинг машиналарни доим тозалаб турадилар. Менинг машиналарни қўйиш учун тайинли жойим йўқ, лекин шунга қарамасдан ходимларимиз асосий дарвоза ёнига мен ва Лиза учун жой қолдирадилар. Мен хонага кирганимда ёки анжуман залига ўтганимда, улар менга «жаноб» деб мурожаат қилиб, ўринларидан турадилар. Улар менинг олдимга иш юзасидан келишдан аввал, бу ишни синчковлик билан ўрганиб чиқадилар.

Улар менинг саволларимни олдиндан пайқаганлари учун уларга савол

беришимдан аввал жавобларни тайёрлайдилар. Менинг ҳар қандай илтимосим доим тез бажарилади. Агар ишнинг бажарилиши жараёнида тўсиқ пайдо бўлса, улар иш бажарилмагунга қадар уринишда давом этадилар. Фақат имконсиз вазифаларгина бажарилмайди, холос. Лекин бу янгиликни мен билиб олгунимга қадар, улар барча мумкин бўлган имкониятлар ва йўлларни текшириб кўрадилар. Улар менинг вазифамни бажариш учун бошқа йўлни таклиф қилишади.

Улар бизга кўрсатадиган ҳурмат кучли ва бир мақсадга қаратилгандир. Мен доим улар мени ҳурмат қилиш орқали Исони ҳурмат қилаётганини ёдимда тутаман. Иккинчидан, улар мукофот олишларига аминман. Учинчидан, улар бизга хизмат қилишади, чунки улар бизни вазифамиздан чалғитадиган нарсаларга ўз кучимизни сарфлашимизни истамайдилар. Биз Лиза билан ўз даъватимизга қанча кўп эътиборимизни қаратсак, шунча кўп одамларга хизмат қилишимиз мумкин бўлади. Худонинг Шоҳлигида хизмат асосий рол ўйнайди. Биз бир-биримизни ҳурмат қилганимизда (ёнимизда ишлаётганларни қандай ҳурмат қилиш ҳақида кейинги бобларда гаплашамиз), ҳар биримиз Худого хизмат қилишда янада самарали бўламиз.

Биз Лиза билан ҳурмат қидирмаймиз. Ҳурмат излаётган ва талаб қилаётган етакчи, Худонинг қалби бўйича ҳаракат қилмаган бўлади. Исо: «Инсонлардан таҳсин кутмайман» деб айтган (Юҳанно 5:41). У фақат Ўз Отасининг шарафига интилган. У: «Сизлар бир-бирингиздан таҳсинлар олишни яхши кўрасизлар, лекин ягона Худонинг таҳсинига сазовор бўлишга ҳаракат қилмайсизлар. Қандай қилиб ҳам Менга ишона олардингизлар?», деб етакчиларига таъкидлайди (Юҳанно 5:44). Бу етакчилар ўз худбинлигини, мағрурлигини ва хулқининг бошқа ёмон жиҳатларини қондириш учун мақтовга ва инсон таҳсинига сазовор бўлишга ҳаракат қилганлар. Исо эркалар ва аёлларнинг ҳурматини уларнинг ўзлари учун ва Ўз Отаси учун қабул қилган.

Шу билан бирга бизга кўрсатилган ҳурматлар қалбимизда Исога ва Отага берилиши кераклигини ёдимизда тутишимиз керак, бизни ҳурмат қилганлар учун хурсанд бўлишимиз керак. Бизни ҳурмат қилганларга жавобан Ота ҳам уларни ҳурмат қилишига ва улар ўз мукофотини олишларига ишонамиз. Сиз ким бўлишингиздан қатъий назар, агар бошқа сабабларга кўра ҳурматга интилаётган бўлсангиз, сизни ҳаётга ва ҳудожўйликка келтирмайдиган йўлдан бораётганингиз ҳақида ишонтиришни қанчалик истаган бўлар эдим.

Икки ҳисса молиялаштириш

Мен Худо сўз хизматкорларига алоҳида ҳурмат кўрсатишга доир кўп мисоллар келтиришим мумкин. Бироқ мен Муқаддас Рух ҳаворий Повул орқали биринчи Тимотий мактубида айнан нима ҳақида гапирганини ҳали айтганим йўқ (5:17, 18). Бу оятларни ўқир эканмиз, у пул маблағлари билан бевосита боғлиқ эканини кўрамиз. Повул уни шу сўзлар билан якунлайди: «Меҳнаткаш иш ҳақини олишга муносибдир». “Янги Жонли таржима”даги инглизча Муқаддас китоб шундай дейди: «Ўз ишини яхши бажарган оқсоқолларга яхши ҳақ ҳам тўланиши керак». Замонавий инглизча таржимада шундай дейилган: «Ўз ишини яхши бажарган жамоат етакчилари икки ҳисса мукофотга лойиқдирлар, айниқса, агар улар калом ва таълимотда меҳнат қилаётган бўлсалар». Ҳозирги даврнинг англиз тилидаги таржимасида шундай деб ёзилган: «Етакчилар сифатида ўз ишларини яхши бажарган оқсоқоллар учун тўлов икки ҳисса бўлиши керак». Ва ниҳоят, Муқаддас китобнинг англиз тилидаги кенгайтирилган таржимасида ўз мажбуриятларини яхши бажараётган оқсоқоллар икки ҳисса тўловга, «муносиб молиявий ёрдамга» лойиқдирлар.

Биз бу қоидани Исонинг Ўз шогирдларига мурожаатида кўрамиз: «Сизларга чинини айтгай: Ким Мен юборган одамни қабул қилса, Мени ҳурмат қилган бўлади. Мени ҳурмат қилган эса Мени Юборганни ҳурмат қилган бўлади» (Юҳанно 13:20, «қабул қилмоқ» сўзи муаллиф томонидан «ҳурмат қилмоқ» сўзига алмаштирилган). «Мен юборган» сўзларига эътибор беринг. Исо бу сўзларни Ўзида акс эттиради. Повул шу йўл билан беш қиррали хизматнинг вазифасини тушунтиради:

Масих баъзиларни ҳаворий (алоҳида элчилар), баъзиларни эса пайғамбар (руҳлантирувчи ваъзчилар ва талқинчилар), баъзиларни Хушхабар воизи (Хушхабар ваъзчилари, сафардаги Хушхабар тарқатувчилар), яна бошқаларни жамоатларнинг чўпонлари (Унинг сурувининг чўпонлари), устозлари қилиб тайинлади (У Ўзи тайинлади ва одамларга бу вазифаларни топширди).

– Эфесликлар 4:11, кенгайтил. таржима

«У Ўзи тайинлади» гапи Исонинг Ўзи шахсан беш қиррали хизматни тайинлаганини англатади. Бу Масих танасидаги «ваъз айтиб, таълим бераётган» оқсоқоллардир (1-Тим. 5:17). Худо уларни «икки ҳисса кўпроқ» ҳурмат қилишни таъкидлайди.

Йигирма йилдан ортиқ сафарларим давомида мен бу амрнинг истиснолари борлигини ҳеч қачон кўрмаганман. Шундай бўлишига қарамасдан, чўпонлар ва уларнинг ёрдамчиларига кам ҳақ тўланадиган жамоатларни кўрганман. Улар эски автомобилларда юрадилар, ижарага олинган ва ноқулай уйларда яшайдилар. Айти пайтда эса жамоат аъзолари энг яхши уйларда яшайдилар ва энг яхши машиналарда юрадилар, уларнинг фарзандлари эса энг яхши мактабларда ўқийдилар ва ҳоказолар. Лекин ғалати тасодиф шундан иборатки, агар жамоат аъзоларининг молиявий аҳволи ўрганиб чиқилса, у ҳолда уларнинг катта қисми оғир аҳволда экани маълум бўлади. Тадбиркорлар доимий муваффақиятсизликлар ва ҳатто катта йўқотишларга учрайдилар. Натижада, кўпчилик қулоғига қарзга ботиб қолган. Кўпчилик оилалар жамғарган пуллари ҳисобига яшашига тўғри келмоқда. Муҳтожларга ёрдам бериш учун худди маблағ топилмагандек туюлади. Бу етакчиларга яхши маош ажратишга этиборсизликнинг натижаси бўлиши мумкинми?

Бу мавзунинг бошқа томонига қараб унга кўпроқ ойдинлик киритайлик. Мен чўпонлар ва уларнинг ёрдамчиларига кўп тўлаган жамоатларга бордим. Уларнинг ҳаммаси яхши машиналарда ва чиройли уйларда яшардилар, уларнинг фарзандлари ҳеч нимага муҳтож эмасди. Бу хизматкорлар ўз оилалари билан яхши дам олиш имкониятига эга эдилар. Бу мисоллар рўйхатини кўп давом эттириш мумкин. Жамоатдаги одамлар улар учун совғалар сотиб олишарди, улар учун алоҳида тушликлар ташкил қиларди ва бошқа хил сахий ишлар ўтказардилар. Агар оилалар жамоатда томир отган бўлсалар, улар гуллаб-яшнарди ва муваффақиятли ҳаёт кечирардилар. Тадбиркорлар муваффақиятли ишни бошлардилар ва даромад олардилар. Улар доим беваларга, ёлғиз оналарга ва жамоатдаги муҳтожларга ёрдамга берардилар, чунки уларнинг доим қўшимча даромадлари бор эди. Бундай жамоатлар ўз чўпонларига кам тўлайдиган жамоатларга қараганда хизмат учун кўпроқ беришга қодир. Мен бирорта истисно кўрмадим. Бунинг ажабланарли жойи йўқ, чунки бу ҳурмат қонидаси билан боғлиқдир.

Бу ҳақида ўйлаб кўринг. Юқорида тилга олинган жамоатларнинг биринчи гурӯҳи ўз чўпони ва унинг ёрдамчисига етарли маош тўлашга ўз маблағини сарфламаслиги билан мақтанади. Улар шу орқали Осмон Шоҳлиги учун кўпроқ иш қилиши, хизматга бериши, камбағалларга ёрдам бериши ва ҳоказо хизматларни қилиши мумкин деб ўйлайди. Лекин ўз етакчиларининг меҳнатига яхши ҳақ тўлаш ҳақидаги Худо

142 ҲУРМАТ ЭВАЗИГА МУКОФОТ

амрини бажармаслик орқали улар бошқаларнинг муҳтожлигини таъминлай олмайди. Чунки уларнинг тадбиркорлари муҳтожликда яшайди ва кўпинча жамоат лойиҳаларида иштирок этмайдилар.

Нима учун биз Худонинг донологи бизни ҳақиқий муваффақиятга етаклашини тушуна олмаймиз? Биз Худо учун кўпроқ нарсага қодир эканимизга ишониб, Худо Каломини бажаришдан ўзимизни тийиб турганимизда, бу аслида мағрурлик ва сохта камтарлик ҳисобланади. Бу билан биз ўзимизни Худодан кўп билишимизни маълум қиламиз, чунки У камбағалларни яхши кўради, лекин айна пайтда У Ўз Каломида ишлаётганларга икки ҳисса кўп тўлашни айтади.

Мен бу ҳақиқатга эътиборсиз қараганларини англайман ва бундай эътиборсиз кишилар Америкадаги хизматкорларнинг кичик фоизини ташкил қилмайди. Етакчиларнинг доим пул ва моддий нарсалар ҳақида гапиришлари мени дилимни оғритади. Уларнинг ҳаёти ночор аҳволда, улар йўқолган ва жароҳатланган қалбларга эришиш ўрнига кўпроқ ўткинчи нарсаларга ва ҳаёт лаззатларига ўз эътиборларини қаратганлар. Улар ҳақиқатга эга бўла туриб, хизматдаги ҳаяжонни йўқотганлар. Уларнинг ваъзалари четга оғиб кетган, ўз самарадорлигидан ажралган. Худо етакчилар ҳақида нима деганига қулоқ солинг:

Исроилнинг соқчилари кўрдир! Уларнинг ҳаммаси идроксиз, вовилламайдиган тилсиз итлар кабидир. Ётиб олиб туш кўрадилар, улар уйқуни яхши кўрадилар. Улар тўйганини билмаган очкўз итларга ўхшар, бу чўпонлар идроксиз! Ўз фойдасини кўзлаб, ҳар бири ўз йўлидан кетди.

– Ишаъё пайғамбар китоби 56:10, 11 (замонав. таржима).

«Ўз фойдасини кўзлаб» деган сўзларга эътибор беринг. Замонавий инглизча таржимада шундай деб ёзилган: «Сиз худбин мақсадларингиз учун ўз қўйлари билан ёмон муносабатда бўлган чўпонсизлар». Ўз манфаати учун аёллар, пуллар ва хизматнинг бошқа маблағларидан фойдаланган бир нечта етакчилар (уларнинг кам эканидан хурсандман) бор. Улар ҳурмат ҳақидаги ҳақиқатни бузишган. Уларнинг ақли хиралашган. Улар Худонинг режасини ўзгартириб, хизматни ўзларига хизмат қиладиган қилишган. Улар масиҳийлик хизматининг дастлабки мақсадидан – Худо халқига хизмат қилиш ва адашганларни топиш вазифасидан узоқлашганлар. Агар улар ўзгармасалар, у ҳолда зулматда қолиб кетадилар.

Албатта, мен хизматим йиллари давомида ҳурмат қоидаларининг суистеъмол қилиниши ва бу ҳолатлар ҳақида, Муқаддас китобда ҳам ўқиган эдим. Лекин бу ҳолатлар Худо хизматкорларига икки ҳисса молиявий ҳурмат кўрсатиш ҳақидаги Худо буйруғидан оғиб кетишимиз учун бизга ҳуқуқ берадимми? Бу икки зид ҳолат ҳеч қачон Худонинг назарида оқланмайди.

Худо хизматкорларидан молиявий маблағларни ушлаб қолишнинг оқибатларига доир ўз кўзим билан кўрган энг ёрқин ҳаётий мисол хизматимнинг дастлабки йилларида содир бўлган эди. Мен Лиза билан бирга 120 кишидан иборат жамоатга қилган сафаримизни эслайман. Бу жамоат кўп йиллар давомида мавжуд эди, лекин унинг аъзолари сони 35 тадан 120 тагача киши ўртасида ўзгармасдан турарди. Шаҳар аҳолиси 250 000 минг кишидан иборат бўлса-да, жамоат атрофдаги жамиятга таъсир қилишнинг янги даражасига кўтарила олмасди.

Биз бу жамоатда тўрт кунни ўтказишимиз керак эди. Чўпон бизни ўз уйдан жой олишимизни сўради, чунки жамоат учун бизни меҳмонхонага жойлаштириш жуда ҳаражатли эди. Биз рози бўлдик, чунки аллақачон у билан хизматдан аввал дўстлашиб қолишга улгурган эдик.

Шанба куни кечқурун келганимизда, улар уйда эмас, балки ижарага олинган квартирада яшаётганини билдик. Уларнинг эски автомобили ва бироз нарсалари бор эди. Улар бу нарсаларни бизнинг ихтиёримизга тўлиқ топширдилар. Чўпоннинг хотини жуда меҳмондўст эди. Улар меҳрибон ва раҳмдил жуфтлик эди. Мен чўпон хотини ҳали ҳам тез-тез сафар қилишларни талаб қиладиган ишда ишлашини билиб ҳайрон бўлдим. У бир ойда ўн беш кундан ўн саккиз кунгача талаб қилинадиган сафарларда бўлар экан.

Жамоатдаги йиғилиш анчагина яхши ўтди, лекин қандайдир таранглик муҳити борлиги сезиларди. Биз Худо ҳузурига, кучига ва мойланишига кира олмасдик. Гўёки йўлда бир тўсиқ тургандек эди. Лекин одамлар самимий эдилар ва улар Худони кучли севиши сезилиб турарди. Менинг бошим қотганди.

Йиғилишимизнинг учинчи куни мен кўп вақтимни ибодатда ўтказдим. Менинг руҳим нотинч эди, мен бу муаммога ечим топа олмасдим, лекин ундан халос бўлишнинг иложи ҳам йўқ эди. Ибодат қилиб мен жамоат нима учун чўпон ва унинг оиласи ҳақида ғамхўрлик қилмагани ҳақида ўйлардим. Ниҳоят мен Исонинг менга шундай деганини эшитдим: «Сен бугун кечқурун шу муаммо билан шуғулланишинг керак».

Мен буни қандай қилишни Худодан сўраганимда, бу тўсиқни бузишнинг қуйидаги йўли ҳақида жавоб олдим: Одамларга ўз чўпонларининг молиявий фаровонлигининг муҳимлиги ҳақида таълим бериш керак. Мен шахсан чўпон учун қурбонликни тўплашнинг кучли заруратини ҳис қилардим. Лекин ҳали ҳам буни қандай тўғри қилишни билмасдим.

Кечки йиғилишдан аввал чўпон менга шундай деди: «Жон, сенинг хизматингда мен қурбонлик йиғмайман. Буни ўзингга қўйиб бераман».

Мен жилмайиб қўйдим ва Худо ҳаракат қилишим учун йўл очилганини тушундим. Бизнинг хизматимиз учун қурбонлик йиғиш ўрнига мен чўпон ва унинг оиласи учун одамларни қурбонлик қилишга даъват қилмоқчи эдим. Ўша куни кечқурун чўпон мени таништиргандан сўнг саҳнага чиқаётганимда чўпон қулоғимга шундай деб пичирлади: «Жон, унутма, қурбонлик йиғаетганимда ўзингни эркин ҳис қил».

Мен унинг мен нима ҳақида гапиришимни эшитганда ҳайрон бўлишини билиб жилмаярдим. Минбарга чиққанимдан сўнг жамоатнинг Биринчи Тимотий 5:17 ни очишларини сўрадим ва қирқ беш дақиқа давомида ўз чўпонлари ҳақида молиявий ғамхўрликнинг аҳамиятини уларга гапирдим.

Мен бу ҳақида дабдабасиз ёзишим мумкин: бу жамоат учун кучли фош қилиш эди. Мен: «Нима учун чўпонингиз хотини ўйда ярим ой ўтирмасдан, жамоатдан ташқарида ишлашига тўғри келмоқда? Сиз унинг хотини ўйда, эри ёнида бўлиши ҳақида ғамхўрлик қилишингиз керак».

Чўпон ўзини ноқулай ҳис қиларди, унинг юзи тобора қизариб борарди. У бу ҳақида гапиришимни ўзи мендан сўраган деб одамлар ўйлашидан ва бир нечта оила жамоатдан кетиб қолишидан қўрқарди (Аниқлик киритмоқчиман: жамоатга келгандан сўнг етакчи менинг сўзларимга рози бўлмаслигини билганим учун мен таълимот ҳақида гапирмайман. Бу вазиятда чўпон фикримга қўшилиши ёки қўшилмаслиги ҳақида билмасдим. Мен фақат ваъзим давомида унинг юзидаги ҳаяжонни сездим.)

Хайрият, жамоат Худонинг қалбимга солган сўзларни қабул қилди деб айтишим мумкин. Хизмат охирида мен шундай дедим: «Бугун кечқурун бизнинг хизматимиз учун қурбонлик йиғишимни сўрашди. Лекин ҳозир буни қилмаймиз. Бугун чўпон ва унинг оиласи учун қурбонлик йиғамиз ва айтгандай, ундан солиқ ушлаб қолмангизлар. Худонинг сиз учун мукофотига – чўпонга ўз миннатдорчилигингизни кўрсатинг».

Биз қурбонликларни йиғиб бўлдик ва йиғилишни тугатдик. Сўнг одамлар билан суҳбатлашиб турганимда чўпоннинг жамоат хонасига кириб кетганини кўрдим. Мен унинг ортидан бордим. У билан юзлашганимда, унинг юзидаги қизариш кетганини пайқадим. Энди унинг юзи оппоқ эди. Мен у айтадиган янгилик яхши хабар бўлишини кўнглим сезиб турарди. Мен жилмайиб, сўрадим: «Қанча қурбонлик пул йиғилди?»

У йиғилган миқдорни айтди. Мен қарийб ҳушимдан кетай дедим. Бу улар одатда ҳар якшанба кунни тўплайдиган қурбонлик миқдоридан уч баробар кўп эди. Албатта, мен қурбонлик яхши бўлишини тахмин қилган эдим, лекин у айтган қурбонлик миқдори бундай жамоат учун тасаввур қилиш мумкин бўлган қурбонлик миқдоридан анча катта эди.

Кейинги душанба менинг телефоним жиринглади. Бу ўша чўпон эди. У қувончга тўла овоз билан менга шундай деди: «Жон, мен сенга якшанба кунги йиғилишнинг видео ёзувини юбораяпман».

Мен ўзига хос таъсир бўлишини кутмаган эдим, шунинг учун: «Яхши, мен сизнинг якшанба кунги ваъзингизни эшитиб кўраман», деб жавоб бердим. У эса бу гапимга: «Жон, мен ваъз қилганим йўқ. Икки соат давомида жамоатим имонлилари режалаштирилмаган ҳолда олдинга чиқдилар ва ўз оилалари ва ишларида ажойиб молиявий мўъжизалар ҳақида гувоҳлик бердилар, деди у. Мени миннатдорчиликдан иборат кўрқув қоплаб олган бўлса-да, бу янгиликдан ҳайрон қолмаган эдим. Мен Худонинг ажойиб мўъжиза қилишини билардим, лекин бунинг шуқадар тез содир бўлишини кутмагандим».

Орадан бир неча йил ўтди ва мен ўша жамоатга бордим. Улар энди дўконча залида йиғилиш ўтказмаётган эдилар. Улар бир мактаб биносини таъмирлабдилар ва ўша жойда йиғилишар эканлар. Бу ҳали ҳаммаси эмас. Жамоат мактабни ижарага олмабдилар, улар бу мактабни харид қилиб олишибди! Жамоат аъзолари сони беш баробарга ошган. Чўпонга ғамхўрликнинг ошиши сабабли унинг хотини ўз ишидан бўшабди. Оилалар ва ишлар гуллаб яшнапти экан.

«Менга бу ёқмаяпти деб айтма»

Бу ҳақиқат ҳеч қачон ўзгармайди. Бизнинг руҳий етакчиларимизни ҳурмат қилиш бизнинг ҳаётимизга фаровонлик олиб келади. Мен Жанубий Кореянинг Сеул шаҳрида дунёдаги энг катта жамоат чўпони

доктор Дэвид Йонги Чога қарайман. У ўз жамоатини кўп йиллар илгари вайронгарчилик пайтида бошлаган. Яқинда унинг жамоати бошқарувидаги икки киши охириги пайтларда жамоатда эллик мингдан ортиқ миллионерлар борлигини айтишди.

Мен бир неча марта у билан учрашганман, биз бирга гольф ўйнаганмиз, унинг аъзолари билан бирга ресторанда овқатланганмиз. У одатда сафарга ўзи билан бирга бир неча тадбиркорлар ва ҳамкорларни олади. Улар уни яхши овқатланиши ҳақида ғамхўрлик қилишади ва унга барча зарур нарсаларни харид қилишади. У биринчи бўлиб ўтирмагунга қадар, улар дастурхонга ўтирмасликларини пайқадим. Улар уни жуда ҳурмат қилишади. Шаҳарнинг камбағал туманида бошланган жамоат ҳозир бой одамларнинг кўпчилигини ўз ичига олиши сабаби, чўпонга кўрсатилган ҳурмат бўлиши мумкинми?

Менинг Эл Браи исмли яқин дўстим бор. У Қўшма Штатларда чўпон ва хизматимизнинг маъмурий кенгаши аъзосидир. Эл 1980-йилда гольф бўйича ҳаваскорлар мусобақасида қатнашган. У моҳир ўйинчи. Йонги Чо шу ўйинни ўз ёрдамчилари ва дўстлари билан бирга ўйнашни яхши кўради. Шунинг учун Эл унга ёққан.

Навбатдаги сафарлардан бирида Йонги Чо ва унинг гуруҳи Қўшма Штатларга зиёрат қилишди. Улар Эл билан гольф ўйнаш учун учрашувни режалаштирдилар. Йонги Чо билан сафарда бўлган кишилардан бири ижарага олинган машинадан гольф чўпини ўзи билан бирга кўтариб чиқди. У бу чўпни ва янги модали дизайндаги гольф сумкасини Нью-Йорк дўконидан яқиндагина бир неча минг долларга харид қилиб олган эди. Эл илтифот юзасидан унинг чиройли эканини айтди. Тўсатдан бу киши янги сумкадан янги гольф чўпини чиқара бошлади. У сумкани бўшатиб, Элнинг гольф чўпини маҳкам ушлаб олди ва уни янги чиройли сумкага жойлаштиришга киришди. Шошиб қолган Эл: «Тўхтанг, нима қилаяпсиз?», деди.

«Мен сизга ҳурматимни изҳор қилаяпман. Мен сизга ўзимнинг гольф жиҳозимни совға қилмоқчиман», деди корейлик киши. Менинг дўстим уни тўхтатишга ҳаракат қилди, лекин бунинг фойдаси йўқ эди.

Бир неча ойлардан сўнг Кореяга қилинган сафар давомида Эл яна Йонги Чо ва унинг дўстлари билан бирга гольф ўйнамоқчи бўлди. У гольф учун буюмлар сотиладиган махсус дўконда эди. Эл пештахтада турган бир жуфт чиройли оёқ кийимни кўриб: «Қандай чиройли оёқ кийим!», деди.

Шу заҳоти Йонги Чонинг одамларидан бири пештахтадаги шу оёқ кийимни олди ва касса томонга юрди. Эл эътироз билдирди:

«О, йўқ, йўқ. Менга оёқ кийим керак эмас, мен шунчаки унинг қандай чиройли эканини айтдим».

«Йўқ, жаноб, мен сизни ҳурмат қиламан ва сизда шу оёқ кийим бўлишини истайман».

Менга бу воқеаларни гапириб бераётган Эл кулиб, деди: «Мен Йонги Чо одамлари ёнимда турган пайтда, «менга ёқди» деган сўзларни айтмасликни ўргандим, чунки улар ўша заҳоти бу нарсаларни мен учун харид қилишади». Бу имонлилар ҳурматнинг юқори даражасида юрадилар ва шунинг учун баракаланганлар.

Баракаланган ҳаёт

Менинг бошқа Жек исмли дўстим ҳам бор эди. У оламдан ўтган ва ҳозир самодадир. У муваффақиятли ва самарали ҳаёт кечирган. Унинг ҳаёти ва хизмати юз минглаб одамлар ҳаётига таъсир қилган.

Жек ёшлик йилларида ва энди ўз хизматини бошлаган пайтда, унинг чўпонининг аллақачон Қўшма Штатларда муваффақиятли ва машҳур жамоати бўлган. Жек ўз чўпонига бир неча йил хизмат қилгандан сўнг у жамоат барпо қилиш учун мамлакатнинг бошқа чеккасига жўнатилган.

Бор йўғи бир неча йил ичида унинг жамоати ўсиб, беш мингга яқин кишига эга бўлган. Мен унинг жамоатида тез-тез ваъз қилиб турардим ва биз бирга вақт ўтказишни яхши кўрардик. У ўзининг чўпонини қанчалик яхши кўрганини, қадрлаганини ва ҳурмат қилганини гапириб бергани ҳақида яхши эсламан. У ўз чўпонига ўз руҳий отаси каби муносабат қилишини айтарди. Сўнг у шундай сўзларни айтди: «Жон, мен ўз чўпонимни ҳар сафар кўрганимда, унга минг долларлик пул чекини берардим». Мен унинг ҳурмат қилиш даражасидан ҳайрон қолган эдим. Унинг сўзлари у оладиган буюк мукофот ҳақида ўйлаб кўришимга мажбур қилди. Жамоат аъзолари уни ниҳоятда яхши кўрардилар. Унинг дафн маросими тўрт соатдан ортиқ вақт давом этганди. Жамоат биноси одам билан лиқ тўлганди. У ерга беш минг киши келган бўлиб, уларнинг орасида нафақат жамоат аъзолари, балки жамоатга келмайдиган шаҳар ишчилари ҳам бор эди. Уни жамиятда кўпчилик ҳурмат қиларди.

Жамоат ҳам уни ҳурмат қиларди. Улар Жекка моддий ёрдам бериш учун тўлов қилишни истардилар. Лекин Жекнинг доно сармоялари

туфайли унга жамоатдан ойлик керак эмас эди. Аксинча, у ўз даромадини жамоатга берарди. Мен у каби баракада юрган одамларни кам кўрганман. Унинг хотини ва фарзандлари уни жуда яхши кўрардилар. У чиройли ўйда яшарди ва унинг дўстлари кўп эди. Жек ўзининг руҳий отасини молиявий жиҳатдан ҳам ҳурмат қилган. Бу эса унинг ҳаётининг кўп соҳаларида бой мукофотланишига сабаб бўлган.

Бизнинг йиғилишларда

Бутун дунё бўйлаб сафар қилганда ва ваъз айтганда, жамоатлар хизматидаги натижаларни пайқадим. Уларнинг баъзилари ажойиб меҳмондўстлик билан биз ҳақимизда ғамхўрлик қилсалар, бошқалари бизга оддий саёҳатчи каби муносабатда бўлардилар.

Баъзи жойларда мени нима учун таклиф қилишганини тушунмай ҳайрон бўлардим. Бизни суви ва тамадди қилиш учун ҳеч нарсаи йўқ, бирор хизмат кўрсатилмайдиган меҳмонхонага жойлаштиришар эди. Чўпоннинг хонасида, менинг етиб келганим учун илиқ ва миннатдорлик билан қарши олиш ўрнига кўпроқ: «Мен сендан яхши натижа кутиб қоламан», деган муносабат қилишарди. Уларнинг баъзилари: «Биз бу ерда муҳим иш қилаяпмиз, бизда ваъз қилиш имконига эга бўлиб омадинг чопибди», деган муносабатда бўлишарди.

Мени бундай жойларда таништиришганда, жамоатдаги одамлар менга бефарқ муносабат билан қарашарди. Мен уларнинг: «Биз аллақачон ҳаммани эшитиб бўлганмиз? Сен қандай ўзига хос гап айтасан?», деган фикрларини ҳис қилардим. Бундай одамларга ваъз қилиш мен учун қийноққа ўхшайди. Бундай йиғилишлардан сўнг ўзимни сиқиб ташланган лимондек ҳис қиламан. Ташна қалбларга етиб бориш ўрнига, уларнинг қаршилигини ёриб ўтишимга тўғри келади. Шундан сўнг чўпон менга шунчалик кам миқдордаги пул узатадики, бу пулга унинг жамоати бир ҳафта ҳам яшай олмаган бўларди. Хайрият, бундай воқеалар тез-тез содир бўлмайди.

Мени яна бир хизматкор билан бирга бир ҳафта давомида анжуманда ваъз қилиш учун таклиф қилишганда содир бўлган воқеани эслайман. Жамоат чўпони бутун йиғилиш давомида икки юз эллик минг доллардан ортиқ маблағни йиғиб олишгани ҳақида ўртоқлашди. Мен уларнинг бу натижасидан хурсанд бўлдим. Лекин кетишимда хизматимиз учун олти юз доллар қийматга эга чек қоғозини олдим. Бунга чой пули деб айтиб

ҳам бўлмасди. Ахир, йиғилган маблағнинг ўн фоизи йигирма беш минг долларни ташкил қиларди. Бу маблағ жуда кичик фозизга (0,2%) тенг эди.

Лекин мен оддий сабоқни билиб олдим — Худо ҳар қандай вазиятда ҳам бошқа йўллар орқали бизнинг эҳтиёжларимизни тўлдириб, хизматимиз ҳақида ғамхўрлик қилади. Ҳар сафар жамоатлар бизга шундай «чой пуллари»ни беришганда (буни бошқача тарзда айтиш учун бошқа сўзлар топа олмаяпман, чунки ҳатто чой пуллари миқдори ҳам анча юқори ҳисобланади), ўша ҳафта почта орқали ёки биз ваъз қилган жамоатлар томонидан юборилган ҳадяларни қабул қилардик. Менга бу ёқади, чунки бу орқали Худо бизга худди: «Мен вазиятдан хабардорман», дегандек туюлади.

Мен бизнинг таъминотимиздаги Худонинг содиқлигини кўрдим ва бу ҳақида бирор марта хавотирланиб ташвишга тушмадим.

Мен бизларга ушоқларни берган одамларга ачинаман, улар Исо ўзлари олдига юборган кишиларга ҳурмат кўрсатмасдан, буюк мукофот олиш имконини қўлдан бой бердилар.

Бошқа томондан, мен аэропортда кутиб олишдан бошлаб, яна қайтиб кетишимга қадар вақт давомида менга ҳаддан ташқари меҳрибонлик ва ҳақиқий меҳмондўстлик билан муносабатда бўлган йиғинларда бўлганман.

Меҳмонхонада мен учун ажратилган хонада бир ҳафтага етадиган бир сават мева, ичимликлар ва егуликлар кутиб турарди. Улар ҳатто менинг ҳамкасбларимдан, менинг қандай егуликларни яхши кўришимни сўраб билиб олардилар. Баъзан мен учун хонада совғалар: шамлар, чиройли ручкалар, кўйлақлар ва атирлар қўйилган турарди. Мени тумандаги энг яхши меҳмонхонага жойлаштирардилар. Бундай меҳмонхона сафар вақтида киши худди ўйдагидек ҳис қилиши мумкин бўлган қўшимча хизматлар ва бошқа қулайликларга эга бўларди. Улар нафақат менга, балки мен билан ҳамроҳ бўлган кишиларга ҳам шундай муносабатда бўлардилар.

Бундай жамоатларда минбарга кўтарилган пайтимда, одамлар ўрниларидан туриб мени баланд қарсақлар билан қутлайдилар. Улар Худонинг Ўз элчисини юборгани учун Ундан миннатдордирлар ва Худонинг Сўзини эшитиш учун тайёрдирлар. Йиғилишда ҳеч ким қимирламайди ва юрмайди, чунки улар менинг бирорта сўзимни эътиборсиз қолдиришни истамайдилар. Улар ўз ҳатти-ҳаракатлари билан Худонинг хизмат давомидаги ҳузурини олқишлайдилар, йиғилишдан

сўнг эса улар китоблар ва хизматимизнинг бошқа маҳсулотлари орасидан «бошоқларни териб олиш» учун китоб пештахтаси томонга шошадилар.

Бундай жамоатлар: «Сизнинг ташрифингиздан сўнг биз бошқа йўналишдан бормоқдамиз» ёки «бизнинг ходимлар ва жамоат ўзгарди ва биз янги даражага кўтарилдик», деб мен билан ва бизнинг ходимлар билан ойлар ва ҳатто йиллар давомида муносабатни давом эттирадилар. Баъзан бундай жамоатга келишимдан бир ҳафта аввал бизни оддий сайёҳлар сифатида қабул қилган бошқа жамоатда бўлганимни эслаб куламан. Мен худди шу мавзудаги ваъзни гапирган эдим ва бу жамоатга худди шу мақсад билан келган эдим, лекин у ерда кичик натижа бўлган эди ва жўнаб кетганимдан сўнг ҳеч қандай миннатдорчилик сўзлари эшитмаган эдим.

Исо шундай деган: «Сизни қабул қилган одам Мени қабул қилган бўлади. Мени қабул қилган эса Мени Юборганни қабул қилган бўлади». Агар Исо сизнинг жамоатингиз чўпони бўлганда ва У яқшанбалардан бирида жамоатингизда хизмат қилиш учун келганда, У ҳақида қандай ғамхўрлик қилган бўлардингиз? Биз У юборган кишиларни қандай ҳурмат қилсак, худди шу тарзда Уни ҳам ҳурмат қилган бўламиз. Уни қандай ҳурмат қилсак, Отани ҳам шундай тарзда ҳурмат қилган бўламиз.

Худони ҳурмат қилинг

Яна бир марта ҳурмат қоидасига қараймиз. «Мени иззат қилганни (ҳурмат қилганни) иззат қиламан (ҳурмат қиламан), Мени хор қилган эса шарманда бўлур» (1-Шоҳлар 2:30).

Каломнинг шу жойини қалбларимизда сақлаб қолишимиз керак. Худо ўзини ҳурмат қилганларни ҳурмат қилади. Ўзингизга ўзингиз айтинг: «Агар мен Худони ҳурмат қилсам, У мени ҳурмат қилади». Буни қалбингизда чуқур ўрнашмагунга қадар кўп марта такрорланг. Худони ҳурмат қилиш — бу Унинг ҳурматини ўзимизга жалб қилишдир. Бу қандай ажойиб реаллик! Қўйидаги масалани муҳокама қилишда давом этамиз:

Ўз бойлигинг ва биринчи ҳосилинг билан Эгамизни улўғла. (Ҳикматлар китоби 3:9) Худонинг Каломи бизни Худони ҳурмат қилишимиз ҳақида насиҳат қилади. Инглиз тилидаги кенгайтирилган Муқаддас китобда шундай дейилади: «Худони ўз маблағинг ва бойлигинг (солиҳ ишлардан) ва даромадингнинг биринчи мевалари билан ҳурмат қил». Муқаддас китобнинг ҳозирги замон таржимаси шундай деб таъкидлайди:

«Ўз маблағларингизни бериш орқали Худони ҳурмат қилинг». Молиявий ҳадялар — бу Худони ҳурмат қилиш воситаларидан биридир. Масала шундан иборатки, биз Унга қандай қилиб ўз пулларимизни беришимиз мумкин? Ахир У бизнинг пул бирлигимизни ишлата олмайди-ку. Жавоб оддий — У томонидан юборилганларга пулларимизни бериш орқалидир.

Агар сиз Муқаддас китобда ушр ва қурбонликлар масаласини батафсил ўргансангиз, сиз уларни беришнинг учта сабабини аниқлайсиз. Биринчидан, бу бобнинг бошида айтиб ўтганимиздек, Унинг хизматкорларининг эҳтиёжларини тўлдиришдир. Иккинчидан, хизматчиларнинг хизматида уларнинг эҳтиёжларини қондириш. Учинчидан. Хизматкорлар камбағал, бева, етим ва бошқа муҳтожларга ёрдам беришидир.

Мен ҳар бир банд бўйича оятлар билан ўртоқлашишни истаيمان. Биринчи оятни Повулнинг коринфликларга мурожаатида кўрамиз: «Биз руҳий жиҳатдан сизларга хизмат кўрсатсак-да, моддий ёрдамнингизни бизга кўп кўрасизми? ...Шунингдек, Хушхабарни ёйиш вазифасини бўйнига олганлар бу иши орқали кун кечиришлари кераклигини Раббимиз Исонинг Ўзи буюрган».

– 1-Кор. 9:11, 14

Янги Жонли таржимада бу оят қуйидагича ёзилган: «Худо Хушхабарни ёйиш иши билан машғул бўлганлар шу орқали ўзларига фойда олаётганлар томонидан қўллаб-қувватланишлари керак». Янги Аҳдда ҳам шу қоида кўзга ташланади. Олий руҳонийлар ва левилар қисмати халқдан тушган ушр ҳисобига яшашдан иборат бўлган. Уларда Исроилнинг бошқа қабилаларида бўлгани каби ўз ери бўлмаган.

Иккинчи сабаб Повулнинг Филиппиликларга юборган мактубида берилгандир:

Ахир, сиз Филиппиликлар, ўзларингиз биласизлар-ку, мен сизларга Хушхабарни айтган пайтимдан бошлаб, Македониядан кетганимдан кейин ҳам фақат сизлар менга моддий жиҳатдан ёрдам берардингиз. Сизлардан бошқа ҳеч бир жамоат (йиғилиш) бундай қилмади. Ҳатто Салоникада бўлганимда ҳам сизлар бир-икки марта менга ёрдам

(қурбонликлар) бериб, эҳтиёжимни қондирдингиз. ...Ҳозир менда керакли ҳамма нарса бор (ҳадяларингизни олдим), ҳатто ортиғи билан бор. Епафродитдан бериб юборган ҳадяларингизни олдим.

– Филиппиликларга 4:15, 16, 18, кенгайтирилган таржима

Кўриб турганингиздек, уларнинг пул маблағларидан иборат ҳадялари Повул ўзи даъват қилинган ишни амалга ошириши учун унга имконият очиб берди. Оддий қилиб айтганда, жамоатга хизмат қилиш учун пул маблағлари талаб қилинади. Повул «ортиғи билан» олганини айтади. Филиппиликлар ўз ҳадялари орқали Повулнинг одамларга Хушxabар етказиши ишида ҳамкорларга айланганлар.

Учинчи сабабга келсак, Эски Аҳдда Худо ушрни левиларга (хизматкорларга), мусофирларга, етим ва беваларга беришни буюриши ҳақида билиб оламиз (Қонунлар 26:12). Янги Аҳдда ҳамма етакчилар куйидаги ёрдамга рози бўлишган: «Улар фақат биздан, камбағалларга ғамхўрлик қилишни давом эттиринглар, деб илтимос қилдилар. Шахсан мен анчадан бери бу ҳақда жон кўйдирадим» (Гал. 2:10).

Камбағаллар тоифасига мусофирлар, етимлар ва бевалар киради. Хизматкорларга ҳадялар орқали биз ўзимиз ҳеч қачон учратмаган одамларга ёрдам беришимиз мумкин.

Юқорида айтиб ўтилганидек, биз Худони ўз маблағларимиз билан, У хизмат учун танлаганларга пул маблағларидан иборат ҳадяларни бериш орқали ҳурмат қиламиз. Шунинг учун бугунги кунда қанча одам хизмат ишлаши учун бериши мумкин бўлган маблағни ушлаб қолиб, Худого ҳурматсизлик қилаётганларини сўрашимиз керак эмасми?

Кўпчилик ушр бермайди ва ўз ҳаётларида руҳий ҳақиқатларни эккан хизматкорларга қурбонлик келтирмайдилар. Улар хизматкорларнинг пул сўраётганлари ҳақида шикоят қиладилар ва шундай дейдилар: «Нима учун улар қурбонликлар ҳақида гапирмасдан, фақат ваъз қилиб қўя қолмайдилар? Охири ойларда, ўзи шундайига ҳам аҳволим яхши эмас». Лекин уларнинг бу сўзлари аҳволнинг ёмон эканига сабаб бўлиши мумкинми? Улар Худо Каломини ўз ҳаётларида биринчи ўринга қўйдиларми? Аслида улар Худодан кўра ўзларини кўпроқ ҳурмат қилишади.

Мана энди Сарвари Олам шундай айтмоқда:

Ўз аҳволингизга қараб, яхшилаб ўйлаб кўринглар-чи! Кўп экиб кам ўрасиз. Ичасиз, аммо чанқоғингиз қонмайди, устингизга киясиз-у. Исинолмайсиз. Ким пул ишласа, унинг пули йиртиқ ҳамёнга тушади. Сарвари Олам шундай демоқда: Ўз аҳволингизга қараб, яхшилаб ўйлаб кўринг, ахир! Тоғларга чиқиб, ёғоч олиб тушинглар-да, Менинг уйимни қуринглар. Мен уни кўриб завқланиб, улуғланаман, дейди Эгамиз. Кўп ҳосил олишни умид қилган эдингиз, мана кам олдингиз. Уйга олиб келганингизни сочиб юбордим. Нима учун? демоқда Сарвари Олам. Менинг уйим вайрон бўлиб ётган пайтда, сизлар фақат ўз уйингиз ҳақида ўйлаганингиз учун шундай қилдим.

– Хаггай китоби 1:5-9

Бундан ҳам аниқроқ бўлиши мумкинми? Агар Битиклардаги қаҳрамонларнинг бирортаси бугунги кунда пуллар ва ўзлари учун оғир кунлар ҳақида гапираётган кишиларнинг хизматкорларга бўлган муносабати каби муносабатга эга бўлишини тасаввур қилиб кўринг. Илёс пайғамбарнинг даврида очликдан ўлган бевалар кўп бўлган. Лекин бир аёл ҳурмат қоидаси сабабли омон қолган. Унинг ва ўғлининг фақат бир марта ейишга етадиган озуқаси қолган, уни егандан сўнг улар очлик сабабли ўлимга маҳкум бўлганлар. Шунга қарамасдан, пайғамбар ўзи учун аёлдан нон пишириб беришини сўраган. Бу пайғамбарни бугунги кунда бутун оммавий ахборот маркази воситалари орқали ва жамоатда қанчалик таъқиб қилган бўлардилар! Кўпчилик шундай деб танқид қилган бўлардилар: «Қандай қилиб сен очликдан ўлаётган аёлнинг охирги егулигини тортиб оласан? Биринчи унга озуқани бериш керак». Шунга қарамасдан, аёл дастлаб Худонинг хизматкорини овқатлантириб, Худони биринчи ўринга қўйиши учун Худо пайғамбарга бу вазифани буюрган. Агар аёл Худони шу тарзда ҳурмат қилса, Худо уни ҳурмат қилади. У пайғамбар айтган ишни қилди. Худо пайғамбар орқали Ўзи берган ваъдасини амалга оширди. Нон ва мой қурғоқчилик пайтида унинг уйида тугамаган (3-Шоҳлар 17).

Худо юборганлардан ушрни ва қурбонликларни ушлаб қолиш орқали биз фақат ўзимизга зиён келтираемиз, чунки шу орқали биз Худони обрўсизлантираемиз. Унинг Ўзи пайғамбар орқали дейди:

Инсон Худодан нарса ўғирлашга жаръат қиладими?! Аммо сизлар Менинг нарсамни ўғирлаясизлар! Яна «Нимангни

Ўғирлабмиз?” деб сўрайсизлар. Ушр ва эҳсонларимни ўғирладингиз.

– Малаки китоби 3:8

Агар менинг олдимда танлов қўйилганда, мен Худонинг нарсасини ўғирлашдан кўра банкни ўғирлаган бўлардим. Нима учун? Чунки мен инсондан кўра кўпроқ Худодан қўрқаман. Мен шундай танлов қилишим керак эмаслигидан хурсандман. Мен ҳеч қачон қароқчи бўлишни истамаганман. Худо: «Менинг нарсамни ўғирлаяпсизлар!» деяпти. У: «Менинг хизматкорларимнинг нарсасини ўғирлаяпсизлар!» деб айтмаётганига эътибор беринг. Йўқ, биз Унинг хизматкорларига ушр ва эҳсонларни бермасдан, Худонинг нарсасини ўғирлаяпмиз. Унинг давомида айтган сўзларини эшитинг:

«Қани, омборхонага ушрни беками кўст қилиб олиб келинглар. Хонадонимга озуқа келтиринглар. Шу йўл билан Мени синаб кўринглар, дейди Сарвари Олам. Шунда кўрасизлар, Мен осмон қопқаларини очаман. Сизларга марҳаматимни сероб қилиб ёғдираман. (инглизча таржимада — уни қабул қилиб олиш учун етарли жой топилмайди)».

– Мал. 3:10

Эътибор беринг, Худонинг Ўзи берилган ушр учун барака шу қадар улкан бўладики, «уни қабул қилиш учун етарли жой топилмайди» дейди. Демак, барака сиғмайдиган даражада сероб маҳсулот бўлади. Йиллар давомида хизматкорларнинг Худо биз сиғдира олмайдиган даражада пул маблағлари ва мулк билан баракалаши ҳақидаги ваъзларини эшитиб келдим. Мен бу фикрга эътироз билдирмоқчиман. Пул – бу сиғдириш мумкин бўлган маҳсулотдир. Агар мен дунёдаги ҳамма пулга эгалик қилганимда эди, мен уларни сиғдиришга жой топа олган бўлар эдим. У ҳолда Худо бизнинг назрларни беришимиз орқали оладиган мукофотимизни сиғдира олмаслигимизни айтиб нимани назарда тутган бўлиши мумкин? Бу саволга жавобни Ҳикматлар китобида топамиз:

Ўз бойлигинг (бу сизнинг хизматкорларга берган назрларингиз ёки эҳсонларингиз), биринчи ҳосилинг (бу сизнинг ушрингиз) билан Эгамизни улуғла. Шунда омборинг тўлиб-тошади, янги шаробинг етиб ортади.

– Ҳикматлар китоби 3:9, 10, қавсдаги сўзлар муаллифники

Омборлар — бу сизнинг маҳсулотларингиз сақланадиган жойдир. Улар сизнинг банк карталарингиз, жовонларингиз, ёқилғи бакларингиз, гаражларингиз ва ҳоказолар бўлиши мумкин. Бу жойда биз сиғдира олишимиз мумкин бўлган нарсаларни сақлаймиз. Шунинг учун У бизни пул маблағлари билан баракалайди. У ҳолда биз қандай баракани сиғдира олмаслигимиз мумкин? Оятларни ўқишни давом этганимизда, жавобни топамиз: «Янги шаробинг етиб ортади». Шароб идиши — бу шаробни сақлашга мўлжалланган катта идиш. Қаранг, бу Худонинг баракасини сиғдира олмайдиган ўша идишдир, чунки шаробнинг тошиб кетиши айтилган. Янги шароб нимани англатади? Муқаддас китобда шароб доим Муқаддас Рухнинг ҳузурини англатади. Худо бизнинг жамоат етакчиларининг жамоатларида ва хизматларида пул қурбонлиги бериб уларга назр қилиш орқали Худони қадрлаганимизда, биз Унинг янгиланувчи ҳузуридан иборат мукофотни олишимизни айтади! Бу мукофотлар орасида энг хурсанд қилувчи мукофотдир!

Мен кўп марта ўз етакчиларига пул маблағлари билан мўл-кўл эҳсон қилган имонлилар кейинчалик бой моддий баракаларга эга бўлишганининг ва кўп ишларни амалга ошира олганларининг гувоҳи бўлдим. Лекин бундан ташқари улар Худо ҳузури билан мўл-кўлликда юрганларини ҳам пайқадим. Нима учун бу сизни ҳайрон қолдириши керак, ахир буни Худо Ўз Каломида ваъда қилган, шундай эмасми? Бу ҳақиқатни тушуниш менинг қўйидаги саволга жавоб топишимга олиб келди: Чўпонларга ҳурмат кам бўлган ёки менга оддий ваъзхон сифатида муносабатда бўлишган жойларда мен Худонинг кучли ҳузурини сеза олмаганман. Одамлар шунчаки саховатли эмас эдилар. Лекин улар озодликка эришишлари билан Муқаддас Рухнинг ҳузури уларнинг жамоатида тобора кучли бўлиб борарди.

Агар сиз бу бобдаги ҳақиқатни ўзлаштирсангиз ва Каломни тўлиқ ўқиб чиқсангиз, Худо одамлари сахийлик билан берган ҳамма жойларда мўъжизалар, эркинлик ва нажот, Унинг ҳузури ва ривожланиш тўлиб тошади. Биз Худонинг баракасини сотиб олишга қодир эмасмиз, лекин бу Худонинг Ўз инояти билан бирлаштирган руҳий қоидасидир. Повул Македония жамоати ҳақида айтган гапларга қўлоқ солинг:

«Энди биродарлар, Худонинг Македониядаги жамоатларга кўрсатган инояти ҳақида сизларга айтмоқчимиз. Улар оғир кулфатларга йўлиқиб, синалган бўлсаларда, жўшқин бир

севинчга тўлиб тошдилар, ўта камбағал бўлсалар-да, юраклари сахийликка бой эканини кўрсатдилар. Улар ўз хоҳишлари билан, қўлларидан келганча, ҳатто имконларидан ортиқ ҳайр-эҳсон берганларига мен шоҳидман».

– 2-Кор. 8:1-3

Повул уларнинг сахийлигига Худо иноятининг бевосита натижаси сифатида қарайди. Айнан Унинг инояти уларга «имконларидан ортиқ» ҳайр-эҳсон бера олиш қобилиятини берган. Худонинг иноятини сотиб олишга қурбимиз етмагани каби, Худонинг бизга мойиллигини ҳам сотиб олишга имконимиз етмайди. Лекин биз учун уни олиш имкониятлари берилган. Худо Каломини ваъз қилувчиларга икки ҳисса молиявий ҳурмат кўрсатиш орқали, ўзимизни Худонинг инояти ва мойиллигини ўз ичига олган, Худо ҳурмат қиладиган мавқега чиқиб оламиз.

12-БОБ

Тенгдошларни ҳурмат қилиш

“Сизни ҳурмат қилган, Мени ҳурмат қилади, Мени ҳурмат қилган, Мени Юборганни ҳурмат қилади; ким пайғамбарни пайғамбар номи ҳақи ҳурмат қилса, пайғамбарнинг мукофотини олади; ким ҳақ кишини ҳақ киши номи ҳақи ҳурмат қилса, ҳақ кишининг мукофотига эга бўлади. Кимки бу кичиклардан бирига бир пиёла совуқ сувни шогирд номи ҳақи берса, сизларга ростини айтаман, ўз мукофотини йўқотмайди».

– Матто 10:40-42

Энди биз билан бир хил даражадаги кишилар тўғрисида гапиришга навбат келди. Биз уларнинг раҳбари эмасмиз, улар ҳам бизга раҳбар эмас. Исо бу гуруҳдагиларни шундай деб ифодаламоқда: “Ким ҳақ кишини ҳақ киши деб ҳурмат қилса, ҳақ кишининг мукофотини олади”.

Икки ҳиссали мукофот

Бу поғонадаги эҳтиромни яққол кўрсатадиган гувоҳликдан бошлашга ижозат беринг. Биз бир неча йилдан буюн оиламиз билан ҳар йиллик круизга борамиз. Бизнинг фарзандларимиз, мен ва Лиза бутун дунё бўйлаб, Худонинг Сўзини воизлик қилиш учун тез-тез сафарда бўлишимиздан ҳеч қачон нолимаганлар. Улар доим бизни қўллаб-қувватлаганлар ва бизнинг сафарларимизга иштиёқ билан ёндошганлар. Бизга ҳар йилнинг якунида махсус саёҳат кўринишидаги мукофотга имкон яратган Худонинг ғамхўрлиги жуда ёқди. Круизлар чоғида қўнғироқлар

ва электрон хатларни қабул қилмаслигимиз сабабли, ўғилларимиз шодланадилар. Биз келишиб олганмиз: Компьютерларни бир четга йиғштириб қўямиз ва умуман ишламаймиз. Биз бир ҳафта давомида тўлиқ уларга бағишланганмиз.

Бир неча йил олдин, саёҳатдан қайтганимизда, мен ходимлар билан иш юритадиган менежеримизга қўнғироқ қилдим. У менга ўта ёқимсиз хабарни етказди. Биз йўқлигимизда, бир таниш чўпон бизнинг муҳим ходимларимиздан бирини ўзига ишга олибди. Бу ходим китобларимизнинг чет эл тилларига таржимасига масъул эди. Унинг лавозими анча тайёргарлик ва билимни талаб этарди, чунки у бутун дунё бўйлаб, нашриётчилар билан ишлар эди. Улар билан алоқа ва муносабатларни ривожлантириш энг муҳим омил бўлиб, бу кўп вақтни талаб этарди.

Менинг кайфиятим тушди ва ўша чўпонга нисбатан пайдо бўлган оғир ҳисларим билан курашишимга тўғри келди. Биз бу ходимни ўргатиш учун тўққиз ой сарфладик, у эса ҳеч бўлмаса, одоб юзасидан, унинг кетиши бизнинг ташкилотимизга қандай таъсир кўрсатишини билиш учун ҳатто, қўнғироқ ҳам қилмади. Борди-ю у имонсиз бўлиб, дунёда ишлаганида ҳам, унинг қилган ишини тушунардим, бироқ етакчилар билан маслаҳатлашмасдан, бошқа хизматдаги ишчини ўзига ўтказиш, масиҳийликка тўғри келмайди. Боз устига, у менинг дўстим эди.

Бир неча кун давомида ибодатда, мен тўғридан-тўғри ғазаб ҳисси билан курашдим. Энди унинг ўрнига кимни оламан? Мен янги ходимни ўргатиш учун вақт йўқотишдан қўрқардим ва ёмон фикрлар билан курашдим. Мен унинг ишини тушунишга ҳаракат қилдим, бироқ унинг ҳатти-ҳаракатларида мантиқни топа олмадим. У нақадар эйтиборсизлик қилганини тушунмаса-я? Икки ёки уч кундан сўнг, Раббий ибодатда менга гапирди: “Ўғлим, Мен сен унга ўзингнинг янги соатингни беришингни истайман”.

Мен саёҳатимиз давомида Ямайкадаги магазиндан янги соат харид қилган эдим. Бу соатнинг маркаси “Citizen” бўлиб, у чиройли, янги ва қуёшдан қувват олиш хусусиятига эга эди. Мен кўп йиллар давомида ўзимга соат сотиб олмаган эдим, шунинг учун бу соатнинг янги ва муҳташам дизайнидан завқланиб юрган эдим. Лекин бунини Худо айтгани тўғриси, Унинг донолигини англаш учун кўп вақт керак бўлмади. У менинг юрагимга кириб олган ёмон фикрлардан озод бўлиш ва уни бошқага нисбатан эҳтиромга айлантириш учун имкон яратди. У мени

хафагарчиликдан ҳимоя қилди ва менинг Ўзи, ҳамда чўпон билан муносабатларимни асрарди. Ибодат қила туриб, жилмайдим, охирида кулиб юбордим. Мен икки Ўғлини ҳам қизиқишларини ҳимоя қиладиган Отанинг донолиги ва севгисидан лол қолдим. Унинг илтимосига рози бўлиб, чўпоннинг ишига нисбатан ғазаб ва норозилик шу заҳоти мени тарк этганини сездим. Бу етарли даражада тез содир бўлган озодлик эди. Мен Масихдаги биродаримга, менга қимматли бўлган нарсани бера олишимдан шодландим.

Келаси куни эрталаб, биз у билан телефонда гаплашиб олдик. Озодлик олганимдан сўнг, мен мулоқотга тайёр эдим. Ниҳоят, унинг хатоси ҳақида сўз очилди. У ўзини оқлади ва бу масалани ҳар томонлама ўйлаб кўрмаганини тан олди. Бизнинг суҳбатимиздан сўнг у ноҳақ эканини тушунди. Шундай бўлса ҳам, Худо менинг юрагимни тартибга солмаганда эди, даҳшатли ва зарарли кўнғироқ юз берарди.

Шу жойда қуйидагиларни айтишимга ижозат беринг: қарама-қарши туриш яхши, фақат бунга тўғри юрак билан иттифоқликда олиб бориш зарур. Бу ўзингизнинг эмас, бошқанинг фойдасини кўзлаши керак. Мен унга, қаерда хато қилганини айта туриб, унга нисбатан ҳаққоний севгим билан уни ўраб олдим, шу сабабли менинг тузатишимни қабул қилиш унга осон кечди. Бизнинг суҳбатимиздан сўнг, унинг офисига боришга ижозат сўрадим, розилик жавобини олгач, биз вақт белгиладик.

У мени ўз офисига қизиқиш билан кутиб турарди. Суҳбатимизнинг мавзуси ёпилган эди, у мен нима учун келганимни билишни истарди. Мен ўз истагимни амалга оширишни, унга соат ҳадя этишни хоҳлаганимни айтдим. У ҳайратда қолиб, деди: “Жон, менинг соатим йўқ эди, бу менга керак”. Мен бунга эшитиб, хурсанд бўлдим. Мен соатни кутисидан чиқариб бердим, у эса уни тақиб кўрди. Менинг билагим уникидан кичиклиги туфайли, соат унга кичиклик қилди, ортиқча ҳалқаларни эса Ямайкадаги заргарлик дўконига қолдириб келган эдик. Мен уни корхонадан буюртираман дедим. У бунга ўзим қиламан деб, мени тўхтатмоқчи бўлди, бироқ мен совғани бу ҳода беришни истамадим.

Ўша вақтдан бошлаб, биз олдингига қараганда, бир-биримизга аҳамиятли даражада яқинроқ бўлдик. Орамизда чуқур ҳурмат ҳисси бор. У бу соатни тақиб юрганини эсласам, завқланиб кетаман. Мен уни ўзимнинг эмас, унинг қўлида кўришни ёқтираман. Мен ўша кетган ходимимиз учун ҳам хурсандман, у ўз ишида олдинга ривожланиб

юрибди. Биз у билан бир неча марта учрашиб қолдик.

Бўлган иш бўлди-ю, бироқ биз янги ишчига муҳтож эдик. Мен Худо ғамхўрлик қилишини билардим ва шу сабабли, Унинг таъминоти учун эшикни очиқ ушлаб турдим. Мана нима содир бўлди. Бир неча ҳафта ўтиб, ходимлар билан ишлайдиган менежеримиз Дарси деган аёлни ишга олди. Мен у ҳақида гапирар эканман, уни она шер деб атайман. Бунгача мен мана шундай тарзда Худонинг Сўзини дунё бўйлаб барча имонлиларга етказиш истагига ва иштиёққа эга бўлган, санокли одамларни учратганман.

Бу лавозимга келган бошқа ишчилар, буйруқларни кутиб ўтиришарди, лекин Дарси бундай эмас. У ибодат қилиб, бизнинг китобларимизни чоп этишлари учун халқаро нашриётларга ўзи борар эди.

Олдинги ишчимиз яхши ишларди. У тўққиз ой ичида, китобларимизнинг бошқа тилларга таржимасини, ўн саккизта тилдан, йигирма учтага етказди. Дарси эса китобларимизнинг таржимасини, биринчи тўққиз ой ичида йигирма учта тилдан, қирқта чет эл тилигача кўпайтирди! Ҳа, сиз тўғри ўқидингиз. Олдинги ишчимиз ўзи ишлаган тўққиз ой ичида китобларимизнинг бошқа тилларга таржимасини бештага кўпайтира олди, Дарси эса худди шундай муддат ичида уч карра кўпроқ натижага эришиб, ўн еттита янги тилни кўшди. Ҳозирги кунда Дарсининг ҳаётидаги Худонинг инояти шарофати билан, бизнинг китобларимиз дунёнинг қирқ бешта тилига таржима қилинмоқда.

Мен бу менинг ходимимни ўзига ишга олган чўпонни ҳурмат қилганим натижасида содир бўлганига ишонаман. Биз мукофотимизни қўлга киритдик: Худонинг Сўзи тобора кўпроқ одамларнинг ҳаётида ёйилмоқда. Унинг ютуқларидан бири – дунёда Хушxabар учун ёпиқ бўлган, турли жойларига ўн минглаб китобларимизни етказиб бермоқда. Тўғриси айтсам, жойлардаги етакчилар таъқиб остида қолмаслиги учун, бизнинг китобларимиз етказиладиган айрим мамлакатлар ҳақида ҳомийларимизга айта олмайман. Худонинг Сўзи билан улкан миқдордаги одамларга етиб бориш имконидан яхшироқ мукофот йўқ.

Шундай бўлса-да, бу ҳали ҳаммаси эмас. Раббий менинг хаёлимга ҳам келмаган, яна бир мукофотни тайёрлаб қўйган экан. Бир неча ойдан сўнг якшанба куни эрталаб бир шаҳарда воизлик қилдим. Хизматдан сўнг чўпон билан тушлик қилгани бордик. Жамоатдан бир тадбиркор ҳам бизга қўшилиб борди. Ресторанда қўл юваётганимизда, бу тадбиркор менга савол берди: “Жон, сиз қандай соат тақишни ёқтирасиз?”

Ундан бундай саволни кутмаган эдим. Сал бўлмаса, йиқилиб кетай дедим ва ниҳоят, жавобан: “Буни билмаганингиз яхши” – дедим.

У қаттиқ туриб олди: “Йўқ, Жон, мен чиндан ҳам буни билишни истайман. Сизга қандай соат ёқади?”

Унинг мажбурлашидан жавоб беришга мажбур бўлдим: “Охирги пайтлар “Брайтлинг”ни орзу қиламан. “Брайтлинг” соатлари “Бентли Мотор Компани” бўлиниб кетгандан сўнг ишлаб чиқарилишни бошлади. Улар жуда қиммабаҳо бўлиб, уни харид қилиш унчалик осон эмас. Улар ҳамма шаҳарда ҳам сотилавермайди. Мен уни бир бегона кишининг қўлида кўрган эдим ва у менга ёқиб қолди. Унинг дизайни менинг диққатимни тортди ва шундай соатим бўлса яхши бўларди деб ўйладим. Мен самолетада учини ёқтираман (гарчи мен пилот эмасман), бироқ бошида “пилотлар” учун мўлжаллаб чиқарилган “Брайтлинг” соатлари менга ёқади. Бир марта катта шаҳарда шундай соатларни сотадиган дўконга кириб қолдик. Уларнинг нархи ақл бовар қилмас даражада қиммат эди ва улар менга ҳали ҳануз ёқишига қарамай, соат учун бундай катта пулни сарфламасликка қарор қилдим.

Тадбиркор менинг жавобимни эшитиб, кастюмининг енгини шимарди-да, яқинда сотиб олган “Брайтлинг” соатини билагидан ечишни бошлади, у “Navitimer” номли хронографли охирги модели эди. Уни менинг билагимга тақди ва жилмайиб: “Жон, бугун эрталаб сиз воизлик қилганингизда, Худо менга бу соатни сизга беришимни айтди” – деди. Мен бирор сўз дея олмай, қоққан қозикдек турардим. Борди-ю унга Худо айтмаганда эди, мен “Брайтлинг” соатини ёқтиришимни, у қаёқдан биларди? Яратувчи менга ёқимли кутилмаган совға – авиация услубидаги охирги русумдаги соатни тайёрлаб қўйган эди. Бу тадбиркорнинг қўлида айнан шу соат бўлишига, қанча умид бор эди? Ҳеч қанча.

Бир неча соат ўтиб, илк дамдаги ҳаяжондан ўзимга келиб, бир неча ой олдин ўзимнинг янги соатимни чўпонга ҳурмат юзасидан берганимни эсладим. Исо Ўз Сўзида айтганларини англаб, энди менинг кўзларим очилган эди, Исо жавобан менга ҳам эҳтиром кўрсатди. Унинг Сўзлари ёдингиздами: “Мени ҳурмат қилганни, Мен ҳурмат қиламан” (1-Шоҳ 2:30). Сиз эътироз билдириб: “Жон, сен Худони эмас, чўпонни ҳурмат қилдинг-ку” – дейишингиз мумкин. Исо айтган: “Ким менинг қулимни ҳурмат қилса, Мени ҳурмат қилган бўлади, Мени ҳурмат қилган эса Менинг Отамни ҳурмат қилган бўлади” (Матто 10:40).

Ҳар сафар соатимга қараганимда – бу китобни ёзар эканман, у ҳозир

хам менинг қўлимда – у менга Отамдан келган ажойиб инъомни эслатиб туради. Унинг инъоми, мен бу соатни ўзим дўкандан харид қилганимдан, анча қимматроқдир. Бу совға, агарда ўша инсон шунчаки менинг ёнимга келиб, уни совға қилганидан-да аълороқ. Гап соатда эмас, балки унинг ортида турган туйғуда. Худо унинг қулларини ҳурмат қиладиган, ҳар бир кишининг ҳаётида ҳам шундай қилади.

Муқаддас Руҳ билан ҳамкорликдаги севги

Шу жойгача ҳурмат – бу самимий севги экани ҳақидаги тушунчага етдик деб умид қиламан. Чинакам севгида юриш учун, муқаддас қўрқув ва шартсиз севгига эга бўлиш зарур. Бизга қуйидагича айтилган: “Севгингиз риёсиз бўлсин. Ёвузликдан жирканинглар, яхшиликка ёпишинглар. Биродарсеварликда бир-бирингизга нисбатан нозик ҳис-туйғуларга эга бўлинглар; ҳурмат қилишда бир-бирингиздан ўзиб кетинглар” (Рим 12:9-10).

Ушбу иккита оятда теран маъно яширинган. Биринчидан, Повул чинакам севгида иккиюзламачилик йўқлигини айтмоқда. Иккиюзламачиликнинг таърифи – бу “ўзининг асл табиати ва ниятларини яшириш” дир (Вебстер луғати, 1828-йил).

Бундай ҳатти-ҳаракатни шу аснода гавдалантираимиз: тасаввур қилинг, инсон ўзини ташқи томондан сизни ҳурмат қиладигандек тутуди, бироқ ичида сизни танқид қилади, ҳасад қилади ва ҳатто, сиздан нафратланади. Қўшма Штатларнинг ғарбий қисмидаги маданий анъаналар иккиюзламачиликнинг келиб чиқишига замин яратади. Биз ғарбча меҳмондўстлик, ғарблик илтифотли йигит ва танти қизлар ҳақида эшитганмиз. Ушбу сўзларнинг бари давлатимизнинг ғарбий қисмида яшовчи кишиларнинг хушмуомала ва ҳаққоний эканини назарда тутуди. Агарда кимдир, улар аслида бундай эмас, шундай яшашади, чунки улардан шундай яшаш талаб қилинади деб қолса, нима бўлади?

Бир замонлар мен ғарбдан бўлган бир нечта одамларга хушхабар айтган эдим. Улар бошқалар ҳақида, уларнинг йўқлигида қўпол гапларни гапирар, уларнинг олдида эса, уларга эҳтиром, севги ва ҳурмат билан муносабатда бўлардилар. Қўшма Штатларнинг бошқа қисмидаги одамларлар ўзларини ўзгача тутадилар. Улардан иккиюзламачиликни кутишмаслиги сабабли, ҳақиқатни юзингга гапиришга мойил. Бир марта шимоллик бир оила мени ўйидан қувиб юборгани, ёдимда. Агарда

сиз уларга ёқмасангиз, улар буни тўғридан-тўғри юзингизга айтишади. Уларни муғомбирликка ўргатмайдилар, аксинча рад этиб бўлмайдиган фактлар ҳақидаги воқеликка қарашга ўргатадилар.

Ҳаққоний ҳурматни фақат иккиюзламачиликсиз ифодалаш мумкин. Муғомбирлик билан эҳтиром кўрсатиш яхши эмас, бу ёлғонга олиб келади ва шак-шубҳасиз риёкор эҳтиромнинг эвазига ҳеч қандай мукофот олиб бўлмайди.

Повул бу мавзунини шу тарзда давом эттирмоқда: “Севгингиз риёсиз бўлсин. Ёвузликдан жирканинглар, яхшиликка ёпишинглар”. Ёвузликдан жирканиш ва яхшиликка ёпишиш – Раббийнинг қўрқувидир. Ҳикматлар китобида (8:13) айтилган: “Худонинг қўрқуви – ёвузликдан нафратланади”. Шундай қилиб, Раббийнинг қўрқуви бизни ёлғондан асрайди. У ўзимизни риёкор тутиш алдовидан қўриқлайди. Келинг, шу мавзуга доир Худонинг насиҳатларини ўрганамиз. Ишаъё буни тасдиқлаган: “Раббий деди: “Бу халқ Менга оғзи билан яқинлашиб, тили билан ҳурмат қилгани, лекин унинг юраги Мендан узоқ ва уларнинг Менинг олдимдаги эҳтироми инсоний амрларни ўрганишдир” (Ишаъё 29:13).

Ўрганиш сўзи “кўп такрорланадиган сўзлар ёки мазмунига ва қоидаларига диққат қилмай айтиладиган товушлар” маъносини англатади. Худо одамлар оғзи билан, қолаверса, Ишаъё китобининг бошқа оятида ёзилганидек, ишлари билан ҳурмат кўрсатиши, бироқ уларнинг юраклари узоқда бўлиши мумкинлигини таъкидлаган. Нега улар ўзларини бундай тутадилар? Раббийнинг қўрқуви йўқлиги туфайли, “улар Худо олдидаги эҳтироми” ёдлаб олинган одатлардан иборат. Бунга ўхшаш муносабатни кўпинча жамоатда кўриш мумкин. Биз хушмуомала бўлишга шу қадар диққат қаратганмизки, натижада, асл мақсадни кўздан қочирамиз: биз аслида юракдан гапиришимиз зарур.

Сизга бир мисол келтиришга ижозат беринг. Стив хизматга шошиб кетмоқда. У беш дақиқага кечикмоқда, у учун вақтида келиш ўта даражада муҳим. У одам лиқ тўла кўчадан бормоқда, тўсатдан йўлнинг у томонида кетаётган Жимга кўзи тушди. Жим қарама-қарши томонга кетаяпти ва у Стив билан бир жамоатга боради. Стив ўйлайди: “Эҳ, йўқ, Жим мени кўрмайди деб умид қиламан. У билан гаплашишга вақтим йўқ, боз устига бу одам билан мулоқотда бўлишни ёқтирмайман”.

Кутилмаганда уларнинг кўзлари учрашади ва Жим биродари билан саломлашиш учун йўлни кесиб ўтиб, у томонга юришни бошлайди. Стив шошилаётгани учун биринчи бўлиб гап бошлайди: “Жим, Худога шукур,

сени кўрганимдан хурсандман” – дейди.

Жим у билан саломлашади ва ундан ишларинг қалай деб сўрайди. Стив унга жавобан: “Ҳаммаси ажойиб, биласанми, мен хизматга шошилаяпман. Балки сенга бирор кун қўнғироқ қиламан ва бирор жойда биргаликда тушлик қиламиз?” – деб сўрайди. Улар ўз йўлларида давом этадилар.

Келинг, Стив ва Жимнинг қисқача сўхбатини кўриб чиқамиз. Биринчидан, у: “Худога шукур, сени кўрганимдан хурсандман” – деди. Стив аслида, бу пайт Худо ҳақида ўйламаган ҳам эди, у шунчаки масиҳий танишини кўрганида, ўзининг қувончи ва имонини ифодалаш мақсадида, шундай дейишга ўрганиб қолган. Иккинчидан, у Жимни кўрганидан унчалик ҳам хурсанд эмас эди, у Жим уни кўрмай ўтиб кетишига умид қилган эди. Бинобарин, биринчи гапиданоқ у, бир томчи ҳам айбдорликни ҳис қилмай, айёрлик қилди ва алдади.

Стив сўхбатнинг якунида: “Балки сенга бирор кун қўнғироқ қиламан ва бирор жойда биргаликда тушлик қиламиз?” – деди. У аслида, Жимга қўнғироқ қилиш ва бирор кун у билан тушлик қилиш нияти йўқ. Бу шунчаки ўзи тушиб қолган, ноқулай вазиятдан чиқиш йўли, холос. Бу ҳам яна битта ёлғон.

Стив ёлғон гапиришни олдиндан ўйлаб қўйганмиди? Ҳойнаҳой, йўқ. Нега у айтган ёлғонлари учун айбдорлик оғирлигини сезмайди? Чунки ҳаётида Раббийнинг қўрқуви йўқ ва у риёкорлик билан севишга ўрганиб олган. Бу ҳаёт тарзи ҳурмат ва севгини кўрсатиш учун ёдлаб олинган, бироқ бу аслида, бемаъни яшаш шаклидир.

Раббийнинг қўрқуви, Худо бизнинг ҳар бир фикримиз, ниятимиз ва айтган сўзларимизни билишини англатиб туради. Ҳатто ҳар бир беҳуда сўзимиз учун ҳукм куни ҳисобот берамиз. (Матто 12:23 га қаранг). Ёзувда шундай дейилган: “Эй, ўғилларим, келинлар, менга қулоқ солинглар. Сизларга Раббидан қўрқишни ўргатаман. Тилингни ёвузликдан ва оғзингни айёр сўзлашдан асра. Ёвузликдан четлаш ва яхшилик қил. Тинчликни изла ва унинг ортидан бор” (Сано 33:12, 14, 15).

Биз ҳақиқатда севишга даъват этилганмиз, лекин бунга биз иштиёқ билан истасак ва Раббийнинг қўрқувида юрсак, бу амалга ошади! Алданиш ва риёкорликда юриш, нақадар даҳшатли: ёлғиз Раббийнинг қўрқуви бизни ушбу тузоқдан асрайди.

Бошқаларни ўзимиздан устун қўйиш

Повул Римликларга Мактубда давом этиб, ёзган: “Биродарсеварликда бир-бирингизга нисбатан нозик ҳис-туйғуларга эга бўлинглар; ҳурмат қилишда бир-бирингиздан ўзиб кетинглар” (12:19). Ҳурмат бошқаларни афзал кўради, бошқаларни қадрлайди ва юқорига қўяди. Повул бу ҳақда бошқа мактубида ҳам айтган: Шундай қилиб, агар Масихдаги бирон юпанч, севгининг бирон тасаллиси, Рухнинг бирон мулоқоти ҳамда меҳр-муҳаббат ва шафқат сизларда бор бўлса, унда менинг қувончимни мукаммал қилинглар: бир хил фикрга ва худди ўша севгига эга бўлинглар, яқдил ҳамда ҳамфикр бўлинглар. Ҳеч нарсани рақобат ва шуҳратпарастлик билан қилманглар, лекин онгингизда камтар бўлиб, сизлар бир-бирингизни ўзингиздан устун ҳисобланглар. Ҳар ким фақат ўз манфаатини эмас, балки бошқаларнинг ҳам манфаатини кўзласин. Чунки Исо Масихда бўлган фикр юритиш сизларда ҳам бўлиши керак” (Филип 2:1-5).

Бошқаларни ўзидан юқори қўйиш – бу уларни ҳурмат қилишни англатади. Биз ҳар битта юриш-туришимизда бу ҳақда ўйлашимиз, фикр юритишимиз ва ибодат қилишимиз зарур. Агарда биз камтарлик ичимизда чуқур томир отишига имкон бериб, бошқалардан ўзимизни устун қўймасликка ўргансак, биз катта марҳаматда яшаймиз, бу эса ҳаққоний ҳурматни билдиради.

Повулнинг сўзларига эътибор беринг: “Исо Масихда бўлган фикр юритиш сизларда ҳам бўлиши керак”. Мен ёш масиҳий бўлганимда Раббий менга айтган сўзларини унутма олмайман. Мен машина ҳайдаб кетаётган эдим ва У менга деди: “Жон, Мен сени Ўзимдан юқори қўйишимни биласанми?”

Эшитган сўзларимдан анграйиб, ларзага тушдим ва Худога шак келтириш, ҳамда юрагимга мағрурликни экиш учун, бу сўзларни менга душман айтаяпти деб ўйладим. Қандай қилиб, бутун коинотни яратган Шахс, мендек қора ишчига, сени Ўзимдан қадрлироқ ҳисоблайман, дейиши мумкин? Мен:

“Йўқол шайтон, сен мени васвасага солаяпсан” – дейишни истадим. Бироқ юрагимнинг тубида, бу Исонинг овози эканини билардим. Лекин барибир бунга ишонч ҳосил қилишим зарур эди, негаки мен масиҳийлик ҳаётимнинг бошидан, Худонинг Сўзида “руҳларни синаб кўриш” ҳақида айтилганини билар эдим.

Фикрларимни жамлаб, дедим: “Раббий, Сен Янги Аҳддан учта тасдиқ бермагунингча, бунга ишона олмайман”. Менинг овозим титрарди, аммо мен тўғри қилаётганимни билардим.

Юрагимда Раббий менинг илтимосимни рад қилмаслигини тушундим. Аслида, У менинг илтимосимдан мамнун эди. У шу заҳоти шундай сўзларни айтди: “Филиппиликларга 2:3 да нима дейилган?” Мен бу оятни ёддан билардим, шу боис баланд овозда қайтардим: “Ҳеч нарсани рақобат ва шўхратпарастлик билан қилманглар, лекин онгингизда камтар бўлиб, сизлар бир-бирингизни ўзингиздан устун ҳисобланглар”. Исо: “Бу биринчи тасдиқ” – деди.

Мен эътироз билдирдим: “Раббий, Повул бу оятда бошқа нарса ҳақида гапирган, ахир. У Филиппиликларга, бир-бирини ўзидан устун қўйиши ҳақида айтилган. Бу жойда Сенинг менга муносабатинг ҳақида ёзилмаган”. Раббий шу заҳоти жавоб берди: “Мен фарзандларимга, Ўзим бажармайдиган нарсани айтмайман!” Мен ноҳақ эканимни тан олдим.

Сўнг У менга деди: “Кўп оилаларнинг муаммоси айнан шунда. Ота-оналар болаларидан, ўзлари риоя қилмайдиган нарсаларни талаб қиладилар. Аксарият ота-оналар фарзандларига жанжаллашманглар деб, ўзлари фарзандларининг олдида доим жанжаллашадилар. Кейин улар болалари нега жанжаллашишидан ҳайрон бўладилар. Мен эса бундай қилмайман”.

Мен қалбимда бироз ҳижолат билан дедим: “Бу фақат битта оят, менга яна иккита оят керак”. Кейин мен: “Хочда ким ўлди, сенми ёки Менми” – деб сўраганини эшитдим. Мен анграйиб қолдим.

Давомида: “Мен сенинг гуноҳларинг, касалликларинг, заифликларинг, қашшоқлигинг ва айбларингни олиб, хочга михландим, чунки Мен сени Ўзимдан устун қўйдим” (У Муқаддас Китобдан, Петрнинг биринчи Мактубига мурожаат қилаётган эди).

Мен ҳақиқатдан ҳам Раббийнинг овозини эшитганимни англашни бошладим. У менга Ўзидан юқори даражада эҳтиром кўрсатди (Ўзидан устун қўйди, аксинча бўлса, У менинг айбларимни Ўзига олмас ва менинг ўрнимга ўлимга бормас эди. Мен учинчи оят йўлда эканини билардим, шунинг учун савол бермай турдим ва юрагимда: “Мана учинчи гувоҳлик” – деганини эшитдим. “Биродарсеварликда бир-бирингизга нисбатан нозик ҳис-туйғуларга эга бўлинглар; ҳурмат қилишда бир-бирингиздан ўзиб кетинглар” (Рим 12:10). Шундан сўнг У менинг юрагимга: “Мен

кўплаб биродарларнинг ўртасида тўнғичиман ва менинг биродар, опа-сингилларимни Ўзимдан юқори даражада ҳурмат қиламан” – деди (Рим 8:29 га қаранг). Албатта, бу нафақат менга, балки барча биродар, опа-сингилларга ҳам тегишли. Нажоткоримиз, ҳеч муболағасиз, ҳар биримизни Ўзидан юқори қўймоқда. Бу Худонинг чинакам севгисидан дарак.

Сиз менга: “Жон, фақат Исо Масиҳ шундай қила олади” – дерсиз. Биз ҳеч қачон бундай сева олмаймиз. Қизиғи шундаки, бу бизнинг ҳам қўлимиздан келади. Муқаддас Рух бизнинг юракларимизга Худонинг севгисини жойлади (Рим 5:5 га қаранг). Бунинг тасдиғини Повулнинг сўзларида кўришимиз мумкин. Унинг сўзларига қулоқ солинг:

“Мен Масиҳда ҳақиқатни айтаяпман ва ёлғон гапирмаяпман, менинг виждоним ҳам Муқаддас Рухда менга гувоҳлик бераптики, менинг улкан ғамим ва юрагимда тинмайдиган дардим бор: Биродарларим, яъни жисман қариндошларим бўлган исроилликлар учун Менинг ўзим Масиҳдан ажралиб лаънати бўлишни хоҳлар эдим”.

– Рим 9:1-3

Мен Повулнинг бундай сўзларидан қалтираб кетдим. Муайян, бу сўзларда риёкорлик йўқ. У ўз қондошлари бўлмиш, эркак ва аёлларнинг қутқарилиши учун Масиҳдан, нажотдан, абадийликдан қуруқ қолишга тайёр эди. Қанақасига оддий одам шундай севги ва эҳтиромга эга бўлиши мумкин? Инсоний жиҳатдан бунинг имкони йўқ. Бошқа томондан, Повулни руҳлантирган Худонинг севгиси ёрдамида, бу имконли. У юрагида мана шундай севги ва эҳтиромни ўзида ривожлантира олди. Бу севги ўз халқи учун илтижосида, ташқарига чиқиб кетди. Агарда Повулнинг сўзлари ҳақиқатга мос келмаганда эди, Худо ҳеч қачон уни қоғозга битилишига йўл қўймаган бўларди. Ёзув битикларида иштирок этаётган инсон ёлғон гапира олмайди.

Юқоридан туғилган ҳар бир кишида Худонинг қобилиятлари борлигини энди тушунгандирсиз? Повул Римликларга Мактубда қатъий таъкидламоқда: “Бизга берилган Муқаддас Рух орқали Худонинг севгиси бизларнинг юракларимизга қўйилди” (5:5). Мана нима учун Исо шундай деган: “Сизларга янги амрни бераяпман: Бир-бирингизни севинглар. Мен сизларни севганимдек, сизлар ҳам бир-бирингизни севинглар” (Юҳ 13:34).

Бу янги амр эди, зеро Эски Аҳдда одамлар бундай севгида яшай олмас эдилар. Худонинг севгиси ҳали одамларга қўйилмаган эди. “Мен сизларни севганимдек” сўзларига эътибор беринг, У Ўзини биз учун тўлиқ бағишлади, У Отадан жудо бўлди, У: “Худойим, Худойим! Нима учун Сен Мени ташлаб кетдинг?” (Матто 27:46) – деб илтижо қилди.

У Ўз хоҳиши билан қашшоқлашди, бизга абадий ҳаёт бериш учун бир қанча вақтга Худодан ажралди. У бизга юқори даражада эҳтиром кўрсатди. Повул ҳам ўз халқига эҳтиром кўрсата олди. Эй, Ота, бизга ҳам мана шундай севгида яшашга ёрдам бер! Сен бизни бунга қодир қилдинг, энди биз Муқаддас Рухнинг ёрдамида уни ривожлантиришимиз зарур.

Айнан манашу, менинг азиз биродар, опа-сингилларим, чинакам эҳтиром ҳисобланади: имонли биродарларни ва Исога муҳтож бўлган ҳаммани ўзимиздан устун қўйиш. Бу биз уларга қимматли, қадрли ва севимли деб қарашимизни билдиради. Бундай муносабат биз ўзимизни барча соҳада, жумладан хизматда, ибодатда ёки молиявий соҳаларда Худонинг Шоҳлигига топширишимизга замин яратади. Бу бизни Македонияликларнинг ишини такрорлашга ундайди. Улар Масихга ўхшар эдилар, Повул Коринфлик имонлиларни ҳаракатга ундаш учун, Македониялик имонлиларнинг севгисини намуна қилиб кўрсатди:

“Энди, биродарлар, Македониядаги жамоатларга берилган Худонинг инояти ҳақида сизларга билдириб қўймоқчимиз. Чунки улар азобларнинг шиддатли синовларида қувончга тўлиб тошмоқдалар, уларнинг ўта камбағаллиги эса уларнинг ҳимматининг бойлигига тўлиб тошмоқда. Улар кучлари борича, ҳатто кучларидан ҳам ортиқ ихтиёрий берувчилар эканликларига мен гувоҳман. Улар шу иноятни ва муқаддаслар учун хизматда иштирок этишларини қабул қилишимизни биздан кўп ўтиниб сўрадилар. Боз устига, нафақат биз умид қилганимизни, балки ўзларини ҳам олдин Раббийга, кейин эса Худонинг иродаси бўйича бизга бағишладилар. Шундай қилиб, Титус сизларда бу иноятни бошлаганидек, биз ундан бундан охиригача етказишини илтимос қилдик. Сизлар эса ҳамма нарсада: имонда ва Сўзда, билимда, ҳар қандай ғайратда ва бизга бўлган севгингизда тўлиб тошганингиздек, бу иноятда ҳам тўлиб тошинглар. Мен бундан сизларга буйруқ сифатида айтмаяпман, лекин бошқаларнинг ғайрати билан севгингизнинг самимийлигини синаб кўраяпман. Чунки

сизлар Раббимиз Исо Масихнинг иноятини биласизлар: У бой бўла туриб, сизлар учун камбағал бўлди, токи сизлар Унинг камбағаллиги туфайли бой бўлинглар. Бу ҳақида мен сизларга бир маслаҳат бераман, зеро сизлар, яъни буни нафақат қила бошлаганлар, балки ўтган йилдан буён буни хоҳлаганлар учун бу фойдалидир. Энди эса ғайрат билан бажармоқчи бўлган ишингизни бориға яраша охиригача бажаринглар. Чунки агар ғайрат бўлса, унда бирор кишида йўғига қараб эмас, балки бориға яраша қабул қилинади. Бошқаларга енгиллик, сизларга эса оғирлик бўлиши эмас, балки тенглик бўлиши керак. Ҳозир сизларнинг тўқчилигингиз уларнинг етишмовчилиги учун, кейин эса уларнинг тўқчилиги сизларнинг етишмовчилигингиз учун бўлади, токи тенглик бўлсин”.

– 2-Кор 8:1-14

Коринфдаги масиҳийларни, имонлиларнинг юрагига қуйилган Худонинг севгисида яшашга ундаш учун, Повул Македониялик имонлиларнинг, муҳтожликда бўлганларга нисбатан эҳтиромини мисол қилиб олди. Бизнинг юракларимизда Худонинг севгиси бор. Буни юзага чиқариш учун Муқаддас Руҳ билан ҳамкорликда бўлишимиз зарур. “Бу менинг ҳаётимда ишламайди, бу менинг қўлимдан келмайди” – деманг. Бу сизга тўлақонли ҳаёт кечиришга тўсиқ бўлади ва сизни қувончдан маҳрум қилади, қолаверса, бу сиз нафақат шу дунёда, шунингдек, самода ҳам ўз мукофотингизни қўлга киритишга йўл қўймайди. Абадийликда бўлганингизда, тўғри йўл тутганингиз учун хурсанд бўласиз.

13-БОБ

Бизга ишониб топширилганларни ҳурмат қилиш

“Ким сизни ҳурмат қилса, Мени ҳурмат қилади, Мени ҳурмат қилган киши, Мени Юборганни ҳурмат қилади; пайғамбарни пайғамбар номи ҳақи ҳурмат қилган, пайғамбарнинг мукофотини олади; ҳақ кишини ҳақ киши номи ҳақи қабул қилган, ҳақ кишининг мукофотига эга бўлади. Кимки бу кичиклардан бирига бир пиёла совуқ сувни шогирд номи ҳақи берса, сизларга ростини айтаман, ўз мукофотини йўқотмайди».

– Матто 10:40-42

Биз бу бобда бизга ишониб топширилган, бизнинг қўл остимиздаги одамлар тўғрисида гап юритамиз. Бу гуруҳ одамлари Исонинг қўйидаги сўзлари билан таърифланган: “Кимки бу кичиклардан бирига бир пиёла совуқ сувни шогирд номи ҳақи берса, сизларга ростини айтаман, ўз мукофотини йўқотмайди».

“Кичиклар”

Ёзувда “кичиклар” ибораси, ёш болалар ёки бизнинг қарамоғимизда бўлган кишилар деб тушунилади. Кейинги бобда болаларни ҳурмат қилишни синчиклаб ўрганамиз. Аксарият “кичиклар”га нотўғри муносабатда бўладилар ёки ҳатто, улардан юқори бўлган одамлар,

уларни камситадилар. Бу Худони ғазабини келтиради, зеро Исо бу ҳақда равшан қилиб огоҳлантирган:

“Лекин ким Менга ишонган шу кичиклардан бирини васвасага солса, унинг бўйнига тегирмон тошини осиб, денгиз тубига улоқтириш у учун яхшироқ бўлар эди. Васвасалардан дунёнинг ҳолига вой! Чунки васвасалар келиши муқаррар. Лекин ким орқали васваса келса, унинг ҳолига вой! Қаранглар, шу кичиклардан бирини хор қилманглар. Чунки сизларга айтаман, осмонда уларнинг фаришталари ҳар доим осмондаги Отамнинг юзини кўриб туради”.

– Матто 18:6,7,10

Нақадар кўзни очадиган огоҳлантириш! Исо “ҳолига вой” деганда, ростдан ҳам “ҳолига вой” бўлишига ишониш маъқул. Нега у бу қадар қатъий гапирмоқда?

Худо бизга ҳокимият ато этади. Унинг Ўзи севги, Ундан келадиган ҳокимият севги ва ҳимоя учун берилади. Агарда бунинг ўрнига, ҳокимият суиистеъмол қилинса ёки у зарар келтиришга ва устунликка олиб келса, бу Худони очиқчасига ҳақоратлайди. Сиз: “Ҳа, лекин бу Худони эмас, Унинг халқинигина ҳақоратлашга киради” – дейишингиз мумкин. Йўқ, асло! Чунки Исо: Сизларга ростини айтаман, Менинг шу кичик биродарларимдан бирига нимаики қилган бўлсангиз, шуни Менга қилдингизлар” – деган (Матто 25:40). Биз Исога қандай муносабатда бўлсак, бизга топширилган одамларга ҳам, айнан шундай муносабатда бўлаемиз. Сизнинг фарзандларингиз, турмуш ўртоғингиз, ишчингиз, талаба ва шунга ўхшаш одамлар ҳақида гап кетганида, буни ёдингиздан чиқарманг.

Ҳокимият берилган одамлар, ўз қўл остидаги кишиларнинг тартиб-интизом ва таълим-тарбиясига масъул. Айрим етакчилар “кичиклар”га хато қилишларига қўйиб берадилар. Улар буни вақтида тузатмайдилар. Ўз-ўзига қўйиб берилган бола, борди-ю уни тузатмаса, ҳойнаҳой, нотўғри йўлдан кетади. Повул Коринфликларга Мактубда илоҳий интизомнинг аҳамиятини кўрсатмоқда:

“Раббий бизга сизларни барбод қилиш учун эмас, балки барпо қилиш учун берган ҳокимият ҳақида мен янада кўпроқ мақтанганимда ҳам, уятда қолмас эдим”.

Повулнинг Коринфликларга ёзган хатини ўқиб, у имонлиларни тарбиялашда матонатга эга бўлганини тушунамиз. У “кичиклар”ни тузатганда ва уларни шуғуллантирганда, уларни қадрлаган. У ҳокимият – барпо этиш, хизмат қилиш ва ҳимоялаш учун берилганини яққол таъкидлаган.

Ўзингиздан раҳбар сифатида сўранг: “Бу менинг ниятимга кирадимми?” Агар сиз “кичиклар”ни ҳурмат қилсангиз, уларга хизматда ва асраб-авайлашда бўлсангиз, сизнинг ниятингиз тўғри, сиз жоиз бўлганида, уларни тарбиялайсиз.

Бунинг бошқа томони ҳам бор. Аксинча йўл тутадиган одамлар ҳам бор. Улар ўз ҳокимиятидан худбин мақсадларда фойдаланадилар. Мен бунини шундай одамларга дуч келган “кичиклар”га қарата гапираяпман. Бундай етакчиларнинг тузатишлари хавфли. Уларнинг юрагида қарамоғидагиларга нисбатан севги йўқ. Улар бу севгини ибодат ва мулоҳаза юритиш билан, ғамхўрлигидаги кишиларнинг муваффақиятини кўришнинг қайноқ истаги билан ривожлантирмаганлар. “Кичиклар” хатога йўл қўядиларми? Албатта. Шунчаки ўзингиз ҳам ёш ва ёр бўлганингизни эсланг, ёки бунини шу қадар тез унутдингизми? Мен ўзимдан юқорида турганлар учун доим синов бўлганман. Мен аҳмоқона хатоларга ва гуноҳларга йўл қўйганман. Мен қизиққон ва қўпол бўлганман, ғалати ишларни қилганман ва ўрни бўлмаган пайтларда ножўя гапларни айтганман. Менинг етакчиларим, мендан юз ўгирмаганидан миннатдорман.

Ёдимда бор, бизнинг хизматимизнинг бошида, мен рафиқам билан ишчиларимизни шуғуллантирганмиз. Ўша пайтда уларнинг сони камчиликни ташкил қиларди. (Мен бу китобни ёзар эканман – бизнинг ишчиларимизнинг сони элликтадан ошади). Биз бошида уларнинг хатоларидан хафа бўлардик. Мен Лизага шундай сўзларни айтдим, бу сўзлар пайғамбарчилик сўзи бўлиб хизмат қилганига ва иккимизга ҳам тузатиш ҳамда тушунча олиб келганига ишонаман. “Лиза, Худо бизга берган одамларга, биздан ҳеч нарса зарур бўлмаса, нега Худо уларни бизнинг қарамоғимизга берди?” Биз иккимиз ҳам тушунганлигимизнинг белгиси сифатида бошимизни чайқаб, тасдиқладик.

Жамоатдаги етакчилик

Мен кўп йиллар давомида минглаб жамоатлараро сафарларда, турли хил етакчилар гуруҳи билан танишдим. Мен, айниқса, ижодкорлик туйғусига эга етакчилардан мамнунман. Улар Худонинг уйини анъанавий

услуглардан ҳоли равишда қурадилар. Уларнинг услубларини дунёдагилар тушунади. Улар имонсизлар ўзини қулай ҳис қиладиган муҳит яратадилар, замондан ортда қолган анъаналар эса ҳозирги одамлар учун ёт бегона. Улар расмий кийимлардан, йигирма йил олдинги қўшиқлардан ва жамоатнинг махсус тилидан фориғ бўлишга уринадилар. Улар жамоатдаги воқеалардан хабардор қилиш ва бошқа кўплаб нарсалар учун, оддий эълонларнинг ўрнига, мультимедиадан фойдаланадилар. Шахсан мен бу Худодан келган донолик деб ҳисоблайман.

Мавзудан биров чекиниб, қўйидагиларни айтмоқчиман. Худо одамларга қулай услубларга қарши эмас, бироқ одамларга қулай бўлиши учун ўзгартирилган мактубларга қарши эканини унутманг. Повул аниқ таъкидлаган: “Энди мен инсонларнинг маъқуллашини излаяпманми ёки Худонингми? Одамларга ёқишга интилаяпманми? Агар мен ҳали ҳам одамларга ёқишга ҳаракат қилганимда эди, унда Масихнинг қули бўла олмас эдим” (Гал 1:10).

Одамларнинг сонини кўпайтириш йўлида, ҳеч қачон Худонинг Сўзига зид ишларни қилманг. Сиз бу билан қалбаки масиҳийлар подасини яратасиз, бу одамлар эса ҳукм қуни Исодан: “Мен ҳеч қачон сизларни билмаганман; Менинг олдимдан кетинглар” – деган сўзларни эшитиш хавфи остида бўлади (Матто 7:20-23). Уларнинг қони сизнинг қўлингизда бўлади. Повул бир гурӯҳ имонлиларга қарата: “Мен фойдали бўлган ҳеч бир нарсани ўзимда тутиб турмасдан, сизларга эълон қилар ва халойиқ олдида ҳамда ўйларда таълим берар эдим. Мен Худонинг олдида тавба қилиш ва Раббимиз Исо Масиҳга имон келтириш ҳақида яҳудийларга ҳамда юнонларга гувоҳлик берар эдим” – деб айтган (Ҳав 20:22-23). Биз Ёзувдан нуқул ижобий оятларни эълон қилибгина қолмай, шунингдек, одамларни огоҳлантиришимиз ва тузатишимизни зарур (Кол 1:28 га қаранг).

Исо бизга равшан тарзда Муқаддас Рух “дунёни ҳукм ҳақида фош қилади” деб айтган (Юҳ 16:8). Ўзининг одамларга маъқул мактублари тўфайли, гуноҳда яшайдиган кишиларни фош қилмайдиган жамоат, Ваҳий китобида ёзилган Лаодикия жамоатидан ҳечам фарқ қилмайди. Бу жамоат Муқаддас Рухга Исонинг ҳузури орқали илоҳий тозаланиш олиб келишга руҳсат бермагани сабабли, Унинг юзидан қувилиш бўсағасида турган эди. Оқибатда У бу жамоатга: “Эшик олдида туриб, тақиллатаяпман” – деб айтди (Ваҳий 3:20). Бу одамларга маъқул бўлишни кўзлайдиган мактубнинг, ҳаддан ташқари даражадаги хавфини кўрсатади.

Повул одамларнинг кўнглини олиш учун қурилган услублар борасида қуйидагиларни айтган:

“Мен ҳамма одамлардан озод бўлсам ҳам, кўпроқ одамга эришиш учун ўзимни ҳаммага қул қилдим. Мен яҳудийларга эришиш учун яҳудийларга яҳудийдек бўлдим. Мен Қонун остида бўлганларга эришиш учун уларга Қонун остида бўлгандек бўлдим; қонунсизларга эришиш учун уларга қонунсиздек бўлдим. Лекин мен Худо олдида қонунсиз эмасман, аксинча, Масихнинг Қонунига бўйсунаман. Мен заиф бўлганларга эришиш учун заифларга заифдек бўлдим. Шундай қилиб, мен баъзиларни қутқарай деб, ҳамма учун ҳамма нарса бўлдим”.

– 1-Кор 9:19-22

Ушбу сўзларни чуқур ўйлаб кўринг: “Мен баъзиларни қутқарай деб, ҳамма учун ҳамма нарса бўлдим”. Бир неча йил аввал, юзлаб чўпонларнинг қаршисида воизлик қилар эканман, уларга ўз хизматига меҳмон сифатида кириб, жамоатдан йироқ бўлган одамнинг кўзи билан хизматига қараб кўришни сўрадим. Сўнг мен: “Агарда сиз самимий ва очиқ бўлсангиз, шундан кейин, хизматингиздаги кўп нарсаларни ўзгартирасиз” – дедим.

Биз Масихнинг Танасида ахборот манбалари ва янги технологиялардан фойдаланишда илдам қадам ташлашимиз зарур. Дунё бизнинг ижодкорлигимиз ва янги очиқликларимиздан руҳланиши лозим. Нега дунё ўз фаолиятида энг яхши нарсаларга эга бўлиши, Худонинг Шоҳлиги эса иккинчи даражада туриши керак? Йўқ, Дониёр ва унинг яҳудий дўстлари, бошқа йигитлардан донороқ бўлгани каби, биз ҳам янги очиқликларни жорий этишимиз керак.

Келинг, Худонинг Сўзини Муқаддас Руҳнинг кучида, ҳақиқатдан четга чиқмасдан гапирамиз, бироқ уни имонсизларга етказиш осон бўладиган тарзда яратамиз. Бизнинг мактубимиз қутқарилмаган одамларни фош қилиши зарур. Биз Исо Масихга тўлиқ итоатга чақиришимиз керак, бу гуноҳдан, худосизликдан, дунёвий истаклардан тавба қилиб, ўз ҳаётини Исо Масихга, юз фоиз бағишлаш ва Унинг ортидан юришни назарда тутати. Биз буни хурсандчилик ва новаторлик ғоялари билан амалга оширишимиз мумкин. Масихий бўлиш – иштиёқ ва ижодкорликни йўқотиш эмас. Йўқ, боз устига, биз Масихда ушбу сифатларни мўл-

қўл тарзда қўлга киритамиз. Агарда биз “кичикларни” ҳурмат қилсак, ижодкорлик билан фикр юришиб, янги ғояларни қидиришга вақт ажратамиз. Бу Худонинг қалбига маъқул.

Далда бериш ёки эзиш

Петр жамоат етакчиларига айтган гапларга қулоқ солинг:

“Мен Масих чеккан азобларнинг гувоҳи ҳамда Унинг очиладиган шўҳратига шерик бўлган жамоабоши (чўпон ва жамоатдаги бошқа етакчилар), ўзимга ўхшаган сизларнинг жамоабошиларингиздан ўтиниб сўрайман: сизларда бўлган Худонинг подасини яхши боқинглар (озиқлантиринглар, ғамхўрлик қилинглар, йўналтиринглар). Уларни мажбуран эмас, балки ихтиёрий равишда, разил манфаатпарастлик (манманлик, ҳукмронлик, буйруқ берувчилик) билан эмас, балки ғайрат билан назорат қилинглар. Худонинг мероси устидан ҳукмронлик қилманглар, аммо подага (жамоатга) намуна (мисол, андаза) кўрсатинглар”.

– 1-Пет 5:1-3

Йигирма биринчи асрдаги жамоатда турли хил етакчилик оқимларини учратиш мумкин: анъанавий, тараққиётга юз тутган, қонунга жиддий риоя қиладиган гуруҳ бўлиб бошқарадиган, якка ҳолда бошқарувни қўлига олган, ҳуқуқларга эга бўлган, назоратчилик тусини олган. Бу рўйхатни давом эттириш мумкин. Шунга қарамай, уларнинг барини икки тоифага бўлишимиз мумкин: руҳлантирадиган ва эзадиган. Фарқни етакчининг юраги белгилайди.

Айрим раҳбарлар ташқи томондан маҳсулдор кўриниши мумкин, бироқ улар ўз ортидан калтакланган, ярадор ва ҳатто, ўлик издошларга эга. Бошқа томондан, иккинчи турдаги етакчилар улардан кўра камроқ нарсаларга эришган бўлса ҳам, ортидан кетаётганларни руҳлантирадидилар. Бунинг муҳим сабаби етакчининг юрагида ҳурмат бор ёки йўқлигига бориб тақалади.

Ўз мақсадига диққат қаратган эркалар ва аёллар, шу икки услубнинг биридан фойдаланиб, хизматларини қурадидилар. Юрагида эҳтиромга эга бўлмаган етакчи, “кичиклар” учун васваса бўлади. У одамларга, унинг режаларига хизмат қиладиган велосипедга қарагандек қарайди. Одамларни

руҳлантирадиган ҳаққоний етакчи, ўз мақсадларига эса, одамларга хизмат қилишга белгиланган велосипеддек қарайди. Бундай етакчи қўл остидагиларни ҳурмат қилади. Одамнинг юрагидаги ниятлар, нақадар ҳар хил натижаларни келтириб чиқариши, ҳайратли. Исо шундай деган: “Донолик ўз натижалари томонидан оқланади” (Матто 11:19 замонавий таржима). Мен айрим жамоатларда руҳан ҳолдан тойган одамларни кўрсам, бошқа жамоатларда эса соғлом кишилар ва оилаларга хизмат қиламан. Ҳаммаси уларни эъозлайдиларми ёки йўқлигидан келиб чиқади.

Ҳурмат қиладиган раҳбар одамларни ривожланишга руҳлантиради. Бундай раҳбарнинг энг катта қувончи – унинг одамлари Раббий билан яқинликда юришини ва ўз даъватида гуллаб-яшнаётганини кўришдир. Масиҳийлик ҳаётидаги ушбу энг муҳим жиҳатнинг бирикмаси, ҳақиқатда юриш деб аталади. Ҳаворий Юҳаннонинг, қарамоғимиздаги одамлар ҳақида айтганларига қаранг: “Зеро биродарлар келиб, сенинг содиқлигинг, яъни сенинг ҳақиқатда юрганнинг ҳақида гувоҳлик берганларида мен ниҳоятда қувондим. Мен учун менинг болаларим ҳақиқатда юрганликларини эшитишдан ортиқ қувонч йўқдир” (3-Юҳ 1:3,4).

Ҳақиқатда юриш – Яратувчини билиш ва Унга хизмат қилишдир. Исо ҳукм куни, Унинг номи билан улкан ишлар қилган одамлар бўлиши, бироқ У бу одамларга: “Менинг олдимдан кетинглари, Мен сизларни ҳеч қачон билмаганман” – дейиши ҳақида айтган. Улар муҳим нарсани – Худони шахсан таниб-билишни кўздан қочирдилар. Худонинг хизматчилари У билан муносабатини шубҳа остига қўймайдилар.

Раббийни таниб-билган иккинчи турдаги имонлилар ҳам бўлади, бироқ У улардан норози бўлади. Улар Худонинг уйини қуришда, ўз вазифасини бажариш учун инъомларга эга эдилар, бироқ улар ўз масъулиятига эътиборсиз бўлдилар. Раббий, ўз қобилиятларини кўмиб қўйганларга қарата: “Ёмон ва дангаса қўл!” – дейди.

Ҳар бир имонли Худо уйини қуришга даъват этилган. Эфесликларга 2:10 яққол таъкидлаган: “Зеро биз Худо азалданоқ тайёрлаган яхши ишларни бажаришимиз учун Исо Масиҳда яратилган Унинг ижодимиз”. Биз нафақат кимдир бўлиб етишиш учун яратилганмиз, қолаверса, ниманидир бажариш учун ҳам бу дунёга келганмиз. Афсуски, одамлар бу таълимотда миёрни билмайдилар.

Мен имонлилар: “Нима қилаётганимиз эмас, кимлигимиз муҳим, биз роботлар эмасмиз, биз инсонлармиз” – деганларини эшитганман. Бу яхши сўз ўйини, бироқ бу мувозанатга эга бўлмаган масиҳийлик

ҳаётининг таърифидир. Ҳа, биз имонли бўлгач, юкни олиб юришни бас қиламиз. Шундай бўлсада, Ёзув бизга, нажотни қабул қилган кунимиздан бошлаб, Унинг юкига қўшилишимизни айтган. Биз имонимизнинг исботи сифатида ҳосиллар келтирамиз (Ёқуб 2-бобга қаранг). Бундай таълимот биз нимага чақирилганимизни четда қолдириб, нуқул кимлигимизга урғу беради. Бу одамларни бир ҳафтада бир марта жамоатга бориш билан кифояланиб, Худонинг ўйида томир отиб, фаол бўлишга тўсиқ қўяди. Бундай таълимотда тарбияланган имонлиларни, ҳукм кунда кўнгилсиз нарсалар кутади. Биз Исо Масихда аниқ вазифаларни амалга ошириш учун яратилганмиз. Бу ишлар, биз ҳали онамизнинг қорнида бўлганимиздаёқ белгилаб қўйилган. Биз ўзимизга юкланган вазифалар учун ҳисобот берамиз (Сано 138:16).

Ўз қарамоғидагиларни эъозлайдиган раҳбарнинг мақсади – “кичиклар”ни ҳақиқатда юриши ва олдинга ҳаракатланаётганини кўришдир. Чинакам ота-оналар, фарзандлари муваффақиятда, улардан ўзиб кетишини истайдилар. Исо биз У яратган ишлардан ортиқроғини бажаришимизни хоҳлашини айтган. Биз ҳам ортимиздан келаётганларга нисбатан шундай юрак ҳолатига эга бўлишимиз зарур. Раҳбарлар юракларида, ушбу мактубни ёзган ҳаворий Юҳаннодек, уларга эргашаётган одамлар, ҳақиқатда юришини кўришни ишташлари керак. Бизни айнан манашу нарса қувонтириши жоиз. Бу ҳақда ўйлаб кўринг.

Ҳаққоний раҳбар доим, ўзининг ишлари учун шарафни, унга хизмат қилаётганларга беради. (Шубҳасиз, барча мукофот, ҳурмат, миннатдорчилик ва шараф ёлғиз Худога тегишли, лекин Худо одамлардан фойдаланишини унутмаслигимиз керак). Раҳбар жамоа аъзоларига мақтовлар билан эҳтиром кўрсатади. У юзаки мақтамайди, лекин бу юракдан чиқади. Мен раҳбар сифатида доим, бизнинг мақсадимизни амалга оширишда ёрдам бераётган одамларни юқори даражада қадрлашга уринаман, мен уларга хизматимиз учун берилган инъомлар сифатида қарайман. Мен уларга нисбатан салбий фикрлардан ўзимни асрайман. Шу аснода, юрагимдаги эҳтиромни асрайман. Повул бизга дейди:

“Ниҳоят, биродарларим, нима ҳақиқат, нима рост, нима адолатли, нима пок, нима ёқимли, нима шарафли, нима эзгулик ва нима мақтовли бўлса, шулар ҳақида фикр юритинглар”.

Бизнинг никоҳимизда, менинг Лизадан кўнглим қолган пайтлар бўлган. Очиғини айтганда, мен бутунлай ундан норози эдим. Менинг унга бўлган нотўғри муносабатим ойлар давомида қурилиб келди. Мен кундан-кунга ёмон томонга ўзгарар эдим. Бир марта биз баҳслашиб қолганимизда, мен уйдан чиқиб, далага бордим. Мен у билан бир уйда қолишни истамас эдим. Унинг менга бўлган муносабатини тушунишни истардим, мен дала томон кетар эканман, бутун йўл давомида, бу ҳақда Раббийнинг қаршисида мулоҳаза юритар эдим. Далага етиб келгач, юрагимда шундай сўзларни эшитдим: “Ўғлим, Мен сенинг Лизанинг яхши томонлари ҳақида ўйлашинг ва улар учун Менга миннатдорчилик билдиришингни истайман”.

Шубҳасиз, мен ўша лаҳзада ўта салбий ҳолатда эдим. Шундай бўлишига қарамай, битта нарсани эслаш олдим. У яхши она эди. Таъбим хира чоғида бу рўйхат кенгайди деб ўйламагандим. Бироқ мен унинг бу сифати учун Худога миннатдорчилик билдирган заҳотим, онгимда унинг бошқа томони юзага чиқди. Мен яна Худога миннатдорчилик билдирдим. Сўнг, унинг яна бир яхши томони ҳақида эсладим. Шу тарзда бир қанча вақт ўтди ва охир-оқибат, мен рафиқам нақадар ажойиблигидан ҳайратлана бошладим. Қизиқ нарса содир бўлди, мен бизнинг вазиятимизга бутунлай бошқа назар билан қарашни бошладим. Бу менга, мен нақадар ношуд эр эканимни англаб етишимга ёрдам берди. Мен ўз ҳисларимни саришта қилиб, ҳамма нарсага бошқача кўз билан қарашни бошладим. Бу вазиятга Худонинг кўзи билан қарашни бошладим.

Мен уйга қайтиб, ундаги мен қадрлайдиган жиҳатларни санаб беришни бошладим. Мен гапиришда давом этардим, сўзларнинг ўзи юрагимдан оқиб чиқарди. Мен уйдан чиқиб кетаётганимда, у ўта жаҳлланган эди. бундай ҳолатдан сўнг, бизнинг дўстона муносабатимизни тиклаш учун бир қанча вақт керак бўлар эди. Бироқ унга билдирилган эҳтиром, тез орада ярашиб олишимизга сабаб бўлди. Ўша кундан бошлаб, бизнинг никоҳимизга шифо ва тикланиш келганини кўрдик. Бизнинг муносабатларимиз шу вақтдан бошлаб, ёмонлашишдан тўхтади.

Биз Филиппиликларга Мактубда 4:8 да ёзилганларини бажарсак, бизнинг фарзандларимиз, ишчиларимиз, талабаларимиз ва жамоатимиз аъзолари билан ҳам айнан шундай содир бўлади. Бизнинг қарамоғимиздагилар ҳақида фақат яхши, лойиқ ва ёқимли нарсаларни ўйлашимиз зарур. Улар Отамизнинг қаршисида нақадар қадрли экани

ҳақида ўйланг, ахир, улар Унинг қизлари ва ўғиллари. Улар ҳали нажот топмаган бўлсалар, Исо улар учун ўлгани учун қадрли экани ҳақидаги фикрга диққатингизни қаратинг. Шундай йўл тутиб, биз юрагимизни ҳурматсизликдан асраймиз. Шунда биз марҳамат топамиз.

Қайтараман, тузатишни ўрни келганида, биз бунга эътиборсизлик қилмаймиз. Биз тузатамиз ва тарбиялаймиз. Бизнинг ишчиларимиз, ўзимизда норозиликни олиб юрмаслигимизни биладилар. Биз жиддий бўлишимиз мумкин, бироқ шундан сўнг тез орада улар билан ҳазиллашишни ва биргаликда кулишни бошлаймиз. Мени бунга Худонинг Ўзи ўргатди. Биз Унинг тузатишларини қабул қилганимизда, У ҳеч кутмай бизни кечиради. У ўзида норозиликни кўтариб юрмайди. У бизда уят изини қолдирмайди, токи у бизга ҳамроҳ бўлиб юрсин, боз устига У бизнинг гуноҳларимизни кечирим кўлига кўмади. У биздан кутадиган ягона нарса, бу Унинг насиҳатларига итоатда бўлишимиз ва кейинги сафар бу хатони такрорламаслигимиздир. Отамизнинг бизга бўлган севги, ҳурмат ва умид муносабати, бутун ер-юзидagi қумлардек чексиздир (Сано-138).

Раҳбар “кичиклар”ни ҳурмат қилганида, бу билан унинг ғамхўрлигидаги одамларнинг ҳаётига Худонинг инъомларини олиб келади, бу эса ўз навбатида раҳбарнинг ўзига фойда олиб келади, зеро унинг мақсадлари биргаликда уюшган одамларнинг инъомлари орқали амалга ошади.

Мен учрашган айрим чўпонлар, ўз хизматчилари билан қандай гаплашишидан ҳайрон қоламан. Улар одамлар билан, худди овсарга гапиргандек, қўпол ва буюриш оҳангида гаплашадилар. Сўнг манашу чўпонларнинг ўзи: “Мен керакли ёрдамчи топа олмаяпман. Менга бошқа ишчилар керак” – деганини эшитганман. Бунинг ҳайрон қоларли жойи йўқ. Улар ўз одамларини қадрламайдилар, башарти, шу сабабли мукофотга эришмайдилар.

Масаланинг молиявий томони

Биз ўз раҳбарларимизни молиявий дуо қилсак, қўл остимиздагиларни ҳам молиявий дуо қилишимиз зарур. Бир неча йил илгари, Лизанинг ёрдамчисига унинг шахсий пуллари билан кўмаклашган эдим. Биз унинг ойлик даромади масаласини ҳал қилаётган эдик. Биз ўша вақтда ишчиларимизга, Колорадо-Спрингс амалдорлари томонидан белгиланган

Ўртача маошни тўлар эдик. Мен унинг харажатларини ҳисобладим ва унинг маошини барча харажатларни қопламаслигини кўрдим. Мен: “Сен бундай маошга кун кечира олмайсан” – деб юбордим. Ёнимда турган рафиқам ҳам, менинг сўзларимни тўлиқ тасдиқлади.

Мен кўп кутиб ўтирмай, молия раҳбаримизга қўнғироқ қилдим ва дедим: “Мен ҳозиргина Лизанинг ёрдамчисининг даромадини кўриб чиқдим. Биз унга кам тўлаяпмиз. Бизнинг бирорта ишчимиз баъзур учма-уч етказиб яшамаслиги керак. Мен барча ишчиларимизнинг йиллик маошини манашу даражага оширишимизни истайман (мен аниқ сўммани айтдим). Улар хат юборадими ёки қўнғироқларга жавоб берадими, бунинг фарқи йўқ.

Симнинг иккинчи томонида бир мунча сукунат чўқди, сўнг бош ҳисобчимиз деди: “Агар сиз шундай қилсангиз, сизнинг хизматингизда ишлашни истовчиларнинг сони кўпайиб кетади”.

Мен: “Бу муҳими эмас. Бизнинг ишчиларимиз биз билан биргаликда Худоба хизмат қилиш учун ҳаётини бермоқда. Улар яхши маош олишлари зарур”.

Ўша куни аксарият ишчиларимизнинг маоши ошди. Бу бутунлай кутилмаган ҳолат эди, улар бу янгиликни эшитиб, миннатдор бўлдилар. Ўша ҳафта бир ходимимиз ўз ўрнидан бўшамоқчи бўлиб турган эди. У Индианадаги ўз оиласига қайтиб кетишни режалаштирган эди, чунки унинг молиявий аҳволи ўта қийин ҳолатда эди. Ўша куни унинг йиллик маоши беш минг долларга ошди. У ишдан бўшамади.

Ҳозирда, йиллар ўтиб, у биз билан ишлашда давом этмоқда ва бўлимларимизнинг бирида бошлиқ мансабига кўтарилди. У бизнинг энг маҳсулдор ва қимматли ишчиларимиздан бири. У кўз ўнгимизда, ақл бовар қилмас даражада юқори поғоналарга кўтарилиб кетди. Мен агар у молиявий аҳволи туфайли ишдан кетганида, нима бўларди деб ўйласам, қалқиб кетаман.

Бизнинг мукофотимиз нафақат ўшбу ходим орқали намоён бўлди. Биз хизматимизнинг барча соҳасида ўсишни кўрдик. Ўша вақтдан бошлаб, ишчиларимизнинг маҳсулдорлиги кўп ҳиссага ошиб кетди. Биз самарадорликнинг янги поғонасига кўтарилдик. Биз ишчиларимизга эҳтиром кўрсатдик, бу бизга – янада кўпроқ маҳсулдорлик сифатида мукофот бўлиб қайтди.

Ўшбу мавзуга қисқача изоҳ келтираман. Олдин айтганимдек, ҳурматни

талаб қилиш, Худонинг юрагига зид нарса. Биз ҳурматни икки сабабга кўра исташимиз зарур: биринчидан, юрагимизда Худога ҳурмат бериш учун ва иккинчидан, бизни ҳурмат қилаётган кишилар, мукофот олишини билиб, буни улар учун истаймиз.

Мен ўз хизматимнинг бошида катта жамоатдаги чўпоннинг ёрдамчиси бўлиб ишладим. Бизга энг кам миқдордаги маош тўланарди. Бизнинг ойлик даромадимиз кундалик харажатларимизга тенг бўлиб, кийим ва мебел олишга пул ортмасди. Биз шундай маошга рози бўлдик – бизга шундай маошни таклиф қилишган эди. Биз талаб қиладиган ёлланма ишчи бўлишни истамадик.

Бир йил ўтди, маошимизнинг миқдори ўзгармади, сўнг иккинчи йил ўтди. Энди бизнинг битта эмас, иккита фарзандларимиз бор эди. Бизнинг харажатларимиз кўпайди, бироқ маошимиз эса бошида қандай бўлса, ўша даражада турарди.

Икки йил давомида, чўпоннинг бошқа ёрдамчиси бўлган дўстим, бир неча марта менинг иш жойимга келиб, бизга қўшилишни истайсанми, деб сўради. Улар жамоат маъмуриятига ва чўпонга бориб, маошларни оширишни муҳокама қилишга аҳд қилган эдилар.

Мен уларга, бу нарсада иштирок этмаслигимни айтдим ва унга ҳам шуни маслаҳат бердим. “Мен чўпонга, мени қандай ҳурмат қилиши кераклигини айтишга ҳаққим йўқ”.

Дўстим эътироз билдирди: “Жон, биз хотиним билан очдан ўлмаслик учун, ота-онамиздан ёрдам олишга мажбурмиз. Биз учма-уч етказиб яшашимиз учун, ота-онам бизга пул юбориб турадилар”.

Мен бундан афсусдалигимни, бироқ Худога умид қилишда давом этишимни айтдим. Мен унга бизнинг таъминотимиз пул эмас, балки Худо эканини тушунтириб, хизмат қилмоқчи бўлдим. Афтидан, у ҳеч нарсани тушунмади.

Менинг оилам босим остида эмасди, дея олмайман, чунки биз ҳам танқис аҳволда эдик, бироқ бизнинг юрагимизда тинчлик бор эди ва ўша йиллари ҳеч нарсага муҳтож бўлмадик. Уйимизда мебелларимиз жуда кам эди: ён тахтаси йўқ кроватимиз, иккита кичик, лекин қулай ўриндик, бир нечта чироқ ва лампалар, ошхона столи ва стуллари. Биринчи қаватда фақат шу нарсалар бор эди. Лекин бир йилнинг ичида Худо, мўъжизавий равишда уйимизни мебел билан тўлдирди, уларнинг аксарияти ёқимли дизайнга эга ва буюртма билан ясалган эди. Биз Худонинг ғамхўрлигидан иззат-икромда эдик.

Қарийб икки йилдан сўнг, чўпон бизни сафарларда воизлик қиладиган воизхонлар сифатида, ўз хизматимизга юборди. Бизга энди маош тўламас эдилар. Бизнинг уч юз доллар йиғиб қўйган пулимиз бор эди, уй ва машинамизнинг бир ойлик тўлови роппа-роса минг долларни ташкил этарди. Устига-устак, Раббий менга хизмат қилиш жойини топишда ёрдамлашиш учун чўпонимга қўнғироқ қилмаслигимни айтди. Худо мен Унга умид қилишимни истарди.

1989-йил ноябрнинг охирида, кейинги йили фақат иккита жойда хизмат қилиш режалаштирилган эди. Биринчи жой бир неча юз кишилик кичик жамоат бўлиб, уларнинг йиғинлари Жанубий Каролинадаги ижтимоий дафн маросими ўтказиладиган залда бўларди. Бу хизмат январнинг биринчи ҳафтасига тайинланганди. Иккинчи хизмат февралнинг охирига, Теннеси шаҳридаги икки юзта кишилик, кичик жамоатда белгиланганди. Бизга эса декабрнинг охирида маош тўлашни тўхтатишлари кўзда тутилганди. Биз Лиза билан Худога жиддий ишонишимиз зарур эди.

Мен чўпоннинг ёрдамчиси бўлган пайтларим, Худога умид қилишни ўрганмаганимда эди, кейинги йиллардаги босимларга умуман қарши тура олмасдим. Бу қийинчиликлар мен учун ҳаддан зиёд тўсиқ бўлиб туюларди. Мени таъминлаши учун одамга умид қилганимда, ҳойнаҳой, мен ҳаммадан пул сўраб юрар ёки ҳаётий эҳтиёжларимиз учун керакли пулни топиш йўлида турли хил хийлаларни ўйлаб, топишга бор кучимни беҳуда сарфлаган бўлардим.

Икки йил кичик маошга эга бўлганим, менга улкан марҳаматлар келтирди. Маошимизни ошириш масаласида, катта чўпон билан гаплашиш учун мени ҳам чақирган дўстимга қулоқ солганимда эди, менимча, мен ҳозирги жойимгача етиб келолмаган бўлардим. Биз хизматимизнинг биринчи йили, Раббийга ҳафтасига минг доллар учун ишонишга тўғри келди. Ҳозирда ушбу китобни ёзаётган маҳал эса, хизматимизни юрғизиш учун ҳафтасига юз минг доллардан кўпроқ маблағга ишониш талаб этилади.

Борди-ю сиз кимнингдир қўлида ишлаётган бўлсангиз, олишга рози бўлган маошингиз эвазига чин юракдан ишланг. Сиз бошлиғингизнинг ҳурматини жойига қўйиб, ишингизни мукамал тарзда бажарсангиз, ўзингизни юз фоиз ишга бағишласангиз, Худо бунга жавобан сизни тақдирлайди. Мукофот ёки иш берувчи, ёки Худо белгилаган бошқа йўл билан келади. Бироқ гап шундаки, сиз албатта, тақдирланасиз. Жамоат

бизга кичик маош тўлаганида, Худо бизга катта эҳтиром кўрсатди. Бизнинг уйимиз мебелга тўлди, биз яхши машинада юрардик ва ҳеч қачон озиқ-овқатга муҳтож бўлмадик. Биз маошимиз етадигандан кўра, яхшироқ яшардик. “Ҳақ одамнинг кам мулки бетавфиқларнинг кўп бойликларидан афзалдир” – дейилган оят биз учун жонланди. Раббий бизни эъзозлади.

Якунида нима дейиш мумкин? Агар сиз ишчи бўлсангиз, доим юрагингизда билинг: агарда сиз ўз раҳбарингизга ва ишга юз фоиз бағишланиб, Худони ҳурмат қилсангиз, мукофотдан қуруқ қолмайсиз. Аксинча, сиз иш берувчи бўлсангиз, билингки, сиз ўз ишчиларингизга ҳурмат кўрсатганингизда, уларнинг ҳаётидаги инъомларнинг гуллаб-яшнашидан фойдага эга бўласиз. Иш берувчилар ва чўпонлар, сиз одамларнинг ичида яширинган, Худонинг янада каттароқ мукофотларига эга бўласиз. Уларга буни юзага чиқаришга кўмаклашинг. Уларни турли хил йўллар билан эъзозланг.

14-БОБ

Уйдаги эҳтиром – болалар

Бир неча йил маҳаллий жамоатда хизмат қилиб, сўнг йигирма йил давомида сафарларда воизликларда бўлиб, ҳурматга одамлар жамоатда ва ишда эмас, энг кўп уйда муҳтож эканини сездим. Ҳақиқат шундаки, агарда ота-оналар уйларида болаларига эҳтиромда намуна бўлиб хизмат қилишса, ижтимоий, фуқаролик ва жамоатдаги соҳаларда ҳам, бундан катта фойда бўлади, чунки бу атрофимиздаги бошқа соҳаларга ҳам эҳтиром тарқалишига олиб келади.

Ота-онанинг сўзларидаги куч

Юқорида болалар ота-оналарини ҳурмат қилиши, нақадар муҳимлигини муҳокама қилган эдик. Шунингдек, ота-оналар ҳам фарзандларини ҳурмат қилиши муҳим аҳамиятга эга. Ҳурмат қилиш – қадрлашни англатади. Агар биз фарзандларимизни қадрласак, биз уларга, ҳаётининг юқори чўққисиде яшашига замин яратадиган тарзда муносабатда бўламиз ва гапирамиз.

Вақти-вақти билан ота-оналар фарзандларига, ерга урадиган оҳангда гапирганларини эшитиб қоламан, бу менга беихтиёр ўкинч ҳиссини келтиради. Ота ўзининг тажрибасиз қизига қўпол гапириши ёки бошқа ота ўйин майдонида, ўғлининг хатоларини танқид қилиши мумкин. Ёки она болалари уни, бошқаларнинг олдида шарманда қилгандек туюлиб, уларни ҳаммага эшиттириб ҳақоратлаши мумкин. Бу рўйхатни давом эттириш мумкин.

Менинг рафиқам ўсмир бўлганида, унинг ҳаётида ўз вақтида осонликча олдини олиш мумкин бўлган, муаммолар пайдо бўлган. Лиза

фаол ўсмир қиз бўлиб, ҳеч қачон ўз вазнидан хавотирланмаган. Ёзги оромгоҳларда доим унинг вазнини ўлчашган. Вазнининг ошиши доим, бўйининг ўсишидан келиб чиққан. Лиза сузиш билан шуғулланган. У икки йил давомида иккита жамоада сузган, шунинг учун истаган нарсасини, истаган вақтда ейишга имкон яратган. У жароҳат олганидан сўнг, спорт билан шуғулланишни тўхтатишга мажбур бўлган. У бу пайтда катта синф ўқувчиси бўлган. Унинг фаоллик даражаси тушиб кетган, бироқ у спорт машғулоти пайтида қанча овқат еган бўлса, шунча миқдорда истеъмол қилишда давом этган.

Бир кун у мактабдан қайтганида, отаси уни олдига чақирган. У Лизага бошдан оёқ кўз югуртириб, айлан деган. Кейин у: “Бу кўйлак сенга торлик қилаяпти. Вазнинг қанча бўлган?” – деб сўраган. У ёзги таътилдаги вазнини айтган.

У эътироз билдириб: “Бўлиши мумкин эмас. Сен камида 135 фунтсан (61,2 кг), бор вазнингни ўлчаб кел!” – деган.

У даҳшатли уят ва ҳижолат ҳисси билан, ювиниш хонасидаги оиласи ишлатадиган тарозининг олдига борган. Лиза ўз вазнини кўриб, ҳайрон қолган, У 140 фунт (63,5 кг) бўлган.

Лиза буни отасига айтган. Отаси бу у учун ҳаддан зиёд кўп эканини тушунтирган. У бундай вазн яхши кўринмаслиги, бундай вазни учун йигитлар уни танишувга таклиф қилмаслигини айтган. Отасининг маърузаси тугагач, Лиза хонага кириб, ойнага қараган ва илк маротаба ўзининг жүссасидан нафратланган.

Шу вақтдан бошлаб, вазни унинг ҳаётини ҳаракатлантирадиган кучга айланган. У ўзининг ўлчамига ҳаддан ташқари кўп эътибор берадиган бўлиб қолган ва ўз вазни ҳақидаги фикрлар гирдобидида қолган. У кам овқат ейишни бошлаган ва унинг уринишлари яхши натижаларга олиб келган. Йигитлар унга диққат қарата бошлаган, унга эса бу ёқиб қолган. Хуллас, охир-оқибат, унинг онгида параллел ривожланган: “Мен келишган бўлсам – мен кучлиман ва севги, эътиборга лойиқман; вазним ошган пайтда эса – мен кучсизман ва эътибордан четда қоламан”.

Бундай дунё қараш пастга йўналтирилган спиралга тенг. Аста-секин унинг ҳолати ёмонлашиб бораверган ва у бўлимия (иштаҳасини жиловлай олмаслик) ва анорексияга (вазнини камайтириш ҳақидаги тинч қўймайдиган фикрларга) учради. Лиза овқатдан бош тарта олмас ва шу билан бирга, ундан нафратланарди. У овқат ейишни севар,

лекин семиришдан нафратланарди. У ўз организмини тозалаш учун ич сурадиган ва сийдик ҳайдайдиган дориларни ичишни бошлади. Талабалик йилларининг бошида, унинг организми бу дориларга ўрганиб қолди. Натижада, у бир ой давомида ҳожатга чиқа олмаганлиги туфайли, уни шифохонага ётқиздилар. У йигирма икки ёшга кирганида, Худо уни буларнинг барчасидан шифолади. Бу кучли гувоҳликни унинг “Сенинг вазнинг, бу сен эмас” номли китобида ўқишингиз мумкин. Агарда унинг отаси бироз бошқачароқ гапирганда, у бу муаммоларга учрамаслиги мумкинмиди? У қизини ерга урмай, далда ва иқрорлик сўзларини айтганда, Лиза ўзига бошқача қараган бўлмасмиди?

Мен ўз никоҳимизда бунинг исботини кўрдим. Мен Лизага уйланганимда, унинг вазни 116 фунт (52,6 кг) эди. Мен унга доим, кўринишинг ажойиб дер эдим. Мен у билан бир йил биргаликда яшаганимиздан сўнг ҳам, уни мақташда ва далда беришда давом этдим. У ҳомиладор бўлганида ва болаларни эмизганида ҳам, мен уни мақташда тўхтамадим. Мен унга: “Сен гўзалсан!” ёки “Борди-ю йигирма ёшимда, сенинг рафиқанг кўп йил бирга яшаганингдан кейин ҳам, шундай гўзал бўлади деганида, менинг бошим кўкка етарди”, ёки “Азизам, сен бугун тўй кунимиздагидан ҳам чиройлироқсан” – деб айтишда давом этаман.

Мен ҳақиқатдан ҳам, унга нима десам, шундай деб ўйлайман. Бу нарса менга фойда олиб келишига ишонаман. Бинобарин, мен доим хотинимни мақташ йўллариини излайман. Мен унинг эриман ва бу менинг вазифам. Повул бу ҳақиқатни аниқлаштирмақда: “Эрлар ўз хотинларини худди ўз таналарини севганларидек севишлари керак: ўз хотинини севган ўз-ўзини севади. Зеро ҳеч ким ҳеч қачон ўз танасидан нафратланмаган, балки уни озиқлантиради ва парвариш қилади. Раббий ҳам ўз жамоатига худди шундай қилади” (Эфес 5:28-29). Эътибор беринг, “озиқлантиради” сўзи “ўсиш учун керакли нарсани бериш”ни билдиради. Мен рафиқамни сўзларим билан озиқлантириш имконини қидиришдан чарчамайман. Бу ҳақда кейинги бобда кенгроқ фикр юритамиз, зеро бу эҳтиромга киради.

Мен рафиқамга у муҳтож бўлган нарсаларни берган бир чоғда, у шифо учун Худонинг донолиги ва ваъдаларига ишонар эди. Худо у билан ишлашда давом этди. Мен уни қўллаб-қувватлаб, бу билан хотинимга, у ҳеч қандай тўсиқларсиз Худого ишонишига имкон яратдим. Йигирма беш йиллик никоҳимиздан сўнг, тўртта фарзандни дунёга келтирса ҳам, унинг вазни, тўйимиз вақтидаги вазнидан ўзгармаган. У бу учун унчалик куч ишлатмайди, шунинг учун одамлар, уни семиришга мойил эмас деб ўйлашлари мумкин.

Лекин мен уни яхши биламан. Чунки ёшлигида ортиқча вазндан қийналган, қўрқоқ ва ўзига ишонмайдиган қизлик пайтини эслайман.

Болалар бу мукофот

Ота-оналар ўз фарзандларини нафақат қўпол ва салбий сўзлар билан ерга урадилар, қолаверса, уларга керак бўлган мақтов ва иқрорликни эътибордан четда қолдиришлари билан ҳам уларни камситадилар. Болалар уларга тез-тез далда беришларини, йўналтиришларини ва тасдиқлашларини кутадилар. Улар севимли ва қимматли эканини, уларга айтиш ва бунни кўрсатиш зарур. Борди-ю бунни ота-оналар амалга оширмасалар, улар севги ва иқрорликни бошқа жойдан излайдилар. Ўғил ва қизлар уларга ишонишларини истайдилар, бироқ ота-оналар нуқул уларнинг ҳатти-ҳаракатларидаги ёўр томонларига ва камчиликларига диққат қаратаверсалар, уларга нотўғри сўзларни экадилар, бу уларга бутунлай тескари бўлган ҳосилларни олиб келади.

Ишонч ва яқинлик орқали, бир неча нотўғри сўзлар олиб келадиган улкан зарарлардан қочиб қолиш мумкин. Зиддият шундаки, ота-оналар бундай ҳаракатлари учун юз берган оқибатларида, ўз ҳиссаларини кўрмайдилар. Улар ноилож дўстларига, болалари қанчалик қийнаб юборгани ҳақида нолийдилар, гарчи кўп ҳолларда улар танқид қилаётган камчиликлар, эҳтиром орқали осон тузатилиши мумкин.

Ўғил ва қизларнинг ҳаётида ота-оналарнинг сўзлари катта аҳамиятга эга. Мағлубият, омадсизлик ва заифлик сўзлари эътироф этилганда, салбий оқибатлар кичик қийинчиликлардан бошланиб, жиддий муаммолар билан якунланади. Аксарият ота-оналар фарзандининг ёмонлашиб бораётган ҳаракатларидан ҳолсизланадилар. Бу боши берк кўчага ўхшайди. Бу вақтда ота-оналар болаларига ғамхўрлик кўрсатмасалар, Худо уларга болалар орқали тайинлаган мукофотдан ўзларини йироқлаштирадилар. Биз қуйидагиларни ўқиймиз:

“Мана, Раббийдан мерос – болалардир! Унинг мукофоти – қорин ҳосилидир!”

– Сано 126:3

Бу оятда, бизга болалар орқали мукофот ваъда қилинганини кўраимиз. Нега унда бир талай ота-оналар, уларга болалар ва ота-оналар ўртасидаги ваъда қилинган муносабатлардан завқланишга эга эмаслар? Чамамда,

хаммаси аксинча. Кўпинча ота-оналар ўзларининг ўсмир фарзандларидан жовраганларини эшитганман, улар: “Эҳ, қани эди, ўсмир боламини йигирмага тўлгунича, бирор жойга қулфлаб қўя олсам эди” – дейдилар. Ёки: “Нега ўсмирлик ёшини четлаб ўтиб бўлмайди?” – дейдилар. Менинг тўртта ўғлим ҳали кичик пайтида, мен шундай фикрларни эшитганман. Бу мени хавотирга солди ва мен: “Наҳотки, менинг ўғилларим ўсмирлик ёшида кичик монстрларга айланиб қолишса?” – деб ўйлаганман.

Мен бошқа ота-оналар кечирмаган нарсаларни, бошимдан кечиришимга тўғри келди. Бу ҳақда сиз билан бўлишишга ижозат беринг, бу сизга фойда келтиради. Менинг биринчи иккита ўғлим ҳали гўдаклигида, мен ёшлар чўпони бўлиб хизмат қилдим. Бу лавозимда хизмат қилар эканман, одамларнинг уйига бориб, чўпон сифатида маслаҳатлар беришда иштирок этардим. Ўша пайтда мен бу қонидани тушуниб етдим. Тўсатдан, болаларининг салбий ахлоқидан нолийдиган ота-оналарнинг фарзандлари, кундан-кунга ёмонлашиб бораверарди. Худонинг ваъдаларини эълон қиладиган ота-оналарнинг фарзандлари эса, натижада, улар ота-онаси ишонган нарсалар томонга ўзгарардилар. Повулнинг Коринфликларга иккинчи мактубида бу масаланинг сабаби ёритилган: “Фақатгина биз кўринадиган нарсаларга эмас, кўринмайдиган нарсаларга қарасак: чунки кўринадиган нарсалар ўткинчи, кўринмайдиганлари эса абадийдир” (4:18).

Кўринмас ҳақиқатлар жойланган, Худонинг ўзгармас Сўзи, бизнинг марказимиз бўлиши зарур. Биз Лиза билан доимий равишда фарзандларимизнинг ҳаётида Худонинг ваъдаларини гапираемиз. Улар ҳали гапиришни билмаганларида, биз уларни “шогирдлар”, деб атардик, бу “Раббий томонидан ўргатилган ва Унинг иродасига итоаткор” деган маънони билдиради. Биз уларга қарата: “Буюк тинчлик ва хотиржамлик бўлади” – дер эдик (Ишаъё 54:13).

“Улар мўъжиза ва аламотлар учун, бизнинг ўқ-ёйларимиз” – деб эълон қилардик (Сано 126; Ишаъё 8:18 га қаранг). Шунингдек, Худонинг Сўзидаги бошқа ажойиб ваъдаларни айтар эдик.

Биз улар туғилмасидан олдин, Худонинг бошқаруви ҳақида ибодат қилиб, исмларнинг маъноларини ўрганган ҳолда, уларга исмлар танлаб қўйганмиз. Улар келажакда қандай киши бўлишини истасак, шундай исмлар билан атадик. Тўнғич фарзандимизнинг исми – Эддисон Давид, бу “Севибли, ишончга лойиқ” деган маънога эга. Иккинчи ўғлимизнинг исми Остин Майкл, бу “Шоҳона, Худого ўхшаш” маъносини билдиради.

Учинчи ўғлимиз – Жошуа Александр. Унинг исми “Худо қутқаради ва инсониятни ҳимоя қилади” маъносини билдиради. Тўртинчисини биз Арден Кристофер деб атадик, бу “Қайноқ ва оловлик, Масихга ўхшаш” маъносини англатади.

Ҳар сафар биз уларни исмини айтганимизда, биз уларга нимани тилаётганимизни биламиз. Биз ота-она сифатида, уларнинг ҳаётида дуо-баракаларни эълон қилиш ҳоқимияти ва имтиёзига эгамиз. Ҳар бир ўғлимиз кун сайин ўз исмига монанд бўлиб бормоқда, бу нафақат биз уларни шундай деб атаганимиз учун, қолаверса, биз айтаётган сўзларимизга ишонишимиз учун ҳам шундай содир бўлмоқда. Бизда ҳам айтаётган сўзларимизга ишонмаслик учун сабаблар бўлганми? Гўл одам, йўқ дейиши мумкин. Улар ўз исмларига бутунлай зид равишда ўзларини тутган пайтлар бўлган. Биз уларни тузатганимиз ва тартибга солганимиз, уларнинг ахлоқи билан ишлаганимиз ва эътироф қилган сўзларимизда қаттиқ турганимиз. (Бир нарсани тушунтириб ўтаман: биз уларнинг ҳатти-ҳаракатига эмас, табиатига ҳужум қилсак, уларга зарар етказамиз).

Оилавий фожиа

Мана, ёшлар чўпони бўлган чоғларим олган яна бир дарс. Бу ўз вақтида тартибга солмаслик натижасида юзага келадиган фожиа. Ўзимнинг шахсий гувоҳлигимни сўзлаб беришдан аввал, Ёзувдан мисол келтиришга ижозат беринг.

Шоҳ Довуднинг турли хотинларидан туғилган, кўплаб ўғиллари бўлган. Биз унинг иккита ўғли тўғрисида гапирамиз: катта ўғли Амнон ва учинчи ўғли Авессалом. Амнон ўғай синглиси, Авессаломнинг туғишган синглиси Фамарга нисбатан бетавфиқлик қилди. У ўзини касалмандга солди ва унга овқат тайёрлаб бериши учун, отасидан Фамарни унинг олдига юборишни сўради.

Фамар унинг олдига кирганида, у барча хизматкорларни эшикнинг у томонига чиқариб юборди ва қизни зўрлади. Сўнг ундан нафратланиб қолди ва уни ўз чодиридан қувиб юборди. У шоҳнинг бокира қизини номусига теғди ва ҳаётини шармандалик билан яқсон қилди.

Унинг акаси Авессалом Амноннинг нопок ишини билиб қолиб, қаҳри келди. У синглисини булғгани учун, ўғай укасидан нафратланишни бошлади. У шубҳасиз, шоҳ Довуд адолат билан Амнонни жозолашини сабр-тоқат билан кутди. Вақт ўтди, бироқ шоҳ томонидан ҳеч қандай

чора кўрилмади. Аммоннинг иши Довудга ёқмаган бўлса ҳам, у ҳеч нарса қилмади. Авессаломнинг жаҳли чиқди. У синглизини Фамарни уйига олиб келди ва унга ғамхўрлик қилди.

Фамар бир вақтлар, бокира қизларга белгиланган, ранг-баранг шоҳона кийимлар кийиб юрарди. Энди у шармандалик кийимида эди. Бир пайтлар халқи томонидан юқори қадрга эга бўлган, бу гўзал ёш қиз, энди ёлғизликдаги ҳаётда яшарди. У энди бокира эмас, ким ҳам унга уйланарди? Бу нақадар адолатсизлик. Унинг ҳаёти тугаган эди, унинг бошига шу кунларни солган эса, худди ҳеч нарса бўлмагандек, ҳаёт кечириб юрарди. Қиз эса содир бўлган ишнинг юкини елкасида кўтариб юрарди.

Авессалом ҳар куни ўзининг қайғудаги синглизини кўрарди. Маликанинг орзулари тунги даҳшатларга айланган эди. Авессалом бир йил кутди, бироқ Довуд ҳеч нарса қилмади. Авессаломнинг юраги Аммонга бўлган нафрат билан бирга, отасига нисбатан қаҳрга тўлди.

Орадан икки йил ўтиб, Авессаломнинг ичидаги нафрат қотиллик фикрига айланди, у синглизини учун қандай ўч олишни, пухталиқ билан ўйлаб чиқди. Ҳа, нима қилибди, ҳаққоний ҳоқимият жим ўтиришни танлади-ку? Авессалом базм уюштириб, Довуднинг барча ўғилларини таклиф қилди, Аммон умуман ҳаёлига келтирмаган пайт, Авессалом уни ўлдирди ва Гессурга қочиб кетди. У қасдини олган эди. Бироқ отасига бўлган оғир ўксиганлик ҳисси, қочқинда бўлган йиллари ундан чиқиб кетиш учун ўзига жой топа олмади. “Нега отам мени қайтариш учун ҳеч кимни юбормаяпти?”, деган фикрлар оловга ёғ қуярди. Натижада, Авессаломнинг хафагарчилиги нафратга айланди.

Унинг фикрлари алам билан тобора заҳарланиб бораётган бир маҳалда, у Довуднинг заифликларини ковлаштиришда мутахассисга айланди. У ҳали хануз, отаси унинг ортидан одам юборишига умид қилса ҳам, унинг ҳаётини хавфли булут қоплади. Довуд у кутгандек қилмади, бу унинг нафратини янада кучайтирди. У нима деб ўйлаганини тасаввур этиб кўринг: “Одамлар менинг отамни кўкларга кўтардилар, бироқ улар кўр. Улар унинг ҳаққоний юзини билмайдилар. У шунчаки Худодан паноҳ сифатида фойдаланиб, фақат ўзини ўйлайди. Олдинги шоҳ Шоул ундан яхшироқ эди! Шоул амалиқларнинг шоҳини ўлдирмагани ва энг яхши қўйлар ва молларни асраб қолгани учун ўз тахтини йўқотди. Менинг отам эса, ўзининг энг содиқ одамнинг хотини билан зино қилди. Сўнг бу гуноҳни яшириш мақсадида, бу содиқ одамни ўлдирди. У қотил ва зинокор, шунинг учун ҳам у Аммонни жазоламади!”

Авессалом Гессурда уч йил яшади. Довуд ўғли Амноннинг ўлимидан юраги юпанишни бошлади. Шундан сўнг Иоав, Авессаломни Иерусалимга қайтариш кераклигига шоҳни кўндирди.

Вақт ўтарди. Авессаломнинг нафрати ошиб борарди. У атрофидан унинг отасидан норози бўлган кишиларни йиғишни бошлади. У бутун Исроил халқини олдига чақирди, уларнинг шикоятларини эшитишни бошлади, агарда у тахтда ўтирса, албатта, уларга ёрдам беришини, ҳасрат билан айтарди. Шоҳ Довуднинг вақти етмаган баҳслар ва масалаларни Авессалом ечишни бошлади. Балки у бировларнинг муаммоларини, ўзининг ҳаётида адолат бўлмагани учун ечгандир. У одамларга чинакам ғамхўрликни қанақа бўлишини кўрсатишни хоҳларди. Муқаддас Китоьда, Авессалом Исроилликларнинг юрагига сездирмай кириб олди, дейилган. Бироқ у ҳақиқатдан ҳам одамлар учун ғамхўрлик қилдимми, ёки у нафратланган отасини тахтдан йиқитиш йўлини истардимми?

Авессалом Исроил халқини ўзига тортиб олди ва отасига қарши чиқди. Келишмовчилик шу қадар авж олдими, шоҳ Довуд ўз ҳаётини сақлаб қолиш учун қочиб кетишига тўғри келди. Қанчадир вақт, Авессалом ўзини Исроилнинг янги шоҳи деб эълон қилгандек кўринарди, бироқ буларнинг бари унга қарши ишлади, Довудни таъқиб қилиб юрганида, уни ўлдиришди. Довуд Авессаломга тегмасликни буюрган бўлишига қарамай, у жазосини олди.

Авессаломнинг ичидаги нафрат ва алам, ўзининг бошига етди. Унда улкан имкониятлар бор эди, у тахтнинг меъросхўри бўлишига қарамай, кучининг чўққисида ҳалок бўлди. Отаси Амнонни жазолаганда, унинг бошига шу кунлар тушмасмиди? Шубҳасиз, ҳа! Довуд фарзандларини Худонинг йўллари билан тарбиялаб, уларга эҳтиром кўрсатганда эди, бу нарсалардан қочиб қолса бўларди. У битта фарзандини тузатмагани учун, ҳамма фарзандига ҳурматсизлик кўрсатди.

Интизомдан ўзини тийиш орқали ҳурматсизлик кўрсатиш

Келинг, мен ёшлар чўпони бўлиб хизмат қилган пайтларимда кутатганларимга қайтайлик. Фарзандларидаги муаммолар борасида маслаҳат учун келган ота-оналар, интизом уларга ёрдам беришига ишонмас эдилар. Улар шоҳ Довудга ўхшаб, болаларини жазолашдан бош тортар эдилар. Бундай фикрлайдиган ота-оналар, ўғил ва қизларини

жазоламасдан “севиш керак” лигига ишонадилар, бироқ бу услуб иш бермайди. Уларнинг фарзандлари мудҳиш ҳолатда бўлиб, улар исён кўтарар ва ҳурматсизлик қиларди, уларнинг бу муносабати ҳаётининг барча соҳаларига: ҳокимият, мактаб, иш, ёшлар йиғини ва бошқа барча соҳаларга тарқалган эди.

“Севимли” бўлиб ўсаётган болалар, ота-онасидан тузатишлар оладиган болалардан, жуда ғалати тарзда, фарқ қилар эдилар, нуқул “севиладиган” болалар ота-оналаридан нафратланар эдилар. Бу бир вақтнинг ўзида истехзоли, ҳам фожиали. Истехзолилиги шундаки, севгини қўлга киритмоқчи бўлган ота-оналар, севгини қўлдан бой берар эдилар. Фожиали томони шундаги – бу болалар оиласига қимматга тушадиган хавфли йўлни танлаган эдилар.

Бир сафар, менинг ишхонамда бир қизга, ота-онасига нисбатан номуносиб оҳанги учун, жиддий дакки берганим, ёдимда. Мен: “Нега буни мен айтишим керак? Нега унга буни отаси ёки онаси айтмайди?” – деб ўйладим. Улар эса фарзандини “севиш”га қарор қилган эдилар ва бу қарорига содиқ қолардилар. Фарзандининг хунук ахлоқини кўриб туриб, интизомга ўргатмайдиган ота-оналар, улардан нафратланадилар, деган Худонинг Сўзига қарама-қарши борадилар.

“Ким хивични аяса ўғлидан нафратланади, ким ўғлини севса уни болалигидан жазолайди”.

– Ҳик 13:24

Бундай ёшлар улғайганида, ҳаётда чалкашиб юрганларини кўрганман. Улар кўплаб қийинчилик ва муаммолардан ўтардилар, агарда улар ота-онасидан талабга мувофиқ тарзда тарбия олганларида эди, бу ноҳўшликлардан омон қолса бўларди. Нега? Чунки “Хивич ва фош қилиш донолик беради, аммо эътиборсиз қолдирилган бола ўз онасига шармандалик келтиради” (Ҳик 29:15). Нима учун бу ота-оналар Худонинг Сўзига итоат этмадилар? Улар ўзларини ақллироқ деб ҳисобладилар, оқибатда улар Худога ҳам, фарзандларига ҳам эҳтиром кўрсатмадилар.

Бу ҳолат доим бир хил кўринишда содир бўларди. Ота-оналар фарзандларини тузатмаганларида, бу ҳолат болалар ота-онасидан нафратланиши билан яқунланарди. Бошқа томондан, ота-оналар ўта кўпол бўлганида ва фарзандларини ерга урганида, уларнинг болалари

ота-онасидан жаҳли чиқарди. Бундай болаларнинг аксариятининг қалби яраланган бўларди. Кўплари қўрқув муаммоси билан курашардилар.

Фарзандларимиз ўзини ножўя тутганларида, энг яхши йўл, бу вақтни чўзмай ва лўнда қилиб тузатишдир. Шундан сўнг ҳаммасини унутиш лозим. Норозилик ва ғазабни ўзида олиб юриш керак эмас. Биз танбеҳ ёки жазодан сўнг, шу заҳоти жилмайишимиз ва болани қучишимиз зарур. Биз уларни кечириб, худди ҳеч нарса бўлмагандек юришимиз керак. Худо бизни кечирганида, бизнинг гуноҳларимизни бошқа эсламайди. Тузатиш – бу улар ўз хатоларидан дарс олишига замин яратади, бироқ тузатиш болага айбдорлик ҳиссини олиб келмаслиги лозим. Мен Худонинг Сўзига биноан қатъий тарбиянинг тарафдориман. Лиза эса болаларимизни муҳаббат ва меҳрибонлик билан тарбиялаб, эҳтиром кўрсатади. Биз бир-биримизнинг кучли томонларимиздан фойдаланишга ўрганганмиз. Лизага қараб, кўпроқ гапиришни ва юмшоқ бўлишни ўргандим, Лиза эса менинг намунамдан тузатишнинг аҳамиятини англаб етди. Натижада, ўзимиздаги Худо берган, кучли сифатларимизни бирлаштириб, Унинг марҳаматлари қай тарзда фарзандларимизга ҳамроҳлигини кўраяпмиз.

Вақтидан олдин келадиган мукофот

Бизнинг ўғлимиз Эддисон мактабни қизил диплом билан якунлади ва давлатимизнинг энг яхши деб ҳисобланадиган ўнта олийгоҳларидан бирига қабул қилинди. Ўқув йилининг боши 2005-йилнинг сентябрига белгиланган эди.

Унгача Эддисон ёзги таътил вақтларида, бизнинг хизматимизда ишларди. Олийгоҳда ўқишини бошлашидан олдинги ёзда ҳам, шундай бўлди. Эддисон июлнинг бошида менга қўнғироқ қилиб, ҳаяжон билан сўради:

- Дадажон, сиз билан гаплашиб олсак бўладими?

Мен бу жиддий масала эканини билдим ва бунга тайёрландим.

- Албатта, нимани муҳокама қилмоқчисан? – деб жавоб бердим.

- Дадажон, сентябрда ўқишга боришим шартми? Мен хизматимизда тўлиқ вақт ишламоқчиман. Мен сизга ва оймга хушxabарни тарқатишда ёрдам бермоқчиман.

Мен шу заҳоти жавоб бердим. У Худо билан яқин муносабатга эга эканини билардим ва мендан бирор нарса сўрашдан олдин, аввал у ибодат қилади. Менинг юрагимда унинг қарори тўғридек туюлди, мен

хаяжонда ва эҳтиромда эдим. Мен: “Бу ажойиб фикр, сен бизнинг хизматимизда тўлиқ вақт ишлашингни истаймиз” – дедим.

Бу воқеалардан сўнг нималар содир бўлганини сўзлаб беришга ижозат беринг. Эддисон биз билан ходимлар бўйича иш бошқарувчи бўлиб фаолият юритишни бошлагандан сўнг, бир неча ой ўтиб, уни бошқа жамоатлар билан алоқалар бўйича бўлим раҳбари ўрнига тайинлашни таклиф қилишди. Бу бўлим бир неча йилдан бери мавжуд бўлиб, бизнинг аксарият китобларимиз таркибига кирадиган DVD дисклар ва ўқув қўлланмаларини тарқатиш учун, бўлим жамоат ва чўпонлар билан ишлайди. Ҳозирда бу китобни ёзар эканман, АҚШдаги ўн тўрт мингта жамоат ва Австралидаги мингдан ортиқ жамоатлар улардан фойдаланадилар.

Эддисон бизнинг ўғлимиз бўлгани учун, биз уни бу ўринни топширган эмасмиз. Мен доим ишда фарзандларимизга махсус эътибор қаратмасликни сўрайман, чунки одатда одамларнинг ҳаётида шундай бўлади. Лекин бизнинг фарзандларимиз билан эмас. Аксинча, менимча, уларга бизнинг ишчилар ва оиласи ўртасидаги зиддиятларни текислаш анча мушкул деб ҳисоблайман. Бизнинг ходимлар бўйича раҳбаримиз, ушбу ўринга ишчи кераклигидан анчадан буён нолиб юрарди. Шу сабабли, у менинг ўғлим яхши ишлаши ва унда етакчилик сифатлари борлигига асосланиб, бу ҳақда илтимос қилди.

Мен унинг таклифига рози бўлдим ва натижалардан ҳайратда қолдим. Орадан бир йил ўтиб, жамоатлар билан алоқаларимиз уч карра кўпайди. Мен қаерга бормай, Эддисоннинг бўлимидаги бир гуруҳ йигитлар турли хил жамоатлар билан қай тарзда муносабатлар қургани тўғрисидаги ҳикояларни эшитаман. У бошқа одамларни руҳлантириш инъомига эга, ундаги иштиёқ бошқаларга юқади. Унинг раҳбарлигида чўпонлар зарур бўлган ибодат, саволларга жавоблар оладилар ва уларнинг эҳтиёжлари ўз вақтида қондирилади.

Бир нарсани тушунишингизни истардим, ўғлимнинг эҳтироми орқали, Худо нафақат мени, қолаверса бутун ташкилотимизни тақдирлади. Исо шу “кичиклар”дан бирини эъзозласак, ўз мукофотимизни йўқотмаслигимизни айтган. Ўғлим бизнинг хизматимизни, менинг тасаввуримга сиғмайдиган даражада, кенгайтди. У аслида, айрим қутилмаган танишувларнинг манъбаига айланди. Йигирма ёшли йигит орқали шундай нарсалар рўёбга чиқиши кимнинг ҳам хаёлига келибди? Фақат бугина эмас, бошқа нарсалар ҳам юз берди: мен ташриф буюра

олмаган анча жамоатлар DVD дисклардаги таълимот курслари ва ўқув қўлланмалари орқали Худонинг Сўзини қўлга киритдилар. Бу эса охирикбат, абадийлик учун кўпроқ жонларнинг қутқарилишини билдиради!

Мен ўғилларим олдида эҳтиромга эгаман. Мен йиллар давомида: “Ота, бу болалар меники эмас, балки Сеникидир. Мен фақат Сенинг фарзандларингга етакчиман. Шу боис, Раббий, уларнинг ҳаётида Сенинг ироданг амалга ошсин. Борди-ю уларни сайёрамизнинг бошқа томонига юборишни истасанг ҳам, розиман. Ёлғиз тилагим шуки, улар ҳаётида Сенинг иродангнинг пайида бўлсинлар” – деб ибодат қилганман. Ибодатим юрагимдан чиқарди. Бир куни бизни масофалар ажратиб туриши мумкинлигини билардим, бироқ ўша дамгача, Раббий ўғлимиз билан ёнма-ён ишлаш имтиёзини берди. Бошқа фарзандларимиз ҳам, тезроқ бизнинг ишга қўшилишни исташи ҳақида айтадилар. Том маънода биз фарзандларимизга кўрсатган ҳурматимиз учун мукофотимизнинг учқунларига эришдик, аслида бу бошланиши ва ҳаммаси ҳали олдинда.

Фарзандларига эҳтиромда бўлган ота-оналарнинг ҳаётида шундай нарсалар содир бўлишини кўриб келаяпман. Агарда болалар қадрланса, улар гуллаб-яшнайдилар. Раббий эса Ўз навбатида, уларни ҳурмат қилган кишиларни, уларнинг гуллаб-яшнаши орқали тақдирлайди. Бундай мукофот, бошқаларнинг ҳаётида иштирок этишда, бизни янада маҳсулдор қилади, бу имонимизнинг яққол гувоҳлигидир. Бу Унинг Сўзи, Унинг режаси, бу Исо Масиҳнинг оғзидан чиққан қонун. Ота-оналар фарзандларига шу тарзда севги кўрсатса, шу билан бир қаторда, Раббийга итоаткорликка ўргатса, уларга илоҳий мукофот ваъда қилинган. Улар қариганида қайғуда эмас, шодликда бўладилар. Ҳаётимизнинг олтин йилларини куч ва далда қуршаб туради.

15-БОБ

Уйдаги эҳтиром – хотин

Уйда нафақат болалар, қолаверса, хотин ҳам ҳоқимият остидадир. Юқорида хотин эрини ҳурмат қилиши муҳимлиги ҳақида гапирган эдик. Бу ерда ҳам ота-оналар ва болаларнинг ўртасидаги муносабатлар сингари, эр ҳам ўз рафиқасига эҳтиромда бўлиши зарур десак, тўғри таъкидлаган бўламиз.

Хотинга эҳтиром кўрсатиш

“Шунингдек, эрлар, сизлар ҳам хотинларингизга жуда нозик идишга бўлгандек оқилона муносабатда бўлинглар. Сизларнинг ибодатларингизда тўсқинликлар бўлмаслиги учун хотинларингизни ҳурмат қилинглар, чунки улар ҳам абадий ҳаёт иноятининг ҳамворисларидирлар”.

– 1-Пет 3:7

Ушбу оятда Петр, хотинларга махсус эҳтиром кўрсатиш жоизлигига урғу бермоқда. Айрим эркалар бу оятни, хотин руҳий масалаларда эридан пастда туради деб ўйлайдилар. Йўқ! “Нозик идиш” дегани, хотинингиз сиздан руҳан пастлигини билдирмайди, балки у сиз кўтара оладиган вазни кўтара олмаслигини тушунтиради. Одатда аёл кишининг жисмоний кучи, эркак кишиникидан кам. Инглиз тилидаги Муқаддас Китобнинг кенгайтирилган таржимасида бу: “Хотинингизни (жисмонан) нозик деб ҳурмат қилинг” – айтилган. Петрнинг сўзлари “Янги Тирик Таржима”да: “Эрлар, сизлар ҳам, ўз хотинларингизни ҳурмат қилинглар. Улар билан бирга яшаётганингиз учун, уларни тушунишга

ҳаракат қилинглар. У сиздан кўра заифроқ бўлиши мумкин, бироқ улар Худо томонидан ҳаёти этилган, янги ҳаётда сиз билан тенг шерикдир. Агарда сиз уларга лойиқ тарзда муносабатда бўлмасангиз, Худо сизнинг ибодатларингизни эшитмайди”.

Биз тенг шериклармиз – иноятли ҳаётнинг меъросхўрларимиз. Бу оятнинг охириги қисмида, жавобсиз ибодат ҳақидаги ажабланарли тасдиқни кўрамиз. Агар эр ўз хотинини ҳурмат қилмаса, Худо унинг ибодатларини эшитмайди. Буни қаранг-а, бу ҳушни жойига соладиган сўзлар! Қандай ачинарли ҳаёт! Бу ҳақда ўйлаб кўринг: агар сиз хотинингизни ҳурмат қилмасангиз сизнинг ибодатингиз Худонинг қулоғига ҳеч қачон етиб бормади. Мен диққатимни қаратишим учун бу сўзларнинг ўзи кифоя. Бу сўзлар мен эр сифатида бўлган ролим устидан жиддий ўйлаб кўришимга ундаяпти. Бироқ яхши хабар шундан иборатки, бунинг акси ҳам ҳақиқатдир: ўз хотинингизни ҳурмат қилиб, сиз Худо олдида қилган ибодатингизда аминликка эга бўласиз.

Эрлар, сиз билан очиқчасига гаплашимизга ижозат беринг. Ўз хотинингизни аҳамиятли ва қадрли деб ҳисоблайсизми? Унинг гапларини эшитасизми ёки “У жудаям ҳаяжонли аёл” деб, ундан қочиб юрасизми? Ўзимнинг оилавий ҳаётимнинг машаққатларидан ўтиб, мен бу дарсни ўргандим. Турмушимизнинг бошида мен хотинимнинг маслаҳатларининг қадрига етмасдим. Вақт ўтиб мен у айтаётган нарсалар Худонинг донолиги эканини, ахийри пайқадим, бироқ мен такаббурлик билан ўзимни анча руҳан баландман деб ҳисоблар эдим. Эҳ, мен қанчалик янглишган эдим!

Лиза бир неча ҳолатларда ҳақ бўлганини пайқаб, мен ибодат қилишни бошладим. Мен эътироз билдириб: “Худойим, мен баъзан бир кунда икки соат ибодат қиламан, хотиним эса йигирма дақиқа ибодат қилади, ибодатининг аксарият вақти душнинг тагида ўтади”. (Мен бунда ҳам адашган эдим, менинг хотиним ҳар куни мунтазам равишда Худо билан ибодатли ҳаёт кечиради, менинг ўзим бундай яшашни кейин ўргандим). Мен давом этиб: “Нега мен муҳим масалаларда тез-тез адашман-у хотиним эса адашмайди?” – деб сўрадим. Раббий шундай жавоб берди: “Ўғлим, қоғозга доирани чиз”.

Мен чиздим.

“Энди эса бутун доиранинг ичига Х (икс) белгиларини чиз”.

Мен Унинг илтимосини бажардим.

Исо давом этиб деди: “Энди бу доиранинг ўртасидан чизиқ чизиб, уни иккига бўлгин. Энди сен “Х” белгиларининг ярми бир томонда, иккинчи ярми эса бошқа томонда қолганини кўрасан”.

Бу шундай эди.

“Х” белгилари тўғри қарор қабул қилиш учун Мен берадиган доноликни, маслаҳатни ёки маълумотни билдиради. Доира битта бироқ у иккига бўлинган. Сизлар бир танасизлар ва гарчан сизнинг ҳар бирингиз доиранинг ярмини билдирсангизлар-да, сизлар биргалиқда бир бутун доирани ташкил қиласизлар. Бироқ агар доиранинг фақат битта ярми фикр қилса, доира бутун бўлмайди.

У давом этди: “Сен доноликнинг бир қисми Лиза тарафда, иккинчи қисми эса сен тарафда турганини пайқайсан. Сен барча оилавий қарорларни Мендан бўлган яримта маълумотга асосан қабул қилар эдинг, фақат бир томонлама. Сен Мен Лиза ҳақида нима деганимни билиб олмас эдинг. Мен сенга керакли маълумотни бераман, ҳудди шунингдек Мен керакли маълумотни Лизага ҳам бераман. Бироқ доно етакчи сифатида, сен Мен Лизага кўрсатган нарсаларни ундан билиб олишинг, сўнг у билан биргалиқда муҳокама қилишинг керак, токи сен оила бошлиғи сифатида тўғри қарор қабул қилгин”.

Худо билан бўлган ўша суҳбат менинг турмушимни тўлиқ ўзгартирди. Мен тушундим: мен бўйдоқ бўлганимда, менинг доирам бутун бўлган ва мен барча қарорларни ўзим қабул қилганман. Энди мен хотиним билан бир тана бўлганимдан сўнг, менинг ҳаётим ўзгариши керак.

Заиф идиш

Петрнинг сўзларига яна қараймиз: “Шунга ўхшаб, сиз, эрлар ҳам, хотинларингиз заиф жинсдан эканлигини ҳисобга олиб, улар билан оқилона муносабатда бўлинглар. Улар ҳам абадий ҳаёт иноятдан баҳраманд бўлгани учун, уларни ҳурматга сазовор ҳисобланг ва ибодатларингизга халал берманглар”. Биз хотинларимизни тушунишни ўрганишимиз керак. Ибодат вақтида Раббий менга айтган сўзларидан, мен хотиним билан бўлган ўзаро муносабатларимизда қандай йўл тутишим кераклигини тушундим.

Унинг Сўзларида хотин билан узоқ муддат муваффақиятда яшаш учун янада кўпроқ донолик ва билим бор. Агарда эркаклар эркакларга ва аёлларга хос бўлган ўзаро фарқларни тушуниш учун вақт ажратганларида эди, кўплаб ажралишларнинг олди олинган бўлар эди. Ахир агар биз эркакнинг ва аёлнинг хусусиятларини бирлаштирсак биз Худо суратининг тўлиқ аксини кўраимиз. Ҳа, сиз Худонинг тўлиқ табиатини алоҳида эркақда

ёки алоҳида аёлда кўролмайсиз. Ёзув бизга шундай дейди: “Шундай қилиб, Худо одамни Ўз суратида, илоҳий суратда яратди. Уларни эркак ва хотин қилиб яратди” (Ибтидо 1:27).

Худо “уларни” Ўз суратида яратди, У Ўзини “эркак ва аёлда” гавдалантирди. Ёзув тўғри чизиқ билан шуни таъкидлайдики, инсон наслини тақдим қилиш учун эркак ва аёл керак бўлади, инсон зоти эса Худонинг суратида яратилган. Шу боис Повул ёзади: “Ҳар ҳолда, Раббимиз назарида хотин эркакдан мустақил эмас ва эркак ҳам хотиндан мустақил эмас” (1 Кор. 11:11).

Петрнинг сўзларига қайтайлик. Эр хотинини иккита йўл билан ҳурмат қилиши шарт: заиф идиш ва Худонинг иноятининг ҳамвориси сифатида. Биринчи йўл ҳақида қисқача гапиримиз. Биз хотинларимизга заиф идишга бўлгандек муносабатда бўлишимиз керак. Бу биз унга “хоним”га бўлгандек муносабат қилишимиз кераклигини билдиради. Биз эркаклар – кучлимиз ва ўз кучимизни хотинларимизни ҳимоя қилиш учун ишлатишимиз мумкин, уларга эътиборнинг оддий белгиларини кўрсатиш ҳақида гапирмасак ҳам бўлади, жумладан эшикни очиш, ресторандаги стулни силжитиш ва қўполликдан ҳимоя қилиш. Оила бошлиғи бўла туриб, эр хотинини кўкка кўтариши лозим. Бу агарда сизда махсус тадбирга фақат битта янги либосни харид қилишга етадиган маблағингиз бўлса, уни ўзингизга эмас, балки хотинингизга олиб беришни афзал кўришни англатади.

Татил учун жой танлаётган пайтда, агар у бир жойни сиз эса бошқа жойни танлаётган бўлсангиз, унинг танловига рози бўлинг. Худонинг Шоҳлигида – етакчи бўлиш устун келишни эмас, балки хизмат қилишни англатади. Сиз хотинингизда фақатгина битта ҳолатда устун келишингиз мумкин, агар сиз бу қарор хотинингиз, оилангиз ва Худо Шоҳлиги учун энг яхши қарор эканига амин бўлсангиз. Бошқача қилиб айтганда, ҳар доим хотинингиз истаган нарсани танланг. Сиз ўз ҳаётингизни у учун қурбон қилиш учун етакчи бўлдингиз. Анашу нарса хотинни ҳурмат қилишга киради, шу орқали сиз баракада бўласиз ва мукофотланасиз. Сизнинг ибодатингизда тўсиқ бўлмайди.

Иноятли ҳаётнинг ҳамворислари

Петрнинг мактубига кўра, биз хотинларимизни ҳурмат қилишимиз кераклигининг бошқа сабабларидан бири, улар иноятли ҳаётдаги ҳамворисларимиз бўлишади. Бу сизлар Худонинг олдида тенг эканингизни билдиради. Сиз эркак бўлганингиз туфайли сизнинг имтиёзингиз йўқ.

Баъзилар эркакнинг устунлигига ишонишади, бироқ бу қуруқ ёлғон ва алданишдир. Бу ўрдакни шовинист (ашаддий миллатчи) эркаклар ишга солишган, улар вақти келиб, Худонинг тахти қаршисида туриб ҳисобот берадилар. Йигирма йил давомида жамоатлар аро саёҳат қилиб, шу билан бир қаторда Худонинг Сўзини ўрганиб, шу нарса менга аён бўлдики, аёл киши эркак кишидан паст поғонада туради деган оилаларда ва жамоатларда Худонинг инояти тўхтаб туради. Аслида бу нарса содир бўлаётган жойда руҳий золимликни, оғирликни ва қулликни кўрасиз.

Қуйидаги саволларга жавоб беришга уриниб кўрамиз. Нима сабабдан баъзи жамоатларда аёллар етакчилар жамоасида иштирок этмайдилар? Нима сабабдан яқшанба кунлари аёлларга хизмат қилиш ижозат берилмаяпти? Нега айрим жамоатларда чўпонлар жамоасида аёл кишилар йўқ? Нега етакчиликда оналардан кўра оталарнинг овози кўпроқ? Оналик овози бўлмаган жамоатнинг, онаси йўқ ва болалари фақат отаси томонидан тарбияланаётган оиладан, ҳеч қандай фарқи йўқ. Оналарнинг фикридан четланадиган жамоатда Худонинг инояти ва донолиги етишмайди. Сиз эътироз билдириб, шундай дейишингиз мумкин: “Ҳа, бироқ Муқаддас Калом етакчининг хотини битта бўлиши керак, деб ёзилган”. Қани Повулнинг сўзларининг маъносини ушбу оятдан кўриб чиқамиз: “У ўз хотинига вафодор...бўлсин” (1 Тим. 3:2).

Бу таъкидлов чиндан ҳам жинс белгисига кўра айтилмаган. Келинг, бу ҳақда бутун Муқаддас Калом доирасида кўриб чиқамиз. Ҳаворий Повул Эски Аҳдни ўқишга кўникиб қолган одамларга ёзаяпти. Эски Аҳдда сиз биттадан кўра кўпроқ хотини бўлган эркакларни топасиз: Иброҳим, шоҳ Довуд, Сўлаймон, Ёқуб, Элкана (Ҳаннаҳ билан Пениннаҳнинг эри) ва бу ҳали ҳаммаси эмас. Бироқ Янги аҳдда сиз бунга ўхшаш ҳолатнинг биттасини ҳам тополмайсиз. Бу нафақат одат бўлмаган, балки қонунга кўра ижозат берилмаган. Унда нега Повул жамоат етакчиси бўлиш учун хотини фақат битта бўлиши шарт деб ёзган?

Бу ҳақда ёзиш жоиз эмасди. Сиз мен буни жудаям ошириб юборяпман деб ўйлашингиз мумкин, шундай бўлса-да, агар биз Повулнинг сўзларига қатъий риоя қилсак, унда биз бўйдоқ эркакларга етакчилик ўрнини бермаган бўлар эдик, чунки уларнинг хотини йўқ. Бундай ҳолда Повул жамоат етакчилиги хизматини тарк этган бўлар эди, бу эса беъманилик. Айримларимиз бу масалага жуда тор қараймиз.

Демак, гап жинсий фарқда эмас, гап инсоннинг ҳаётидаги Худонингдаъва-тидадир. Жамоатда ўз хотинларига ёки аёлларга ўзининг даъватини амалга оширишига халақит берган эркаклар, ўз уйининг ва хизматининг устидаги осмон деразасини катта меъёрда ёпишади. Уларда баъзи соҳаларда барака бор, бироқ Худонинг тўлиқ баракаси қўлдан бой берилган.

Аёлларга нисбатан ҳурмат йўқлиги сабабли Масиҳнинг Танаси оқсаёпти. Яхши хабар шундаки, ҳаммаси ўзгаради. Чунки Йўэл пайғамбар ва ҳаворий Петр Муқаддас Руҳ бошқаруви остида, охири замонда жамоатда аёллар хизмати тўлиқ тикланишини башорат қилганлар. «Худо айтмоқда: Охири кунларда, ҳар бир инсон устига Ўз Руҳимни ёғдираман, йигитларингизга ваҳийлар келади. Башоратлар қилар сизнинг ўғил— қизларингиз. Кароматли тушлар кўрар қарияларингиз. Руҳимни ёғдираман ўша кунларда, ҳаттоки қулу чўриларингиз устига. Улар башорат қиларлар» (Ҳаворийлар 2:17,18). Эътибор беринг, қуллар ва чўрилар башорат қиладилар, яъни эркаклар ва аёллар Худонинг Сўзини эълон қиладилар.

Саночи айнан шу ҳақда башорат қилган: “Раббийдан амр келади, аёлларнинг катта жамоаси хушхабарни элтади” (Забур 67:12). Худонинг Сўзини эълон қилувчилар кимлар? Бу оятни бошқа таржимасида бунинг жавобини топамиз. “Раббий [қўдрат]сўзини беради, [хабар] келтирувчи ва эълон қилувчи аёлни беради” (Забур 67:12, кенг.тарж.).

Саночи эркаклар ва аёллар эмас, балки айнан аёллар эълон қилишига бизнинг диққатимизни қаратаёпти. Сизга бошқа таржималар билан ҳам улашишимга ижозат беринг. “Раббий буюрди ва кўплаб аёллар хабарни олиб бордилар” (замон.тарж.). “Раббий ғалабани эълон қилди, аёллар тўдаси бахтли хабар ҳақида ҳайқириптилар” (Янги Тирик Таржима). Аёллар Худонинг Сўзини нафақат аёлларга, балки эркакларга ҳам эълон қиладилар. Бу ҳақиқатни Исо ҳам тасдиқлаган. Биринчи хушхабарчи аёл киши бўлганлиги сизга қизиқ эмасми? Бу Магдалалик Марям.

Унга бу ваколатни берган Шахс Исо бўлади. Биз қуйидагича ўқиймиз: “Мени ушлаб турма! — деди Исо Марямга. — Мен самовий Отанинг олдида чиқиб кетяпман. Сен бориб биродарларимга гапларимни етказ: “Мен Отанинг олдида чиқиб кетяпман. У сизларнинг ҳам Отангиздир. У Менинг Худойим ва сизларнинг Худойингиздир”. Шунда Магдалалик Марям шо-гирдларнинг олдида бориб: – Мен Раббимиз Исони кўрдим! — деди. Сўнг Исонинг унга айтган гапларини уларга етказди” (Юҳанно 20:17,18).

Келинг, бу масалани кўриб чиқишда давом этамиз. Агар сиз Луқо

Хушхабарини очсангиз, сиз Марям асосий воизхон бўлганини кўрасиз. Исо нафақат уни, балки бир гуруҳ аёлларни ҳаворийларга, Раббийнинг тирилишини эълон қилишлари учун юборганини кўрасиз. “Ҳаворийларга бу хабарни Мағдалалик Марям, Йўанна ва Ёқубнинг онаси Марям етказдилар. Улар билан бирга бошқа аёллар ҳам бор эди” (Луқо 24:10).

Шундай қилиб аёллар эркакларга Худонинг Сўзини эълон қилишган ва уларни юборган Шахс Исо эди! Маъбаддаги эркакларга ва аёлларга биринчи бўлиб мурожаат қилган киши пайғамбар аёл Ҳаннаҳ бўлгани қизиқ эмасми? Шимўн Юсуф ва Марям билан биринчи бўлиб гаплашган эди, бироқ маъбад ичидаги оломонга биринчи бўлиб Ҳаннаҳ мурожаат қилди. Биз шундай деб ўқиймиз: Шимўн Марям ва Юсуфга гапириб турган пайтда Ҳаннаҳ уларга яқинлашиб, Худога шукроналар айтди. У Қуддуснинг озод қилинишини интизорлик билан кутганларнинг ҳаммасига бу Бола ҳақида сўзлай бошлади” (Луқо 2:38).

Филиппнинг Раббий Сўзини эълон қилувчи тўрт қизи бўлгани қизиқ эмасми? (Ҳаворийлар 21:9). Илоҳий илҳом остида улар Раббийнинг Сўзини эълон қилар эдилар. Масих Танасининг ярмидан кўп қисми, ўзининг даъватида камситилиш ҳолатида турган пайтда, Буюк топшириқни биз қандай қилиб амалга ошира оламиз? Эркаклар ўз хотинларининг ҳаётидаги Худонинг даъватини озиқлантирсалар, улар улкан мукофотни оладилар. Мен бунга ўзимнинг ҳаётимда кўряпман.

(Эслатма. Янги Аҳдда бир неча оятлар борки, бир қарашда мен ёзганимга зид бўлиб кўринади. Бу оятларнинг асл маъносини тушуниш учун уларни ўрганиш лозим. Бу китобда мен Ёзувдаги ўша оятларни ўрганиб чиқишни мақсад қилиб қўйганим йўқ. Бироқ муҳтарам етакчилар Лоерн Куннингхам ва Дэвид Джозел Гамильтонларнинг “Нима сабабдан аёллар эмас” деган ноёб китоби бор, улар ушбу оятларни синчиклаб ўрганишган).

Менинг хотиним

Лиза беш ёшга тўлганда жарроҳлар унинг битта кўзини олиб ташлашган. Унинг тўр пардаси саратон касаллигига учраган. Мактаб ёшидан бошлаб ҳанузгача у ўнг кўз чаноғида протез тақади. Сиз мактабда унинг устидан қанчалар кулишганини тасаввур эта оласизми? Унинг нораства синфдошлари унга Циклоп ва Биркўзли деган лақаб қўйишган. У уйига куннинг ярмисида йиғлаб қайтиб келган пайтлари бўлган. Унинг онаси донолик билан уни қўллаб-қувватлаган, кучли бўл ва ўша калтафаҳм

болаларга эътибор берма деб далда берган. Аммо синфдошларининг масхараси барибир унга қаттиқ изтироб келтирган.

Катта синфларда Лиза мактабни яқунлаш учун иккита қўшимча фан қўйилганидан ваҳимага тушган. Биринчиси – оғзаки нутқ, иккинчиси – босма машинкада ишлаш. Икколловини ҳам уддалаш учун қилган уринишларининг маҳсули бўлмаганидан сўнг, Лиза мактаб раҳбариятининг маслаҳатчисига, уни ушбу фанлардан озод қилишни илтимос қилиб мурожаат қилган. У одамларнинг олдида эркин туриб, улар билан мулоқот юрита олмасди. Атрофни ёмон ҳис қилгани сабабли у машинкада чоп этишда жуда қийналарди. Маслаҳатчи ҳамдардлик билдириб Лизани ушбу иккита курсдан озод қилишга розилик берган. Бунинг ўрнига Лизага бошқа иккита фан қўшимча қилиб берилган.

Мен илгари айтганимдек, Лиза университет коллежида Исо Масиҳ билан яқиндан танишди. Шундан сўнг тез орада биз турмуш қурдик ва Техас штатининг Даллас шаҳрига кўчиб ўтдик, у ерда йирик жамоатга қатнашни бошладик. Ўша пайтда Лиза ўзгаларга ёпиқ ва шўртумшуқ эди. Жамоатдаги аёллар унинг ҳатти-ҳаракатларини такаббурлик ва димоғдорлик деб ҳисоблашарди.

Бироқ асл сабаб бунда эмасди. У ҳали хануз унинг кўзи олиб ташлангани учун ва бутун мактаб йиллари давомида уни масхара қилиб келишгани учун ҳосил бўлган қўрқувни ўз ичида олиб юрарди.

Никоҳимизнинг бошланғич йилларида биз икки ҳиссали даромадга муҳтож эдик. Шу боис Лиза пардоз-андоз тарқатадиган савдо ширкати билан шартнома тузишига тўғри келди. Мен унинг юзни парваришlash бўйича бўлган дарсини кўришга борганимда у бу соҳада қобилиятли эканини ва маҳсулот ҳақида яхши билимга эга эканини сездим. Аммо Лиза ўзининг маҳсулоти ҳақида бирор кимсага айтишдан чўчирди, шунинг учун мен унинг ўрнига мижозлар билан алоқа ўрнатиб, тақдимот кунини белгилардим.

Бир йилдан сўнг биз Далласдаги энг яхши йирик дўконга кирганимиздан сўнг, мен Лизага дедим: “Лиза, сен пардоз-андоз бўлимига ишга кириш аризасини беришинг керак. Сен бу ерда пардоз-андоз сотаётган бу барча аёллардан яхшироқсан”.

У сиз ноҳақсиз деб эътироз билдирди. Аслида эса шу ҳафта, бошқа дўконга биринчи марта ишга чиқиши керак эди. Аммо ҳар сафар ўша дўконнинг эшигининг ёнидан ўтиб кетаётганда менинг айтган сўзларим унинг қулоғида акс-садо бўлиб жарангларди. Шу боис у мендан яширинча, ўзининг иш фаолиятининг тарихини топширган экан ва ажабо, уни ишга қабул қилишибди!

У Элизабет Арден ширкатининг вакили бўлди. Лизадан олдин ишлаган қиз

аранг фақат битта қатордаги косметикани сотган. Лиза эса, қисқа ҳафталар ичида, бор бўлган барча маҳсулотларни сотиб улгурган. Бир куни у дўконнинг растасида туриб, дипломатини чиқиллатиб ёпган одамни кўрди. Бу ширкатнинг ижрочи директори эди. У: “Мен сизни биргаликда тушлик қилишга таклиф этаман. Лиза, сиз бу ерда энди бир кун ҳам ишламайсиз!” деди. Унинг илтимосига кўра, улар сўхбат ўтказдилар ва Лиза координатор лавозимига тайинланди. Далласда ва Форт Уорсда жойлашган ўн олти дўконларни назорат қилиш унинг зиммасига юкланди, яна бир дўкон Нью-Мехикода, бошқаси эса Оклахомда жойлашган эди. Икки йил ўтмасдан у яна ширкатнинг промоутери лавозимигача кўтарилди ва олти штат учун масъул бўлди.

Унинг маошини ва бонусларини сезиларли даражада кўтаришди, унга “Форд Тандебёрд” ширкатининг умуман янги машинасини совға қилишди. Бу машинада унинг ёнида ким ўтирганини, баъзан уни ким ҳайдаганини топингчи? Унинг маошига бўлган қўшимчадан ким фойда кўрган? Мен фойда кўрган эдим. Мен бунга эҳтиром учун бўлган мукофот деб атайман!

Бир неча йилдан сўнг мен йирик жамотда ёшлар хизматининг чўпони бўлдим. Бир неча ойдан сўнг ёшларга келгуси ҳафта менинг ўрнимда Лиза хизмат қилишини айтдим. Мен Раббий Лизанинг ичига кўп нарсани жойлаганини ва Лиза уйда бўлганида яхши хизмат қила олишини ва таълим бера олишини кўрдим. Мен у бир гуруҳ одамлар олдида туриб ҳам шундай қила олишини билар эдим. Лекин шуни эслатиб ўтишим керакки, мен қилган эълон катта қаршиликка дуч келди, лекин бунга ёшлар эмас, балки Лиза қарши эди. У бутун ҳафта давомида эътироз билдирарди: “Сиз мени бундай қилишга мажбурлолмайсиз. Мен уларга нима ҳақида воизлик қиламан? Мени айтадиган гапим йўқ”. Мен унга сен Худонинг ёрдами билан бунга удалайсан деб уни ишонтирдим. Мен ундаги инъомни кўриб, унинг инъоми амалсиз қолишини истамасдим.

Бир ҳафтадан сўнг Лиза ёшлар йиғинида дўндириб воизлик қилди. Ёшлар унинг ваъзидан завқланишди. Келгуси бир неча ой давомида мен яна шундай қилдим. Ва ҳар сафар мен унинг қаршилиги билан дуч келдим. У мен билган ҳамма нарсани аллақачон айтиб бўлдим, деб мен билан бахслашди. Мен кулиб юбориб унга дедим: “Мен ҳар ҳафта шундай қиламан ва ҳар янги ҳафтада анашу нарсада мен Раббийга боғлиқман”. Аммо мен келтирган асослар унга тасалли бермасди.

Лекин у барибир бирин-кетин воизлик қиларди, у бора-бора яхшироқ уйдасидан чиқарди ва ёшлар уни севиб қолишди.

Бизнинг чўпонимиз ҳозир биз ўзимиз юритаётган хизматимизга юбор-

ганидан сўнг мен олдингидай йўл тутишда давом эттирдим. Мен кичкина анжуманларда воизлик қилганимда, Лиза билан маслаҳатлашиб ўтирмай, кейинги йиғинда у воизлик қилишини эълон қилардим. Бошида у шуқадар ҳаяжонланар эдики, ярим кечасигача менга уйқу бермас эди. “Сиз менга ўзингизнинг вақтингизнинг ярмини берганингизга ишонгим келмаяпти. Бу сизнинг ёшлар гуруҳингиз эмас-ку, бу сафардаги анжуман-ку! Бунини мен эмас сиз олиб бораяпсиз.”

Кейин у мендан нима тўғрисида воизлик қилганимни сўрарди, чунки у хонада қолиб болаларимизни ухлатаётган бўларди. Мен унга жавоб берганимдан сўнг унинг жаҳли чиқарди: “Сиз мен эртага воизлик қилмоқчи бўлган мавзунини воизлик қилибсиз. Энди мен нима ҳақида воизлик қилишим керак?” Мен жавоб берардим: “Азизам, Раббий сени кўп нарсага ўргатди, бу одамлар шу ҳақда эшитишлари керак”. У мен билан эрталаб соат учгача бахшларди. Ниҳоят, мен кулишни бошлардим ва дердим: “Севгилим, йиғин соат эрталаб тўққизда бошланади, атиги олти соат қолди, яхшиси ухлаб олгин”.

Шубҳасиз, Лиза эртаси куни ҳаммани ларзага келтирарди. Унинг мактуби ғаройиб эди, одамлар уни диққат билан тинглашарди. Мен бошқа шаҳарларда ҳам шундай қилдим ва у янада кучлироқ хизмат қилишни бошлади.

Энди мени яна ниманидир айтишимга ижозат беринг. Лизага осон эмасди. У университет ёшидаги ёшлар аудиторияси олдида биринчи марта воизлик қилганида, йиғиндаги бир нечта эркалар аёл кишини тинглашдан бош тортиб шовқин қилиб, залдан чиқиб кетганлар.

Ўша лаҳзада Лизанинг ўзи ҳам улар билан биргаликда чиқиб кетишни қанчалик истаганини тасаввур қилинг. У одамлар олдига чиқиб дарс беришни ҳеч қачон орзу қилмаган. У фақатгина Худога бўйсунгани учун шундай қилган.

Китоблар билан ҳам шундай

Китоблар билан ҳам мен шундай йўл тутдим. Мен учта китоб ёздим. Лиза менга уларни нашр қилиш билан ёрдам берди.

Бу биргаликда қилган ишимиздан мен уни истеъдодли ёзувчи эканини тушуниб олдим, “Шайтоннинг хўраги” китобим эса юртимизда бозори чаққон чиқди. Мен нашриётчига мурожаат қилиб дедим: “Менинг рафиқамда Худо уни, қандай қилиб қўрқувдан ва ҳаётининг айрим соҳаларидаги босимдан озод қилгани ҳақида гувоҳлиги бор. Сиз китоб ҳақида Лиза билан гаплашиб олишингиз керак, фақат мен орқали эмас, балки тўғри ўзи билан”.

Бир неча кундан сўнг нашриётчи уйимизга келди. Лекин у менинг

олдимга эмас Лизанинг олдига келди. Лиза менга савол назари билан қараб: “Бу ерда нима бўляпти?” деб сўради.

Нашриётчи Лизанинг қалбида нима борлиги тўғрисида эшитиш учун, у ва унинг ишчилари учрашув белгилади. Бироз ўйга чўмилгандан сўнг у деди: “Сизнинг эрингиз сизда китоб ёзиб, одамларга улашадиган мактубингиз борлигига ишонади. Сизни тинглаб бўлгандан сўнг мен унинг фикрига қўшиламан”.

Ўша пайтдан бошлаб, Лиза олти китоб ёзди, уларнинг бештаси бозори чаққон келди. У китобининг таъсири орқали бутун дунё бўйлаб одамларнинг ҳаётида таассурот қолдирди. Энди ҳар йили у ўн минглаб одамларнинг олдида туради ва икки юздан зиёд миллатларга етиб борадиган ойнаижаҳон дастурининг олиб боручиларидан биридир.

Бу ҳақда ўйлаб кўринг: гапиришдан уялган ва компьютерда ёзишни билмаган аёл. У ҳозир нима билан машғул? Минглаб одамларга саҳна ва ойнаижаҳон орқали муружаат қилади ва китоблар чоп этади! У Худо иноятининг қудрати орқали ўзининг қўрқувини енгди. Унинг эри, Яратувчи Ўзининг қизига берган илоҳий инъомни кўриб, иззат қилгани сабабли кўплаб одамларнинг ҳаёти барака топди. Агарда жамоатдаги барча эрлар ўзларининг хотинларини ҳурмат қилишни бошлаганда, нималар содир бўлмасди?

Мен рафиқамни ҳурмат қилиб қандай мукофотга эришдим? Жуда кўп соҳаларда, буларнинг ҳаммасини бирга айтишнинг имкони йўқ. Лизанинг ҳаёти нафақат хизматда, балки ҳар бир соҳада яшнаб кетди. Озодлик олган инсон чиндан ҳам озоддир. Қачондир мен Худонинг инояти Лиза учун эшик очади деб ўйлардим, бугун эса унинг инъоми мен учун эшикларни очиб беряпти. Рафиқамнинг шарофати билан мен учун бутун дунё бўйлаб имкониятлар очилди. Мени чўпонлар шундай сўзлар билан таклиф қилган жойлар бўлган: “Биз сизни ҳам таклиф этишимизга тўғри келди, чунки сизнинг рафиқангиз бизнинг хотинларимизга ниҳоятда таъсир кўрсатди”.

Бошқа мукофот шундаки, мен ўзининг даъватини бажараётган аёл билан яшайман. Худонинг даъватини бажармаган инсон, ўз юрагидан оғир юкни ҳис қилади, чунки Раббий унга жойлаган нарсани рўёбга чиқара олмайди. Бундай одамлар оғир юк остида юрадилар. Исо Худонинг иродасида бўлган инсон ҳақида айтганда, Унинг юки енгил эканини айтган (Матто 11:28-30). Раббий учун қилинган меҳнатда қувонч бор. Ҳужумлар оғир ва такрорланиб туришига қарамай, Худонинг режасида бўлиб, уларни енгил осонроқ кечади.

Менинг рафиқам бахтли ва барча соҳада Худонинг қизи, хотин, она ва Хушхабар хизматкори сифатида ғайратга тўла. Агар бирорта соҳада

камчилик бўлса унда бошқа соҳалар ҳам азият чекади. У унинг биринчи ўринда турадиган вазибалари тўғри бўлишига синчковлик билан ёндошди: аввалига оила, сўнгра хизмат ишлари. Натижада, оила орқали ғаройиб иноят намоён бўлди, токи у саёҳат қила олсин ва ўзининг даъватини амалга оширсин. Агар биз Худонинг ҳаётимиздаги даъватга эргашмасак эдик, бизнинг никоҳимиз ҳеч қачон бунчалик тўлиқ ва севгимиз бунчалик мустаҳкам бўлмас эди. Мен ишонаман энг улкан мукофот – бу Лизанинг хизмати орқали, абадият учун таассурот олган юз минглаб инсонларнинг ҳаётидир. Бир куни келиб, бизда Худонинг тахти олдида, унинг меҳнатининг ҳосиллари турганини кўриш имтиёзи бўлади.

Мен бир куни ўғилларимга савол бердим: “Йигитлар сизлар отангининг ва онангининг саёҳатига, қандайдир бир салбий нарсасизларми? Сизнинг онангиз ва отангиз сизлардан олиб қўйилгандек ҳис қиляпсизларми ёки сизлар бунга ижобий қараб, ота-онангизни бутун дунё бўйлаб муҳтож бўлган одамларнинг ҳаётига экиш орқали, сизнинг хизматингизнинг бир қисми деб ўйлайсизларми?”

Менинг тўнғич ўғлим биринчи бўлиб жавоб берди: “Дада, биз бунга бизнинг хизматимизнинг бир қисми деб қараймиз. Бу Шоҳлик учун одамларнинг ҳаётига таъсир ўтказишнинг йўлидир”. Қолган учта ўғлим ҳам қатъиятлик билан унинг фикрига қўшилдилар.

Ўша вақтдан буён биз бир-биримизга қувонч билан қараймиз. Биз Худоба бўйсунган хизматкорларнинг устида Унинг инояти нақадар буюклигини англаб етдик. Бизнинг ўғлонларимиз нафақат бу ҳаётда, балки ҳукм курси олдида ҳам ўзларининг мукофотларини оладилар. Ҳурмат учун мукофотга эга бўлиш ҳайратланарли. Биз уни шу заҳоти кўрмаймиз, лекин у Худо Сўзининг ваъдасига кўра бизгача, албатта етиб келади: “Агар Эгангиз Худоба итоат этиб, мен бугун айтаётган Унинг барча амрларини битта қолдирмай бажарсангиз, У сизларни ер юзидаги ҳамма халқлардан устун қилади. Эгангиз Худоба итоат этсангиз, У сизларга барака беради, барака сиздан аримайди” (Қонуннинг қайт. 28:1,2).

Биз мукофот учун эмас, балки бу Худонинг юрагида бўлгани ва биз ҳам шуни истагимиз учун иззат кўрсатамиз. Шундай бўлса-да, мукофот ўзининг ҳосилини келтирадиган уруғ каби муқаррардир. У ҳар бир чинакам ҳурмат кетидан юради. Шу боис эрлар ҳаёл суриб ўтирманг. Хотинингизни ҳурмат қилиш ҳаёт тарзига айлансин. У орқали сиз оладиган мукофот сиз тасаввур қилганингиздан ҳам анча йирикдир!

16-БОБ

Ҳаммани ҳурмат қилинг

Энди, келинг, ўйимизда, жамоатимизда ёки офисимиздан ташқарида бўлган одамларни ҳурмат қилиш масаласини кўриб чиқамиз. Бу биз кундалик ҳаётимизда алоқа қиладиган одамлардир. Петр шундай дейди:

“Ҳаммани ҳурмат қилинг”.

– Петрнинг 1 мактуби 2:17

Бу оятнинг бошқа таржималарини кўриб чиқамиз:

“Ҳамма одамларга ҳурмат кўрсатинг [ҳурмат билан муомала қилинг] (кенгайтирилган Инглиз тилидаги Муқаддас Китоб таржимаси) ва “Ҳар қандай дуч келган одамга муносиб тарзда муносабат билдиринг” (мессиджер, Янги Аҳднинг инглиз тилидаги замонавий изоҳи), яна “Ҳар бир кишига ҳурмат кўрсатинг” (Янги Тирик таржима). Бу ерда таърифланган одамларни Исо бизнинг “яқинларимиз” деб атайди. Келинг, Инжилдаги машҳур воқеани кўриб чиқамиз. Эҳтимол, сиз аллақачон бу воқеани билсангиз керак. Уни Янги Аҳднинг Замонавий таржимасидан ўқиймиз:

“Исо шундай деб жавоб берди: — Бир одам Қуддусдан Ерихога бораётган экан, у қароқчилар қўлига тушиб қолибди. Қароқчилар унинг кийимларини ечиб олиб, калтаклаб, чалажон қилиб ташлаб кетибдилар. Тасодифни қарангки, ўша йўлдан бир руҳоний кетаётган экан. У ҳалиги одамни кўрибдию, йўлнинг нариги четидан ўтиб кетаверибди. Ўша жойдан ўтиб

кетаётган леви ҳам худди шундай қилибди. У ярадор одамни кўриб, йўлнинг нариги четидан ўтиб кетаверибди. Аммо ўша ердан ўтиб кетаётган бир Самариялик бу ярадор одамни кўриб, унга ачинибди. Унинг ёнига келиб, яраларига зайтун мойи, шароб суриб, боғлаб қўйибди. Сўнг уни ўз уловига миндирибди— да, меҳмонхонага олиб келиб, уни парвариш қилибди. Эртаси қуни икки кумуш танга чиқарибди— да, меҳмонхона эгасига бериб: “Унга яхши қаранг, агар бундан ортиқ харажат қилсангиз, қайтишимда сизга тўлайман”, дебди. Сизнингча, ўша уч одамдан қайси бири қароқчилар қўлига тушган одамнинг яқини ҳисобланади? Тафсирчи: — Унга шафқат кўрсатган одам— да, — деб жавоб берди.— Боринг, сиз ҳам шундай қилинг! — деди унга Исо”.

– Луқо 10:30-38

Рухоний билан леви ўлим ёқасида ётган одамни керакли ва аҳамиятли деб ҳисобламади. Чет эллик бўлган Самариялик эса ўлаётган одамнинг ҳаётини юқори баҳолади. Ёзув у “унга ачинди” деб таъкидлапти. Ҳурмат юракдан келиб чиқади. Самариялик жароҳатланган одамнинг яшаши учун керакли бўлган нарсаларни бериш учун ўзининг вақтини сарфлади, боз устига у уни меҳмонхонага элтиб қўйди. Аслида у ўзи илгари умуман билмаган одамни икки кун боқиш ва қараш учун ўз ҳамёнидан тўлади. У ўлаётган одамга ёрдам бериш керакмикан деб ибодат қилмади ва Раббийдан махсус сўз келишини кутиб ўтирмади. Унинг ҳаракатлари бошқа инсонларга нисбатан бўлган севги, ачиниш ва ҳурматга тўлган юракдан келиб чиққан эди. Муқаддас Китобнинг инглизча таржимасида: “Унинг юраги у кишига нисбатан йўналди” — дейилган.

Замонавий мисол

Инсонларни ҳурмат қилишни таърифлайдиган буюк ҳодисалардан бири, менинг дўстим Билл Уилсон билан содир бўлди. Биллнинг онаси уни ўн бир ёшида сув ўтказгич қузури устида ўтирган ҳолда қолдириб кетган. Онаси ўғлига мен қайтганимга қадар жойингдан қимирлама деб кетган. Лекин онаси умрбод қайтиб келмаган. Нотаниш эркак, масиҳий одам уни ўша ерда топиб, Биллни ёзги лагерга, пулни тўлаб юборган. Масиҳийнинг беғараз иши Биллнинг даъватини ҳаракатга келтирган.

Йиллар ўтиб, Билл Уилсон “Metro Ministries” – масиҳий хизматига

асос солган ва бугунги кунга қадар унга раҳбарлик қилиб келмоқда, у ҳар ҳафта Нью-Йоркдаги йигирма мингдан ошиқ болаларни қамраб олади. Билл шахсан ўзи автобус ҳайдайди. У ўзининг ишчилари ва кўнгиллилар билан биргаликда Раббийнинг нурига жуда муҳтож бўлган туманларда Хушxabарни кучда ва сўзда тартақмоқда. Унинг хизмати ҳайратомуз: унинг хизмати ёрдамида нафақат, Нью-Йоркда балки бошқа жойларда ҳам минглаб одамлар нажот топди. Билл мамлакат ичида ва бутун дунё бўйлаб ўйсиз болаларнинг ҳаётини қадрлаш тўғрисида одамларни руҳлантиради. У бутун дунё бўйлаб “Metro Ministries”нинг кўп хилдаги хизматларига асос солмоқда.

Билл каби одамлар жуда кўп. Улар ўмидсиз ва йўқсил одамларга бориб хизмат қилмоқдалар. Биз уларга ёрдам беришимиз мумкин. Қандай қилиб? Ёрдам беришнинг энг зўр усулларида бири – ибодат ва қўрбонлик қилишдир. Агар ўзини масиҳий деб атовчи ҳар бир инсон шунга ўхшаш хизмат учун ҳар ойи муайян миқдордаги пулни қўрбонлик қилса нима содир бўлишини тасаввур эта оласизми? Самарияликни – бу чинакам масиҳий инсон деб, жароҳатланган инсон эса – бу гуноҳкор деб фараз қилинг. Самарияликнинг кўрсатган ғамхўрлигидан сўнг гуноҳкор одам, унга воизлик қилинган Хушxabарни бажонидил тинглайди. Лекин агар руҳоний ва леви масиҳий бўлганларида эди, мажруҳ одам уларнинг Хушxabарини тингламас эди. Бизнинг юрагимизда Худонинг севгиси бўлган пайтда биз барча инсонларни жуда қадрлаймиз ва муҳтожларга ёрдам кўрсатаётган ва уларга Инжилнинг хушxabарини етказётган хизматларга молиявий ёрдам кўрсатамиз.

Бундай хизматларга ёрдам кўрсатишнинг яна бир усули – бу уларга қўшилишдир. Бунинг учун сиз Биллникига ўхшаш хизмат бор бўлган Нью-Йоркка ёки бошқа шаҳарга кўчиб ўтишингизга эҳтиёж йўқ. Маҳаллий жамоатингиздаги ёрдам кўрсатиш дастурларининг бирида иштирок этинг. Агар сиз ҳеч қурса ҳафтада бир марта қатнашсангиз, сиз чиндан ҳам муҳтож бўлган одамлар билан дуч келасиз. Биз якка бўлгандан кўра биргаликда кўпроқ иш қила оламиз. Гарчи биз самариялик яхши одамга ўхшаб, бир ўзимиз бўлган вақтларда ҳам ёрдам бериб яшашни унутмаслигимиз керак. Бироқ Ёзув бизни биргалашиб ишлашга ундайди, бунинг ёрдамида биз кўпроқ одамларга эришамиз: “Сизлардан бештаси ғанимларнинг юзтасини қувади, юзтангиз ўн мингтасини қувади. Уларни қиличдан ўтказасизлар.” (Леви 26:8).

Биз бирлашиб – самарадорлигимизни кўпайтирамиз. Худо жамоатни

212 ҲУРМАТ ЭВАЗИГА МУКОФОТ

шундай тарзда қурганки, биз самарали бўлишимиз учун бирга бўлишимиз керак, чунки биз бир-биримизга муҳтожмиз. Повул биз биргалашиб ишлаганимиздагина Масиҳнинг Танаси ўсишини таъкидлаб ўтган (Эф.4:16).

Анашу муҳим сабабга кўра биз маҳаллий жамоатда экилган бўлишимиз шарт. Ахийри агар ҳар бир имонли шахсий ҳаётидаги ва хизматдаги ўзининг вазифасини бажарганида эди, Билл Уилсоннинг воқеасига ўхшаган воқеалар нақадар кўп бўлган бўлар эди?

Билл олиб бораётган иш жуда муҳим. Лекин биз фақат шунда тўхталиб қололмаймиз. Яна кўплаб бошқа тоифадаги одамлар бор, улар ачинарли ёки камбағал кўринишга эга эмаслар. Улар бекамикўст ва шинам ҳаёт кечирмоқдалар, бироқ улар яраланган ёки, боз устига ўз юракларида ёлғиздирлар. Уларни бой маҳаллаларда ва бошқа жойларда ҳам учратиш мумкин. Қисқача айтганда улар ҳамма жойда бор: озиқ-овқат дўкониди, супермаркетда ёки бошқа жойларда ишлайдилар. Улар ёлғиз, яраланган ва кимдир улар юқори баҳолашига муҳтождирлар. Улар ёнимизда ва улар бизнинг яқинларимиздир.

Биз ҳар куни уларни четлаб ўтаемиз. Баъзан биз бандмиз ва атрофимиздаги одамларнинг эҳтиёжини сезмаймиз. Мен қанчалик улғайсам, одамларга эришишим шунчалик осонлигини тушунаман. Ҳаммаси ўз юрагиндаги ҳурматдан бошланади. Юрагимизда ҳурматга эга бўлсак биз Муқаддас Рухни ҳис қилишни бошлаймиз ва У бизни бошқаради, баъзан буни ҳатто ўзимиз англамаймиз. Бизнинг кундалик ҳаётимиз узлуксиз хизматга айланади. Сиз одамларни ҳурмат қилганингизда, сиз уларни рад этмайсиз ёки Худо сизга йўналтирган одамлар билан қўпол гапирмайсиз. Ҳойнаҳой, сиз чанқоқ юракларга осмондан тирик сувни келтирадиган Илоҳий оқимда оқасиз. Мен севган ва кўп йиллар давомида мен содиқ бўлган Ёзувдаги оят қуйида келтирилган: “Толиққанларга сўз билан мадад берсин деб, Эгам Раббий менга доно тил берди. Ҳар тонг У мени уйғотади. Донолардай тингласин деб, қулоғимни очади” (Ишаъё 50:4).

Сиз Худонинг ушбу ваъдасига ишонишингиз мумкин. Кўпчилик бирор бир аҳмоқ гап айтиб қўйишдан қўрқиб одамлар билан гаплашмайдилар. Агар сиз Худонинг Сўзига ишонсангиз, сиз оғзингизни очганингизда, ўз жонида ёлғиз бўлган ва ҳолдан тойган кишига ҳаёт, шифо ва куч олиб келишингизни билинг.

Аммо бу ҳали ҳаммаси эмас. “Ҳаммани ҳурмат қилинг” ибораси ёлғизларга эришишдан кўпроғини англатади. Биз учратган ҳар бир инсонни ҳурмат қилсак у фаровон ҳаётга эга бўлади. Юракдан айтилган ҳар бир сўз тинглаётган кишига ҳаёт бахш этади. Моҳиятан, бу беҳисоб одамларни ўз ўчига олади, биз уларни кундалик ҳаётимизда учратамиз ва уларнинг кўпчилигини ҳаётимизда фақат бир марта кўрамыз. Балким бу лифт ичидаги инсон ёки самолётдаги йўлдош ёки телефон тармоғининг муҳандиси бўлиши мумкин. Биз уларни илиқ сўзлар билан ёки самимий табассум билан ҳурмат қилишимиз мумкин.

Яқинда мен Лондондаги паркда сайр қилиб юрганимда, афтидан Яқин Шарқлик бўлган кекса аёл бошини пастга тушириб менга қарши томондан келаётган эди. Менинг унга нисбатан раҳмим келди. Мен, бу кекса аёл ўзига нисбатан ҳурмат билан муносабат қилишмаганига, айниқса эркаклар ҳурмат қилмаслигига кўникиб қолганини тасаввур қилдим. Мен юрагим билан унга ачиндим ва унга “Хайрли тонг!” дедим. Мен буни қувонч билан ва чин дилимдан айтдим. У менга назарини солиб қарийб ишончсизлик билан қаради. Ва мен гўёки унинг фикрларини ўқигандек бўлдим: “Нима сабабдан ғарблик эркак нотаниш аёл кишига бундай яхши гапиряпти?” Бироқ у бундай деб ўйлашидан аввал ҳурмат кўрсатиш ўз самарасини берди, унинг чеҳраси очилди ва у журъатсизлик билан мен билан жавобан саломлашди.

Ҳойнаҳой, мен уни ердаги ҳаётимда бошқа кўрмасман, лекин мен юрагимдан оқиб чиқиб қуйилган Худонинг севгиси, қачондир ҳосил келтирадиган абадий уруғни экканимга ишонаман. Биз бунга ишонишимиз мумкин. Келинг, Рухда яшаймиз ва биз шунчаки кун кечираётганимизга эмас, балки элчи эканимизга, инсонларга ҳаёт келтирадиган Худонинг ғайритабиий кучи билан яшаётганимизга ишонамиз. Инсонларга табассум қилиш жуда ҳам қийинми? Нотаниш одамларга яхши сўзларни айтиш жудаям мушкулми? Биз айтган ҳар бир сўзимиз кимгадир ҳаёт олиб келишига ишониш мураккабми? Агар бизда Худонинг кучига етарлича ишонч бўлмаса ва юрагимизда барча инсонларга нисбатан етарлича иззат-икром бўлиши мумкинми? Лекин агар сиз ибодат қилиб Худодан, ичингизга У хочда ўлган одамларга нисбатан, ҳурмат қилиш ҳиссини жойлаштиришини сўрасангиз, У шундай қилади, чунки бу Унинг хоҳишидир.

Ҳаёт тарзи

Сиз Худодан юрагингизга бошқа инсонларга нисбатан ҳурматни жойлаштиришини сўраганингиздаёқ сизнинг ҳаётингиз ўзгаради. Сиз пешхизмат (официант) йигитга ёки пешхизмат қизга умуман бошқача муносабатда бўлишни бошлайсиз. Сиз менюга термилиб ўтиришнинг ўрнига, улар сизнинг столингизнинг олдида келганида сиз уларнинг кўзига қараб салом берасиз. Сиз буюртма беришнинг ўрнига унинг исмини сўрайсиз, сиз уларга мурожаат қилганингизда уларни исми билан чақирасиз. Энг муҳими: уларнинг сизга қилган хизмати учун, уларга сўз билан ва молиявий кўринишда “раҳмат” миннатдорчилигингизни билдириш. Уларга 10 фоиз эмас, 20 ёки ҳатто 25 фоиз чойчақа қолдириш. Ҳар доим одатдагидан кўра кўпроғини қилинг. Ўртамиёна алланарсага рози бўлманг. Пешхизмат қанчалик қадрли эканини ўзингиздан сўраб кўринг. Бунинг жавобини сиз ёддан билишингиз керак: бу Исо у учун ўлиши учун етарли даражада қимматлидир.

Ачиниб айтаманки, хизматкорлар мени тушлик қилишга таклиф қилганларида бизга хизмат қилган одамларга арзимас чойчақа қолдиришганининг бир неча марта гувоҳи бўлганман. Бир марта чойчақа шунчалик кам эдики мен чора кўришимга тўғри келди. Биз чўпон билан рестораннинг машина қўйиладиган жойига қараб кетаётган эдик. Мен унга: “Машинанга қараб боравер, мен ресторанга оз вақтга қайтишим керак” дедим. У машинага қараб боргунича, мен ресторанга қайтиб бориб, стол устига катта чойчақа қолдирдим. Қандай қилиб, бизга хизмат қилган кишига шунчалик камситадиган чойчақа қолдириш мумкин? Айниқса пешхизмат биз ҳозиргина жамоат хизматидан келганимизни билар эди.

Мен Лиза билан бир марта бизга хизмат қилган пешхизмат қизга 50 фоиз чойчақа қолдирганимиз эсимда. У бизни хизматда бўлганимизни гапларимиздан билар эди. Биз Худо билан унинг ўртасидаги алоқачи бўлдик, у Худо уни нақадар қадрлашини билиб олишига кўмаклашдик. Биз унга қанча қолдирганимизни билишидан аввал, чиқиб кетдик. Лекин мен бу унга таъсир қилганига аминман, унинг қалбида Нажоткорга нисбатан яхши ихлос қолган. “Масих ҳақидаги Хушxabарни ёр эканмиз, биз нажот топадиганлар орасида ҳам, ҳалок бўладиганлар орасида ҳам Худога хуш келадиган тутатқи назрининг ҳидига ўхшаймиз” (2 Кор. 2:15). Ўйлайманки анашу ҳолатдан сўнг у қизда имонлилар тўғрисида яхши

таассурот қолди, шу боис у Хушхабар учун очиқ бўлади.

Сизга кўплаб марта хизмат қилаётган одамларга ҳурмат кўрсатсангиз сиз улардан илтифот топасиз: катта порция, қўшимча овқат, энг зўр хизмат ёки кутилмаган совғалар. Албатта, имонли киши шу сабабга кўра ҳурмат кўрсатмайди, шундай бўлса-да бу чиндам ҳам баракадир. Мен Лиза билан кўп мартаба аэропортнинг хизмат турар жойидан фойдаланганмиз. Биз тез-тез сафар қилаётганимиз сабабли одамлар бизнинг машинамизни яхши билишади ва агар машина қўйиладиган жойда бир нечта хизматчилар бўлса улар бизга хизмат кўрсатиш учун пойга ўйнаб югуриб келишади. Бунга нима сабаб? Чунки биз уларга яхши чойчақа берамиз. Лекин фақат бу эмас, биз улар билан гаплашамиз, улардан ишингиз ва яқинларингиз қандай деб сўраймиз. Аэропортда ёпиқ ва очиқ хизмат тўхташ жойи бор. Бизнинг машинамиз доим ёмон ҳаводан муҳофаза қилиш учун ёпиқ тўхташ жойида туради. Мен буни ҳурмат кўрсатишнинг мукофоти деб атайман!

Бунга ўхшаш воқеа уйимизнинг олдидаги озиқ-овқат дўконида ҳам содир бўлади. Бир марта бошқа шаҳардан келган меҳмонларимиз биз билан бирга дўконга бордилар. Улар биздан: “Бу дўконда сизларни танимайдиган одам борми?” деб сўрадилар. Улар бизни машҳур хизматкорлар ёки китоб муаллифлари тариқасида билишгани учун эмас, биз улар билан яхши муомала қилиб сўхбатлашганимиз учун, уларнинг ишлари тўғрисида қизиқиб сўраганимиз учун меҳмонлар шундай саволни бердилар. Биз нима билан шўғулланишимизни билган одамлар биздан улар учун ибодат қилишимизни сўрашар эди. Биз ҳар сафар дўконга кирганимизда ҳамма нарса жонланади ва бизга нафақат яхши чегирма беришади, балки шунингдек, махсус сифатли хизмат кўрсатишади. Қайтараман, биз улардан чегирма олиш мақсадида уларга ҳурмат кўрсатамизми? Йўқ, минг бора йўқ. Биз Раббий бизга шундай қобилиятни бергани сабабли уларга шундай ҳурмат кўрсатамиз.

Амалий мисоллар

Барча одамларга ҳурмат кўрсатишнинг бир неча амалий мисолларини келтиришимга ижозат беринг. Инсон билан учрашганингизда унинг кўзларига қаранг, унга мулоимлик билан мурожаат қилинг, у сиз учун муҳим инсон эканини кўрсатинг. Фақатгина ўзингизнинг мақсадингизга эришишга интиланг, масалан: тезгина буюртма бериб, илтимосингизни

билдириб ёки харид қилиб кетиш. Яхшиси, унинг ишлари қандайлигини билиш учун бир неча дақиқангизни сарф қилинг, агар вақтингиз бўлса бир эмас балки кўпроқ савол беринг, ҳар бир инсон учун нима муҳимлигини пайпаслаб топинг. Киши сиз учун қимматли эканини тушунганидан сўнг, сиз унга буюк инъом – Исо Масихнинг Хушхабарини таклиф этишингиз учун эшик очиқ бўлади. Лекин агар сиз уни қадрламасангиз ва унга бирданига Хушхабарни айтмоқчи бўлсангиз у сиз ундан фойдаланганингизни сезиб қолади.

Одамлар сизда кўрган нарсадан кўра кўпроқ нима қила олишингиз мумкинлиги ҳақида ўйлаб кўринг. Уларга кичкина совға беришми, қутилмаганда чойчақа беришми ёки уларнинг ишида ёрдам бериш мумкинми? Фаррошга бир пиёла чой беринг, ёки шаҳар ҳовлисида ишлаётган кишига тушлик буюртма қилинг. Қўшнингизнинг гаражи олдидаги қорни куранг ёки унинг уйини олдидаги газонни ўриб беринг. Бошқа одамларга ҳурмат кўрсатиш, айниқса буни қўққисдан қилиш жуда қизиқ. Бу каби кичик ҳаракатлар уларнинг юрагида Исо Масихнинг Хушхабарини эшитиш истагини ёндиради.

Қайтараман, Раббимиздан барча одамларга нисбатан ҳурмат кўрсатиш хоҳишини жойлаштиришини сўраш жудаям муҳим. Агар сиз юрагингизда эга бўлмай туриб, одамларга ҳурмат кўрсатишни бошласангиз бу сохта ва юзаки бўлади. Аслида бу сиз кутгандан кўра бошқача натижа келтиради. Риёкорликни сезиш қийин эмас, кўпчилик буни фарқлай олади. Охирги бобнинг якунида биз биргаликда ибодат қиламиз ва Худодан юрагимизга ҳурмат кўрсатиш ҳиссини жойлаштиришини сўраймиз. Ушбу китобда ёзилган Худонинг Сўзи сизнинг имонингизни қурди ва иззат-икром кўрсатишни юрагингизда шакллантирди. Биз энди фақат сўрашимиз қолди. Биз ибодат қилишимиздан аввал якуний бобни кўриб чиқишимиз қолди, холос.

17-БОБ

Худога ҳурмат

Охиргиси, аммо чиндан ҳам энг муҳими шуки ҳақиқий ҳурматда юриш учун энг аввало ва ҳамма нарсадан кўра кўпроқ Раббийни ҳурмат қилиш зарур. Ҳақиқий ҳурмат Уни ҳамма нарсадан ва ҳамма одамдан кўра устун ҳурмат қилишга асосланган. Ҳикматлар китоби бизга буюряпти: (Ҳикм. 3:9) “Уни ҳурмат қил”.

Биз Уни барчадан кўра кўпроқ қадрлашимиз, ҳурмат қилишимиз, Унга эҳтиром билан ёндошишимиз шарт. Биз кимнидир ёки ниманидир Раббидан кўра юқориноқ қадрласак Уни ёмон отлиқ қилган бўламиз. У Буюк Шоҳ, У бизнинг бор ҳурматимизни олишга лойиқ, фақат бир қисмига эмас. Бизнинг ҳурматимиз фақатгина Худога сажда қилишимиз орқали кўрсатилади.

Ёдингиздами, бизнинг бирламчи мақсадимиз – Раббийни улуғлаш экани ҳақида сўзлаган эдик. Биз ҳокимиятни, бизнинг даражамизда бўлганларни ва “кичикларни” ҳурмат қилганимиз Исога ўтади ва охири Отага етиб боради. Шунинг учун, Худони ҳурмат қилиш ва Унга бўйсунининг ўрнини одамларни ҳурмат қилиш эгалласа, бу ҳақиқий ҳурмат эмас балки, сохта ҳурмат ёки бутпарастликка айланади.

Сохта ҳурмат

Элай олийруҳоний эди. У Шомуилнинг болалик йилларида чодир учун масъул эди. Унинг ўғиллари ярамас бўлиб, Раббийни ҳам, Унинг халқини ҳам ва ҳаттоки, руҳонийлик мажбуриятини ҳам ҳурмат қилмас эдилар. Улар энг зўр қурбонликларни ўзларига олар, агар левилар норозилик билдирсалар улардан зўравонлик билан тортиб олардилар. Элай ўз

Ўғилларининг маккорона хулқидан воқиф эди. У ўғиллари қурбонликлар билан нима қилаётганини ва йиғин чодирига кириш жойининг олдида ўтирган аёлларни қандай васвасага солишаётгани ҳақида билар эди. Ва ниҳоят, у уларни тўғирлади: “Элай ўғилларига дерди: Нимага бундай қиялпсизлар? Қилаётган қабиҳ ишларингиз ҳаммининг оғзида. Бундай қилманглар, ўғилларим! Эгамизнинг халқи орасида ёйилган гап-сўзлар яхши эмас” (1 Шоҳ .2:23, 24). Элай уларни фош қилганига қарамасдан, барибир ўз ўғилларига руҳоний бўлиб хизмат қилишларига йўл берди. Уларнинг хизмати Элайга фойда келтирар эди: унинг овқатга бўлган очофатлиги унинг ўғилларининг ёрдамида қаноатлантириларди. Агарда у Худони чиндан ҳам ҳурмат қилганида эди, у уларни хизматдан олиб ташлаган бўларди. У уларнинг ўрнига Худога ва одамларга самимий юрак билан хизмат қиладиган диёнатли одамларни қўйган бўларди.

Энди Раббий пайғамбар орқали Элайга айтган сўзларини тингланг: “Бир кун Элайнинг олдига бир пайғамбар келиб, шундай деди: Эгамиз сенга айтмоқда: “Исроил халқи Миср юртида фиръавнга қул бўлиб юрганда, Ўзимни ота-боболарингга зоҳир қилдим-ку! Бобонг Ҳорун Менинг қурбонгоҳимга чиқсин, қурбонлик куйдириб, олдимда эфодни кийиб юрсин деб, жамики Исроил қабилалари орасидан Мен уни Ўзимга руҳоний қилиб танлаб олган эдим. Бунинг устига, Ҳорун авлодининг улуши бўлсин деб, ҳамма куйдириладиган қурбонликлардан ҳам бердим. Шундай бўлгач, Мен буюрган қурбонлик ва назрларни нимага писанд қилмаяпсизлар?! Нимага халқим Исроил берган ҳамма назрлардан энг яхши улушларни олиб ўзингиз еб семиряпсизлар?! Нимага ўғилларингни Мендан ортиқ кўряпсан?!» (1 Шоҳлар 2:27-29).

Пайғамбар Элайнинг ўғиллари зўр қурбонликларни куч ва ҳийла билан тортиб олишни афзал кўрганлик ниятини фош қилди. Худо пайғамбар орқали Элай ўз ўғилларини Худодан кўра кўпроқ ҳурмат қилишини айтди. Ўз қилмишлари учун у нафақат мукофот олмайди, у ёмон отлиққа чиқади. Худо пайғамбар орқали нима деганини тингланг:

“Шунинг учун Раббий Исроилнинг Худоси шундай демоқда: «Хонадонинг ва отангнинг хонадони тоабад Менинг ҳузуримда юрадилар», деган бўлсам ҳам энди бундай бўлмайди! Зеро Раббий шундай демоқда: «Мени улуғлаётганларни Мен ҳам улуғлайман, Мени бадном қилаётганлар эса шарманда бўладилар». Мана, кунлар келмоқда, Мен сенинг ва отанг хонадонининг қувватини кесиб ташлайман, сенинг

хонадонингда қария ҳам бўлмайди. Мен Исроилга эзгулик қилсам ҳам, сен Менинг уйимнинг кулфатини кўрасан. Умрбод сенинг хонадонингда қария бўлмайди. Кўзингни қийнаш ва жонингни азоблаш учун Мен сендагиларнинг ҳаммасини қурбонгоҳимдан ажратмайман. Лекин сенинг хонадонингда барча улғайганлар ўрта ёшларида ҳалок бўладилар. Мана, сенинг иккала ўғлинг – Ҳофни ва Пинехес билан содир бўладигани сенга бир аломат бўлсин: иккови ҳам бир кунда ўлади. Мен Ўзим учун садоқатли бир руҳонийни қўяман, у Менинг юрагимдагидай ва кўнглимдагидай хизмат қилади. Унинг хонадонини мустаҳкам қиламан, у умрбод Менинг мойланганимнинг олдида юради. Хонадонингда қолган ҳар бир киши эса бир гер қумуш ва бир бурда нон учун унга бош эгиб: “Ўтинаман, бир бурда нон ейишим учун мени бирор руҳонийлик вазифасига тайин қил”, – деб унинг олдига келади».

– 1-Шоҳ 2:30-36

Иброҳимнинг ҳурмати

Иброҳим Худого махсус тарзда ҳурмат кўрсатди. Унинг ўғли Исҳоқ унинг ҳаётида энг муҳим жойни эгалларди. Иброҳим ваъда қилинган ўғилни йигирма беш йил кутди. У уни ҳаммадан ва ҳамма нарсадан ортиқ севарди. Лекин бир кечаси Худо Иброҳимга зоҳир бўлиб ундан, ўғлидан кўра Худого кўпроқ ҳурмат кўрсатишини талаб қилди. Раббий Иброҳимдан Исҳоқни қурбонликка келтиришни сўради. Сиз Иброҳимнинг юрагида пайдо бўлган ғулғулани тасаввур эта оласизми? Бу Иброҳим кўз олдида келтира олиши мумкин бўлган энг мушкул нарса эди. Насл келтирган ўғилни қурбон қилишдан кўра бор мулкни бериш осонроқ эди. Шундай бўлса-да Иброҳимнинг ҳолатида биз Элайдан фарқли ўлароқ тўлиқ тесқари ҳатти-ҳаракатни кўряпмиз. “Эртаси куни Иброҳим саҳарда туриб, эшагини эгарлади” (Ибт. 22:3). У чўзиб ўтирмади, эртаси куниёқ, Раббий унга буюрган ишни бажаришга отланди.

Ўзининг тайёрлиги билан Иброҳим Худони барча нарсадан ортиқ ҳурмат қилди. Шу боис Фаришта унга хитоб қилиб уни тўхтатди: “Пичоқни ташла! – деб буюрди фаришта. – Бундай қилма, болага зарар етказма. Энди билдим, сен ҳақиқатан Худодан кўрқар экансан. Сен ҳатто ягона ўғлингни Мендан аямадинг” (Ибт. 22:12). Яна қайтараманки, чинакам ҳурмат – бу муқаддас кўрқувнинг маҳсулидир. Энди Иброҳим Раббий

юксам ҳурматни кўрсатгани учун, қанақа мукофот олганини кўриб чиқайлик: “Шундан кейин Эгамизнинг фариштаси самодан Иброҳимни яна чақирди: Эганг айтмоқда: Менга итоат қилганинг учун, ҳатто ягона ўғлингни Мендан аямаганинг учун Ўзимнинг номим билан қасамёд қиламан: сенга албатта, қут-барака бераман. Наслингни осмондаги юлдузлардай, денгиз қирғогидаги қумдай сон-саноксиз қилиб кўпайтираман. Наслинг ғанимларининг дарвозаларини эгаллайдилар. Менга итоат қилганинг учун ер юзидаги ҳамма халқлар сенинг наслинг орқали барака топади” (Ибт. 22:15-18).

Унутманги, сиз Худони бевосита ёки билвосита унинг хизматкорларини ҳурмат қилиш орқали ҳурмат кўрсатсангиз, бу ҳурмат доим мукофот келтиради.

Мусонинг нотўғри танлови

Инсонни Раббийдан кўра кўпроқ ҳурмат қилгани сабабли ҳамма нарсадан маҳрум бўлишига сал қолган яна бир инсоннинг мисоли. Бу инсон – Мусо эди.

Унинг хатоси ўта жиддий эди. Худо шуқадар дарғазаб бўлган эдики, Мусонинг ҳаёт машъали деярли сўнган эди. “Мусо ва унинг оиласи тунни ўтказгани йўлда тўхтадилар. Шу пайтда Эгамиз Мусонинг олдида бориб, сал бўлмаса уни ўлдирай деди” (Чиқиш 4:24).

Бу ҳақда гапиришдан аввал, нима содир бўлганини тушунтириб беришимга ижозат беринг. Раббий Мусога эндигина ёниб турган бута орасидан зоҳир бўлди. Худо Мусога у Исроил халқини Мисрдан олиб чиқиши учун танланганини айтди. Мусо тоғдан пастга тушиб, хотинини ва болаларини олиб Худо унга топширган вазифани бажариш учун Мисрга йўл олди. Кейин нима содир бўлди? Қўққисдан Раббий Ўз халқини озод қилиш учун танлаган одамини ўлдирмоқчи бўлди. Нима Худо ақлдан озганми? Йўқ, минг карра йўқ! Унда у ерда нима содир бўлди? У ерда мана нима содир бўлди.

Мусо Яратувчи билан бўлган учрашувдан сўнг тоғдан тушиб биринчи бўлиб, хотинига дуч келди. Эри қандайдар чуқур кечинмани бошидан ўтказганини сезгани сабаб ундан сўраган бўлиши мумкин. Мен уларнинг суҳбатини шундай фараз қиламан:

“Азизам! – ҳайқирди Мусо. Худо менга зоҳир бўлди ва Мисрга бориб халқимни фиръавннинг қуллигидан озод қилишимни айтди. Аслини олганда

биз сен билан узоқ вақт гаплашган халоскор мен эканман”. Унинг хотини Сепфора жавоб берди: “Ғаройиб, севгилим мен сиз билан бирга бораман. Қачон йўлга чиқамиз?” Мусо жавоб берди: “Ҳозирнинг ўзида, лекин биз бир нарсани адо қилишимиз лозим. Тоғда Худо менга Иброҳим билан тузган аҳдини очди. У мен иккала ўғлимизни хатна қилишимиз кераклигини айтди”.

Хотини жавоб берди: “Яхши, келинг, катта ўғлимиз Герсондан бошлаймиз”.

Сўнгра Сепфора Мусо, қандай қилиб катта ўғлини хатна қилганига қараб турди.

Келинг, шу ерда тўхтаймиз. Сизга бир нарсани айтиб беришимга ижозат беринг. Мен учинчи ўғлимни қандай қилиб хатна қилганларини кўрганман. Таомилдан аввал шифокор бизни огоҳлантириб, ўзимизни тинч тутишимизни айтди.

Шифокор хатна қилганидан сўнг ўғлим Алик, бор кучи билан бақариб юборганини кўрдим. Мен унинг қийналганидан изтироб тортидим.

Келинг, буни Сепфорага нисбатан қўллаймиз. У катта ўғли қай даражада чинқирганини ва оғриққа чидолмай тиришиб типирчиллаганини кўрган. У ваҳимага тушган. Қандай қилиб унинг эри уларнинг суюкли ўғли билан шундай қилиши мумкин? У турмуш қурган эри аввал бунга эмасдику? Тоғда у билан нима содир бўлди? Наҳотки, у учратган Худо шуқадар қонхўр ва тошбағир бўлса?

Хуллас, онаси бунга чидай олмайди. У Мусо билан кенжа ўғил Элезернинг ўртасига туриб олади. Эйтироз ишорасида сифатида “икки қўлини белига қўяди”, у танаси билан гапириб, оёқларида елкаси қадар кенг туради: “Олдинга бир қадам ҳам босманг” дейди. У Мусога: “Буни қайта такрорламайсиз. Бу менинг болам! Мен Герсонга нисбатан қилган бағритош ва адолатсиз ишингизни кўрганим етади. Сиз қанақа эрсиз?!”

Мен уларнинг ўртасида қанақанги оилавий баҳс келиб чиққанини тасаввур эта оламан. Сепфора баҳслашади, сўнгра бақиради ва Мусога ҳатто дўқ-пўписа қилган бўлиши эҳтимоли ҳам бор. Улар кун мобайнида, сўнгра кечаси билан тортишишади. Кейин эртаси кун ҳам. Овқат пиширилмаган, дўқ-пўписа эса соат сайин ёмонлашиб боряпти. Мусо бундан чарчайди ва унга бунинг ниҳояси йўқдек туюлади.

Ниҳоят, хотиннинг кураши Мусонинг жонига тегади, шунинг учун у: “Мен баҳслашишдан чарчадим. Мен муҳим вазифани бажаришим керак. Мен бутун бошли бир халқни озод қилиш учун даъват қилинганман. Буни

бошлаш вақти келди” деб ўйлайди”. Шунинг учун Мусо хотинига чекиниб дейди: “Маили, юр йўлга тушамиз”.

Мисрга бориш йўлида Раббий Мусо, у ўз хотинини Ундан кўра кўпроқ ҳурмат қилгани сабабли ўлдириш учун уларнинг чодирига келади. Худо Ўзининг танланган етакчисига бундай иш тутишига йўл қўймайди. У Мусони ўлдириб бошқасини топиши керак эди. Бироқ Мусонинг хотини унинг эри билан нима содир бўлиши мумкинлигини пайқаган заҳоти у ўз ўғлини олиб, ўзи ўғлини хатна қилади. Биз сўнгида ўқиймиз: “Шунда, эҳтимол, Мусо ўз ўғлини хотини қаршилиқ қилгани сабабли хатна қилолмаган, бироқ Мусонинг ҳаёти хавф остида қолганини кўриб, “Шу заҳоти хотини Зиппура тош пичоқ олиб, ўғлини хатна қилди. Хатна терисини Мусонинг оёқларига теккизиб: “Сени мен учун шу хатна қони ҳимоя қилди” – деди” (Чиқиш 4:25).

Зиппура хатна қилганидаёқ: “Шунда Эгамиз Мусонинг ҳаётини сақлади. Зиппура Мусога: “Сен шу хатна қони орқали ҳимоя қилиндинг”, деди” (Чиқиш 4:26).

Бир марта Худо ибодатда мендан сўради: “Мен кимни ўлдириш учун келдим, Мусоними ёки унинг хотинини?” Мен “Мусони” деб мантиқан жавоб бердим.

Сўнгра Раббий менга деди: “Ҳа, тўғри, чунки Мен Мусога ўғилларини хатна қилишни айтдим, чунки у оила бошлиғи ва у хотинининг талабларини Меникидан кўра кўпроқ ҳурмат қилишга қарор қилди. Масъулият Мусода эди”. Шу орқали Худо менга бизнинг ҳоқимиятимизда бўлган одамларга мақбул бўлиш мақсадида савдолашмаслик, қанчалик муҳим эканини кўрсатди.

Мусо тинчлик ўрнатувчи эмас, балки тинчлик сақловчи сифатида ҳаракат қилди. Исо: “Тинчликни сақловчилар бахтлидирлар” демаган. (Матто 5:9) У “Тинчлик ўрнатувчилар бахтлидир” деган. Тинчилик сақловчи ёлғон тинчлик ҳиссига эришиш учун савдолашишгача боради. Етакчилар осонлик билан бу тўзоққа илинишлари мумкин. Моҳиятан, бу кўзимиз кўрмайдиган Зотни эмас, балки кўзимиз кўраётган кишини ҳурмат қилиш деб аталади. Бундай хулқ Раббийни жиркантиради.

Бошқа тарафдан тинчлик ўрнатувчи, агар жоиз келса қаршилиқ кўрсатади. Шу боис Исо дейди: “Яҳё Чўмдирувчининг кунларидан бошлаб бугунки кунгача Осмон Шоҳлиги зўравонлик ҳужуми остига қолди, бақувват одамлар уни куч билан эгаллаптилар (қимматбахо

совринни қўлга киритиш каби – Осмон Шоҳлигининг бир қисмини, - шижоат ва анча ғайрат билан топадилар)” (Матто 11:12). Худо Шоҳлиги – бу тинчликдир (Рим. 14:7). Чинакам тинчликка эга бўлиш учун, баъзан биз нотўғри нарсаларга қарши туришимиз даркор.

Одатда тинчлик сақловчилар худбин бўладилар. Улар ўзларининг қулай доирасидан чиқишни истамайдилар ёки улар низолашиши керак бўлган одамлардан келадиган фойдани ёқтирадилар. Элай ва унинг ўғиллари бунинг мисолидир.

Афтидан, Мусо ушбу ҳолатдан сўнг бошқа ҳеч ҳачон кимнингдир илтимосига ҳурмат кўрсатиш учун савдолашмасликни ўрганди. Асл маънода унинг хизматининг бошидаги ушбу хато у учун белги бўлиб қолди, дарс олиш нуқтасига, қаттиқ ишонч жойига айланди, бу унга умрининг охиригача буюк етакчи бўлишига имкон берди. Элий бошқача одам бўлган. У Мусо каби янги ва ёш етакчи эмасди, у чиниққан оқсоқол эди. У нима қилаётганини аниқ биларди. Мусо шунчаки яхши эр бўлишга ҳаракат қилгандир. У самимий эди, бироқ самимий ноҳақ эди.

Оила

Агар сиз ушбу бобда мен келтирган барча мисолларга эътибор билан қарасангиз, сиз уларнинг бари оила ичида содир бўлганини кўрасиз. Бу Элай билан Иброҳимнинг болалари ўртасида, Мусо билан хотинининг ўртасида содир бўлди. Исо бу масалага нисбатан қатъий деган:

“Мени ер юзига тинчлик олиб келган, деб ўйламанглар. Мен тинчлик эмас, қилич олиб келганман. Ўғилни отасидан, қизни онасидан, келинни қайнанасидан ажратиш учун келганман. Инсоннинг душманлари ўз уйидагилари бўлади. Кимки отасини ёки онасини Мендан ортиқ севса(ҳурмат қилса), Менга лойиқ эмас. Кимки ўғлини ёки қизини Мендан ортиқ севса, Менга лойиқ эмас”.

– Матто 10:34-37, қавс ичидаги сўзлар муаллифники

Биз Худонинг иродаси билан савдолашиб, инсонларга, ҳатто оила аъзоларимизга ҳурмат кўрсатсак, биз Раббийга қарши гуноҳ қилган бўламиз. Мен бу масаланинг жиддийлигини тушуняпсиз деб умид қиламан. Исонинг бу оятдаги сўзлари тўғри маъноли ва қатъийдир. Нега? Жавобни юқорида кўрсатилган мисоллардан кўраимиз. Элай оиласининг

устига ёғилган жазодан қутилишининг имкони йўқ эди. У ўғилларини Худодан устун қўйгани унга қимматга тушди.

Мен буни – иззатнинг тўғри мувозанати деб атайман. Бу китобда мен диққатимни ҳурмат қилишнинг муҳимлигига жамладим, бироқ кимнидир Раббийдан кўра баланд ҳурмат қилиш Раббийни ҳурмат қилмасликка ёки бутпарастликка киради ва кўпинча бу жиддий оқибатларга олиб келади. Бирор нарса ва бирор киши Худодан кўра кўпроқ ҳурмат қилинмаслиги керак. У бизнинг Раббимиз, Шоҳимиз ва Нажоткоримиздир. Биз буни ҳар доим эсда сақлашимиз керак.

Итоат орқали кўрсатилган иззат

Ёзувда эркаклар ва аёллар инсонларни Худодан кўра кўпроқ ҳурмат қилганликларининг кўплаб мисоли бор. Бунинг охирати ҳар доим қайғули бўлган. Бошқа тарафдан Худони ҳурмат қилиш ҳар қайси ҳолатда ижобий натижаларни олиб келган.

Шоҳларнинг учинчи китобида ёш ва кекса пайғамбарлар тўғрисида ларзага келтирувчи мисол ёзиб қолдирилган. Худо Яҳудиялик ёш пайғамбарга Байтилга бориб, Ерибом қурбонлик келтираётган қурбонгоҳга қарши пайғамбарчилик қилишини буюрди. У итоат қилиб борди, шунда Худо қурбонгоҳни икки қисмга парчалаб ташлади ва ундаги кул сочилиб кетди. Ҳамма нарса ёш пайғамбар айтганидек содир бўлди.

Шоҳ Ерибом Худонинг сўзи шуқадар шиддат билан бажо бўлганидан ва Худонинг кучи унинг қўлини шифолаганидан карахт бўлиб қолди. Шу сабаб шоҳ пайғамбарни ҳордиқ чиқариши ва уни мукофотлаш учун ўзининг саройига таклиф қилди. Пайғамбар жавобан деди:

“Бойлигининг ярмини берсанг ҳам, сен билан бормайман, бу ерда нон ҳам емайман, сув ҳам ичмайман. Эгамиз менга: “Нон емайсан, сув ичмайсан, борган йўлингдан қайтмайсан”, деб амр берган” (3 Шоҳлар 13:8, 9). Шундай қилиб у бошқа йўл билан қайтиб, Яҳудияга жўнаб кетди. Бироқ йўлда у кекса пайғамбарни учратди, у уни ўзининг уйига тамадди қилишга таклиф қилди. Ёш пайғамбар яна бир бор Худо унга амр этган сўзлар билан жавоб берди, у нон ҳам емаслигини, сув ҳам ичмаслигини ва келган йўлидан қайтмаслигини ва у билан бирга бормаслигини айтди. Шундай бўлса-да кекса пайғамбар хитоб қилди: “Мен ҳам сенга ўхшаган бир пайғамбарман,

фаришта менга Эгамизнинг шу сўзларини айтди: “Уни йўлдан қайтариб, ўзинг билан бирга уйингга олиб кел, нон еб, сув ичиб олсин.” Лекин кекса пайғамбар ёлғон гапираётган эди” (3 Шоҳлар 13:18). Ёш пайғамбар кекса пайғамбарнинг сўзларини ҳурмат қилди ва унинг уйига кирди. Улар дастурхон бошида ўтиришганда ёш пайғамбарга Раббийнинг сўзи келди ва у итоат қилмагани сабабли унинг жасади оталарининг гўрига кўмилмаслигини айтди. Ёш пайғамбар Яхудияга йўл олганда, шер унга ҳужум қилди. Лекин шер унинг жасадини ҳам, у миниб юрган эшагини ҳам емади. Кекса пайғамбар ёш пайғамбарнинг нобуд бўлганини эшитиб деди: “Эгамизнинг амрига итоат этмаган пайғамбар ўшадир. Шунинг учун Эгамиз шерни юборди ва шер уни тилка-пора қилиб ташлади. Эгамиз, айтганига биноан, уни ўлдирди”.

– 3 Шоҳлар 13:26

Ёш пайғамбар кекса пайғамбарга ҳурмат кўрсатди. Афтидан, ёш пайғамбар болалигидан кексаларни ҳурмат қилишга ўргатилган. У Худога хизмат қилаётган одамни, Худодан кўра кўпроқ ҳурмат қилиш кераклигига ишончи комил бўлган ва бундай ҳаракатнинг тагида эзгу ният ётибди деб ўйлаган. Бироқ тўғри мувозанатни сақлаш керак. Ёш пайғамбарнинг ҳалокатли хатоси шундан иборат эдики, у кекса пайғамбарнинг сўзларини Раббийнинг сўзидан кўра баланд ҳурмат қилди. Шу тугайли у ўз ҳаётидан маҳрум бўлди.

Янги Аҳдда Петрнинг ҳаётидан мисол кўрамиз. Ҳаворий Повул ёзади: “Петр Антиохия шаҳрига келганда, унинг нотўғри иш тутаётганлигини очиқчасига юзига айтдим. Чунки Қуддусдан – Ёқубнинг олдидан баъзи одамлар келмасдан аввал Петр ғайрияхудийлар билан бирга еб-ичиб юрган эди. Аммо улар келгандан кейин Петр хатна тарафдори бўлганлардан хавотирланиб, ўзини четга олди ва ғайрияхудийлар билан бирга бир дастурхонда ўтирмайдиган бўлди. Шунда бошқа яҳудий масиҳийлар ҳам Петрга ўхшаб иккиюзламачилик қилишди. Ҳатто Барнабо ҳам уларнинг иккиюзламачилиги тугайли йўлдан озди” (Галатияликларга 2:11-13).

Нима сабабдан Петр, Барнабо ва бошқа яҳудий масиҳийлар маъжусийлардан четлашдилар? Улар аввал бирга бемалол овқатланишарди-ку? Жавоб равшан: улар шундай қилиб, ўзларининг дўстларини ҳақиқатдан кўра устун ҳурмат қилдилар, бунинг натижасида, улар ўзларини кўрқоқ ва иккиюзламачи қилиб тутдилар. Бу ҳақиқат Петрга

Яффадаги ваҳийда аён бўлган эди: “Ўша овоз яна Петрга: “Худо ҳалол деб айтган нарсаларни сен ҳаром демагин”, дея гапирди” (Ҳаворийлар 10:15).

Қайтараман, аминманки, баъзан биз учун биз кўрмайдиган Зотдан кўра, биз кўрадиган одамларни ҳурмат қилиш осонроқ. Шундай бўлса ҳам биз бундай қилмаслигимиз керак. Биз ҳаётимиздаги эътиқодимизнинг сарҳадларини ўрнатишимиз лозим. Бу агар биз севган ва ҳурмат қилган одамлар биздан Ёзувга мос келмайдиган нарсаларни қилишни сўрашса, васваса қилишса ёки шундай қилишга ундашса биз уларнинг истагини Худоникидан устун қўя олмаймиз.

Ҳурмат қилишдан тийилиш

Шундай пайтлар бўладики, эҳтиромдан тийилиш керак бўлади. Бу камдан-кам ҳолатларда содир бўлишига қарамасдан, гуноҳ қилмаслик учун шундай қилиш лозим. Биз қуйи оятда шунини ўқиймиз:

“Ақлсизга иззат-икром кўратиш ёзда ёққан қор, йиғим-терим пайтидаги ёмғир кабидир”.

– Ҳикм. 26:1

“Ақлсизга иззат-ҳурмат кўрсатиш палахмонга қимматбаҳо тош бошғлаб қўйиш кабидир”.

– Ҳикм. 26:8

Палахмонга қимматбаҳо тош қўйиш, ўз-ўзига зиён етказишдан бошқа нарса эмас.

Бу кундалик ҳаётимизда қандай содир бўлади? Аввалига ақлсиз кимлигини аниқлайлик. Ақлсиз одам ўз юрагида Худо йўқ дейдиган кишидир (Сано 53:1), ғийбат тарқатувчи аҳмоқдир (Ҳикм. 10:18), аҳмоқ ёмонлик қилишдан завқланади (Ҳикм.10:23), нодон ўз йўлини тўғри деб ўйлайди (Ҳикм. 12:15), аҳмоқнинг сўзлари ўзига калтак келтиради (Ҳикм. 14:3), насиҳатни рад этади, ақл-идрокни ёқтирмайди (Ҳикм. 15:5, 18:2). Бу Ёзувда таърифланган аҳмоқ кишига хос бўлган бир неча хислатлардир. Қисқача гапирганда, бу Янги Аҳдда кўпинча дажжол деб аталган одамдир, зеро у Исо Масихнинг йўлига ва таълимотига мутлақо қарши ҳаёт кечиради.

Биз бундай одамни унинг аҳмоқлиги учун ҳурмат қилсак, ўзимизга зиён етказамиз; биз палахмондан улоқтирган тош ўзимизга қайтиб бизни уради. Юҳанно ўзининг иккинчи мактубида бу ҳақда яққол ёзган:

Агар бирор киши олдингизга келиб, сизларга бошқача таълимотни ўргатса, уни уйингизга киритманглар, таклиф ҳам қилманглар. Агар уни таклиф қиладиган бўлсангиз, унинг ёмон ишларига шерик бўлган ҳисобланасиз.

– 2-Юҳанно 10-11

Масиҳнинг таълимотига мос бўлмаган хулқни ва имонни ҳурмат қилиш аҳмоқликдир. Шундай йўл тутган киши уларнинг гуноҳига шерик бўлади.

Ҳурматга эришиш

Ва ниҳоят, Муқаддас Китоб бизга ҳурмат талаб қилишни ўргатмайди. Агар эр ҳурмат тўғрисида ваъз эшитгач, уйига бориб, ўз хотинидан ва фарзандларидан ҳурматни талаб қилса, у ваъзнинг мазмунини тушунмаган ҳисобланади. Ушбу таъкидлов ҳақиқатдир ва бошқа кўринишдаги ҳар қандай ҳокимиятга тааллуқлидир. Бошқа томондан, Ёзув бизга ўз ҳаётимизда ҳурматга эга бўлишимиз учун нима қилишимиз мумкинлиги ҳақида айтади.

“Доно бўл, идрокли бўл, уларни унутма, сўзларимдан чиқма. Доноликдан юз ўгирма, у сени ҳимоя қилади, уни севгин, у сени асрайди. Доноликнинг боши шудир, доно бўл, бор-йўғингни бериб бўлса ҳам, идрок ол. Уни ҳурмат қил, сени кўкка кўтаради. Уни қучгин ва у сени шон-шухратга эриштиради”.

– Ҳикматлар 4:5-8

Муқаддас Китобнинг инглизча таржимасида: сенга ҳурмат келтиради деб ёзилган.

Доноликни қучганингизда сизга ҳурмат келади. Доноликнинг боши – Раббийнинг қўрқувидир. Биз Раббидан қўрқганимизда, Худонинг Сўзига ишонамиз ва ҳаётимизнинг барча соҳасида Унга итоат қиламиз. Бизда Унинг барча амрларини ва буйруқларини бажариш истаги уйғонади. Айримлар Ёзувдаги оятларни ўзларининг фойдаси ва манфаати учун мослаштиришга уринадилар. Шу боис улар Муқаддас Китобни ўқиганларида, улар ўқиган нарсага ишонишнинг ўрнига, ўзлари ишонган нарсаларни ўқийдилар. Биринчиси – бу донолик келтирадиган Раббийнинг қўрқуви, иккинчиси – ёлғон.

Ҳалол яшашга интилган одамлар, шавқатни севувчилар ва Раббий

олдида ҳоксор юрганлар, тез тавба қиладилар ва ишонадилар. Улар Худо уларни тўғрилашига йўл берадилар.

Бизга шундай дейилган: “Насихатга қулоқ солмаганларга қашшоқлик ва уят келади, танбеҳга қулоқ солганлар эса ҳурмат ва иззат топади” (Ҳикматлар 13:18). Уятнинг тескариси – иззатдир. Танбеҳни рад этиб сиз уятни қўлга киритасиз; ҳақиқатни шахсий қулайликдан ва лаззатдан кўра кўпроқ севиш иззат-икромни келтиради.

Ҳамма нарса қуйидаги ҳақиқатга олиб боради: “Камтарлик ва Эгамиздан қўрқиш бойлик, ҳурмат ва ҳаёт келтиради” (Ҳикматлар 22:4). Худо сиз диёнатни қидирсангиз сизга ҳурмат келишини ваъда беряпти. У тезда келмаслиги мумкин, лекин у албатта келади. Мен йигирма беш йилдан ортиқ хизматда бўлиб, Худонинг давомий баракаларида яшаб келаётган одамларни кўрдим. Уларнинг баъзилари, уларнинг садоқати мукофотсиз қолади деб ўйлашган, лекин сабр-тоқат орқали улар ахийри тирик Худонинг буюк ҳурматини ва баракасини кўрдилар.

Ҳурматни сақлаб қолиш

Ҳурматда яшашда давом этиш учун биз руҳимизда камтарин бўлишимиз керак. Худо бизни нақадар дуо қилаётганига қарамасдан, бизга берилмаган нарса йўқлигини ёдимизда тутишимиз лозим. Мен Лиза билан хизмат қилишни бошлаганимда бизнинг ҳеч вақомиз йўқ эди ва ҳеч ким бизни таклиф қилмас эди. Биз Раббий очган нарсага ҳаётимизни тўлиқ бағишлашга қарор қилдик.

Йиллар мобайнида Худо бизнинг муҳтожликларимизни қаноатлантираётганини кўрганимиздан сўнг, баъзан Раббий охири лаҳзада менга гапирарди: “Ўғлим, Мен сени, сенинг оилангни ва хизматингни сен орзу қилгандан юқорироқ дуо қилмоқчиман. Сенинг хизматинг тўлиқ таъминотда бўлади, сенинг хизматинг янада кўпроқ таъсирга эга бўлади. Бироқ бу нарсада Мен сени синайман. Қўрқоқчилик пайтида сен Менга суяндинг: нима дейиш, пулларни қаерга ишлатиш, қаерга сафарга бориш кераклида ва ҳоказоларда. Мен сени тўкинчилик билан дуо қилганимда сен ўзингдан гапиришни бошлайсанми ёки нимани гапириш кераклиги учун Мени излашни давом эттирасанми? Сен пулларни ўнг келган жойга сарфлайсанми ёки Менинг маслаҳатимни излайсанми? Нима қилиш кераклигини ва нима қилиш керак эмаслигини билиш учун Мени излайсанми? Сен нимадан бошлаганингни эсда сақлайсанми?”

Сўнгра У давом этди: Ўғлим, кўплаб хизматкорлар қўрқоқчилик

пайтида эмас, балки тўкинчилик пайтида йиқилдилар”. Мен уйга бориб эшитганларимни рафиқамга айтганимни эслайман. У менга хушёрлик билан қараб деди: “Жон, агар сен менга Худо бизни тўкинлик билан дуо қилиши ҳақидаги ваҳийнинг фақат биринчи қисмини айтганигда эди мен ҳозирнинг ўзидаёқ рақсга тушган бўлардим, аммо мен огоҳлантиришни эшитганимдан сўнг мени муқаддас қўрқув қоплади”.

Мен унинг гапларини маъқуллаб бошимни силкиб қўйдим.

Повул бутун ҳаёти давомида ўзига нисбатан “ҳаворийларнинг энг кичиги”, “муқаддасларнинг энг кичиги” ва “гуноҳкорларнинг орасидаги биринчиси” сифатида муносабда бўлган. У қаердан чиққанини ва қуйидаги абадий ҳақиқатни эсидан чиқармади: унда нимаики бор бўлса барчасини Раббий берган.

Шу боис у ёзади: “Ким сизга шундай ҳуқуқ бериб қўйган?! Худодан олмаган бирор нарсангиз борми?! Бор нарсангизни сизга Худо берган-ку, нима учун худди ўз кучингиз билан эришгандай мақтаниб юрибсиз?” (1 Кор. 4:7). Биз Худонинг олдида камтаринликда юргангизда биз меҳнат қилган нарсаларимизни йўқотмаймиз. Биз ушбу китобда кўрган Ёзувдаги биринчи оят эсингизда: “Шундай экан, огоҳ бўлинглар! Мукофотингизни тўлиқ олиш учун Масихга бўлган ҳақиқий имонингизни маҳкам тутинглар” (2-Юҳанно 8).

Биз меҳнатимизнинг ҳосилини сақлаб қолишимиз учун бизга насиҳат берилган: “Одамнинг мағрурлиги уни паст қилади, камтарин эса иззат-ҳурмат топади” (Ҳикматлар 29:23). Сақлаб қолиш сўзига эътибор беринг. Агарда биз Раббийнинг қўрқувида яшасак ва чинаким камтаринликда юрсак биз иззат-ҳурматни ушлаб қоламиз ва шунингдек, кўпайтирамиз. Исо бизни қанчалик улкан ўлимдан қутқаргани ёдингиздан кўтарилмасин. Қолаверса, Унинг севгисини эсда сақланг ва сиз алоқага кирган ҳар бир кишини ҳурмат қилинг. Шундай қилиб, Исо сиз учун Ўз ҳаётини қурбон қилиб сизга ҳурмат кўрсатганидек, сиз ҳам инсонларни шундай ҳурмат қилинг. Шунда сиз иззат-ҳурмат топасиз, мукофотланасиз ва олганингизни сақлаб қоласиз.

Хотима

Ҳаққоний ҳурмат юрагимиздан чиқишига кўп марта урғу бердик. Юрагимизни ўзгартиришнинг самарали йўлларида бири – самимий ибодатлардир. Ҳар куни юрагингизда Худонинг севгиси, муқаддас қўрқув ва ҳурмат жо бўлишини сўраб, ибодат қилишга сизни руҳлантираман. Мен ушбу китобни якунлаяпман, бироқ мактубни эмас. Бу мактуб сизнинг ҳаётингизда

ҳосиллар келтиради. Сизнинг ибодатларингиз орқали Раббий, У ҳаётингизга олиб келадиган одамларга нисбатан, юрагингизга чин эҳтиромни қуяди. Агар сиз эҳтиромни менсимамай яшаган бўлсангиз, қуйидаги ибодатимни тавба билан бошлайман. Келинг, биргалашиб Худодан сўраймиз:

Самовий Ота, Сен манашу китоб орқали менга гапирганинг учун миннатдорман. Мен Сенинг қаршингга келаман ва авваломбор, Сендан кечирим сўрайман. Сен менинг ҳаётимга олиб келган одамларни менсимаганим учун, мени кечир, илтимос. Мендан юқорида турадиган ҳокимиятни менсимаганим ва уларни ҳурмат қилмаганим учун кечир. Ўз тенгдошларимни, мен билан баробар бўлган одамларни эъзозламаганим, шунингдек, менинг қарамоғим остидагиларга эҳтиром кўрсатмаганим ва ниҳоят, ҳаётимда учраган барча аёллар ва эркаларга нисбатан ҳурматда бўлмаганим учун мени кечирингизни сўрайман. Мени Исо Масиҳнинг қони билан поклашингизни сўрайман, зеро мен бошқаларга нисбатан ҳиссиз бўлганим учун тавба қиламан.

Менинг юрагимни ва қалбимни ҳаққоний эҳтиром билан тўлдиргин. Раббийнинг қўрқуви ва Илоҳий севгиси юрагимга қуйилишини истайман. Сенинг юрагинг барча инсонларга, аёллар ва эркаларга аҳамиятли деб, севги, ҳурмат ва эъзоз билан қараганидек, менинг юрагимни ҳам ёндиришингизни хоҳлайман. Мен буни имон билан сўрайман ва ҳозирнинг ўзида буни қабул қиламан. Исо Масиҳ номи билан ибодат қилдим. Омин.

Ушбу ибодатни кун сайин такрорланг, Худонинг Сўзига итоатда бўлинг ва Осмон Шоҳлигининг буюк элчисига айланиб бораётганингизни кузатинг. Сизнинг мукофотингиз улкан бўлади, сиз қувончни ҳис этасиз ва юрагингиз тўлади. Сиздаги Шоҳга бўлган севгингиз ва хизматларингиз учун катта раҳмат.

“Сизларни йиқилишдан сақлаб қолишга, Ўзининг шўҳратининг ҳузурида бенуқсон ва шод-хуррам қилиб қўйишга қодир бўлган яккаю ягона, доно Нажоткоримиз Худоба Исо Масиҳ орқали азалдан, ҳозир ва абадулабад шон-шўҳрат, улўғворлик, салтанат ва ҳокимият бўлсин! Омин”.

Илова

ҲАММА ОЛИШИ МУМКИН БЎЛГАН НАЖОТ

“Шундай қилиб, агар сен Исони Раббим деб, ўз оғзинг билан эътироф этсанг ва Худо Уни ўликлардан тирилтирганига ўз юрагинг билан ишонсанг, нажот топасан. Чунки инсон ҳақликка эришиш учун юраги билан ишонади ва нажот топиш учун оғзи билан эътироф этади”.

– Римликларга 10:9-10

Худо сизнинг тўлиқ ҳаётга эга бўлишингизни истайди. У сизни бутун қалби билан севади ва Унда сизнинг ҳаётингиз учун режа бор. Лекин ўз тақдирингизга олиб борадиган йўлни танлашнинг фақат битта усули бор – Исо Масих, яъни Худонинг Ўғли орқали нажотни қабул қилишдир.

Исонинг ўлими ва қайта тирилиши орқали Худо сиз учун, Ўзининг сеvimли ўғли ва қизи учун Ўз Шоҳлигига йўл очди. Масихнинг хочдаги ўлими туфайли сиз абадий фаровон ҳаётга эга бўлишингиз мумкин. Нажот – бу сиз учун Худонинг тўхфасидир, уни ишлаб топиш ёки сазовор бўлиш мумкин эмас.

Бу қимматбаҳо тўхфани олиш учун ўз гуноҳингизни ва Яратувчингиздан мустақил яшаганингизни эътироф қилишингиз керак (чунки бу қилинган ҳамма гуноҳларнинг илдизидир). Тавба – нажотни қабул қилишдаги энг муҳим қисмдир. Бутрус бу ҳақида ҳаворийлар китобида тасвирланган, беш минг киши нажот топган кунда аниқ қилиб

232 ҲУРМАТ ЭВАЗИГА МУКОФОТ

айтган: «Шунинг учун гуноҳларингиз ўчириб ташланиши учун тавба қилинглар ва Худога ўгирилинглар» (Ҳаворийлар 3:19). Муқаддас Китоб ҳар биримиз гуноҳга қул бўлиб туғилганимизни айтади. Бу қуллик ўз илдизи билан ўзбошимчалик ва итоатсизликни бошлаб берган Одам Атога бориб тақалади.

Тавба – бу ўзингизга ва ёлғоннинг отаси бўлмиш, шайтонга итоат қилишни тўхтатишни ва бундан буён ўзингизнинг янги Хўжайинингизга, Исо Масиҳга – яъни Ўз ҳаётини сиз учун қурбон қилган Зотга қулоқ солишни билдиради. Сиз ўзингизни Масиҳга бўйсундиришингиз, Уни ўз Хўжайинингизга айлантиришингиз, ўз ҳаётингиз устидан Унга ҳокимиятни беришингиз (Унга ўз руҳингиз, қалбингиз ва танангизни бўйсундиришингиз), ўзингизни бутунлай Унга топширишингиз керак. Сиз шундай қилсангиз, Худо сизни зулматдан озод қилади ва Ўз Шоҳлигининг нури ва шўхратига олиб келади. Сиз ўлимдан ҳаётга ўтасиз ва Унинг фарзандига айланасиз!

Агар сиз Исо орқали нажот олишни истасангиз, бу сўзлар билан ибодат қилинг:

«Осмондаги Худо, мен ўзимнинг гуноҳкорлигимни ва Сенинг солиҳлигинг ўлчовлари асосида яшай олмаслигимни эътироф қиламан. Ўз гуноҳларим учун мен абадий жазога лойиқман. Сен мени шу аҳволда ташлаб қўймаганинг учун раҳмат, чунки мен Сен Исо Масиҳни, яъни бокира Марямдан туғилган Ўзингнинг ягона Ўғлингни мен учун ўлиши ва хочда менинг жазомни олиши учун юборганинга ишонаман. У учинчи кун тирилганига ва ҳозир Сенинг ўнг томонингда ўтирганига ишонаман. У Менинг Худоим ва Нажоткоримдир. Бугун мен Сендан алоҳида бўлганим учун пушаймонман ва ўз ҳаётимни тўлиқ Раббимиз Исога топшираман. Исо, мен Сени Ўз Раббим ва Нажоткорим деб тан оламан. Менинг ҳаётимга Ўз Руҳинг билан кир ва мени Худонинг фарзанди қилиб, ўзгартир. Мен шу пайтгача бўлган зулматдан юз ўгираман ва шу кундан бошлаб мен ўзим учун эмас, балки Сен учун Сенинг иноятинг билан яшамайман, чунки мен абадий яшашим учун Сен Ўзингни мен учун қурбонлик қилгансан. Раҳмат Сенга Худованд. Энди менинг ҳаётим Сенинг қўлингда ва Сенинг Каломингда айтилганидек, мен уятга қолмайман. Исо Масиҳ номи билан омин».

Оилага хуш келибсиз! Сиз билан ҳозиргина нима содир бўлгани ҳақида бошқа имонлиларга гапириб беришингизга даъват қиламан. Муқаддас Китобга ишонадиган бирорта маҳаллий жамоатга боришни ва сизга имонда далда берадиган имонлилар билан суҳбатда бўлишни бошлаш муҳимдир. Сиз бизнинг хизматимиз билан боғланишингиз мумкин (MessengerInternational.org) ва биз сиз яшайдиган жойда жамоат топиб беришга ёрдам берамиз.

Сиз энг ажойиб сафарни бошладингиз. Сиз очиқликда, иноятда ва У билан дўстликда ҳар куни ўсишингиз учун Худо сизни баракаласин!

МУҚАДДАС РУҲ

*Сиз У ҳақида биласиз –
бироқ Уни биласизми?*



Биринчи шогирдлар Исо билан уч йил бирга бўлдилар. Улар Унинг ҳамма айтган гапларини тинглаб У билан бирга юрар эдилар. Аммо хочдан олдин Исо энг яқин дўстларига, У Муқаддас Руҳ келиши учун кетиши кераклигини – ва бу уларга яхши бўлиши учун кераклигини айтди (Юҳанно 16:7, 13-14). Агар ҳар куни Исо билан бирга бўлган шогирдларга Муқаддас Руҳ керак бўлган бўлса, У бугунги кунда, айниқса, бизларга керак. Бизнинг ҳаётимизда Унинг фаол қатнашуви лозим.

Афсуски, кўпинча Муқаддас Руҳни нотўғри тушунишади, натижада, кўпларни Унинг кимлиги ва У бизга Ўзини қай тарзда намоён қилишини билишдан маҳрум қилишади. Муқаддас Руҳ аксарият ҳолларда қандайдир «ғалати» шахсга ўхшаб таърифланади. Бироқ Муқаддас Китоб бизга – Муқаддас Руҳ нарса эмаслигини яққол тарзда айтмоқда. Жон Бивернинг ушбу интерактив китоби сизни, Жамоатдаги энг менсилмаган ва тушунилмаган Шахсни – Муқаддас Руҳни таниб-билишга таклиф қилади.

ШАЙТОННИНГ ХЎРАГИ

*Кечиримсизликнинг ҳалокатли
тузоғидан эркин ҳаёт*




«Шайтоннинг хўраги» китоби – одамларни Худонинг иродасидан чиқариш учун шайтон ишлатадиган энг алдамчи тузоқлардан бирини очиб беради, бу хафалиқдир. Шайтоннинг бу хўраги билан тузоққа илинган кўплаб одамларнинг ўзлари бuni ҳатто билишмайди.

Алданиб қолманг! Масих шундай деган: «Васвасалар келиши тайин» (Луқо 17:1). Сиз алданиш, ёки алданмасликни танлай олмайсиз, бироқ бу синовга қандай муносабатда бўлишни сиз белгилайсиз. Агар васвасаларга тўғри ёндошилса, сиз натижада аламзада эмас, балки кучли бўласиз. Фақат тўғри муносабат, Худо билан муносабатларда тўсиқларни четлаб ўтишни беради.

Жон Бивер ушбу мактуб орқали, сизни Худонинг иродасининг пайида бўлиб, гумонсираш ва ишончсизликдан қутулишга чорлаяпти. Сиз қурбон бўлганлик дунё қарашини қолдириб, бўрттирилган муаммо ва хафсаласи пирлик юкисиз яшашни бошлашингиз мумкин. Худога бўйсунининг юқори поғонасини очганингизда, ҳаётингиз кечирим, мурса ва тўхтовсиз қувонч билан тўлади.

ЯХШИЛИК ЁКИ ХУДО?

*Нима учун Худосиз
яхшилик етарли эмас*



Агар бу яхши бўлса, демак Худодан, шундайми?

Ҳозирги кунларда «яхши» ва «Худо» сўзи қарийб синоним бўлиб қолди. Бизлар агар жамият бирор нарсани яхши деб ҳисобласа, демак, албатта бу Худога маъқул бўлиши керак, деб ўйлаймиз. Сахийлик, бўйсунувчанлик ва адолат – бу яхши. Худбинлик, манманлик, шафқатсизлик – бу ёмон. Уларни фарқлаш осондек туюлади.

Лекин ҳаммаси шуми? Агар яхшилик шу қадар аниқ бўлса, нима учун Муқаддас Ёзувда бизлар яхшилик ва ёмонликни фарқлашни ўрганишимиз лозимлигини ёзилган?

“Яхшилик ёки Худо?” – бу янги, ёрдамчи китоб эмас. Бу китоб сиздан феъл-атворингизни ўзгартиришни сўрашдан кўра кўпроқ иш қилади. У сизнинг ҳаётингизнинг ҳар бир соҳасини ўзгартирадиган даражада Худо билан бирлашишга сизга куч беради.

АБАДИЯТ ТОМОНИДАН БОШҚАРИЛАЁТГАНЛАР

Бугун ва абадиятда аҳамиятга эга бўлган ҳаёт



Бир куни Худонинг қаршисида туриб, бутун ҳаётингиз учун ҳисобат берасиз. Ҳозир ўзингизга берадиган энг муҳим савол шундаки, - сиз бунга тайёрмисиз?

Ақсарият масиҳийлар, уларнинг хочга ишониши, абадийликда қаерда бўлишини белгилашини биладилар. Бироқ абадийликни қандай ўтказишингизни эса, бу ҳаётда нималар қилганингиз аниқлашини биласизми?

Худо сиз ўз даъватингизни билишингизни истайди, У сиздан ниманидир яширишга уринмайди. Боз устида, У сиз ерда нега яшаётганингизни англаган ҳолда, мазмун ва мақсадга эга бўлишингизга чанқоқ.

Охирги нафаснинг ортида шунчаки охирги манзил эмас, балки абадий ҳаёт кутмоқда. Жуда кеч бўлишини кутманг. Худо томонидан сизга белгиланганларини билиб олинг, токи ердаги ҳамда абадийликдаги ҳаётингиз улкан аҳамиятга эга бўлсин.

КРИПТОНИТНИ ЙЎҚ ҚИЛИШ

Сизнинг кучингизни ўғирлайдиган нарсани, қандай қилиб зарарлантириш мумкин



Ҳар қандай тўсиқни енгиб ўтишга ва ҳар бир душманни яқсон қилишга қодир Супермен каби, Масиҳнинг издошлари ҳам ўз йўлларидаги барча қийинчиликларни енгиб ўтиш чун ғайритабиий қобилиятларга эгадирлар. Аммо Суперменда бўлгани каби бизларда ҳам битта муаммо бор – бу бизнинг кучимизни ўғирлайдиган криптонитдир. Сўзсиз, Супермен ва криптонит – тасаввурнинг маҳсулидир. Аммо руҳий криптонит ҳақиқатан мавжуд.

Бу китобда сиз, шубҳасиз, биринчи аср масиҳийлари эга бўлмаган илоҳий кучдан бизнинг кўпчилигимиз нима учун маҳруммиз, деган саволга жавоб топасиз.

“Криптонитни йўқ қилиш” китобида, Жон Бивер руҳий криптонит нима экани, у бизнинг жамиятимизга қандай таҳдид солиши ва унга асирликдан қандай қутулиш мумкинлиги ҳақида сўзлайди.

“Криптонитни йўқ қилиш” кўнгли бўш кишилар учун эмас, нима десангиз денг-у, лекин ширинликни яхши кўрадиганлар учун роҳатижон ҳам эмас. Бу қийинчиликларга рози бўладиган ҳар бир Масиҳнинг издоши учун жиддий ҳақиқат ва мукофотни ваъда қиладиган ўзгаришлар йўли ҳисобланади.

MessengerX.com  да топиш мумкин

ХУДО ҚАЕРДАСАН?!

Ўз чўлингизда куч ва мақсадни
қўлга киритинг



Эҳтимол, сиз шу пайтгача Худонинг овозини эшитгандирсиз, бироқ ҳозир У сукут сақлаётгандек бўлиб кўриняпти. Эҳтимол, сиз шу пайтгача имонда ҳаракатланиб келгансиз, аммо ҳозир Унинг ҳузурини топа олмаяпсиз. Худодан ваъдани олиш ва уни амалга ошиши ўртасидаги жой бўлмиш – чўлга марҳабо.

Яхши хабар шундаки, чўл – бу мақсадсиз ва қуруқ ер эмас. Худо сизни даъватингизга тайёрлаш ва анжомлаш учун чўлдан фойдаланади. Аксарият кишилар нима деб ўйлашидан қатъий назар, биз Худони шунчаки кутиб ўтираверсак, бу даврдан ўта олмаймиз. Чўлдан ўтиш учун сизнинг иштирокингиз ҳам керак ва сизнинг иштирокингизнинг аҳамияти катта. Агар сиз вақтни беҳудага сарфлашни ва бир жойда айланиб юришни истамасангиз, чўл нималигини билиб олишингиз жоиз.

Ушбу ваҳийларга бой китобда, оммабоп китоблар муаллифи Жон Бивер, Худо сиз учун тайёрлаб қўйган барча нарсани қўлга киритишда ва ҳаётингизнинг қийин ва қуруқ мавсумидан ўтишда ёрдам берадиган Муқаддас Китобдаги муҳим билимлар ва сермазмун воқеалар билан отлантиради.

Х: ХУДО ТОМОНИДАН БЕРИЛГАН ИМКОНЯТИНГИЗНИ ОШИРИНГ



Сиз бирор марта Осмон Шоҳлигида ўзингизни қузатувчи сифатида ҳис Сиз бирор марта Осмон Шоҳлигида ўзингизни қузатувчи сифатида ҳис қилгансизми? Эҳтимол, нимадир қилишингиз лозимлигини биласиз, бироқ айнан нима қилиш кераклигини батамом билмайсиз. Бизнинг орамызда кўпчилик ўз ҳаёти орқали катта таъсир кўрсатишни истади, бироқ сизда жавоб олмаган саволлар қолган бўлиши мумкин.

Жумладан:

- Ўз ҳаётимда Худонинг иродасини назардан қочирмаётганимни қандай билиш мумкин? Менинг ноёб инъомларим Худо Шоҳлигини қуришда қандай аҳамиятга эга?
- Худо томонидан менга берилган имкониятни ишлатаётганимга қандай ишонч ҳосил қилишим мумкин?
- Агар мен «хизматда» бўлмасам, менинг бурчим камроқ аҳамиятга эга ҳисобланадими?
- Худо инояти остида бўлиш ва Унинг Шоҳлиги учун ҳаракат қилишда қандай мувозанат сақлаш мумкин?
- Ҳатто ишончсизлик ва хавф-хатар мавжуд бўлган вазиятларда ҳам қандай қилиб қўрқувни енгиш ва олға юриш мумкин?

Бу таъсирли китобда муаллиф Жон Бивер Муқаддас Китобнинг батафсил тадқиқотига асосланади ва сизнинг ўз бурчингиз ҳақида бошқача ўйлашингизга ва унинг Худога нима учун муҳимлигини тушунишингизга ёрдам бериш мақсадида ишончли ҳикояларни ишлатади. Бу китобнинг саҳифаларида сизга Худодан берилган инъомларни кўпайтиришни ва ўз имкониятингизни ишлатишни ўрганасиз!


MessengerX.com



да топиш мумкин

X MessengerX

Ҳар бир киши учун, ҳамма жойда шогирдликка йўл




- 115 дан ортиқ тилларда бепул
- Илова ҳамда онлайн сифатида олиш мумкин
- Сизнинг руҳий ўсишингиз учун мўлжалланган манбалар
- Ўзингизнинг ўтмишингизни ва шогирдлик йўлингизни кузатиб боринг



“Messenger” ёрдамида ўқиш учун заҳиралар кутубхонасини олинг – электрон китоблар, видео ва аудио дарсликлар, аудио китоблар, Муқаддас Китоб ва ҳоказолар. Ўзингизнинг барча мосламаларингизда кўринг, ўқинг ва тингланг.

MessengerX.com



Дунёнинг барча жойида App Store ва Google Play орқали олиш мумкин.

«Жон Бивер Муқаддас Китобдаги нозик мазмундаги матнларни ўрганишдек, топилмас қобилиятга эга. Ўқувчилар унинг янги ва зийрак кузатувларидан ҳайратда қолишади».

— USAПАБЛИШЕРС УИКЛИ

Бирор масиҳий Худони чеклашни истамайди, аммо кўпчилигимиз ўта даражада муҳим қоида бўлмиш, Ҳурмат фазилатини этиборсизликда қолдириб, ўзимиз сезмаган ҳолда ҳаётимиздаги Унинг ҳаракатини чеклаймиз.

Ҳурмат – аслида бизнинг маданиятимизда унут бўлиб улгурган тушунча ҳисобланади; шундай бўлсада, бу китобнинг саҳифаларида, ҳурмат ҳаётимиздаги барча соҳаларда Худонинг шоҳлигини ўрнатишини гувоҳи бўлишингиз мумкин.

"Ҳурмат эвазига мукофот" китобида бозори чаққон муаллиф Жон Бивер, ҳурмат кўрсатиш чорловини қабул қилиб, сиз Худонинг қадрият тизими билан уйғунлашишни бошлашингизни ва У сиз учун тайёрлаб қўйган ҳамма нарсаларга эга бўлишингизни очиб бермоқда.

Муқаддас Китобдаги теран ҳақиқатларни, амалиётда намойиш этадиган таъсирли матнларни бирлаштириб, бу китоб унут бўлган фазилатга янги назар ташлашга ёрдам беради ва бундан ҳам муҳимроғи, уни ҳаётингиздаги ҳар битта соҳага олиб келишга уринади.



ЖОН БИВЕР - Халқаро ваъзхон ва машҳур китоблар муаллифидир. У Муқаддас Китобга ўзининг мустақкам муносабати билан машҳурдир. Жон ва унинг рафиқаси Лиза «Мессенжер Интернэшнл» - хизмати асосчилари ҳисобланади. Бу хизматнинг мақсади дунёни ўзгартирадиган Масиҳнинг матонатли издошларини етиштиришдан иборатдир. Жон ўз уйида, Колорадода бўлган пайтда тўртта ўғли билан ақлни чархлайдиган қизиқарли карта ўйини ўйнайди. Лизани эса гольф ўйнашга кўндиришга ҳаракат қилади.



Бепул юклаш ва видео томоша қилиш учун
MessengerX.com саҳифасига ташриф буюринг.

MessengerX



MESSENGER
INTERNATIONAL
MessengerInternational.org

Бу китоб – муаллифдан тўхфа.
Сотиш ман этилади.

Кўпроқ ўстайсизми?
Скенер қилинг.

